

2724
118
К. НАЗАРОВ,
Г. ХЎЖАНОВА



ЎЗБЕК ТИЛИ

ДАРСЛИК



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

К. Н. НАЗАРОВ, Г. Ү. ХҲЖАНОВА

Ў З Б Е К Т И Л И

Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта махсус таълим
вазирлиги томонидан Юридик институти ва университетларнинг
хуқуқшунослик факультети рус гуруҳлари учун дарслик
сифатида тавсия этилган

**NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI**
Axborot-resurs markazi

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори, профессор
Низомиддин Маҳмудов

Тақризчилар: филология фанлари доктори, профессор
С. Аширбоев, филология фанлари
доктори, профессор М. Қурбонова, филология
фанлари номзоди, доцент Р.Х. Шарипов,
филология фанлари номзоди,
доцент А. Рафиев

Академик А.П Ҳожиёвнинг умумий таҳрири остида

**Н18 Назаров К. Н., Хўжанова Г. Ў. Ўзбек тили: Юридик
олий ўқув юртлари учун дарслик /Масъул муҳаррир:
Н.Маҳмудов. – Т. : ТДЮИ, 2003.–334 б.**

**Сарлавҳада: ЎЗР Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат
Юридик институти.**

Мазкур дарслик Юридик институти ва университетларнинг ҳуқуқшунослик факультети рус гуруҳлари учун мулжалланган биринчи дарслиқдир. Дарслик ўзбек тили фанининг барча бўлимларини қамраб олган булиб, ҳозирги ўзбек адабий тили ҳақида батафсил маълумот беради. Дарслик, асосан, ҳуқуқшунослар учун мулжалланганлиги туфайли кўпроқ сиёсий–ҳуқуқий, маънавий–маърифий адабиётлардан фойдаланилди. Ундан булажак ҳуқуқшунослар ўзбек тили грамматикасини урганиш билан бирга юридик терминларнинг мазмуни билан ҳам танишиб борадилар.

Ўзбек тилининг товуш тизими, сўз бойлиги, грамматик қурилиши ва услубиятига хос илмий–назарий ва амалий–услубий масалалар ҳамда уларнинг ечими дарсликнинг мазмун–мундарижасини ташкил этади.

«Ўзбек тили» дарслигидан нафақат булажак ҳуқуқшунос талабалар, шунингдек, филологлар, аспирантлар, ўзбек тилини ўрганувчилар ва кенг жамоатчилик ҳам фойдаланишлари мумкин.

ББК 81.2 Ўзб–96

© К. Н. НАЗАРОВ, Г. Ў. ХУЖАНОВА.

© Тошкент Давлат Юридик институти, 2003 й.

МУҚАДДИМА

Кишилар тил воситасида ўзаро алоқа боғлаб, ўз фикрларини баён қилиб, бир—бирларининг мақсадларини тушунадилар ва тушунтирадилар. Демак, кишилиқ жамиятида, одамлар ҳаётида, улар фаолияти ва камолотида тилнинг аҳамияти каттадир.

Биз тил воситасида сўзлашамиз, уқиймиз, ёзамиз, сўз ва сўзлар воситасида гаплашамиз. Лекин сўзлар йиғиндисининг ўзи фикрни ифодаламайди. Сўзларни кетма—кет тизиб қўйиш билан фикр англашилмайди. Фикрни ифодалаш учун сўзларни бир—бирига боғлаб гап тузиш керак. Бунда сўзлар ўзаро бирикади, шакли ва вазифаси ўзгаради. Тилимизда сўзларни ўзгартириш, бир—бирига қўшиш, уларни маълум тартибда ўзаро бириктириб гап тузиш қоидалари мавжуд. Бундай тартиб—қоидалар бир неча гуруҳларга бўлиниб, уларнинг ҳар бири она тилимиз ҳақидаги фаннинг турли қисмларида ўрганилади.

Мазкур дарслиқ юридик олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган бўлиб, 2002 йилда тасдиқланган Давлат дастури ва ДТС асосида ёзилди. Дастурда ўзбек тили материалларини ўрганиш учун 108 соат, ёзма ва оғзаки нутқни ўстириш — амалиёт учун 72 соат, мустақил таълим учун 36 соат ажратилган. Шу бўлинишга асосланган ҳолда ўзбек тили грамматикаси ихчам ва бирмунча қисқартириб берилган. Аммо талаффуз, имло, тиниш белгилари ва услубият билан боғлиқ масалалар нисбатан кенгроқ ёритилган: имло қоидалари грамматик қонуниятлар асосида шарҳланган ва мустаҳкамланган. Демак, шу фаннинг амалий томонига кўпроқ эътибор берилган. Энг муҳими, ўқувчиларга тўғри, хатосиз ёзиш, гап туза билиш, мустақил фикр баён қила олиш, айрим товушларнинг имло ва талаффуз қоидаларини билиш, тиниш белгиларини ўз ўрнида қўллай олиш, иш қогоз—

лари юритиш малакасини ҳосил қилиш кабиларга алоҳида аҳамият берилган.

Дарсликнинг охирида мустақил ишлар ўтказиш учун махсус машқлар ва матнлар берилган. Машқ ва матнлар танлашда ўзбек адабиёти, жаҳон адабиёти ва ҳуқуққа оид асарлар эътиборга олинган. Шунингдек, унда ихтисосликка доир машқ ва матнларга алоҳида ва кўпроқ эътибор берилди.

Мазкур «Ўзбек тили» дарслиги Юридик институти талабалари учун тузилган дастлабки дарслик саналади. Шунинг учун ундаги баъзи машқларни ихтисосликка, касб-ҳунарга оид атамалар, мисоллар, матнлар билан тўлдириш ёки алмаштириш ўқитувчининг ижодий ва педагогик маҳоратига боғлиқдир.

Дарсликнинг қўлёзмаси билан танишиб, ўз қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирган проф. С.Аширбоев, проф. Н.Маҳмудов, проф. М.Курбонова, доц.Р.Шарипов, доц. А.Рафиев, доц. С.Усмоновларга самимий миннатдорчилик билдирамиз. Китоб ҳуқуқшунослик йўналишидаги талабаларга мўлжалланган биринчи дарслик бўлганлиги учун унда айрим нуқсонлар, муаллифлар эътиборидан четда қолган камчиликлар бўлиши мумкин. Бу ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни қуйидаги манзилга юборишларингизни сўраймиз: Тошкент шаҳар, Сайлгоҳ кўчаси, 35-уй, ТДЮИ, «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси.

МУСТАҚИЛЛИК – МУНАВВАР ЙЎЛ

«Мустақиллик – ҳуқуқ демакдир»

И. КАРИМОВ

1-§. ИСТИҚЛОЛ

Мустақиллик азалдан инсониятнинг орзу–умидлари, армон ва изтиробларини узида мужассам этади. Дарҳақиқат, инсон табиатнинг гултожи сифатида ҳамиша озодлик ва ҳурриятга интилиб яшайди.

Энг аввало, шуни айтиш керакки, мустақиллик тенглик сари қўйилган биринчи қадамдир, чунки тенглик бўлмаган жойда кимдир кимгадир тобе бўлади. Мутелик бор жойда ҳукмронлик, узгалар ҳисобига яшаш каби иллатлар пайдо бўлади. Натижада биз сўнгги бир ярим аср мобайнида бошимиздан ўтказган мустамла–качилик дунёга келади. «Тенглик» сўзининг қудрати шундаки, у одамларнинг узаро муносабатларидан тортиб, мамлакатлараро муносабатларгача ҳамма нарсани меъёр–мезонга солади, турли камситишлар ёки ортиқча таъзим–тавозега чек қўяди.

Истиқлол – узаро ҳурмат, бир–бирини тан олиш, бир–бирини қадрлаш асосида мамлакат фуқаролари ўзаро муносабатида ҳам, жаҳон давлатлари ўртасидаги алоқаларда ҳам ана шу умуминсоний қадриятларга таяниш, ана шу умумий мезонлар асосида яшаш демакдир. Мустақиллик – жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ва ўз тақдири билан боғлиқ бўлган истиқбол ҳақида ўйлашдир. Истиқлол – эркин дунё–қараш, эркин тафаккурга суяниб яшаш салоҳиятидир. Мустақил яшашга, мустақил фикрлашга, ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўз

ҳаётини изга солишга қодир одам зиддиятларни осонлик билан енгади, бу дунёнинг шиддатли муаммолар бурони қаршисида довдираб қолмайди. Ана шу оддий ҳаётий ҳақиқатни давлат мустақиллигига қиёслаш мумкин.

(«Ватан туйғуси» китобидан.)



Лугат

истиқлол — независимость, самостоятельность

хуррият — свобода

мутелик — покорность, послушание, смирение

тенглик — равенство

истиқбол — будущее

тақдир — судьба

эркинлик — свобода

Топшириқлар. 1. Матннинг мазмунини уз сузларингиз билан сузлаб беринг. 2. «Мустақиллик — ҳуқуқ демақдир», «Мустақиллик — мунаввар йул», «Мустақиллик — улуг неъмат», «Мустақиллик — миллатимиз асрий орзуси» ҳикматларининг мазмунини шарҳланг. 3. Мустақиллик, истиқлол, хуррият, озодлик сузлари иштирокида гап тузинг. 4. Ватан, истиқлол ҳақидаги шеърлардан бирини ёд айтиб беринг.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Олий неъмат

Бир Хожа йулиқди ногаҳон дардга,
Ҳоли танг, ранги ҳам айланган зардга.

Қилмаган дорию дармон қолмади,
Елиб—югуришдан армон қолмади.

Дунёдан умидин узар бўлди у,
Охират кенгашин тузар бўлди у.

Хуллас, паймонаси тулганда буткул,
Кирди эшигида ишлаб юрган қул.

Қулнинг табибликка дахли бор эди,
Унга шу аснода омад ёр эди.

Қулдан бўлдимиқан, Халлоқданми ё,
Хожа шифо топди, ба ҳаққи худо:

—Аё, қул, сен булдинг дардим давоси,
Қилган хизматингнинг йўқдир баҳоси.

Сочайин бошингдан олтин ва кумуш,
Олгин хазинамдан энг катта улуш.

Истасанг, мулкимнинг тенг ярмин берай,
Токи мен қулимни шод, хуррам курай.

Қул деди: — Ҳозирман хизматингизга,
Раҳмат ҳам айтурман ҳимматингизга.

Бироқ ҳозиргина дедингиз, Хожам,
Яъни хизматимга баҳо йўқ ҳеч ҳам.

Лекин олтиннинг ҳам баҳоси бор—ку,
Олтиннинг баҳосин берган бозор—ку.

Ҳаттоки хуннинг ҳам нархи бор, Хожам,
Бебаҳонинг бундан фарқи бор, Хожам.

Хожа уйлаб деди: — Нима экан у?
Қандайин неъмат у? Қандайин инжу?

Айтгин армонингни, бажаргум шу зум,
Ахир, сен туфайли очиқдир кўзим.

Қул деди: — Бир неъмат бордир — бебаҳо,
Унга садқа бўлсин молу мулк, дунё.

Фалаклар бекордир унинг қошида,
Малаклар бекордир унинг қошида.

Унга нисбат берса — қафасдир жаннат,
У шундоқ тансиқ ҳис, тенги йуқ неъмат.

— Унинг номи не деб, қистарди Хожа,
Сирни билмоқликни истарди Хожа.

Қул деди: — Бу неъмат жондан—да тотлик,
Номи Озодликдир, номи Озодлик!



Лугат

олий неъмат — высшее благо
қафас — клетка
қул — раб
жаннат — рай
малаклар — феи

табиб — врач
тансиқ — деликатес
фалаклар — вселенные
тотлик — вкусный
озодлик — свобода

Топшириқлар. 1. Шеърни ифодали уқинг ва уз тушун—чангизни оғзаки баён қилинг. 2. Шеърдаги *қул*, *хуррам*, *ҳиммат*, *неъмат*, *тансиқ*, *озодлик* сўзларига изоҳ беринг.

Зулфия МУМИНОВА

Мустақиллик, хайрият келдинг

Мустақиллик, кутгандим сени
Соғинч номли гулларим билан.

Тил тагида миллён йиллик чўғ,
Кузимдаги селларим билан.

Мустақиллик, хайрият келдинг,
Чорлай оққуш қанотим билан.

Куйлай қирқта жоним, шеърларим,
Қушиқларим, баётим билан.

Мустақиллик, кутгандим сени,

Қирқ чилтонли улларим билан.
Сен ҳақингда маталлар айтган
Эналарим, элларим билан.
Қирлараро, пайкаллараро
Сени кўрмай кетганларим бор.
Шод эт, дея улар руҳини
Худойимга айтганларим бор.
Мустақиллик, хайрият келдинг,
Пайғамбарлар ўпган тупроққа.
Мустақиллик жойлайин сени
Юрагимга – қизил япроққа.

Топшириқ. Шеърни ёд олинг.

Мақоллар

Бировга қул бўлгандан
Кўпчиликка бўйсунган яхши.

Бўйнидан боғланган ит овга ярамас.

Топшириқ. Мақолларнинг маъносини изоҳланг.



2-§. ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Давлат мадҳияси – Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзи бўлиб, Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир. Мадҳия мусиқа ва шеър воситасида ифодалангани ҳамда давлат органлари томонидан ўтказиладиган тантанали маросимлар ва бошқа тадбирлар вақтида ижро этилади. Мадҳия махсус қо-

нун билан тасдиқланади. Ушбу қонун 1992 йил 10 дека-
брда қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси

Мутал БУРХОНОВ муסיқаси

Абдулла ОРИПОВ сузи

Серқуёш, ҳур улкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақорат:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жуш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг учмас иймони.
Эркин, ёш авлодлар сенга зур қанот!
Истиқлол машғали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бул обод!

Нақорат:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жуш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Топшириқ. Матни ўқинг ва мадҳияни ёд олинг.



Давлат байроғи — давлат рамзларидан бири бўлиб, давлатнинг ажратиб турувчи белгиси. У мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байроғига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда республиканинг табиатиға хос бўлган хусусиятларни, халқимизнинг миллий ва маданий соҳаларидаги узлигини акс эттиради. Байроқ махсус қонун билан тасдиқланади ва қаерларда, қачон урнатиб қўйилиши белгиланади. Байроқнинг кўриниши, ранги, ундаги белгиларнинг чуқур маъноси бор. Ўзбекистон байроғидаги мовий ранг Шарқда азалдан қўлланган бўлиб, осмон ва мусаффо сув рамзидир, оқ ранг тинчлик ва поклик тимсоли, қизил чизиқлар ҳаёт рамзи, томирлардан оққан қон ранги, яшил ранг Ўзбекистоннинг гузал табиати рамзи. Яримой ва юлдузлар мусаффо осмон ва тинчликни билдиради. Байроқ мамлакатимизнинг ўтмиши, бугунги кўни ва келажагининг ёрқин рамзидир. Байроқ ҳақидаги қонун 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган.



Луғат

давлат - государство
 мовий - голубой
 яшил - зелёный
 ой - луна
 осмон - небо

байроқ - флаг
 оқ - белый
 қизил - красный
 юлдуз - звезда
 рамз - символ

Топшириқ. Матнни сузлаб беринг.

Миллат байроғи

Қора ўтмиш қолди ортда,
Дориломон кунлар юртда,
Меҳр — қузда, муҳаббатда,
Порла, Миллат Байроғи!

Осмон тўла юлдуз — оппоқ,
Бир—биридан чақноқ, бироқ —
Ун иккиси энг ярқироқ,
Порла, Миллат Байроғи!

Мангулик ҳур йулидасан,
Унғидасан, сўлидасан,
Озод халқинг қулидасан,
Порла, Миллат Байроғи!



4—§. ДАВЛАТ ГЕРБИ

Давлат герби—давлат рамзларидан бири, давлатнинг расмий эмблемаси бўлиб, муҳрларда, турли ҳужжат нусхаларида, пул бирлигида акс эттирилади. Унинг кўниши махсус қонун билан белгиланади. Ўзбекистон Гербининг марказидаги Ҳумо қуши—бахт-саодат ва эрк—севарлик рамзи, саккиз қиррали юлдуз—республика—мизнинг собит ва барқарорлиги тимсоли, қуёш—йулимизнинг ҳамisha нурафшон бўлиши, бошоқ—рисқ—рўзимиз, пахта — Ўзбекистон бойлиги, бугдой ва пахта чаногидаги тасма—халқларимиз дўстлиги рамзидир. Герб ҳақидаги қонун 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.



Лугат

расмий - официальный
 собит - твёрдый,
 непоколебимый
 тасма - лента

хумо - легендарная птица
 нурафшон - лучизарный, яркий
 герб - герб
 йил - год

Топшириқлар. 1. Матни сўзлаб беринг. 2. Лугатни ёд олинг.



5-§. ИМОН

Имон — бу Аллоҳнинг борлигига, унинг сифатларига, Пайгамбарларига, қиёмат кунига, яхшилик ва ёмонлик Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг узидан бўлишига ва динда кўрсатилган нарсаларнинг мажмуасига ишониш демакдир. Имон арабча сўз бўлиб, ишонч маъносини билдиради. Имонли кишини мўмин дейишади. Мўмин, яъни имон келтирган, ишонган одам.

Имон — қалбнинг дури бўлиб, кишини эътиқодли, яхшиликка, эзгуликка, ҳалол ва пок бўлишга ундайди.

Имонли кишининг қалби тиниқ бўлиши билан бирга, маърифатпарвардир. У одамларга, ўз халқига бўлган муҳаббати, садоқати, яхшилиги, дўстлиги, инсофи билан бошқалардан ажралиб туради. Бу эса унинг инсоний фазилатлари баланд эканлигини кўрсатади ва қадрини оширади.

Имонли киши ақл-заковат соҳиби бўлиши билан бирга инсоний, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этади. Бировга хиёнат қилмайди.

Имонли бўлиш одамнинг танлаган йўли, ғояси. Кимки шу йўлда курашса, ўз ғоясига содиқ, имонли одам бўлади. Имонли бўлиш ўз халқига ва унинг яхши анъаналарига ҳурмат билан қарашдир. Имон — бу ор-номус, виждон, садоқат, бурч каби ахлоқий тушунчаларни ҳам

ифодалайди. Имонли киши шундай саховатлики, унинг юзидан нур ёғилиб туради. Бу нур кишиларни ўзига сеҳрлаб қўяди. Зиё, нур, фикр товланиб турган бундай имонли одамлар бор бўлсин.

Имоннинг хусусиятлари ҳақида «Арастунинг Исқандарга насиҳати»да қўйидагича курсатилган: «Тақводорлик имон воситасида камол топади. Имон эса фикру андиша соясида ҳосил бўлади. Бу дунё ҳақида ўзинг бир фикр қилиб курсанг, уни улуглаш мақсадида нариги дунёни хор тутмоғинг нолейик иш эканлигини тушунасан. Зеро, бу дунё ранжу бало хонаси, турумсиз муваққат манзилдир».

(«Ахлоқ—одоб сабоқлари» китобидан.)



Луғат

имон - вера

ҳалол - честный

виждон - честь

қиймат - судный день

содиқ - верный

зиё - луч, свет

Топшириқ. 1. Матнни ифодали уқинг ва мазмунини сўзлаб беринг.

2—машқ. Матнни уқинг ва «Давлат бошлиғи» юридик терминининг маъносини ёдда сақланг.

Давлат бошлиғи

Давлат бошлиғи — мамлакатдаги бош мансабдор шахс бўлиб, давлатнинг олий вакили. Айрим ҳолларда ижро этувчи ҳокимият ҳам унга тегишли бўлади (Ўзбекистонда). Монархия шаклидаги давлатларда давлат бошлиғи монарх (қирол, подшо, император) бўлиб, у наслдан—наслга ўтади. Республика шаклидаги давлат—

ларда давлат бошлиғи Президент булиб, у бевосита фуқаролар томонидан сайланиши (Ўзбекистон, Россия, Франция), фуқаролар вакиллари томонидан поғонали асосда сайланиши (АҚШ, Аргентина) ёки Президент сайлаш учун ташкил қилинган орган томонидан сайланиши (Германияда) ёхуд Парламент томонидан сайланиши (Чехияда) ҳам мумкин. Президентлик Республикасида президент бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳам бошлиғи бўлса, Парламентар республикада у фақат давлат бошлиғи бўлади, ижро этувчи ҳокимиятни бошқа шахс бошқаради. Давлат бошлиғининг ваколатлари Конституцияда белгиланади.



6-§. БУРЧ

Бурч — ахлоқнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Бурч — ҳар бир кишининг ўз вазифаларини тулиқ бажариш, одамларга тўғри муносабатда булиш каби фазилатларни ифода этади. Бурч — шахснинг жамиятга бўлган муносабатида намоён бўлади.

Бурч шахснинг ахлоқий фаолиятини ифодаловчи масъулият, онглилик, виждон каби фазилатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Ўз бурчига содиқлик ҳар бир кишига обрў, шон—шараф келтиради. Ҳар бир инсоннинг ўз бурчига содиқлиги унинг жамиятга, Ватанга, меҳнатга, оилага, фарзандларига бўлган муносабатида намоён бўлади. Бурч — муқаддас нарса. Бурчга содиқлик Ватанга содиқликдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кўрсатилганидек, ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир йигитнинг бурчи ҳисобланади. Балоғат ёшига етган ўғлонлар мустақил Ўзбекистоннинг миллий армиясида Ватан истиқлоли ва садоқати учун ўз бурчларини аъло бажарадилар. Улар Она—Ватанни қуриқлашни олий бахт

деб биладилар, Мустақил Ўзбекистонга хизмат қилишни ўзларининг шарафли бурчлари деб ҳисоблайдилар. Ўз бурчига содиқлик ҳар бир кишининг одоби, ахлоқини ифодалайди. Ўз сўзининг устидан чиқмаган, ўз бурчини бажармаган кишилар халқ орасида ҳурмат топмайди.

Бурч ўз-ўзидан шаклланмайди, тарбия жараёнида камол топади. Бурчни тарбиялаш жараёнида ўз-ўзига талабчанлик ривожланади. Натижада ҳар бир кишида ўз ишига, билимига, куч-қувватига ишонч қарор топади. Бурчи ва виждонини пок тутиш, ўз қадр-қимматини сақлай билиш ҳар бир ёш қарининг ҳимматини оширади. Катта ёшдаги кишиларни ҳурматлаш ёшларнинг бурчидир. Уларнинг кечирган умрлари ва босиб ўтган йўллари ҳар бир ёш йигит ва қиз учун сабоқ бўлади.

(«Ахлоқ-одоб сабоқлари» китобидан.)



Лугат

бурч - долг
шараф - честь, слава
хизмат - служба, поручение

муқаддас - святой
миллий - национальный
қарор - решение

Топшириқ. Юқорида сиз инсоний бурч ҳақида билиб олдингиз. Энди сиз талабалик бурчингиз ҳақида ўзбек тилида сўзлаб беринг.

3—машқ. Матнни ўқинг ва мазмунини ўз тушунчангиз асосида сўзлаб беринг.

Ҳалолми ёки ҳаром?

Имом Моликнинг ҳузурига бир кампир келиб дебди: — Мен кечаси ой нурида турли нарсалар туқиб кун кечирар эдим. Бир куни кечаси подшоҳ аскарлари кў-

чамдан утди. Улар кутарган машъала менинг ҳовлимни ёритиб турди. Бу ёруғликда мен туқийётган нарсаларимни ҳар доимгидан тезроқ битказдим. Эртасига бу нарсаларни бозорга олиб бориб сотдим. Энди ўша сотган нарсаларимнинг пулини рўзгоримга ишлатишга ҳайрон бўлиб, уйланиб турибман. Мен доим ой нуридан фойдаланиб тўкиб, тирикчилик қилар эдим. Бу туқиганим эса ой нуридан эмас подшоҳ аскарлари кутарган машъала нуридан ҳосил бўлди. Айтинг, шу пул ҳалолми ёки ҳаром?

Бу ҳолатдан Имом Молик шунчалар ҳайратга тушибдиларки, кўзларидан шашқатор ёш оқибди.

(«Ҳалол ва ҳаром» китобидан.)

Топшириқлар. 1. Имом Молик нега шунчалар ҳайратга тушганлигини ва кўзларидан нима учун шашқатор ёш оққанлигини кенгроқ изоҳланг. 2. Шу мазмундаги бошқа ривоятларни билсангиз сузлаб беринг.



7-§. ВАТАН

Ватан — ҳар бир кишида ўз уйига, туғилиб ўсган юртига, энг яқин кишилари (ота-она, ака-ука, опа-сингиллари)га бўлган муносабатида акс этади. Она-Ватан шундай тушунчаки, у киши қалбида ҳеч қачон узгармайди. Ватанга муҳаббат туйғуси она сути билан қонга киради. Бу азиз туйғуни она алласи парвариш этади, вояга етказди.

Инсон ўз Ватанида камол топади, кадрланади, ҳаёт мактабини утайди, фаровонлик ва бахт-саодатга эришади. Айниқса, мустақиллик туфайли Ўзбекистоннинг шон-шухрати, моддий ва маънавий бойлиги бутун жаҳонга таралди. Мустақил Ўзбекистон — битмас-туганмас бойликлари, шаҳар ва қишлоқлари, шарқираб

оқаётган сойлари, гуллаб-яшнаётган боғлари, қорли тоғлари каби гузалликка эга бўлган Ватаним билан фахрланаман. Ватан сўзи ҳаминша она сўзи билан ёнма-ён келади. Бу шунчаки сифат, одатий мажоз эмас. Она-Ватан тимсолида биз жамиятимиз табиатини, меҳрибонлик ва мувофиқлик пойдеворига қурилган тузумимиз хислатини кўрамыз.

Ватан қалби беғубор олам, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас ишимиздир. Ватан! Азиз инсонлар вояга етган, унинг порлоқ истиқболи, фазлу комили учун жон фидо этган замин. Эл борки, Ватан бор — Ватан борки, эл бор. Элсиз Ватан—биёбон. Ватансиз эл — дарбадар. Шунинг учун қадимда элим дея Ватанни аъзозлаганлар. Ватан тушунчаси турли замонларда турлича талқин этилган. Ватан сўзи ҳеч қачон бутунгидек мағрур жарангламаган. Жонажон юртимиз мустақиллиги туфайли Ватан деб аталмиш бу кўҳна замин янада чирой топди.

Ўзбек халқи уз Ватанини доимо эъзозлаб келган, Ватан қадрини ҳаминша билган. Шундай экан, Ватанни худди ота-онани севган каби севмоқ керак. Унинг озодлиги, поклиги учун курашмоқ зарур.

(«Ахлоқ-одоб сабоқлари» китобидан.)



Луғат

ватан - родина

беғубор - незаурядный, честный

шон-шараф - слава

порлоқ - светлый

жонажон - милый

фаровон - пробилис

азиз - дорогой

замин - почва

Топшириқлар. 1. Матни ўқинг ва мазмунини ўз тили-
нгизда сўзлаб беринг. 2. Ватан хақида мақоллар айтинг. 3. «*Озодлик*
– *ободлик*» мақолини шарҳланг.

Мақоллар

Одам бўлиш осон, одамий бўлиш қийин.

Номус – ўлимдан қаттиқ.

Одамга – лафз, гўсалага – дум.

Айбини билган – авлиё.

Топшириқ. Мақолларни ўқинг ва мазмунини изоҳланг.

И К К И Н Ч И Ф А С Л

ТИЛ – МАЪНАВИЯТ КУЗГУСИ

4—машқ. Матнни ўқинг ва топшириқларни бажаринг.

Тил – миллат руҳи

Тил – муомала, сузлашув ва алоқа воситаси бўлиш билан бирга миллат қиёфасини белгиловчи бебаҳо неъматдир. Шундай экан, халқни халқ, миллатни миллат даражасига кўтарадиган унинг она тили ҳисобланади. Тилга эътибор – элга эътибордир.

Дарҳақиқат, тил – инсон тақдирини шакллантиради, уни рўёбга чиқаради. Ширинсуханлик, гапни топиб ва жойида гапириш – олижаноблик аломатидир. Инсонда қалб ҳам, чеҳра ҳам, тил ҳам дилбар бўлмоғи керак. Халқимизда «Ўйнаб гапирсанг ҳам уйлаб гапир» деган ажойиб мақол бор. Бу доно нақл бизни доимо сергакликка, эҳтиёт бўлиб суз юритишга даъват этади. Ҳатто пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг тил одобига оид ҳадислари ҳам инсонларни бир-бирларига ширинсуз ва хушмуомала бўлишга чорлаб туради. Ҳар бир инсоннинг маънавий қиёфаси унинг тилида намоён бўлади... Фақат мустақиллик туфайлигина она тилимизга давлат миқёсида эътибор берилди ва тараққиёт йулига чиқиб олди.

Топшириқлар. 1. «Тил – миллат қалби», «Тил – тафаккур рамзи» мавзуларида матн тузинг. 2. Қуйидаги тил ҳақидаги мақолларни ёд олинг ва мазмунини тушунтиринг:

Тил – қиличдан утқир.

Тилинг билан дилингни бир тут.

Тилини билсанг, дилига йул топасан.

Ўйнаб гапирсанг ҳам уйлаб гапир.



Ўзбек халқи, унинг зиёлилари кўп замонлардан бери икки ва уч тилни бемалол эгаллаб келганлар. Алишер Навоий, Бобур, Нодирабегим, Фурқат, Муқимий ва Завқийлар ўзбек ва тожик тилларида баралла ижод қилишган. Ижтимоий ҳаётда ҳам икки ва ундан ортиқ тилда иш юритиш миллатлар ўртасида дўстлик, тотувлик ва ўзаро ҳурмат ришталарини қарор топтиришга хизмат қилади. Биз ўз она тилимиз билан қанчалик фахрланмайлик, уни қанчалик севмайлик, бошқа бирор халқаро тилни билмасак ҳаётда ўз ўрнимизни тополмаймиз. Тилни билиш — дилни билишдир. Тил ҳамма миллатларнинг юрагини очадиган, бир-бирини тушунишга ундайдиган қудратли кучдир. Тил орқали инсонлар оғанини, ёру биродар бўлиб, бир-бирларига меҳру муҳаббат қўядилар. Тил туфайли дунёнинг ҳамма жойида халқлар иноқ, дўсту қадрдон яшайдилар. Чунки инсонда тил билиш — яхши фазилят, сўз билиш эса — катта бойликдир.



Луғат

дўстлик — дружба

тотувлик — взаимность,

ҳурмат — уважение

оға—ини - братсво

меҳру муҳаббат - любовь,

яхши фазилят - хорошее качество

Топшириқлар. 1. Матнни ўқинг ва мазмунини сузлаб беринг. 2. Қуйидаги сузлар иштирокида дўстлик ҳақида матн тузинг: *Дўстлик, тотувлик, ҳурмат, оға—ини, меҳру муҳаббат.*

5—машқ. Қуйидаги мақолнинг маъносини шарҳланг.

Аччиқ тил — заҳри илон,

Чучук тилга — жон қурбон.



Жаҳондаги жуда кўп миллий давлатлар ўз давлат тилига эгадир. Ўзбекистон Республикасининг ҳам ўз давлат тили бор. Бу ҳақда республикамизнинг Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир».

Ҳар бир давлат ўз давлат тилининг софлиги, бойиб боришини таъминлайди ва қўлланилиш, истеъмол доирасини кенгайтириш учун ғамхўрлик қилади, давлат тилини урганиш ва ўқитиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беради. Демак, ўзбек тили ҳам давлат ғамхўрлигидадир. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни ун биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 11-сессиясида 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган.

Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши миллатимиз елкасига теккан офтоб янглиғ абадий, мустақиллик каби улуг ҳодисадир. Ўзбек тили жаҳонга узининг қуркам жозибасини куз-куз қилмоқда. Ҳар йили давлат тили қабул қилинган кунни «Тил байрами» сифатида кенг нишонлаб келмоқдамиз. Бу байрам ўз навбатида ҳис қилиш ва ҳис қилдириш байрами бўлиб, юракларимизда она тилимизга нисбатан эзгулик туйғуларини устириб боради.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1991 йил 25 октябрдаги 192-рақамли буйруғи билан ўзбек тили ва адабиёти бўйича барча олий ўқув юртларида 70 соатлик махсус курс ўқитиш белгилаб берилди. Бу махсус курсда ҳозирги замон миллий тил сиёсати, атамашунослик ва ҳужжатшунослик масалаларини ёритиш, Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон каби қалам усталарининг ҳаёти ва ижодий фаолиятини урганиш мўлжалланди.



эзгулик туйгулари — чувства добраты
ҳис қилиш — чувствовать событие

гамхўрлик — забота
улуг ҳодиса — великое

Топшириқлар. 1. «Давлат тили мақоми» иборасини изоҳланг. 2. «Тил байрами — эл байрами» мавзусида маънавий-маърифий анжуман утказиш сценарийсини тузинг.



10-§. ТИЛ ВА ЖАМИЯТ

Жамиятда кишилар уртасида тилсиз ҳеч қандай алоқа бўлмайди. Жамият бўлмаса, тил ҳам бўлмайди. Жамиятнинг энг муҳим алоқа воситаси бўлган тил жамият билан бирга туғилади, ўсади, тараққий қилади... Тил — тарихий ҳодиса, жамият маҳсули. Тил кишилик жамиятидан ташқарида яшай олмайди. Сузлашиш, фикрлашиш—ижтимоий алоқа учун кишилик жамиятининг бўлиши шарт. Масалан, ҳайвонлар ичида, урмонларда ёлғиз усган ёш бола бирор сузни ҳам гапира олмаслиги, юриш-туришлари худди ҳайвонларникидек бўлиши табиийдир. Демак, тил жамият бўлиб уюшган инсонлар орасидагина алоқа воситаси бўла олади.

Тил жамият аъзоларининг ҳаммасига бир хилда, баббаравар хизмат қилади. Кишилар ишлаб чиқариш жараёнида бир-бирлари билан алоқада бўладилар. Мана шу ишлаб чиқаришни уюштиришда тил муҳим алоқа воситаси ҳисобланади.

Дунёдаги тиллар узининг лексик ва грамматик жиҳатдан яқинлигига қараб бир неча оилаларга бўлинади. Ҳар бир тил оиласи ўз навбатида тил гуруҳларига бўлинади. Мана шу тил гуруҳлари тирик ва ўлик тилларни ўз ичига олади. Халқлар ҳозир гаплашадиган тиллар ти-

рик тил (ўзбек, украин, қирғиз, қозоқ, белорус ва бошқалар) ва ёзма ёдгорликлари стиб келган, ammo ер юзида яшаётган халқларнинг ҳеч бири ҳозир сўзлашмайдиган тил ўлик тил ҳисобланади (латин тили, қадимги ҳинд ёки санскрит, қадимги славян тили каби). Бу тил гуруҳларининг ҳаммаси бир асос тилдан ҳосил бўлган. Айрим тилларнинг пайдо бўлиши учун манба бўлган, лекин ўзи алоқа воситаси тарзида ишламайдиган бўлиб қолган тил асос тил деб юритилади.



Луғат

алоқа воситаси — средство связи
тил гуруҳлари — языковые группы
ёзма ёдгорлик — письменный
памятник

сўзлашиш — переговоры
ўлик тил — мёртвый язык
тирик тил — живой язык

Топшириқлар. 1. «Тил — тарихий ҳодиса» иборасининг мазмунини шарҳланг. 2. «Одоб боши тилдир» мақолини шарҳланг. 3. Луғатни дафтарингизга ёзинг ва ёд олинг.



11-§. ТИЛ ВА ЁЗУВ

Тил тарихида ёзув муҳим ўринни эгаллайди. Ёзувнинг пайдо бўлиши, ривожланиши тил тарихи билан боғланган. Ёзув жонли сўзлашув тилига қараганда кейин пайдо бўлган, у ҳам тил сингари жамиятдаги ижтимоий алоқа эҳтиёжлари сабабли вужудга келган. Жамият тараққиётида кишилар ўз фикр-истакларини турли белгилар ёрдамида билдирганлар, ҳар хил нарса-буюмлардан фойдаланганлар, масалан, арқон, ипларни рангли бўёқларга бўяб, уларга турли тугунчалар қилиш билан ҳам ўз истакларини ифодалаганлар. Қадимги даврларда

инсонлар ҳар хил нарса—буюмларга турли расмлар чизиб ҳам ўз истаklarини баён этганлар. Мана шундай турли воқеаларни билдирадиган расмлар пиктографик ёзув деб аталади. Белги—сўз ёки шакл—сўз тарзидаги хатлар иероглиф ёзув дейилади. Дастлаб иероглиф белгилар бир тушунчани, сўзни билдирган бўлса, кейинроқ бўғинларни ва алоҳида нутқ товушларини ифодалаш даражасигача ривожланиб борган.

Ёзув тараққиётида бўғинли ёзув муҳим уринни эгаллайди. Бунда бир йўла бир бўғинни ва бир товушни ифодалайдиган белгилар қўлланилган. Бундай ёзувнинг энг йирик намуналаридан бири қадимги ҳинд ёзуви булган. Бўғинли ёзув иероглиф ёзувга қараганда анча қўлайдир.

Ўзбек ёзувлари тарихидан

Туркий халқларнинг бизга маълум булган энг қадимги ёзма ёдгорликлари милоднинг V-X асрларига мансуб бўлиб, туркшуносликда бу давр қадимги туркий тил деб юритилади.

Қадимги турк даврига мансуб ёдгорликлар турк руний (урхун-энасой), уйғур, монивий, суғд, брахма, сурёнӣ ёзувларидир.

Ҳозирги пайтда «турк-руний», «урхун-энасой» атамаси билан юритилувчи ёзув туркий халқларнинг бизга маълум булган энг эски хатидир. Турк-руний ёдгорликлари XVII асрнинг иккинчи ярмидан маълум бўла бошлаганига қарамай, уларни тўлиқ ўрғаниш ишлари бирмунча кеч, яъни ушбу ёзувни ўқий бошлаш имконияти пайдо булгандан кейин авж олди.

Бу ёзувларни ўқиш ва тадқиқ этишда рус шарқшунос олимларидан В. В. Радлов, С. Е. Малов, И. В. Стеблева ва бошқалар катта хизмат қилганлар. Ёзувларни дастлаб ўқиган олим даниялик шарқшунос Вилгельм Томсендир.

Турк руний ёдгорликларининг энг йириклари турк амалдорлари хотирасига қўйилган қабр тошларидир.

Жуғрофий ўрни, тил ва ёзув хусусиятларига кўра руний ёдгорликларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Энасой ёдгорликлари (V-VII асрлар)
2. Талас ёдгорликлари (V-VI асрлар)
3. Ўрхун ёдгорликлари (VII-VIII асрлар)

Бу ёдгорликлар ёзуви турк-руний ёзуви деб юри-тилган. Чунки олимлар қадимги герман, гот, фин ёзуви ва бошқа ёзувларни топганда, уларни рун ёзуви («яши-рин», «сирли» ёзув) деб номлаган эдилар. Кейинчалик бу термин ўрхун-энасой ёзувига нисбатан ҳам қўлланилган.

Қадимда туркий халқлар қўллаган алифболардан яна бири ҳозир фанда «уйғур ёзуви» деб юритилади. Ушбу ёзув милоднинг VI-VII асрларида суғд хати негизида шаклланди ва узоқ асрлар мобайнида туркий халқларнинг асосий ёзувларидан бири бўлиб келди.

Маълумки, 960 йилда Қорахонийлар давлатида ислом расман қабул қилинди. Шу муносабат билан араб ёзуви ҳам оммалашди. Ана шу кезлардан бошлаб туркий халқлар ҳар икки ёзувни қўлладилар.

Уйғур ёзуви Ўрта Осиёнинг туркий халқлари орасида XV аср охирларига қадар араб хати билан ёнма-ён қўлланилди. XVI асрдан бошлаб унинг ўрнини тамоман араб ёзуви эгаллади.

1929 йил 1 декабрдан 1940 йилгача лотинлаштирилган ўзбек алифбоси қўлланган.

1940 йил 8 майда ўзбек алифбосини кирилл алифбоси асосидаги янги алифбога кўчириш тўғрисида қонун қабул қилинди. 1956 йил 4 апрелда «Ўзбек орфография-сининг асосий қоидалари» тасдиқланди.

1989 йил 21 октябрда Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди.

1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш туғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

1995 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II сессиясида бу Қонунга ва уни амалга киритиш тартиби ҳақидаги қарорга айрим узгартиришлар киритилди. Унда, жумладан, янги ёзув 2005 йилга қадар босқичма–босқич ўқитилиши кўрсатилиб, 1996 йил 1 сентябрдан умумтаълим мактабларининг 1–синфларида ва мактабгача тарбия болалар муассасаларида янги алифбода машғулотлар бошлаб юборилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 24 августда «Ўзбек тили»нинг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» қарор қабул қилди.

Ўзбек ёзувларининг қисқача тарихи шулардан иборат.



Луғат

тил тарихи — история языка
босқичма–босқич — поэтапно
турли белгилар — разные знаки
турли расмлар — разные рисунки
буғинли ёзув — слоговая письменность
туркий халқлар — тюркоязычные народы
кирилл алифбоси — кириллический
янги ёзув — новая письменность

Топшириқлар. 1. Матнни ўқинг ва мазмунини оғзаки баён қилинг. 2. Ўзбек миллий ёзувлари тарихи ҳақида сўзлаб беринг. 3. Ёзувнинг келиб чиқиши ва унинг аҳамиятини айтинг.



Тил — алоқа қуроли, у восита. Нутқ эса ана шу алоқа жараёнини амалга ошириш учун хизмат қилади. Нутқ булмас экан, тилнинг чексиз имкониятлари юзага чиқмай қолаверади. Тилни аъло даражада шарафлаган Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида тил ва нутқ муносабатларини шундай изоҳлайди: «Тил ўзининг шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса, тилнинг офатидир». Демак, тилнинг куч-қудрати нутқ жараёнида намоён бўлар экан.

Тил ва нутқ бир-биридан фарқланадиган ижтимоий ходисалардир. Тилни халқ яратади, нутқ эса шахсий бойлик саналади. Ҳар ким ўз қобилияти, сўз бойлиги, шахсий фикрлашига қараб гап тузади ва сўзлайди. Тилнинг умри уни яратган халқнинг умридай узоқ бўлади. Нутқнинг умри эса қисқадир. Тилнинг хизмат доираси жуда кенг, ҳажми улчовсиз бўлади. Нутқ эса аниқ ҳажмли, шаклли бўлади. Нутқ якка (монолог), икки шахс (диалог) ёки кўп шахс (полилог) ўртасида бўлиши мумкин.

Нутқимиз оғзаки ва ёзма тарзда ифодаланadi. Оғзаки нутқ — нутқ товушлари воситаси билан ифодаланadi ва эшитиш орқали ўзлаштирилади, ҳарфлар воситаси билан ифодаланган ёзма нутқ эса кўриш орқали ўзлаштирилади. Оғзаки нутқ ёзма нутқдан фарқ қилади: ҳарфлар ёзувда барча нутқ товушларини тўла ифодалай олмайди.

Оғзаки нутқ умумий меъёрларини белгиловчи қоидалар тўплами тўғри талаффуз (орфоэпия) дейилади. Миллий талаффуз адабий тилда тўғри сўзлаш мезонларини белгилайди, сўз ва унинг турли шаклларини белгиланган қоидага мувофиқ равишда талаффуз қилишни талаб қилади. Сўзларни тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар тўплами орфография дейилади. Оғзаки нутқни ёзув

орқали тўғри ифодалаш учун ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёзув қоидаларининг умумийлигини таъминлаш орфографиясининг вазифасидир. (Орфоэпия — юнонча сўз бўлиб, *тўғри нутқ*; орфография — *тўғри ёзаман* маъноларини билдиради.)



Луғат

алоқа қуроли - оружие связи

нутқ жараёни - речевой процесс

ижтимоий ҳодиса - общественное

ёзма нутқ - письменная речь

фикрлаш - мыслить

тилнинг умри - жизнь языка

ифода - выражение событие

қобилият - талант, эрудиция

Топшириқлар. 1. Тил ва нутқнинг узаро боғлиқлиги ва фарқини айтинг. 2. Матнда келтирилган Алишер Навоийнинг тил ва нутқ ҳақидаги фикрини изоҳлаб беринг.

6—машқ. Матнни ўқинг, қандай ёзувлар ҳақида фикр бораётганлигини тушунтиринг. Матндаги ҳарфлар ва ишоралар миқдорини аниқланг:

Юнон тарихчиси Геродотнинг ҳикоясига кўра, бир вақтлар эронийлар скифларга қарши ҳужум қилганларида улар эронийларга рамзий нарсалар юборганлар. Скифлар уларга қуш, сичқон, қурбақа ва бешта ўқ—ёй юборганлар ва бу нарсалар қуйидаги маънони англатган: «Агар сиз эронийлар, қуш сингари осмонга учмасангиз, сичқон сингари ковакка бекинмасангиз ёки қурбақа сингари кўлга сакраб тушмасангиз, элингизга қайта олмайсиз ва бизнинг ўқ—ёйларимиз остида қириласиз».

(«Ўзбекистон овози» газетасидан.)

7—машқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Ҳарф нима? Ўзбек алифбосидаги қайси товушлар иккита ҳарф билан ифодаланган? Сўзнинг айтилиши ва ёзилиши ҳамма вақт бир хил бўладими? Мисол келтириб тушунтиринг. 2. Тил қандай ҳодиса? 3. Ўзбек тилида янги сўзлар қайси усуллар билан ҳосил бўлади? Мисол айтинг. Ўз соҳангизга оид, аммо ҳозир ишлатилмаётган сўзларга 3—4 та мисол келтиринг. 4. Орфоэпия нима? Орфография деганда нимани тушунасиз?

13—§. ТИЛШУНОСЛИК ВА УНИНГ БЎЛИМЛАРИ

Тилшунослик — лингвистика (лотинча «лингва» — тил) инсон тилини ўрганувчи мустақил фандир. Тилнинг пайдо бўлиши ва тараққий этиш қонуниятлари, ривожланиш босқичлари, жаҳон тиллари ва уларнинг бир-бирларига ўзаро таъсири, таснифи каби умумий назарий масалалар билан умумий тилшунослик шуғулланади. Маълум бир тил, масалан, ўзбек тили, шу тилнинг тарихи, унинг фонетик, лексик, грамматик хусусиятлари ҳақида хусусий тилшунослик баҳс юритади.

Тилшунослик асосан қуйидаги бўлимлардан иборат:

ФОНЕТИКА (юн. «фоно» — *товуш*) — нутқ товушларини ўрганади. Бу бўлим бизга нутқ аъзоларимиз фаолияти, бўгин ва урғу ҳақида ҳам маълумот беради.

ОРФОЭПИЯ (юн. «орфо» — *туғри*, «эпос» — *нутқ*) — адабий талаффуз қоидалари ҳақида баҳс юритади.

ГРАФИКА ва **ОРФОГРАФИЯ** (юн. «орфо» — *туғри*, «графо» — *ёзаман*) — бу бўлимда сўзларни (унли ва ундошлар, қўшма сўзлар, бош ҳарфлар имлоси) туғри ёзиш қоидалари ўрганилади.

ЛЕКСИКОЛОГИЯ (юн. «лексикос» — *сўз*) — тилнинг луғат таркибини текширади. Лексикология ўз ичига бир неча бўлимларни олади:

а) **фразеология** (юн. «фразис» — *ибора*) кучма маъноли турғун сўз бирикмалари — иборалар ҳақида маълумот беради;

б) этимология (юн. «этимон» — ҳақиқат) — сўзларнинг келиб чиқишини текширади;

в) лексикография («лексикос» — сўз, «графо» — ёзма) лугатларнинг тузилишини ўрганади.

ДИАЛЕКТОЛОГИЯ (юн. «диалектос» — шева) — умум-халқ тилининг маҳаллий тармоғи — шевалар ва уларнинг фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини ўрганади.

ГРАММАТИКА (юн. «грамматике» — ёзув) — тилнинг грамматик тузилиши ҳақида баҳс юритади. У икки қисм: морфология (сарф) ва синтаксис (наҳв)дан иборат.

а) морфология (юн. «морфос» — шакл) сўзнинг грамматик шакли ва грамматик маъноларини, сўз туркумларини ўрганади;

б) синтаксис (юн. «синтаксис» — тузилиш) сўз бирикмалари, гап ва унинг бўлаклари ҳамда турларини ўрганади.

СТИЛИСТИКА (УСЛУБШУНОСЛИК) (фр. «стилос» — таъқча) нутқда тил воситаларини тўғри танлаш ва қўллаш қоидалари ҳақида баҳс юритади.

ПУНКТУАЦИЯ (юн. «пунктум» — нуқта) ёзма нутқда тиниш белгиларини қўллаш қоидалари ҳақида маълумот беради.

8—машқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Лингвистика сўзининг лугавий маъноси нима?
2. Тилшунослик қандай булимлардан иборат?
3. Фонетика бўлими нималар ҳақида маълумот беради?
4. Лексикология уз ичига яна қандай булимларни олади ва уларда нималар урганилади?
5. Грамматика бўлими неча қисмдан иборат?



Комил инсон ҳақидаги таълимот инсоннинг ҳар жиҳатдан инсоний, ахлоқий, илмий, эътиқодий ва бошқа соҳаларда юксак камолотга етган хислатларини кузда тутади. Комиллик бу — инсоннинг Ерда қилган ҳамма ишларининг руҳий ва руҳоний эътиқод билан суғо—рилиши. Ҳаққа интилиши, ҳақиқатга, ёруғликка яқин—лашиши сари ҳаётни ва виждонидаги доғлар, нуқ—сонларни, гуноҳларни равшанроқ кўра билиш йули.

Ўзбек халқи ўз маданияти ва маънавиятида комил инсонларнинг вояга етишига катта эътибор қилганлар Бунинг натижасида асрлар давомида ақлу заковатга эга бўлган Беруний ва Форобий, Абу Али ибн Сино ва Ал—Хоразмий, Амир Темур ва Бобур, Навоий ва Улуғбек каби комил инсонлар туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди.

Абу Али ибн Сино ўз ҳаёти ва фаолиятида доимо эзгуликка интилган комил инсон бўлган. Унинг номи доимо тиллардан тилларга, диллардан дилларга ўтиб юраверади.

Навоий ўз даврида комил инсонларни аҳли маъни кишилар деб билган. Аҳли маъни — бу, фикрли одам—лардир. Фикрсиз халойиқнинг онгида маъни чуқурлиги бўлмайди. Фикрлаш — ҳақиқатни англашдир.

Одамдаги энг улуг фазилат — яхшилик қилмоқ ва гўзал хулқдир. Иккинчиси ростгўйлик, учинчиси ҳаёдир. Мана шу уч фазилат бирлашса у комил инсон бўлиб етишади, қут — иқболи унинг ҳузурига бош эгиб келаве—ради. Шундай экан, комил инсоннинг маънавий эҳти—ёжларини шакллантириш, юксак даражага кўтариш, шахснинг маънавий ва ахлоқий қиёфасига фаол таъсир қилиш — оила, мактаб ва кенг жамоатчиликнинг муҳим вазифасидир.

(«Ахлоқ—одоб сабоқлари» китобидан.)

комил инсон - совершенный человек	комиллик - совершенство
нуқсон - изъян	маданият - культура
мағрур - высокомерный, гордый	интилмоқ - стараться
фикрлаш - мыслить	юксак даража - высокая степень

- Топшириқлар. 1. Матннинг мазмунини сузлаб беринг.
2. Луғатни дафтарингизга ёзинг ва ёд олинг.

15-§. УЗБЕК ТИЛИ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

Кишилар ўз фикр—мулоҳазаларини бир—бирларига тил орқали баён этадилар. Шу боисдаи ҳам тил инсонлар уртасидаги энг муҳим алоқа воситасидир. Тил жамият билан узвий боғлиқ. Жамият бўлмаса, тил ҳам бўлмайди. Жамият тараққий этиб боргани сари, тил ҳам ривожланиб боради. Тилнинг ривожланиб боришини, энг аввало, унинг луғат таркибидаги ўзгаришларда кузатиш мумкин. Чунки фан, техника, маданият мунтазам ўсиб борар экан, кундалик турмушимизга янги—янги предмет ва тушунчалар кириб келади. Табиийки, тилимизнинг луғат таркиби ҳам уларни ифода этувчи сўзлар ҳисобига бойиб бораверади. Шу билан бир қаторда, айрим сўзлар эскириб, истеъмолдан чиқиб кетади.

Олимларнинг таъкидлашларича, ҳозир Ер қуррасидаги 6 миллиардга яқин аҳоли 3 мингга яқин тилда гаплашади. Бу тилларни тилшунослар келиб чиқиш тарихи, уларнинг фонетик, лексик, грамматик хусусиятларига қараб, катта тил оилаларига бўладилар. Масалан, Ҳинд—Европа тиллари оиласи, хом—сом, кельт, фин—угор, Хитой—Тибет, дравид, папуас, Африка тил оилалари мавжуд. Ана шундай тил оилаларидан бири Олтой тиллар оиласидир. Туркий тиллар гуруҳи шу оиллага

киради. Бу гуруҳга 30 га яқин тил: турк, ўзбек, қирғиз, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, озарбайжон, уйғур, татар, крим—татар, бошқирд, гагауз, ёқут, чуваш, қумиқ, қорачой, қабардин—болқар, шор каби тиллар мансуб.

Ўзбек тилининг тараққиёт илдиэлари узоқ асрларга бориб тақалади. Тилшуносларимиз бу тилни XI асрдан бошлаб мустақил тил сифатида шаклланган деб ҳисоблайдилар. Бунга қадар аждодларимиз қадимги туркий тилда гаплашганлар. Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга йулловчи билим») асари қадимги туркий тилда ёзилган илк бадиий асардир.

Ўзбек тилшунослиги ҳам худди шу XI асрдан бошлаб майдонга келган. Унинг асосчиси тахминан 1028—1030 йилларда Баласоғунда дунёга келган Маҳмуд ибн—ул Ҳусайн ибн Муҳаммадил Қошғарийдир. М. Қошғарий ўзининг «Жавоҳир ун—наҳв фи луғатит турк» («Турк тили синтаксиси қодалари») ва «Девону луғатит турк» («Туркий сўзлар луғати») асарларида қадимий тилимизнинг луғат бойлиги, грамматик хусусиятлари ҳақида қимматли фикрларни баён этади. 1074—1075 йилларда ёзилган «Девону луғатит турк» асарида олим 6 мингдан зиёдроқ туркий сўзларнинг луғавий маъносини арабча изоҳлаб беради ҳамда туркийлар қўллайдиган ёзув, от ва феълларнинг грамматик хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтиради.

XI асрда яшаган машҳур ватандошимиз, хоразмлик тилшунос олим Абулқосим Маҳмуд Замахшарий (1075—1141) ҳам тилшунослик тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган. Олим араб тилида тилшуносликка оид 50 дан ортиқ асарлар ёзиб қолдирган. Улар орасида олимнинг 1137 йилда хоразмшоҳ Алоуддавла Абдулмузаффархонга бағишлаб ёзган «Муқаддимат—ул адаб» («Адабнинг бошланиши») асари алоҳида аҳамиятга эгадир.

XIV асрга келиб, эски ўзбек адабий тили шакллана бошлади. Унинг тараққиётини, айниқса, Алишер Навоийсиз тасаввур этиб бўлмайди. Навоий туркий (ўзбек)

тилининг бутун латофати, беқиёс гузаллигини, аввало, уз асарларида яққол кўрсатиб берди. У тилшунос олим сифатида «Муҳокамат—ул лугатайн» («Икки тил муҳокамаси») асарида форсий ва туркий тилларни чоғиштириб, туркий тилнинг ҳар томонлама бой тил эканлигини, форсий тилдан қолишмаслигини илмий жиҳатдан асослаб берди.

Ўзбек тили асрлар давомида жамиятимиз ҳаёти билан боғлиқ ҳолда сайқаллашиб борди. Бу жараён XIX асрда Муқимий, Фурқат, Завқий, XX асрда эса А.Фитрат, А.Чулпон, А. Қодирий, Ғ.Ғулом, Ойбек, А.Қаҳҳор, Миртемир сингари унлаб адиблар ижоди билан узвий боғлиқдир.

XX аср урталарига келиб, ўзбек тилшунослиги ҳам фан сифатида тараққий этди. Бу соҳада А. Мононов, А. Боровков, Ф. Камолов, А. Ғуломов, Ғ. Абдурахмонов, М. Асқарова, У. Турсунов, Ш. Раҳматуллаев, А.П. Ҳожиев, А.Ю. Алиев, Р. Қунғуров, С. Фузаилов, А. Нурмонов, Ҳ. Неъматов, Н. Маҳмудов ва бошқа бир қатор тилшуносларимизнинг ҳиссалари каттадир.

1989 йилнинг 21 октябрида ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришгунига қадар яқин 130 йил давомида буюк аجدодларимиз сўзлаган бой ва гузал тилимиз камситилиб келинди, шўролар даврида бу тил шунчаки маиший — рузгор тилига айланди.

9—машқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Тилшунослик қандай бўлимлардан иборат?
2. Ер қуррасидаги барча аҳоли неча хил тилда гаплашадилар?
3. Ўзбек тили қандай тиллар оиласига мансуб?
4. Ўзбек тили қандай тиллар гуруҳига мансуб ва бу гуруҳга бошқа қандай тиллар киради?
5. Ўзбек тили қайси асрдан бошлаб мустақил тил сифатида шакллана бошлаган?

6. XI асрда тилшуносликка оид асар ёзган машхур ватан-дошимиз ким?

7. Эски узбек адабий тили қачондан шакллана бошлаган?

8. Алишер Навоийнинг тилшуносликка оид асари қандай номланади ва унда туркий (узбек) тил ҳақида қандай фикрлар билдирилган?

10—машқ. Матнни ўқинг ва топшириқларни бажаринг.

Поклик

Поклик — бу улуглик. Поклик турмушда, меҳнат ва кишилар билан бўлган муносабатда намоён бўлади.

Узбек халқининг миллий урф—одатларига кўра, ҳар бир инсон покиза ҳис—туйғуга эга бўлиши лозим. Покиза ҳис—туйғу инсоннинг маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Чунки поклик мазмунида оқил ва эътиқодлилиқ, шарм—ҳаё ва ор—номуслик, зийрак ва фаросатлилиқ, ўз ёрига муҳаббатли бўлиш, ҳалоллик, покизалиқ, вазмин ва улугворлик, тежамкорлик, меҳри—бонлик каби яхши хислатлар мужассамланган.

Поклик — бу зеҳн ва идрок тиниқлигидир. Маъавий поклик бу ахлоқ зиёсидир. Унда руҳ шаффофлиги, сезги, туйғулари юксакдир. Покиза ақл инсоний айб ва кам—чиликлардан қутқаради, руҳий ҳаётга рағбатлантиради, шодлик келтиради. Поклик ва тозалик узбек халқи онги, ғурурига сингиб кетган. Миллий одатларимизга биноан ёш келинчак ва қизалоқлар одоб меъёри билан эрта тонгда ҳовли, куча, остоналарини супуриб оладилар.

Халқ орасида пок муҳаббат, пок йигит, покиза қиз, покиза ҳаёт каби сўзлар тез—тез учраб туради. Бундайларни эшитиб ёки кўриб киши ҳавас қилади. Ҳақиқатдан ҳам, узбек халқи орасида пок инсонлар кўп. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисидаги Фармони пок инсонларнинг меҳнатини эъзозлаш, қадрлаш демак—

дир. Шундай экан, халқимизнинг асрий анъаналарини давом эттириб, поклик деган сўзга турмушда амал қилайлик. Бир—биримизга пок ва садоқатли бўлайлик.

(«Ахлоқ—одоб сабоқлари» китобидан.)

Топшириқлар: 1. Матнни уқинг ва мазмунини сузлаб беринг. 2. Қуйидаги ҳикматли сузларнинг муаллифини топинг ва рус тилига таржима қилинг.

Меҳр ва қадр бор ерда ҳамма нарса бор, қадр кетса, ҳамма нарса қўлдан кетади.

Ҳалоллик ва фидойлик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин.

Меҳр—оқибат, мурувват бўлмаган жамият ҳалокатга маҳкумдир.



16-§. МАЪНАВИЯТ

Моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан кифояланиш — онгсиз ва руҳсиз маҳлуқларга хос. Маънавиятга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамга хос фазилатдир. Маънавият — одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуидир. Тилимизда «бамаъни одам» деган ибора бор. Бу иборага лойиқ кўрилиш улуг бахтдир. Ва аксинча, «бемаъни одам» дейиш кучли ҳақоратдир, бу — ҳайвон—сифат дейиш билан баробар.

Маънавият — жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақ—

лий қобилияти, идрокини мужассамлантирувчи тушунча. Маънавият инсон ва жамият маданиятининг негизи, инсон ва жамият ҳаёти маълум йуналишининг бош омилидир. У муайян иқтисодий—ижтимоий ҳаёт тизимининг шаклланиши, ўзгариши ёки инқирозга юз тутишига кучли таъсир кўрсатади. Маънавият бойиб борса, жамият равнақ эта боради ва аксинча, маънавият қашшоқлашса, жамият бора—бора таназзулга юз тутди. Мустақиллик йилларида маънавият масалаларига муносабат тубдан ўзгариб, унинг бойиб боришига кучли эътибор берилётганининг боиси ана шунда. Бой маънавиятсиз буюк давлат қуриб бўлмайдди. Маънавият жамият ва миллат равнақининг бош омили ва пойдеворидир. Маънавият кенг тушунча бўлиб, маърифат, маданият тушунчаларини ҳам узига қамрайди.



Луғат

моддий - материалъный
бамаъни одам - разумный
қашшоқ - бедный
маърифат - просвищение

маънавият - духовность
бемаъни одам - не разумный
равнақ - процветание
таназзул - крах, унидок

Топшириқлар. 1. Маънавият ҳақида икки кишилик суҳбат (диалог) тузинг. 2. Луғатни ёд олинг.

ИНСОН ВА ҚОНУН

11—машқ. Матнни уқинг. Ундаги товушларнинг тўғри талаффуз қилинишига эътибор беринг.

Инсон ва жамият

Инсон яратилибдики, ўзи тугилиб ўсган замин ва жамиятдан бир дақиқа бўлсин айри яшамаган. Шундай экан, ҳар бир инсон ўзи яшаётган заминнинг ёки яшаб турган жамиятнинг аъзоси, фарзандидир. Жамият ва инсон, инсон ва жамият муносабатлари бир—бирига чам—барчас боғлиқ. Инсон ёки шахс ахлоқи ҳамisha жамият ахлоқига бўйсунди. Киши купгина нарсаларсиз яшай олиши мумкин, лекин танҳоликда яшай олмайди, бахтини одамлар орасидан топади. Инсон бахт—саодати жамиятдан ташқарида булмайди. Жамият инсон камолоти учун боғбонлик қилади. Агарда жамият адолатли бўлса, унга адолатпеша шахс раҳбарлик қилаётган бўлса, уша жамиятнинг барча аъзолари учун ҳам бахтнинг кулиб боққанидир. Адолатли жамият инсонни шунчаки шакл—лантириб қўя қолмайди, балки маънавий етук қилиб камол топтиради. Адолатли жамият сари қуяётган қадамимиз Конституциямиз зарварақларида ўз ифодасини топган ва белгилаб берилган.

Топшириқлар. 1. Матннинг мазмунини сузлаб беринг.
2. Товушлар миқдори ҳарфниқига кура куп булган сузларни топиб дафтарингизга кучиринг.

ФОНЕТИКА (юнон. «фоно» — *товуш*) тилшунослик—нинг бир бўлими бўлиб, тилнинг товуш томонини, яъни нутқ товушларини ўрганadi. Бу бўлимда биз нутқ аъзоларимиз фаолияти, бугин ва урғу ҳақида ҳам маълумот оламиз.

Тилимиздаги барча сузлар нутқ товушларидан ташкил топган. Сузлар асосида эса гап тузилади. Нутқимиз ана шу гаплар воситасида шаклланади. Демак, нутқ товушлари инсон нутқининг энг биринчи зарурий элементи дир, улар маъно ажратиш учун хизмат қилади. Шу жиҳати билан нутқ товушлари табиатдаги барча физик товушлардан фарқланади.

Нутқ товушларини нутқ аъзоларимиз ҳосил қилади. Упка, бир жуфт бронх, кекирдак, товуш пайчалари, тил, кичик тил, танглай, тиш ва лаблар, пастки жағ, бурун бўшлиғи нутқ аъзоларимиз ҳисобланади. Нутқ товушларининг ҳосил бўлишида, айниқса, товуш пайчалари, тил ва лаблар фаол иштирок этади.

Нутқ товушлари упкадан чиққан ҳаво оқимининг бўғизда жойлашган товуш пайчаларини тебратишидан ҳосил булади. Улар овоз ва шовқиндан иборат дир. Шунга кўра нутқ товушлари икки хил: унли ва ундош товушларга бўлинади.

Унли товушлар соф овоз (ун) дан иборат бўлиб, уларнинг ҳосил бўлишида упкадан чиққан ҳаво оқими оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тусиққа учрамайди. Ўзбек тилида олтита унли товуш бор. Улар ёзувда унта ҳарф билан ифодаланади: *а, и, о, у, у, э; е, ё, ю, я*. Унлилар қуйидагича таснифланади:

Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра (тилнинг кутарилиши ва оғизнинг очилиш даражаси)	Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра		Лабларнинг иштирокига кўра
	олд қатор	орқа қатор	
Юқори (тор) унлилар	И	у	Лабланмаган Лабланган
Ўрта (урта кенг) унлилар	Э	у	Лабланмаган Лабланган
Қуйи (кенг) унлилар	А	о	Лабланмаган Лабланган

– и унлиси талаффузда кўпинча қисқаради. Бу ҳол, айниқса, иккита жарангсиз ундош орасида янада яққол кўзга ташланади: *тиш –тш, қиш –қш, кичик –кчк* каби. Шунингдек, и аслида олд қатор унли бўлса–да, *қ, ғ, х* ундошларидан кейин келганда орқа қатор унли сифатида талаффуз қилинади. М.: *қиринди – қыринди, оғиз – оғыз, хиёбон – хыёбон* каби. Баъзан икки ундош орасида қисқа и талаффуз қилиш ҳоллари ҳам учрайди, аммо ёзилмайди. М.: *ақл, нақш, ваҳм, зулм, метр* каби. Айрим ҳолларда и ёзилиши суз маъносининг ўзгаришига олиб келади: *аср* (100 йил) – *асир* (банди), *асл* (ҳақиқий) – *асил* (тоза) каби. и унлиси а ва о унлиларидан олдин келса, талаффузда битта й орттириш ҳолати ҳам учраб туради: *шоир – шойир, майшат – майишат* каби.

– у унлиси ҳам талаффузда қисқариш хусусиятига эга: *узум –узм, тутун –тутн* каби. Бундай хусусият бошқа унлилар учун хос эмас.

–э унлиси жонли тилда кўпинча и тарзида талаффуз қилинади: *меҳмон – миҳмон, телефон – тилифон* каби. Аммо сўз бошида келганда бу ҳолат йўқ: *этик, эрка, эртак* каби. Э унлиси ундошлар орасида келса е ҳарфи билан ёзилади: *кел, кеча, бекор, бемор, бешик* каби.

– а унлиси ҳам икки хил талаффузга эга. М.: *катта, марказ, ака, барака* каби сўзларда олд қатор, лекин *қ, ғ, х* ундошларидан кейин келса: *қаҳрамон, халқ, галаба* каби

орқа қатор унли сифатида талаффуз қилинади. Шунингдек, а унлиси баъзи ўринларда *о, и, у* тарзида ҳам талаффуз қилинади: *баҳо* — *боҳо*, *савол* — *совол*, *мутолаа* — *мутолиа*, *муассаса* — *мауссиса*, *равшан* — *рўвшан* каби.

— о унлиси ўзлашган сўзларда ўрни билан *и, а, у* тарзида талаффуз қилиниши мумкин. М.: *ток* (эл. токи) — *тук*, *компания* — *кампания*, *директор* — *директир* каби. Ўзбек тилидаги сўзларда о унлисининг а лашиши кузатилмайди: *она*, *очиқ*, *тор*, *бодом* каби.

— у унлиси *қ, ғ, х* ундошларидан кейин қаттиқ, *к, г, ч* ундошларидан кейин эса нисбатан юмшоқроқ талаффузга эга. М.: *қурқоқ*, *ғура*, *хурак*; *кул*, *гўл*, *чул* каби.

Ундош товушларнинг ҳосил бўлишида упкадан чиққан ҳаво оқими оғиз бушлиғида айрим тўсиқларга учраб чиқади. Ўзбек тилида 25 та ундош товуш мавжуд, улар ёзувда қуйидаги 23 та ҳарф орқали ифодаланади: б, в, г, д, ж, з, и, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, к, ғ, х. Иккита товушга, *журнал*, *жюри* сўзларидаги сирғалувчи ж ҳамда *занг*, *тонг* сўзларидаги нг товушларига алоҳида ҳарф йўқ.

12—машқ. Матндаги ажратиб кўрсатилган сўзлар таркибидаги унли товушларни топиб, уларни таснифланг.

Инсон ҳуқуқлари

Инсон ҳуқуқлари — инсонга шахсий, сиёсий, иқтисодий соҳада фаолият кўрсатиши учун зарур қоида ва бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилган имкониятлар. Ҳуқуқлар ҳамма вақт давлат томонидан қабул қилинган ҳужжатларда (Конституция, қонун, фармон ва бошқаларда) уз аксини топади. Айрим ҳуқуқлар — булар шахсий ёки табиий ҳуқуқлар дейилади. Улар албатта бўлиши керак бўлган ҳуқуқлар. Давлат уни таъминлаши, ҳеч қа-

чон чекланмаслиги керак (масалан, яшаш ҳуқуқи, қий-ноққа солинмаслиги ва ҳоказо), айрим ҳуқуқларни, давлат ўз имкониятидан келиб чиқиб белгилайди. Улар шароит ва имкониятга қараб чегараланиши, тухталиши мумкин (масалан, сиёсий партиялар тузиш, намоёиш, митинг ўтказиш, таъминот олиш ва бошқалар). Инсон ҳуқуқлари фақат ўрнатилмай, давлат томонидан таъминланади. Бузилган ҳуқуқлар қайта тикланади. Ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминловчи муассасалар тизими мавжуд.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли лугатидан.)

Топшириқ. Матнни сузлаб беринг.

18-§. УНДОШ ТОВУШЛАР ТАСНИФИ

Ундош товушлар қуйидагича тасниф этилади:

Ҳосил бўлиш урнига қура		Ҳосил бўлиш усулига қура						Овоз ва шовқин (ун пайчалари) ишт. қура
		Порт лов- чилар	Сирғалувчи	Тит- роқ	Ён	Қори- шиқ	Бурун товуш- лари	
лаб унд.	лаб	б	в (ўзб. сўз)				м	жарангли
	лаб	п						жарангсиз
тил унд	лаб		в (ол.сўз.)					жарангли
	тиш		ф					жарангсиз
	тил	д	з, ж	р	л	ж (дж)	и	жарангли
	олди	т	с, ш			ч, ц		жарангсиз
	тил ўрта		й					жарангли
	саёз	г					нг	жарангли
	тил орқа	к						жарангсиз
	чуқ. тил орқа		ғ					жарангли
бўғиз.унд.		қ	х					жарангсиз
			ҳ					жарангсиз

1. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кура:

а) жарангли: *б, в, г, д, ж, дж, з, ф, й, л, м, н, нг, р* (14 та);

б) жарангсиз: *п, ф, к, т, ч, ш, с, х, қ, ц, җ* (11 та).

Жарангли ундошларни ҳосил қилишда овоз (ун) пайчалари иштирок этади ва овоз шовқинга нисбатан кучли бўлади, жарангсиз ундошлар эса фақат шовқиндан ҳосил бўлади. Жаранглилардан *л, м, н, нг, р* ларни талаффуз қилишда овоз иштироки шовқинга қараганда анча кучлилиги учун улар сонор (лот. «овоз») товушлар деб юритилади. С о н о р ундошлар талаффузида ун пайчалари фаол иштирок этади.

2. Ҳосил булиш усулига кура:

а) портловчи: *б, п, д, т, г, к, қ;*

б) сирғалувчи: *в, ф, з, с, ш, ж, й, ф, х, җ;*

д) қоришиқ: *дж, ч, ц;*

г) портловчи—сирғалувчи (сонорлар): *м, н, нг, л, р.*

1. Портловчи товушлар (*б, п, д, т, г, к, қ*) талаффузида нутқ органлари бир—бирига жипслашади ва ҳаво оқими уларни ёриб, портлаб чиқади.

2. Сирғалувчи ундошлар (*в, ф, з, с, ш, ж, й, ф, х, җ*) талаффузида нутқ органлари бир—бирига яқинлашади ва ҳаво оқими шу органларга ишқаланиб чиқади.

3. Қоришиқ ундошлар (*ч, дж, ц*) талаффузида тилнинг олдинги қисми милкка тақалади, оғиз бушлиғига келган ҳаво асосан сирғалиб чиқади.

Сонорлар (овозлилар) ҳам навбатида ён товуш, титроқ товуш, бурун товушларга бўлинади.

а) ён товушлар (*л*) талаффузида тилнинг учи милкка тегиб, ҳаво оқими унинг икки ёнидан сирғалиб чиқади;

б) бурун товушлари (*м, н, нг*) талаффузида ҳаво оқими бурун бушлиғидан чиқади.

в) титроқ товуш (*р*) талаффузида ҳаво оқими таъсири билан тил учи титрайди.

3. Ҳосил булиш урнига кура:

1. Лаб ундошлари:

а) лаб—лаб: *б, п, м, в* (узбекча сўзларда *сув, қовун*);
б) лаб—тиш: *ф, в* (олинма сўзларда *вагон, вазир*).

2. Тил ундошлари:

а) тил олди: *д, т, ж, дж, ч, ц, ш, з, с, н, л, р*;

б) тил ўрта: *й*;

в) саёз тил орқа: *г, к, нг*;

г) чуқур тил орқа: *қ, ғ, х*.

3. Бўғиз ундоши: *ҳ*.

12—машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзлар таркибидаги ундошларни топинг ва тасниф беринг.

Прокуратура

Прокуратура — қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳамма ерда бир хилда бажарилишини назорат қилувчи махсус давлат органи. Ўзбекистон прокуратура тизимини Бош прокурор бошқаради. Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланиб, Олий Мажлис сессиясида тасдиқланади. Прокуратуранинг қўйи тизилмалари маъмурий—ҳудудий тузилишларда, вилоятларда, туманларда ва шаҳарларда тузилади. Прокуратура марказлашган ва яқка бошчилик тартибида иш юритади. Ўзбекистон Республикасида прокуратура органларига назорат вазифасидан ташқари, тергов ишларини олиб бориш, уларнинг устидан назорат қилиш вазифаси ҳам юкланган. Уларнинг фаолияти Прокуратура тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли лугатидан.)

Топшириқ. Матнни ўқинг ва ўз тушунчангизни баён қилинг.

13—машқ. Қўйидаги жумлани ўқинг ва ажратиб кўрсатилган сўзларни фонетик таҳлил қилинг.

Жазони ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори, шунингдек амнистия ёки афв акти асос бўлади (ЎзР.ЖИК, 5—модда).

Мақоллар

Интилган — эгилмас.

Инсон қули — гул.

Инсоф сари — барақа.

Интизомли лашкар енгилмас.

- Топшириқлар: 1. Ҳар бир мақолнинг маъносини шарҳланг.
2. Мақолларни ёд олинг.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИ



19-§. КОНСТИТУЦИЯ – ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8 декабрда халқимиз ўтмиш мероси ва қадриятларининг ёрқин намоёниши сифатида майдонга келди. У мустақиллик биз учун берган хурфикр, юксак тафаккур маҳсулидир. Асосий Қонунимизнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда бебаҳо миллий қадриятларимиз (меҳр—оқибат, ор—номус, иффат ва ҳаё, одамийлик, мурувват ва саховат) ўз ифодасини топган. Мана ўн йилдирки, худди шу кунни халқимиз умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келмоқда.

Конституциямиз ҳақли равишда давлатимиз қурилишини демократлаштиришга, ижтимоий—сиёсий йўлини белгилашга ва инсоний қадриятларимиз устуворлигини таъминлашга кафолат берди. Бу Конституция — инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига сadoqat, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш ва ниҳоят фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳақли равишда таъкидлаганларидек: «Конституция — нафақат бугунги куннинг Қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб турувчи маёқдир».

утмиш мероси — наследие прошлого	ҳамжиҳатлик - солидарность
олижаноб - великодушие	хурфикр — свободомыслие
инсон ҳуқуқлари - человеческие права	садоқат - верность

Топшириқлар. 1. Асос ва қўшимчалар таркибида товуш узгариши содир бўлган сузларни топинг ва уни рус тилига таржима қилинг. 2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига ҳослигини мисоллар асосида тушунтиринг. 3. «*Қомусли эл — номусли эл*» мавзусида матн тузинг.

20-§. БҮҒИН

Бир ҳаво зарби билан айтиладиган бир ёки бир неча товушлар йиғиндиси бугин дейилади. Сузда нечта унли товуш бўлса, бугин ҳам шунча бўлади. Демак, бугинлар сони ундошлар миқдори билан эмас (улар бугинда қатнашмаслиги ҳам, битта ёки ундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин), балки унлилар сони билан белгиланади.

Хўш, бугинларнинг қандай аҳамияти бор?

Биринчидан, ёзувда бир сатрга сиғмай қолган сўз бугин кўчириш қоидаси асосида кейинги йўлга кўчирилади, иккинчидан, биринчи синф укувчиларини ёзиш ва ўқишга ўргатиш бугин асосида амалга оширилади, учинчидан, шеъриятда бармоқ вазни талабига кўра, мисраларда бугинлар миқдорининг тенглиги ҳисобга олинади.

Бугинлар унли ёки ундош билан тугашига қараб, икки хил: очиқ ва ёпиқ бўлади. Бугин унли товуш билан тугаса, очиқ бугин, ундош товуш билан тугаса, ёпиқ бугин ҳисобланади. Масалан, *ма-ла-ка-ли, та-ла-ба, ва-зи-фа* сузларидаги барча бугинлар очиқ, *ин-сон, тинч-лик, айб-дор* сузларидаги ҳамма бугинлар ёпиқ бугинлардан иборатдир.

Ёзувда бир сатрга сигмай қолган сўзлар қуйидаги қоидалар асосида кейинги йўлга кучирилади:

а) суз бошидаги бир ҳарфдан иборат бугин ёлғиз узи олдинги сатрда ҳам қолдирилмайди, кейинги йўлга ҳам кўчирилмайди: *о-нанинг* эмас, *ота-онанинг*, *э-шикдан* эмас, *эшик-дан ёки мудофа-а* эмас, *мудо-фаа*;

б) бир товушни кўрсатувчи ҳарфлар «нг» биргаликда кўчирилади: *син-гил* эмас *си-нгил*, *кўн-гил* эмас, *кў-нгил*,

в) айириш (ъ) ва юмшатиш (ь) белгилари ажратилмайди, олдинги йўлда қолдирилади: *аль-бом*, *таъ-сир*;

г) қисқартма сўзлар, шунингдек, кўп ҳадли рақамлар сатрдан сатрга кўчирилмайди: АҚШ, ТошМИ, БМТ, 1999, XXXV том;

д) атоқли от таркибига кирадиган рақам номдан ажратилган ҳолда кейинги сатрга кўчирилмайди: *Навруз - 99* (фестивал), *«Ўқитувчи - 98»* (курик - танлов), *«Боинг - 767»* (самолёт).

Ўзбек тилида учрайдиган бугинлар тури

Бугин тури	Мисоллар
1 унли	О-на, и-ро-да, у, э-тик, а-ка, ў-рик, му-то-ла-а.
1 унли ва 1 ундош	Ин-кор, да-ла, бу, ик-ки, ил-ғор, ма-ҳо-рат, ал-ла
1 унли ва 2 ундош	меҳ-нат, азм, қаш-шоқ, донг-дор, ақл, асл аср
1 унли ва 3 ундош	вақт, да-рахт, стол, бахт, сабр, вазн, гул-барг
1 унли ва 4 ундош	спорт, грамм, транс-порт

14-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларни бугинларга ажратинг ва турини айтинг. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ушбу моддасини шарҳлаб беринг.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 24-модда).

15-машқ. Матндан фақат очик ва фақат ёпиқ бўғинлардан ташкил топган сузларни алоҳида-алоҳида кучириб чиқинг.

Конституция

Конституция давлатнинг асосий қонуни бўлиб, энг юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжатдир. Конституция конституциявий тизим асослари, давлат тузилиши, давлат бошқарув шакли, шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари, давлат органларини тузиш тартиби, уларнинг ваколатларини белгилаб қўяди. Конституция меъёрлари билан жамиятдаги энг муҳим ижтимоий муносабатлар мустақамланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8 декабрда Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган. Шу кун умумхалқ байрами деб белгиланган. Конституция муқаддима, 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Муқаддимада конституция қабул қилиш сабаблари ва мамлакатимиз олдига қўйилган вазифалар белгиланган. Конституциямиз халқаро конституциявий тажрибаларни ўргатиш, халқаро ҳужжат қоидаларини инобатга олиш, миллий давлатчилик анъаналаримизни эътиборга олиш натижасида яратилган. У жаҳон андозаларига мос келиб, халқаро талабларга жавоб беради. Конституция халқимиз руҳиятини, ахлоқини акс эттиради, у ҳуқуқий онгимиз, халқ ижодкорлиги маҳсулидир. Унда инсонни энг олий қадрият даражасига кўтарувчи нормалар ўз ўрнини етарлича топган. Конституция қонунчилигимиз асоси, фаровон турмуш, хавфсизлигимиз гаровидир. У — муқаддас ҳужжат.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли лугатидан.)

Топширик. Матннинг мазмунини ўз тилингизда сузлаб беринг.

16—машқ. Қуйидаги сузларни бугинларга ажратинг ва рус тилига таржима қилинг, маъноларини тушунтиринг.

Эркинлик, зуравонлик, шафқатсизлик, адолатлилик, инсонпарварлик, ватанпарвар, айбдор, жиноятчи, дахл—сизлик, мустақиллик, ҳуқуқшунослик, демократия, жавобгарлик.

17—машқ. Фақат ёпиқ бугинли сузлар топиб ёзинг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

Намуна: айб—дор, тинч—лик...



21—§. ИНСОНЛИК БУРЧИ

Инсонга беқидёс ишонч, унга меҳр—муҳаббат, ундаги гузалликни тан олиш ҳар бир кишидаги ижобий хислат бўлиб қолмасдан, балки энг олижаноб фазилят ҳамдир. Чунки бу ёруғ оламнинг энг буюк неъматини одамдир. Бу дунёда нимаки яратилган бўлса, инсон учун яратилган.

Инсонларга яхшиликни раво кўриш — олижаноб фазилят. Яхшилик тушунчасининг замирида инсонларга бўлган чинакам меҳр—муҳаббат, оташин туйғулар ётади. Инсонпарвар кишилар одатда олижаноб бўладилар. Олижаноб инсон эса одатда ўта фариштали, салоҳиятли бўлиб, кишиларни оҳанграбодек ўзига тортади. Кўпинча бундай инсонлар ҳақида «унга эл назари тушган» деган ибораларни ишлатишади. Ҳар бир халқнинг энг яхши фарзандлари жамият тараққиётида фахрли ўринни эгаллаганлар. Уларнинг ақлу заковати шу халқнинг маънавий гузаллигидан гувоҳлик беради. Муқанна, Ал—Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Имом Бухорий, Навоий,

Улуғбек, Бобур, Фитрат, Чулпон, Абдулла Қодирий ва бошқалар оддий ўзбек халқи қалбига яширинган гузалликни олқишлаганлар.

Мустақиллик туфайли диний қадриятларимизга эга бўлдик, уларни чуқурроқ англаб олишимизга имконият тугилди. Маълумки, диний қадрият асрлар давомида мусулмон олами тўплаган инсоний фазилатлар йиғиндисидан иборат. Ҳаётда турли хил гузал инсоний хислатларга эга булган кишиларни учратамиз. Ҳар бир киши инсоний гузалликни чуқур ҳис қилмоғи керак. Демак, ҳар битта инсон одамийлик шаънига, Она-ер, Она-Ватан шаънига, ўз халқига муносиб бўлмоғи лозим. Инсоннинг чинакам қадр-қиммати, яшашининг маъноси ҳам худди мана шунда куринади.



Лугат

бекиёс — несравнимый	яхшилик — добро
олижаноб фазилат — благородное	инсонпарвар — человеколюбивый
салоҳиятли — эрудированный	одамийлик — человечность
қадр-қиммат — ценность	ақлу заковат — благоразумие, разум

Топшириқлар. 1. Юқоридаги матндан фақат очиқ бугинли сўзларни топиб кучиринг. 2. Бугин кучириш қондасини мисоллар асосида тушунтириб беринг. 3. Бугинларнинг амалий аҳамияти нималардан иборат эканлигини ўз она тилингизда сўзлаб беринг. 4. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг.



22-§. УРҒУ

Сўз бугинларидан бирининг бошқаларига қараганда кучлироқ оҳанг билан айтилиши сўз урғуси дейилади. Урғу тушган бугин урғули бугин деб аталади.

Ўзбек тилидаги сўзларда ургу асосан охирги бугин— даги унлига тушади. Сўзга қўшимча қўшилиши билан ургу ҳам кейинги бугинга кучиб утаверади: *пахта, пахта—кор, пахтакорлар...*

Тилимизда ургу охирги бугинга тушмайдиган сўзлар ҳам мавжуд. Масалан: биринчи бугинда: *ҳамма, барча, бари, кимдир* (олмошлар); *доим, ҳозир, асло* (равишлар); *ҳатто, гарчи, аммо, лекин* (ёрдамчи сўзлар); иккинчи бугинда: *албатта, афсуски* (модал сўзлар) кабилар.

Шунингдек, тилда ургу олмайдиган грамматик воситалар ҳам мавжуд:

1. Юкламалар: —у, ю—, —да, —ку, —ми, —чи, —гина.
2. Равиш ясовчи —ча қўшимчаси.
3. Ухшатиш маъносидаги —дек, —дай қўшимчалари.
4. Кесимлик қўшимчалари: —дир, —ман, —сан, —миз, —сиз.
5. Феълнинг бўлишсизлик қўшимчаси: —ма.

Тилимизга бошқа тиллардан ўтган ўзлашма сўзларда ургу турли бугинларда бўлиши мумкин. Бундай ургу эркин ургу ҳисобланади.

Баъзи сўзлар ургусининг ўрнини алмаштирсак, уларнинг луғавий маънолари ҳам ўзгаради: *атлас* (ургу иккинчи бугинда) —материал, *атлас* (ургу биринчи бугинда) —хариталар альбоми, *олма* (ургу иккинчи бугинда) —мева, *олма* (ургу биринчи бугинда)—буйруқ феъли (*Бировнинг китобини сўрамай олма*), *янги* (ургу иккинчи бугинда) — сифат (*янги кўйлак*), *янги* (ургу биринчи бугинда) — равиш (*янги келди — ҳозиргина келди*).

Сўз ургуси сўзнинг бирор бугинига тушади. Бундан ташқари, бугинга эмас, гапдаги бирор сўз (гап бўлагининг) ўзига тушадиган маъно (логик) ургуси ҳам мавжуд.

Гапдаги бирор бўлакнинг (сўзнинг) бошқаларига нисбатан алоҳида таъкид (овоз) билан айтилиши маъно ургуси деб аталади. Маъно ургуси, одатда, кесимдан аввал жойлашган бўлакка тушади.

Биз кеча уқитувчимиз билан театрга бордик. Кеча уқитувчимиз билан театрга биз бордик. Биз кеча театрга уқитувчимиз билан бордик. Биз уқитувчимиз билан театрга кеча бордик.

18—машқ. Матнни уқинг ва уни рус тилига таржима қилинг.

Конституция ва қонуннинг устунлиги ҳуқуқий давлатнинг муҳим шартларидан бири. Бундан Конституция ва қонунларга ҳамманинг сўзсиз амал қилиши зарурлиги, ҳеч қандай ҳужжат уларга зид бўлмаслиги тушунилади. Бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар улар асосида қабул қилинади. Конституция ва қонунларга зид келувчи ҳар қандай ҳужжат бекор қилинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли лугатидан.)

19—машқ. Саволларга жавоб беринг.

1. Сўз урғуси деб нимага айтилади?
2. Ўзбек тилидаги сўзларда урғу асосан қайси бугиндаги унлига тушади?
3. Ўзбек тилида урғу охириги бугинга тушмайдиган сўзлар қайсилар? Мисоллар билан тушунтиринг.
4. Урғу олмайдиган грамматик воситалар қайсилар?
5. Маъно урғуси деб нимага айтилади?

20—машқ. Сўзларни уқинг, урғунинг урнини алмаштирганда, уларнинг луғавий маънолари ҳам ўзгарадиган сўзларни топиб дафтарингизга кучиринг ва маъноларини изоҳланг.

Баҳор, атлас, қуллар, олма, яхши, сурма, билим, боғлар, меҳр, янги, сузма, орият, босма, қадр, ювинди,

одам, ишлар, грамматик, она, мевали, жазо, ҳозир, терговчи.

Мақоллар

Ёмондан яхшилик кутма,
Шай туришни ҳеч унутма.

Фикри равшаннинг сузи равшан.

Олтин олма, олқиш ол.

Ақлдан ортиқ бойлик йуқ.

Билсанг гапир, билмасанг эшит.

Ваъда беришга шошилма, бажаришга шошил.

Топширик. Мақолларни ифодали уқинг ва ёдланг.



23-§. ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Барча нарса жуфт–жуфт бўлиб яратилган экан, бу фақат табиат тақозосидир. Лекин оила бўлиб яшаш биргина одамзод наслига хосдир. Маълумки, оила жамиятнинг бир булаги, давлат ичра митти давлат ҳисобланади. Давлат ва жамият ана шу зарра давлатчалардан ташкил топади. Агар оила ҳақиқатан тинч–тотув, аҳил бўлса, олам гулистон. Акс ҳолда турмуш хароб, ҳаёт зимистонга айланади. Бунинг жабрини нафақат эр–хотин, балки болалар ва яқин қариндошлар ҳам тортадилар. Бундан энг катта зарарни жамият кўради.

Оила – эр–хотин, уларнинг болачақалари, энг яқин туғишганларидан иборат хонадондир. Оила аъзолари бир–бирлари билан умумий турмуш, ўзаро иқтисодий–

мулкий, ҳуқуқий, ахлоқий ва руҳий алоқалар билан боғланадилар. Оилавий муносабатлар нисбатан мустақил бўлиб, оиланинг ички ишларига ҳеч ким ҳуда-беҳуда аралашилари ҳақли эмас. Шу сабабли оила муқаддас ва дахлсиз ҳисобланади. Лекин оила осмондан тушмайди, у жамият ташқарисида эмас, балки унинг таркибидадир. Оилавий муносабатлар жонли ва ўзгарувчан жараён. Шунга қура, ҳар қайси жамият ўзига хос оилани тарбиялаб етиштиради ва шакллантиради.

Ўзбек оиласи ҳам жаҳоннинг бошқа оилаларига ухшаб кетади. Шу билан бирга унинг ўзига хос томонлари ҳам йуқ эмас. «Эр-хотин — куш ҳукиз» дейилади ўзбек халқ мақолларида. Оила — миллат парвози учун илк учиш майдонидир. Ўзбек оиласи болажонли оила. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадиси шарифларида марҳамат қилиб айтадилар: «Мен қиёматда ўз умматларимнинг кўп бўлиши билан севинишни истайман!» Ҳа, оила серфарзанд ва мустаҳкам бўлса, жамият шунчалик қудратли ва емирилмас бўлади. Шу туфайли оила — жамиятнинг таянч нуқтаси, ишонган қўрғонидир.

ЛУГАТ

оила — семья

тинч-тоғув — мирно, дружно

ҳуқуқий — правовой

ахлоқий — нравственный

серфарзанд - многодетность

қудратли - мощный

таянч - опора

емирилмас - несокрушимый

Топшириқлар. 1. Матнни ўқинг ва мазмунини сўзлаб бering. 2. Луғатдаги сўзларни бугинларга ажратинг ва уларда ургу қайси бугинга тушганлигини аниқланг. 3. Матн таркибидаги «Эр-хотин—куш ҳукиз» мақолини шарҳланг. 4. «Бизнинг оила» мавзусида матн тузинг.

21—машқ. Матни уқинг ва мазмунини ёдда сақланг. Матнда қўлланилган «қонунчилик» сузини фонетик таҳлил қилинг. Матни рус тилига таржима қилинг.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи — қонунчилик муас-
сасасига (Парламентга) белгиланган тартибда қонун ло-
йиҳасини тақдим этиш. Замоनावий давлатларда қонун-
чилик ташаббуси ҳуқуқига, одатда, парламент депутат-
лари, парламент қўмиталари, ҳукумат, давлат бошлиғи ва
умуммиллий компетенцияли алоҳида идоралар эгадирлар.
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82—мод-
дасига кура, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида
қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республи-
касининг Президенти, шунингдек, уз давлат ҳокимия-
тининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон
Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-
маси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди,
Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокурори эга-
дирлар.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли лугатидан.)

Фозил Қори СОБИРОВ

Одам

Озига қилмас қаноат,
Купига тўймас одам.
Ҳар куни ноз—неъмат ичра,
Шукрини айтмас одам.

Тансиҳатлик қадрини—ю
Тинчликда утган бир дамин,
Бу саодатманд ҳаётин,

Қадрига етмас одам.

Омаду давлат сурар
Аллоҳ таолодан мудом.
Берса давлат бирла бахтин
Туйганин билмас одам.

Ўзига қуйгай бино,
Ҳеч кимсани қилмас писанд.
Бу синов дунё эрурким
Ақлига келмас одам.

На қариндош, на қадрдон
Ҳолидан ҳол сўрмагай.
Оқибат бирла вафони
Қимматин билмас одам.

Ота—она руҳини
Шод айламакнинг ўрнига,
Ўйлагай ишрат зиносин,
Хотира қилмас одам.

Қул—оёғидин куч кетиб,
Кексайиб қолганда ҳам
Қуймагай саждага бошин
Тавбани билмас одам.

Дин—диёнат, оқибатдан
Маърифат қилса Фозил,
Энсаси қотгай шу дам,
Эътибор қилмас одам.

Топшириқ. Шеърни ифодали уқинг ва мазмунини сузлаб беринг.

22—машқ. Қуйидаги маттни уқиб мазмунини билиб олинг. Ажратиб курсатилган сўзларда ургу тушган бўгинни топинг.

Конституциявий суд

Конституциявий суд — Ўзбекистон Республикаси—нинг суд тизимига кириб, қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, ҳукумат, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди; Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикасининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради; Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишлари ҳам куриб чиқади. Масалан, Президент Олий Мажлисни Конституциявий суд билан бамаслаҳат тарқатиб юбориши мумкин. Конституциявий суд раис, унинг ўринбосари ва аъзоларидан иборат таркибда Олий Мажлис томонидан беш йил муддатга сайланади. Конституциявий суд таркибига номзодлар Ўзбекистон Президенти томонидан тавсия қилинади. Конституциявий суд ҳеч қандай органга бўйсунмайди, у фақат Конституция ва қонунга бўйсунди. Унинг фаолияти махсус Конституциявий суд тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади. У Конституция ҳимоячисидир.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли луғатидан.)



Лугат

суд тизими — судебное система
 шартнома — контракт, договор
 Конституция — Конституция
 шарҳ — обзор

ҳукумат — правительство
 мажбурият — обязательство
 мувофиқ — соответствующий
 номзод — кандидат

Мақоллар

Ип ингичка еридан узилади.

Обру мисқоллаб келади, қадоқлаб кетади.

Ип қанча узун булмасин, барибир учи топилади.

Обод қилган — обод булади.

Топшириқлар. 1. Мақолларни уқинг ва маъносини тушу-
 нишга ҳаракат қилинг. 2. Мақолларни ёд олинг.

Б Е Ш И Н Ч И Ф А С Л

ЕТУК МУТАХАССИС БЎЛАМАН

23—машқ. Матнни уқинг ва топшириқларни бажаринг.

Етук мутахассис бўламан

Ҳаёт — нақадар гузал. Шундай гузал ҳаётда яшаш — нақадар завқли. Яшаш завқли экан, уни бахтларга кўмиб, орзуларга буркаб умр ўтказиш эса асалдай шириндир. Бунинг учун биргина истакнинг, ёки эзгу ҳаёлнинг ўзи камлик қилади. Кимки етук инсон бўлишни, ажойиб касб, ёки ҳунарнинг моҳир эгаси бўлишни ўз олдига катта мақсад қилиб қўйсагина кўзлаган муродига етиши мумкин. Фақат ҳавас ва иштиёқ орқали ўйлаган ниятларга етишиш, бир инсон сифатида бахтиёр кунларнинг шуқуҳини туйиш — қум устига қурилган иморатга ўхшайди. Мадомики шундай экан, мен ўз танлаган йўлимда собит туришим, касбий соҳам бўйича етук мутахассис бўлишим керак. Фақат шу туфайли она—Ватанимга, мени тарбиялаб вояга етказган улуғ халқимга муносиб фарзанд бўламан. Фақат шу туфайли мен ўзим яшаётган жамиятнинг илғор ва фидойи аъзоси бўламан.

Топшириқлар. 1. Матндан ҳарфга кўра товушлар миқдори кўп бўлган сўзларни топиб кучиринг. 2. Матннинг мазмунини ўз тилингизда сўзлаб беринг. 3. Матндан ёлашган товушлар қатнашган сўзларни топинг ва улар иштирокида гап тузинг.

24—§. ТОВУШ ВА ҲАРФ

Ҳар бир товушни ифодалаш учун қўлианиладиган махсус шакл ҳарф дейилади. Ҳарфларнинг маълум бир тартибда жойлашуви эса алфавит (алифбо) деб аталади.

Рус (кирилл) графикасига асосланган ҳозирги алфавитимизда 33 та ҳарф, иккита белги (ъ ва ь белгилари) мавжуд. Уларнинг жойлашуви қуйидагича:

Аа (а), Бб (бе). Вв (ве), Гг (ге), Дд (де), Ее (е), Ёё (ё), Жж (же), Зз (зе), Ии (и), Йй (йи), Кк (ка), Лл (эл), Мм (эм), Нн (эн), Оо (о), Пп (пе), Рр (эр), Сс (эс), Тт (те), Уу (у), Фф (эф), Хх (ха), Цц (це), Чч (че), Шш (ша), Ўў (айириш белгиси), Ъъ (юмшатиш белгиси), Ээ (э), Юю (ю), Яя (я), Ўў (ў), Ққ (қе), Ғғ (ғе) Хх (хе)

1993 йил 2 сентябрдаги Олий Кенгаш сессиясида ўзбек ёзувини латин алифбосига ўтказиш тўғрисида қонун қабул қилинди. 1995 йилдаги Олий Мажлис сессияси (6 май) бу алифбога айрим узгартишлар киритди ва унга тулиқ ўтиш муддатини 2005 йил деб белгилаб қўйди. Ислоҳ қилинган янги ўзбек алифбосида 29 та ҳарф бор. Шулардан учтаси ҳарфий бирикма ҳисобланади: sh, ch, ng.

Аа(1) Вв(2) Дд(3) Ее(4) Фф(5) Гг(6) Нн(7) Ии(8) Жж(9) Кк(10) Лл(11) Мм(12) Нн(13) Оо(14) Пп(15) Ққ(16) Рр(17) Сс(18) Тт(19) Уу(20) Вв(21) Хх(22) Ҳҳ(23) Ҷҷ(24) О'о'(25) Гг(26) Шш(27) Чч(28) Нгн(29)

Топшириқлар. 1. Ҳар иккала алифбони ёд олинг. 2. Гуруҳингиздаги талабалар исмини алифбо тартибида ёзиб чиқинг.

24—машқ. Қуйидаги сўзлар таркибидаги ҳарф ва товушлар миқдорини аниқланг. Сўзларни латин ёзувига ўгириб қиёсланг ва фарқини айтинг.

Юрист, жиноятчилик, эҳтиёт, сиёсат, маърифат, маънавият, адлия, судья, санкция, ассоциация.



Инсон борки — унинг кунглида бир олам орзуси бўлади. Орзусиз юрак — кераксиз кесакдир. Орзусиз инсон — бамисоли ҳайвон. Инсон ўзининг эзгу орзулари, ҳис—туйғулари билан ҳаётини гулга уради, турмушини гўзал қилади. Бу орзулар уни қўл етмас уфқларга чорлайди. Уфқлар эса орзулар чаманини яратади, аммо ҳамиша сирли олам бўлиб қолаверади. Ҳар бир инсон ана шу сирли оламга интилиб яшайди. Бу олам юракларни ҳиссиётга тўлдиреди, дилбар ҳаёлларга қанот бағишлайди.

Менинг ҳам ёруғ жаҳондан, умрим йулларидан умидим катта. Мен ҳам олам—олам орзулар билан яшаяпман. Олган билимларимнинг сарҳисоби сифатида илмий иш ёқлаш ниятим бор. Илм — менинг ҳаётимнинг мазмунига айланган. Доимо илм ва зиёга талпинган халқимиз учун илм орқали хизмат қилиш ягона армонимдир.

Жонажон Ўзбекистонимиз бизлар каби ёш, бизлардек мадад ва меҳрга муҳтож. Унга қувват ва қанот бўладиган, келажагини кўркем ва буюк қиладиган биз ёшлармиз. Буни ҳар он, ҳар қадамда ҳис қилган ҳолда Ўзбекистон истиқболини яратишга маҳкам бел боғлаганмиз. Чунки Ватан иқболи — бизнинг иқболимиз. Унинг ободлиги менинг ва мен каби ёшларнинг бутунги орзуларида намоён бўлади. Менинг орзуларимни рўёбга чиқарадиган, келажагимни яратадиган мана шу юрт омон бўлсин!



Луғат

орзу - мечта
ҳис—туйғу - чувство

кесак - земля
сирли - таинственный

мадад - помощь, подмога
икбол - счастье, благополучие

қанот - крыло
руёб - сбывание

Топшириқлар. 1. Ушбу матн асосида уз орзуларингиз ҳақида сўзлаб беринг. «*Мен ҳуқуқшунос бўлмоқчиман*» мавзусида матн тузинг. 2. Утилаётган фанларнинг номини алфавит тартибида ёзиб чиқинг.

26-§. ИМЛО ВА ТАЛАФФУЗ

Тилда сўзлар (узак, негиз, қўшимчалар, бош ҳарфлар) маълум бир қоида асосида ёзилади. Бу қоидалар мажмуаси орфографик (юнон. «орфо» — *тўғри*, «графо» — *ёзаман*) тамойиллар деб аталади. Орфографик қоидалар тилшунос мутахассислар томонидан тузилиб, жамоатчилик маъқуллагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилади ва Президент томонидан тасдиқланади.

Орфография (имло) тамойиллари (қоидалари) қуйидагилардан иборат:

1. Фонетик тамойил. Сўз узаги, негизи, қўшимчаларини фақат эшитиш асосидаги ёзув:

а) жўналиш келишиги қўшимчаси —*га к, г* товуши билан тугаган сўзларга —*ка* тарзида, *қ, г* товуши билан тугаган сўзларга — *қа* тарзида қўшилади, шундай ўқилади ва ёзилади: *эртакка, билакка, баркка, уртоққа, боққа* ва ҳ.к. (бирок айрим олинма сўзлар — *педагогга, Оренбургга, митингга* сўзлари бундан мустасно);

б) *шаҳар, кўнгил, сингил, огиз, бурун, багир* каби сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда, иккинчи бугиндаги *а, и, у* товушлари тушириб айтилади ва шундай ёзилади: *шаҳри, кўнглим, синглинг, огзи, бурним, бағри*;

в) *ёш, от, сон, онг* каби сўзларга феъл ясовчи —*а, —* ла қўшимчалари қўшилганда, *ё* товуши *я* га, *о* товуши *а* га айланади ва шундай ёзилади: *яша, ата, сана, англа*;

г) икки, олти, етти каби сонларга жамловчи сон ҳосил қилувчи —ов, — ала, —овлон қўшимчалари қўшилганда, охирги бўғиндаги и товуши тушириб айтилади ва шундай ёзилади: икков, олтов, еттов, иккала;

д) а ёки я товушлари билан тугаган сўзларга қ ва в қўшимчалари қўшилса, узақдаги а товуши о га айланади ва шундай ёзилади: *сура—суроқ, бўя—бўёқ, танла—танлов, сайла—сайлов, сана—саноқ.*

2. Морфологик тамойил. Сўз ўзаги, негизи ва қўшимчаларни эшитиш асосида эмас, грамматик қонун—қоидалар асосида ёзиш демакдир.

а) ўтган замон феъли қўшимчаси —ди талаффузда —ти шаклида айтилса—да, морфологик қоидага мувофиқ *айтти, кетти* эмас, *айтди, кетди* тарзида ёзилади; ёки *айтипти, ўқипти* эмас, *айтибди, ўқибди* тарзида ёзилиши лозим.

б) —истон (ўрин—жой отини ясовчи), —инчи (тартиб сон), —иб (равишдош), —ин, ил (феъл нисбатлари) қўшимчалар негизида у товуши бўлган феълларга қўшилганда, —у (ю) товушларига мойил айтилади: *гулустон, кулуб, туғулди, учунчи*. Бироқ қўшимчалар шакли айнан сақланади ва *гулистон, кулиб, тутилди, учинчи* тарзида ёзилади.

в) Қўшма ва жуфт сўзлар, *ҳар вақт* каби raviш, *юм—юмалоқ, сап—сарик, кўм—кўк* каби сифатлар ҳам морфологик қоида бўйича ёзилади.

3. Шаклий тамойил. Бу қоидага мувофиқ рус ва бошқа тиллардан олинган сўзлар ўша тилда қандай ёзилса, биз ҳам шу тарзда ёзамиз: *тралейбус* эмас, *троллейбус, пракурор* эмас, *прокурор, трактир* эмас, *трактор* ва ҳ.к.

25—машқ. Нуқталар ўрнига берилган сўзлардан мосини қуйиб. гапларни ёзинг. Ёзган гапларингизни рус тилига таржима қилинг.

1. Ўз билган раҳбар мақтовга зор эмас (И. Каримов). 2. Жазони ижро этиш учун қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори, шунингдек амнистия ёки авф акти асос бўлади (ЎЗРЖИК, 5–модда). 3. Таъмагирлик, тўрачилик, пора–хўрлик, кибр–ҳаво, коррупция ниҳоятда юқумли ва хавфли (И. Каримов). 4. Илму ҳикмат ёндираар (мақол).

Нуқталар ўрнига қўйиладиган сўзлар: *касалликдир, суднинг, сувни, қадрини.*

Топшириқ. *Депозит, защитат, избиратель, неправосудный приговор, извращение, исполнители преступления, истец, истена* каби юридик терминларни ўзбек тилига таржима қилинг ва улар ишги рокида гаплар тузинг.



27–§. КИТОБ - БИЛИМ МАНБАИ

Ҳаммининг митти юрагида оламжаҳон орзулари, катта ва кичик мақсадлари қалашиб ётади. Лекин уларга маёқ бўлиб йўл очадиган, тафаккур дунёмизни бойи–тадиган нарса – китоб олами дир. Китоб – уйқуда ётган жамики ҳис–туйғуларга жон бағишлайди, қанот бўлади ва инсонни эзгулик сари етаклайди. У содиқ ва ишончли дўст, беминнат нажоткор дир. Ҳаётда ота–онамиздай меҳрибон, олиҳиммат инсон бўлмагани каби китобдек қадрдон ва тўғри йўл кўрсатувчи беғараз дўст ҳам йўқ д ир.

Китоблар олами – энг азиз олам. Бу оламдан ҳар ким истаганча қудрат ва зиё олмоғи мумкин. У шундай бир уммон д ирки, ундан ким қанча хоҳласа шунча дур–жавоҳир йиғади. Китобдаги билим ўлчоғига тарозининг тоши етмайди. Бу уммон тутанмас ва адо бўлмас д ир. Ундан баҳраманд бўлган инсон дунёда энг бахтиёр инсон бўлади. Китоб – билимлар хазинаси, тафаккуримиз қа–

ноти экан, у мисли қуёш каби бутун оламимизни ёритиб туради.



Лугат

китоб — книга
билим — знание

беминнат — бескорыстно
олихиммат — великодушный

беғараз - беспристрастный
қудрат - мощь

баҳраманд - наслаждающийся
тафаккур қаноти - крылья мысли

Топшириқлар. 1. Матнни уқинг ва мазмунини сўзлаб беринг. 2. Матнда ажратиб кўрсатилган сўзларнинг ёзилишига эътибор беринг. Улар қайси тамойил асосида ёзилган. 3. Учта тамойил асосида ёзилган сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

26—машқ. Матнни уқинг ва топшириқларни бажаринг.

Ўзбек санъати усталари

Санъат — кенг тушунча ва кенг тармоқли булиб, у бизнинг маданий ҳаётимизда етакчи ўрин тутади. Аслида санъатсиз кундалик ҳаётни тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Санъат билан турмуш гузал, умр эса лаззатли бўлади.

Санъат — бир неча турларга булинади. Бу турлар: театр санъати, кино санъати, мусиқа санъати, қўшиқ санъати, рақс санъати, тасвирий санъат, меъморчилик санъати ва бошқа санъатларни ўз ичига олади. Бундан ташқари бадиий сўз санъати, кулгу санъати ва зардўзлик санъатлари ҳам мавжуддир. Ҳар қайси санъатнинг ўз устаси ва фидойилари бор. Улар ўша санъат турини оммалаштиришга, уни авлоддан—авлодга етказишда катта хизмат қилишган. Театр санъатида: Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятлов, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджоновлар; Кино санъатида: Комил Ёрматов, Раззоқ Ҳамроев, Малик Қайумов, Латиф Файзиёв, Шўҳрат Аббосовлар; Мусиқа санъатида: Юнус Ражабий, Мухтор Ашрафий, Мутал Бурҳонов, Тўхтасин

Жалилов ва Сулаймон Юдаковлар; Қушиқ санъатида: Маъмуржон Узоқов, Ботир Зокиров, Комилжон Отаниёзов, Фаттоҳхон Мамадалиевлар; Рақс санъатида: Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Бернора Қориева, Малика Аҳмедовалар; Тасвирий санъатда: Искандар Икромов, Урол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров, Раҳим Аҳмедов, Жавлон Умарбековлар; Меъморчилик санъатида: Фарҳод Турсунов, Собир Одилов, Пулат Зоҳидов, Фируз Ашрафий, Ботир Усмоновлар ҳақиқий санъат усталари бўлиб танилдилар ва ўз мактабларини яратдилар. Улар билан халқимиз ҳақли равишда фахрланади. Уларнинг ижодлари ҳеч қачон улмайди ва қайта-қайта урганишга лойиқдир. Бу санъат бизни маънавий юксакликка чорлаб, тарбиялаб бораверади.

Топшириқлар. 1. Сиз ўзбек санъати усталаридан яна кимларни биласиз? Ўзингиз севган санъат устаси ҳақида гапириб беринг. 2. Матнни рус тилига таржима қилинг.

Мақоллар

Жони борнинг гами бор,
Касби—кори, номи бор.

Зехн қўйса, онг қўнар,
Қўнар ортса, иш ўнар.

Илмсиз бош қашир,
Хушомадгўй гап ташир.

Илмсизга ишонч йўқ,
Қўнарсизга қувонч йўқ.

Топшириқ. Мақолларни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

ЎЗБЕКИСТОН ЯГОНА ВАТАН

27—машқ. Матнни уқинг ва ундаги ажратиб курсатилган сўзларни рус тилига таржима қилинг.

Ўзбекистон ягона ватан

Жаҳон харитасида Ўзбекистон деган ягона ватаннинг пайдо бўлганига эндиgina ун икки йил бўлди. Бу ватан қисқа муддат ичида дунёнинг илғор давлатлари томонидан тан олинди ва узаро муносабатлар йўлга қўйилди. Бу ватан бошқалар орзу қиладиган, доимо интилиб яшайдиган жаннатмакондир. У бепоён боғу роғларга, сўлим оромгоҳларга, олтинга кон пахтазорлару гўзал қир ва адирларга бурканиб ётибди. Унинг таърифи тилларда дoston, дилларга дармондир. Йилдан—йилга Ўзбекистон қудрати юксалиб, обрўи ошиб бораётган, уз жозиба ва салоҳияти билан бутун жаҳонни ўзига чорлаётган мафтункор ватан. Уни севиш, уни қуйлаш учун қуёшдек оловқалб юрак, осмондай поёнсиз бағри кенглик керак бўлади.

28—§. ТИЛНИНГ ЛУҒАТ ТАРКИБИ

Лексикология (юнон. «лексикос» — сўз) тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, у тилнинг луғат таркибини текширади. Тилнинг луғат таркиби тилдаги барча сўзларнинг мажмуидир. Давр ўтиши билан тилнинг луғат таркиби мунтазам бойиб боради. Бу жараён икки хил йўл билан амалга ошади:

1. Ички манбалар асосида.
2. Ташқи манбалар асосида.

Ички манба дейилганда, икки нарса тушунилади:

а) адабий тилга халқ шеваларидан сўз олиш. Масалан, *дугона*, *дуппи*, *арчимоқ*, *буви*, *шоти* каби сўзлар аслида шевага хос сўзлар бўлиб, бу сўзлар ҳозир адабий тилда ҳам қўлланилади.

б) тилимиздаги мавжуд бўлган сўзлардан ясовчи қўшимчалар ёки сўзларни сўзларга қўшиб янги сўзлар ясаш. Масалан, биргина ёз сузидан бир неча сўзлар ясаш мумкин: *ёзиқ* (гуноҳ), *ёзувчи*, *ёзувчилик* ёки «*қул*» ва «*қол*» сўзларини бир-бирига қўшсак, учинчи суз «*қул-қол*» сўзи ҳосил бўлади. Кўрдингизки, тилимизнинг луғат таркиби бир неча сўз ҳисобига бойида.

Ташқи манба дейилганда эса, тилимизга қардош бўлмаган ўзга тиллардан, масалан, араб, форс—тожик, рус ва бошқа тиллардан сўз олишни тушунамиз. Тилимизнинг луғат таркибида бундай сўзлар талайгина; *ишқ*, *муҳаббат*, *китоб*, *мактаб*, *шаҳар*, *ҳижрон*, *алам*, *илм*, *таассурот*, *меҳр* (арабча), *пешона*, *гул*, *дил*, *сартарош*, *дотор*, *рубоб*, *обрӯ*, *чорва*, *мезбон*, *жомадон* (форс—тожик), *шкаф*, *ручка*, *туфли*, *самовар*, *самолёт*, *пальто* (русча) ва бошқалар.

Бундай сўзлар олинма ёки ўзлашган сўзлар дейилади.

28—машқ. Саволларга жавоб беринг.

1. Лексикология тилшуносликнинг қайси соҳаси ҳақида баҳс юритади?

2. Тилнинг луғавий бирлиги нима?

3. Тилнинг луғат таркиби асосан қандай йўллар билан бойиб боради?

4. Адабий тилга халқ шеваларидан сўз олиш қандай жараён?

5. Қандай сўзлар олинма (ўзлашган) сўзлар деб аталади?

Ватанпарварлик

Ҳадиси шарифларда «Ватанни севмоқ иймондандир», деб бежиз айтилмаган. Ватанни севиш — ватанпарвар бўлиш демакдир. Ватан маънавият ва маданият, фан, адабиёт ва санъат учоғи ҳамда булогидир. Инсон учун Ватандан юксакроқ бойлик йўқ.

Ватанпарварлик — бу она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш ва эъзозлашдир. Унинг равнақига ҳар бир фуқаронинг ўз ҳиссини қўшишга эришиш.

Ватанпарварлик — бу она—Ватан, мустақил Ўзбекистон тушунчаларини ўз онгига сингдириш ва унга содиқ бўлишга эришиш.

Ватанпарварлик — бу Ватанимиз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурмат билан қараш ҳамда уни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш, унинг ҳақиқий жонкуяри бўлиш.

Ватанпарварлик — бу ўзбек халқининг маданий мерослари ҳисобланган маданият, санъат, меъморчилик ёдгорликларини асраб—авайлаш ва уларнинг тарихи ҳамда бугунги кундаги аҳамиятини билиш.

Ватанпарварлик — бу соғлом кучлар, соғлом тафаккур эгалари, дини, имони покизалиқдир.

Ватанпарварлик — бу Ватан олдидаги масъулият, миллат манфаати билан яшаш. Ватан тараққиёти, миллат обрусига ҳисса қўшиш, фойда келтириш, фидоийлик, ҳалоллик билан меҳнат қилиш, халқнинг шон—шухрати ва манфаатини ўйлаш, инсонпарвар бўлиш демакдир.

(«Ахлоқ—одоб сабоқлари» китобидан.)

Топшириқлар. 1. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг. 2. «Ватанни севмоқ иймондандир» ҳадисини шарҳланг.

Тилимизнинг лугат таркибини тарихий, ижтимоий—диалектал жиҳатдан бир неча қатламлар: адабий ва адабий бўлмаган (шевага хос сўзлар, касб—ҳунарга оид сўзлар, жаргонлар), атамалар (терминлар), эскирган ва янги сўзлар, ўзлашган (олинма) сўзлар ташкил этади.

Умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган, маълум бир грамматик қоидаларга бўйсундирилган шакли адабий тил деб аталади. Ёзувчилар, олимлар, жамоат арбоблари, зиёлилар адабий тилга ишлов берадилар, уни силлиқлаштирадилар. Адабий тил ёзма ва оғзаки шаклларга эга. Давлат идоралари, оммавий—ахборот воситалари (радио, телевидение, газета, журнал), ўқув юртлари, илмий—маданий муассасалардаги барча ишлар адабий тилда юритилади.

30—машқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Адабий тил деб нимага айтилади?
2. Адабий тилнинг қандай шакллари мавжуд?
3. Адабий бўлмаган қатламга қандай сўзлар киради?

31—машқ. Қуйидаги сўз ва сўз бирикмаларини ўзбек тилига таржима қилинг.

Иго, игорный притон, злоупотребление служебным положением, легитивность, неправосудный приговор, неподсудность, разоблачение, злостное преступление, равенство в правах, следствие.

30-§. ШЕВАГА ХОС СЌЗЛАР

Маълум ҳудуддагина қўлланилиб, фақат шу ерда яшовчи кишиларга тушунарли бўлган сўзлар шевага хос сўзлар деб аталади. Бир тушунчанинг ўзи турли маҳаллий шеваларда турлича ифодаланади. Масалан, «бузоқ»

(Фарғона), «ужак» (Хоразм), «инак» (Сурхондарё) ёки «нарвон» (Тошкент), «шоти» (Фарғона), «занги» (Хоразм) сўзлари аслида бир предметни ифодалайди.

Бир—бирига яқин булган шевалар йиғиндиси лаҳжа деб аталади. Ўзбек тили шевалари қарлуқ, қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларидан иборат. Қарлуқ лаҳжаси, асосан, шаҳар шевалари, масалан, Фарғона, Тошкент шеваларини ўз ичига олади. Ўзбек адабий тилига ана шу шевалар асос булган. Адабий тилимиз фонетик жиҳатдан Тошкент, морфологик жиҳатдан эса Фарғона шевасига асосланган. Қарлуқ лаҳжасига кирувчи шеваларга «а» унлисини «о» тарзида талаффуз этиш (ока, котта, Боҳодир, Ақром), қаратқич келишиги қўшимчаси ўрнида тушум келишиги қўшимчасини қўллаш, ҳозирги замон феъли —яп ўрнида —ут, —вот, —он қўшимчаларини қўллаш каби хусусиятлар хос.

Қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчилар республикамининг барча вилоятларида учрайди. Бу лаҳжага кўнгирот, лақай, қипчоқ, хитой, кенагас, юз, қирқ, минг ва бошқа шевалар киради. Қипчоқ лаҳжасининг ўзига хос хусусиятларидан энг муҳими «й» товушининг «ж» тарзида талаффуз этилишидир. Масалан, *йул* — «*жўл*», *йўқ* — «*жўқ*», *ёғ* — «*жов*», *ёзаётир* — «*жазватир*», *ўқиётир* — «*ўқижатир*» ва ҳ.к.

Ўғуз лаҳжасига Хоразм шевалари киради. Бу лаҳжага кирувчи шеваларда унли товушлар баъзан чузиб талаффуз қилинади: *а-а-дий-тиз*, *не-е-ра...* шунингдек, айрим жа—рангсиз ундошлар жарангли тарзда талаффуз этилади: *даш* — *тог*, *гўз* — *кўз*, *дил* — *тил*, *гал* — *кел* ва ҳ.к.

Шевага хос сўзлар фақат оғзаки шаклга эга бўлиб, у адабий тилдан фонетик, лексик ва грамматик жиҳатдан фарқ қилади. Адабий тил лугат таркибининг бойиб боришида шевага хос сўзлар ички манба ҳисобланади. Адабий тилнинг мавқеи, таъсири кучайиб боргани сари шевага хос сўзларнинг қўлланиш доираси заифлашиб боради.

Шевага хос сўзлар асосан сўзлашув ва бадий услубларда қўлланилади.

32—машқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Шевага хос сўзлар деганда қандай сўзларни тушунасиз?

2. Лаҳжа деганда нимани тушунасиз?

3. Ўзбек тили шевалари қандай лаҳжалардан иборат? Мисоллар асосида тушунтириб беринг.

4. Сиз яшаётган ҳудуднинг шеваси қайси лаҳжага хос?

5. Шевага хос сўзлар адабий тилдан қайси жиҳатдан фарқ қилади?

6. Шевага хос сўзлар, асосан, қайси услубда қўлланади?

31—§. КАСБ—ҲУНАРГА ОИД СЎЗЛАР

Жамиятимиз ҳаётида касблар хилма—хил. Ҳар бир касб эгалари умумхалқ сўзларидан ташқари, ўз касбларига оид сўзларни қўллайдилар. Масалан, кулоллар нутқида *доғчил* (ёғоч асбоб), *бандак*, *боғич*, *дасмол* (хом идишни текислашда ишлатиладиган асбоблар), маҳсидуз косиблар нутқида эса *ширач коса*, *елим*, *қолип*, *чарм резгиси*, ипакчилар нутқида *найчакаш*, *пиллакаш*, *баргчи* (найчага ипак уровчи), *мошпора* (ипак урайдиган ёғоч асбоб) каби сўзлар кўп қўлланилади. Бундай сўзлар касб—ҳунарга оид сўзлар ёки профессионализмлар деб аталади.

Жамият тараққий этиб бораётган бутунги кунда фан, техника билан боғлиқ булган янги сўзлар касб—ҳунар сўзлари қатламига кўпроқ кириб бормоқда. Масалан, тиббиёт ходимлари—врачлар нутқида *электрокардиатор*, *рентген*, *скальпель*, *фонендоскоп*, *лазер аппарати* ва бошқа сўзлар кўп қўлланилади.

33—машқ. Ўз касбингиз ҳақида уртоғингиз билан суҳбат—лашинг, диалог тузинг.

Фозил Қори СОБИРОВ

Ватан қадри

Ўзгаларга хизмат айлаб, узга юрт қилсанг ҳавас,
Жон фидо қилганда ҳам узгалар ҳеч биздан демас.

Миллатинг, юртинг омондир, сенга бордир эътибор,
Шу Ватан қадрига етгил, узгалар ўғлим демас.

Тахтада йиглаб утди Бобур бу Ватан ишқи билан,
Кимки севмасдир Ватанни, ул киши одам эмас.

Сен Ватан қадрига етгил, хокини кўзингга сурт,
Етти иқлим боғи—роғи бир сиқим тупроқчамас.

Сен Ватанга содиқ эрсанг, етгай Ватан ҳам қадрингга,
Ўзинг қайда булсанг ҳам, юртинг сени тарк айламас.

Каъбани курганда Фозил йиглабон қилди дуо,
Ўзбекистондир Ватаним, узгаси даркор эмас.

Топшириқ. Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг.

32—§. АТАМА ВА ТЕРМИНЛАР

Фан, техника, адабиёт, санъатга оид бир маъноли сўзлар атамалар деб аталади. Бир фан ёки ишлаб чиқариш соҳасида қўлланиладиган атамалар йиғиндиси терминология дейилади. Атамаларнинг асосий қисмини чет тиллардан, хусусан, лотин, юнон тилларидан кирган сўзлар ташкил этади. Ҳар бир соҳанинг ўз атамаси

булади. Математика соҳасида *куб, квадрат, тенглама, лимит, синус, тангенс, номаълум сон, интеграл* каби атамалар қўлланилса, тилшунослик соҳасида *морфология, синтаксис, лингвистика, эга, кесим, аниқловчи, қўшма гап*, физика соҳасида эса *атом, оптика, газ, механика, кучланиш, қаршилик* ва шу каби бошқа атамалар ишлатилади. Айрим атамалар икки соҳада ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, *атом, молекула, нейтрон, протон* атамалари ҳам физика, ҳам химия соҳасида, ёки морфология атамаси ҳам тилшунослик, ҳам тиббиётда қўлланилади. Атамалар, асосан, илмий услубда қўлланилади.

34—машқ. Юридик атамалар иштирокида гаплар тузинг.

Суиистеъмол, одил судлов, ҳуқуқий онг, суд амалиёти, огоҳлантириш, изларни сақлаш, прокурор.

35—машқ. Матнни уқинг ва «*федератив давлат*» атамасининг маъносини эса сақланг.

Федератив давлат

Федератив давлат — давлат тузилишининг мураккаб шакли. Федератив давлат — маълум сиёсий мустақилликка эга давлатларнинг бирлашиши натижасида вужудга келади. Федератив давлат таркибига кирувчи миллий ва ҳудудий тузилмалар федерация субъектлари деб аталиб, улар турли ҳуқуқий мақомга эга булади. Федератив давлат миллий ёки ҳудудий тамойиллар асосида тузилиши мумкин. Федерациянинг субъектлари республика, вилоят, ўлка (Россияда), штат (АҚШ ва Ҳиндистонда), ерлар (Германияда) деб аталади. Федератив давлатларда бир неча Конституция, бир неча фуқаролик булади.

(«*Конституциявий ҳуқуқ*» изоҳли лугатидан.)

Топширик. Амнистия, демократия, суверенитет, интерпол
атамаларининг маъносини изоҳланг.

33-§. ЭСКИРГАН СЎЗЛАР

Давр утиши билан ҳаётимиз, тушунчаларимиз узғариб боради. Бундан юз йил аввалги *мингбоши*, *паранжи*, *омоч*, *чориқ*, *мўнди*, *миршаб*, *канизак* каби предмет ва тушунчаларнинг ўзи бугунги кунда мутлақо мавжуд эмас. Уларни ифодаловчи сўзларни фақат бадиий ёки тарихий китоблардагина учратамиз. Бугунги кунда ишлатилмай, истемолдан чиқиб кетган сўзлар эскирган сўзлар дейилади.

Эскирган сўзлар икки хил бўлади:

а) тарихий сўзлар — бугунги кунда мавжуд бўлмаган нарса ва тушунчаларнинг эскириб қолган номларидир: *мингбоши*, *канизак*, *зиндон*, *кул*, *жаллод*, *саҳҳоф*, *баззо*, *мўнди*, *паранжи*, *малай*, *халфа*, *эликбоши*, *чориқ*, *чоракор*, *сарроф* ва бошқалар;

б) архаик сўзлар (архаизмлар) бугунги кунда мавжуд бўлган нарса ва тушунчаларнинг эскириб қолган номларидир: *илик* — *қўл*, *дудоқ* — *лаб*, *битик* — *китоб*, *очун* — *дунё*, *будун* — *халқ*, *кисва* — *кийим*, *жайб* — *ёқа*, *шатранж* — *шахмат*, *фирқа* — *партия* ва ҳ.к.

36—машқ. Қуйидаги сўзлар орасидан тарихий сўзларни топиб дафтарингизга кучиринг ва маъносини тушунтиринг.

Фирқа, ёргучоқ, дудоқ, ясовул, котиб, канизак, битик, тахт, улус, жумҳурият, қози.

34-§. ЯНГИ СЎЗ (НЕОЛОГИЗМ)

Жамият тараққий этиб, фан—техника ривожланиб боргани сайин кундалик турмушимизга янги—янги предмет ва тушунчалар кириб келади. Табиийки, тили—

мизнинг луғат таркиби ҳам уларни ифодаловчи сўзлар ҳи—собига бойиб боради. Янги сўзлар дастлаб кам қўлланувчи (пассив) сўзлар ҳисобланса ҳам, вақт утиши билан улар ўзининг янгилик хусусиятини йўқотиб, тили—мизнинг луғат таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллайди. Масалан, *радио, телефон, телевизор, автобус, троллейбус* каби сўзлар ҳозир янги сўз ҳисобланмайди. Бугунги кунда биз қўллаётган *компьютер, пейзаж, менежер, лизинг, маркетинг, брокер, роботехника, психоробика, нейрохирургия, аудитор, лицензия* каби сўзлар неологизмлар ҳисобланади. Вақт ўтиб, бу сўзлар ҳам ўзларининг янгилик буюғини йўқотиб, ўз ўринларини бошқа янги сўзларга бўшатиб беради.

37—маншқ. Ҳуқуқшунослик соҳасидаги янги пайдо бўлган сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

35—§. ЖАРГОНЛАР

Аҳолининг маълум бир қатламлари, масалан, савдогар, гадо, ўғри, отарчи ўз ниятларини халқдан яшириш мақсадида ўзлари учунгина тушунарли бўлган сўз ва ибораларни қўлаб келганлар. Натижада, умумхалқ тилидан фарқ қилувчи «яширин» сўзлар (диалектлар) пайдо бўлган. Бундай сўзлар жаргонлар деб аталади ва уларнинг пайдо бўлиши тилда салбий ҳодиса ҳисобланади. Масалан, ўғрилар «хиттола» (*уғирла*), «бедана» (*тўшпонча*), «якан» (*пул*), «пахан» (*уғрибоши*), «мент» (*милиционер*), савдогарлар «қайчи» (*ревизор*), «соққа» (*пул*), «элик олти» (*ипак*), «инхай» (*чой*), отарчилар «гили—гили» (*туй*), «муллажиринг» (*пул*) каби сўзларни қўлайдилар. Купчилик халқ бу сўзларнинг маъносини тушунмайди.

Ҳуқуқий давлат

Ҳуқуқий давлат — давлат тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуққа асосланганлиги. Ҳуқуқий давлатда қуйидаги шартлар албатта бўлиши керак: халқ ҳокимиятининг амалга ошиши; шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳеч ким, шу жумладан, давлат томонидан ҳам ҳеч қандай ҳолда бузилмаслиги; Конституция ва қонуннинг устунлиги; ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилига амал қилиш; судларнинг мустақиллиги. Ҳуқуқий давлатда энг олий кадрият инсон ҳисобланади. Давлат фақат ҳуқуқ яратиб қолмай, ўзи ҳам ана шу ҳуқуқ нормаларига амал қилиши ҳуқуқий давлатнинг асосий хусусиятидир.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли луғатидан.)

39 —машқ. «Ватанга фалокат — узинга ҳалокат» мақолини шарҳланг.



36—§. МЕН НЕЧУН СЕВАМАН УЗБЕКИСТОННИ?

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг шу номдаги ажойиб шеъри бор. Унда шундай сатрларни ўқиймиз:

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?
Боғларин жаннат деб кўз—кўз этаман,
Нечун ардоқларкан тупроғини мен
Упаман: «Тупроғинг бебаҳо, Ватан...»
Халқим, тарих ҳукми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?

Дарҳақиқат, мен Ўзбекистонни фақат қуёшли бўлгани, ёки тупроғида пахта ўсгани учун севмайман. Мен Ўзбекистонни ширин—шакар меваларга бойлиги, ёки тўрт фаслга бўлинган ажойиб табиати учун севмайман. Мен жонажон Ўзбекистонимда дунёга келиб, шу қутлуг диёрда оламини кўрганим учун ҳам уни жондан ортиқ севаман. Агарда шоир айтганидай, мен туғилган юрт қор ва музлардан иборат бўлганида эди, уша музликлари билан севган булардим. Дунёнинг қайси бурчида юрмайин Ўзбекистон дея нафас оламан, бир кун ўтмай уни соғинаман ва унга ошиқаман. Киндик қоним тукилган мана шу севимли она маконимни бир умр ардоқлайман. Унинг тупроғи кўзимга тўтиё, гиёҳлари жонимга жондир. Шундай азиз юртимни жондан ортиқ севаман ва умрим борича жўшиб куйлайман.



Лугат

қуёшли — солнечный
 қутлуг диёр — святая родина
 музликлар — ледники
 она макон — мать—земля

ардоқламоқ — лелеять
 азиз — дорогой
 соғинмоқ — соскучиться
 ошиқмоқ — торопиться

Топшириқлар. 1. Ватан ва ватанпарварлик туйғуси деганда нимани тушунасиш. Ўзбек тилида сўзлаб беринг. 2. «*Менинг Ватаним*» мавзусида иншо ёзинг.

37-§. СЎЗЛАРНИНГ ШАКЛ ВА МАЪНО МУНОСАБАТИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Сўзнинг шакли, ташқи кўриниши унинг ёзилиши ва айтилиши ҳисобланса, бирор предмет, тушунча, белги, миқдор, ҳаракат—ҳолат кабиларни ифодалашини унинг луғавий маъносидир. Айрим сўзларнинг шакли бир хил, ammo маънолари ҳар хил ёки аксинча, шакли ҳар хил, маънолари эса бир хил, ёки бўлмаса, маънолари буткул

бир—бирга қарама—қарши бўлиши ҳам мумкин. Шунга қура сўзлар ўзаро омоним, синоним, антоним бўлади.

40—машқ. Қуйидаги мақолнинг маъносини изохланг, қарама—қарши маъноли сўзларни топиб тагига чизинг.

Элга қўшилган мой ютар,
Элдан айрилган қон ютар.

38-§. ОМОНИМЛАР

Шакли (айтилиши ва ёзилиши) бир хил, маънолари буткул бошқа—бошқа сўзлар омонимлар (юн.«хомос» — *бир хил*, «онома» — *ном*) деб аталади. Масалан: *Далада от кишнади. Чакалоққа от қуйилди. Тупни менга от.* Ҳар учала гапда қўлланган *от* сўзлари шаклан бир хил бўлса—да, улар бир шаклга эга бўлган мутлақо бошқа—бошқа сўзлардир. Биринчи гапдаги «от» сузи уй ҳайвони, иккинчиси исм, учинчиси эса буйруқ феъли маъносини англатмоқда.

Шоир Камийнинг шундай сатрлари бор:

Уним йўқ, буним йўқ, уйимда уним йўқ,
Ишимда унум йўқ, айтишга уним йўқ.

Бу мисралардаги «уним» сўзлари омонимлардир: биринчиси у нарса маъносиди, иккинчиси ун, учинчиси эса овоз маъносиди қўлланиляпти. Бундай омонимлар лексик омонимлар дейилади. *шим, тор, яра, сон, юз сон, том, ток, уч, қирқ, қир, соч, боғ, сир, тур, ёш* каби сўзлар лексик омонимларга мисол бўла олади.

Омонимлар бир сўз туркуми доирасида ҳам, бир неча сўз туркуми доирасида ҳам ҳосил бўлиши мумкин. *Уйга ут кетди. Далада ут кўкарди.* Бу гапларда *от* ва *от* туркумлари (олов ва майса) ўзаро омонимликни ҳосил қилган.

Тезроқ бу ёққа ут жумласидаги ут сўзи феъл ҳисобланади. Энди от билан феъл узаро омоним булмоқда. Ёки Янада юксакроқ уч ! Уч карра уч —туққиз. Бу гапларда *уч* (феъл билан сон) узаро омоним бўляпти.

Фақат бир сўз туркуми доирасида ҳосил булган омонимларга грамматик шакллар (қўшимчалар) қўшган чоғимизда ҳам улар узаро омонимликни сақлаб қолади. Масалан: *Бу унингни ўзинг нон қилиб е.* Унингни ўчир гапларидаги «ун» сўзига эгалик —инг ва тушум келишиги ни қўшимчалари қўшилганда ҳам омонимлик йўқолмайди.

Ўзбек тилида сўзларгина эмас, қўшимчалар ҳам узаро омоним бўлиши мумкин. Феълнинг бўлишсизлик шакли —ма қўшимчаси билан сифат ва от ясовчи —ма қўшимчалари омонимликни ҳосил қилади: (*сувни*) *қайнатма* (феъл), *қайнатма* (шўрва). *Сочма, сузма, тутма, сурма, мослама, бурама* сўзларидаги —ма қўшимчалари, *ёки уроқ, қурқоқ* сўзларидаги —оқ қўшимчалари, *тепки, кечки* сўзларидаги —ки қўшимчалари ҳам узаро омонимлардир. Чунки уларнинг бири от, иккинчиси эса сифат ясамоқда. Қўшимчалар омонимияси грамматик омонимия деб юритилади.

Айрим иборалар ҳам узаро омоним бўлиши мумкин. Масалан, *Рустам синфни бошига кўтаради* ва *Рустам опасини бошига кўтаради* иборалари бири *туполон қилди*, иккинчиси *ҳурмат қилади* маъноларини ифодалаб, омонимликни ҳосил қилган. Иборалар омонимияси фразеологик омонимия деб юритилади.

Омонимлар шеърятда (туяқ жанрида) тажнис яратишга хизмат қилади.

41—машқ. Байтдаги омоним сўзларни топинг ва маъносини тушунтиринг.

Манга сенсиз, бегим, кундуз кечадур,
Дарёго, сенсизин умрум кечадур.

(Хужандий)

Паронимлар ҳам омонимларнинг бир кўриниши бўлиб, талаффузи (айтилиши) бир хил, ammo ёзилиши ва маънолари ҳар хил бўлган сўзлардир. Масалан, *аср* ва *асир*, *афзал* — *абзал*, *шеър* — *шер*, *адиб* — *адип*, *азм* — *азим*, *қалъа* — *қала*, *амир* — *амр*, *адил* — *адл*, *бот* — *бод*, *ёт* — *ёд* каби сўзлар талаффузида бир хил айтилса—да, ёзилишида фарқ қилади, маънолари ҳам буткул бошқа—бошқа сўзлардир.

Паронимлар кўпинча сўзларни орфоэпик қоидаларга риоя қилмасдан талаффуз қилинишидан ҳам пайдо бўлади. ан

Йулга ёндаш анҳор шовиллаб оқар эди. Ушбу гаптаги *ёндаш* сўзи аслида *ёндош* тарзида ёзилиши лозим эди. Шу боис у паронимга айланиб қолган.

Паронимларни *мачит* — *масжид*, *шабада* — *шаббода*, *гадо*—*гадой*, *подшо* — *пошшо* каби дублетлардан фарқлаш керак. Улар ёзилиши жиҳатидан ўзаро фарқланиб турса—да, маънолари бир хил бўлган сўзлардир.

42—машқ. Пароним сўзларни топиб дафтарингизга кўчиринг ва маъносини изоҳланг.

Бадтар—баттар, ювинди—ювунди, гадо—гадой, оч—ўч, масжид—мачит, аср—асир, шабада—шаббода, амир—амр, подшо—подшоҳ, суд—сут, ҳайқирмоқ—айқирмоқ, туна—моқ—тунамоқ.

40-§. СИНОНИМЛАР

Шакли (айтилиши ва ёзилиши) ҳар хил, маънолари бир хил ёки бир — бирига яқин бўлган сўзлар синоним (юнон. «синонимон» — *бир номли*) сўзлар деб аталади. Масалан, *тилшунослик*, *лингвистика* ёки *ёрдамлашди*, *кўмаклашди*, *қарашди* сўзлари шаклан ҳар хил бўлса—да,

мазмунан битта нарса—тушунчани ифодалайди. Синонимлар маъно нозиклиги, бўёғи билан бир—биридан фарқ қилиб туриши мумкин. *Табассум қилди, тиржайди ёки чехра, жамол, турқ, башара* сўзлари бир тушунчани ифодаласа ҳам, улар ўз бўёқлари (ижобий ёки салбий) билан ажралиб туради. Бундай синонимлар маъновий синонимлар дейилади.

Шунингдек, тилимизда яна бошқа—бошқа услубларда қўлланилиши билан фарқ қилиб турувчи *инсон, одам, башар* каби синонимлар мавжуд бўлиб, улар услубий синонимлар деб юритилади. Атамалар орасида вужудга келган *адиб, ижодкор, ёзувчи* каби синонимларни бир—бири ўрнида бемалол қўллаш мумкин, шунинг учун улар тўлиқ синонимлар ҳисобланади. Баъзан бир гапда бир неча сўз бир маъно доирасида ишлатилиши мумкин: *Нега керак эди, шу чирой, шу ўт? Шу ёниқ юлдузни кўзга яширмақ.* (Ҳ. Олимжон.) Бунда *чирой, ўт, ёниқ юлдуз* сўзлари шу гап доирасида гўзаллик маъносида синонимик муносабатга киришмоқда. Бундай синонимлар шартли синонимлар деб юритилади.

Бир маъно атрофига тўпланган сўзлар синонимик қатор деб номланади.

Ҳар бир синонимик қаторда битта бетараф (нейтрал) сўз бўлади. Масалан, *чиройли, гўзал, барно, сулув, кўркем, дилбар, хушрўй, зебо* каби синонимик қаторда «*чиройли*» сўзи бетараф ҳисобланади. Бундай сўзлар доминанта ёки асосий (бош) сўз деб ҳам юритилади.

Катта, улкан, азим, гигант, йирик каби синонимлар қаторида эса *катта* сўзи бош сўздир.

Бош сўз синонимик қатордаги бошқа сўзлардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқланиб туради:

а) шу қатордаги бошқа сўзларга нисбатан кўпроқ қўлланади;

б) турли белги — хусусиятларга нисбатан бетараф ҳисобланади;

в) барча услубларда қўллана олади;

г) ҳозирги адабий тилга мансуб бўлади.

Битта сузнинг узи бир неча синонимик қаторда қатнаша олади.

1. *Айтди, гапирди, сўзлади.*

2. *Айтди (тўйга айтди маъносида), таклиф қилди, чорлади, даъват этди.*

3. *Айтди (қушиқ айтди маъносида), куйлади, ижро этди.* Узбек тилидаги олтита мустақил сўз туркумидан бештаси: от, сифат, олмош, феъл, равишлар, шунингдек, ёрдамчи сўз туркумлари узаро синоним булиши мумкин. Омонимларнинг бир сўз туркуми доирасида ҳам, бир неча сўз туркуми доирасида ҳосил булишини юқорида қайд этган эдик. Синонимлар эса (антоним ва куп маъноли сўзлар ҳам) фақат бир сўз туркуми доирасидагина ҳосил бўлади, яъни от билан феъл, ёки сифат билан феъл узаро синоним бўла олмайди. Қуйидаги тестга эътибор беринг—а.

Берилган сузларнинг қайси бири синонимик қаторга мансуб эмас?

- А) пушаймон В) аттанг С) афсусланмоқ
Д) таассуф Е) надомат

Тўғри жавоб «афсусланмоқ» бўлади, чунки жавобларнинг тўрттаси (а, в, д, е) от шаклида, биттаси эса (с) феълнинг ҳаракат номи шаклида берилган.

Луғавий синонимлардан ташқари грамматик шакллар (қушимчалар) ҳам узаро синоним булиши мумкин. Масалан, ба-, бо-, -ли, -дор қушимчалари шаклан ҳар хил бўлса—да, улар бир хил маънога эга бўлган сузларни ясайди: *бемаза, мазали, бомаза, мазадор* ёки *ноурин, уринсиз* сузларидаги но-, бе—қушимчалари ҳам синоним қушимчалар ҳисобланади. Бундай синонимлар грамматик синонимлар дейилади. *Укамга олдим, укам учун олдим, китобдан уқидим, китобни уқидим* каби маънодош грамматик шакллар ҳам борки, улар синтактик синонимлар деб аталади.

Бундан ташқари иборалар ҳам узаро синоним бўлиши мумкин. Масалан, *дўпписини осмонга отди, оғзи қулогига етди, оғзининг таноби қочди ёки тегирмонга тушса бутун чиқадиган йигит, юлдузни бенарвон урадиган йигит*, ё булмаса, *аравани қуруқ олиб кочмоқ, кўзга чуп суқмоқ, қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ* иборалари ҳам узаро синонимлар ҳисобланади. Улар тилшуносликда фразеологик синонимия номи билан юритилади.

Турли тиллардан ўзлашган олинма сўзлар («*республика*» — лотинча, «*жумҳурият*» — арабча, «*лексикос*» — юнонча, «*лугат*» — арабча) ҳам бир—бирига синоним бўлиши мумкин. Шунингдек, бир ўзақли сўзлар ҳам синонимлик ҳосил қила олади. Масалан, *одобли — беодоб, мазали — мазасиз, уринсиз — ноурин* каби сўзларнинг ўзаги битта бўлиб, улар грамматик шакллар — қўшимчалар ёрдамида синонимга айланган.

43—*машқ*. Синонимларга мисоллар келтиринг ва улар ишти—рокида гаплар тузинг.

44—*машқ*. Матни рус тилига таржима қилинг.

Депутатнинг ҳуқуқий мақоми

Депутатнинг ҳуқуқий мақоми — депутатларга тегишли ҳуқуқ ва бурчларнинг қонун билан белгиланган йиғиндиси. Депутатларга маълум ҳуқуқлар берилиши билан бирга, уларга маълум бурчлар ҳам юкланади. Депутатнинг сессияларда иштирок этиши, савол ва сўров бериши, овоз беришда иштирок этиши уларнинг ҳуқуқи бўлса, сессияда албатта иштирок этиш унинг бурчи ҳамдир, бундан ташқари депутатларнинг сайловчилар олдида ҳи—соб бериши, белгиланган вақтларда сайловчиларни қабул қилиши уларнинг бурчларидандир. Ҳуқуқ ва бурчлар би—

ргаликда депутатнинг ҳуқуқий мақомини билдиради. Депутатнинг ҳуқуқий мақоми махсус қонунда ўз ифодасини топган.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли луғатидан.)

41-§. ЗИД МАЪНОЛИ СУЗЛАР

Маънолари буткул бир—бирига қарама—қарши бўлган сузлар антонимлар дейилади. Масалан, *оқ—қора, паст—баланд, аччиқ—чучук, дуст—душман* ва ҳ.к.

Антонимлар купинча жуфт ҳолда қўлланилади. Олти—та мустақил сўз туркумидан тўрттаси (*от, сифат, феъл* ва *равишлар*) ўзаро антоним бўлиши мумкин.

Антонимликни ҳосил қилиш хусусияти, айниқса, сифатларда кучлидир. Масалан, *катта—кичик, яхши—ёмон, аччиқ—чучук, оқ—қора, эгри—тугри* (сифат ва сифат). Тилимизда луғавий (сўз) антонимлардан ташқари қўшимча (морфологик) антонимлар ҳам мавжуд: *мазали—мазасиз, бе—маъни—бамаъни* сузларидаги—ли,—сиз ҳамда —бе,—ба— қўшимчалари ўзаро антоним қўшимчалардир.

Айрим иборалар ҳам ўзаро антоним бўлиши мумкин. Масалан, *ерга урса кукка сапчийди* (шўх), *қуй оғзидан чуп олмаган* (ювош) ёки *тунини тескари кийиб олди* (аччиқланди) ва *попуги пасайиб қолди, ҳовуридан тушди* (аччиғи пасайди). Бундай антонимлар фразеологик антоним деб аталади.

Антонимлар шеърятда тазод (антитеза) ҳосил қилишда қўлланилади.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон...

Эркин Воҳидов газалидан олинган бу мисрада *яхши—ёмон, аччиқ—ширин, ҳақиқат—ёлғон* антонимлари тазод ҳосил қилган.

45—машқ. Антоним сузларга мисоллар ёзинг ва уни рус тилига таржима қилинг.

42—§. ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августдан эътиборан мустақил давлат сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ер юзидан неча юзлаб катта ва кичик давлатлар мавжуд. Бироқ ҳар бирининг ўзига хос давлатчилик тизими, бошқарув услуби бор. Шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам ўз истиқлол ва тараққиёт йўли миллий таълимларимизга мос бўлиб, ўзининг ҳаётийлиги ва халқчиллиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон давлатчилиги қонун устуворлиги ва иқтисодий яхлитлик асосларига қурилган. Биз демократик ва ҳуқуқий давлат қурмоқчи эканмиз, қонун устуворлигига эришмасдан туриб кўзлаган мақсадга етолмаймиз. Қонун барчага баробар ва тенг бўлиб, ҳар соҳада ўз кучини кўрсатмоғи керак. Шундагина фуқаролик жамияти талабларига мувофиқ инсон манфаатлари ҳимоя қилинади ва адолатли давлат сари йўл қўйилади.

Мустақил давлат ўз иқтисодиётини ўзи бошқариши керак. Қачонки иқтисодий яхлитлик бўлмас экан, ривожланиш ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон иқтисодиётини сиёсатдан устун қўйиб, давлатни Бош ислоҳотчи деб атади. Конституциямиз йўл-йўриқларига асосан суд-қонун ишлаб чиқарувчи ва ижрочи ҳокимият бозор иқтисодиётига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириши керак. Ана шу муҳим қоидалар иқтисодий ислоҳотларнинг бутун ривожланиш йўлини ва характерини белгилаб берди.



мустақил давлат — независимое государство
 ҳуқуқий давлат — правовое государство
 давлатчилик тизими — государственная система
 фуқаролик жамияти — гражданское общество
 бошқарув услуби — метод управление
 инсон манфаатлари — человеческие интересы
 ҳаётийлиги — жизненность, живучесть
 тараққиёт — развитие, прогресс
 ижрочи ҳокимият — исполняющая власть
 халқчиллиги — народность

Топшириқлар. 1. Матннинг мазмунини сузлаб беринг. 2. Лугатни ёд олинг.

43-§. КУП МАЪНОЛИ СУЗЛАР

(Сузларнинг кучма маънода қўлланиши)

Тилимизда шундай сузлар учрайдики, улар бир эмас, бир неча маъноларни ифодалайди. Бундай сузлар тилшуносликда куп маъноли сузлар (полисемантик сузлар) деб аталади. Масалан, «Узбек тилининг изоҳли лугати» (1981 й.) да биргина «йул» сўзининг 16 хил маъноси берилган: Йул. 1. Кишилар ёки транспорт қатнайдиغان узун ер бўлаги. 2. Йуналиш. 3. Масофа. 4. Усул ва х.к. Ёки «пахта» сўзи «тола» (момик) маъносидан ташқари қуйидаги маъноларни ҳам ифодалаши мумкин: *пахта экдик* (чигит), *пахтани суғор* (ғўза).

Куп маъноли сузларни омонимлардан фарқлаш керак. Омонимлар шаклан бир хил бўлса-да, мазмунан мутлақо бошқа-бошқа сузлардир: *ут-олов*, *ут-майса*. Куп маъноли сузлар эса қанча маъно ифодаламасин, уларнинг маънолари ўртасида ўзаро ички боғлиқлик бўлади: чигит, ғўза ва тола бир-бирига боғлиқ эмасми?

Ёки қуйидаги гаплардаги «чет» сүзини олиб курайлик. *Яқинда чет элдан қайтдик. Дала четида бироз дам олдик. Четга мол чиқариш кўпаймоқда.* Ҳар учала гапда ҳам «чет» сүзи бир мантиқий бирликни (бирор нарсанинг ёки жойнинг чегараси) ташкил этмоқда.

Айрим сўзлар ўз маъносидан ташқари кўчма маъноларда ҳам қўлланилиши мумкин. Бу қуйидаги усуллар орқали амалга оширилади:

1. Метафора (юн. «кучирма»). Баъзи предметлар ўзларининг ташқи кўринишлари ёки хусусиятлари жиҳатидан бир-бирларига ўхшаб кетади, натижада бирининг номи ўрнида иккинчисининг номи қўлланилаверади. Эътибор беринг-а: *одамнинг тиши ва арранинг тиши, одамнинг кўзи ва узукнинг кўзи, деразанинг кўзи, кўйлакнинг ёқаси, дарёнинг ёқаси.* Булар ташқи кўриниши билан бир-бирига ўхшаб кетади. Шунинг учун бирининг номи ўрнида бошқасининг номи қўлланилаверади.

2. Метонимия (юн. «қайта номлаш»). Айрим предмет ва тушунчалар вақт ё бўлмаса, макон (жой) жиҳатидан бир-бирлари билан мантиқан боғлиқ бўлади. Масалан, *Самоварга чиқиб келдим* деган гапдан, нега кутубхона ёки музейни тушунмаймиз? Чунки самовар музейда ёки кутубхонада эмас, чойхонада бўлади. Шунинг учун «самовар» дейилганда, чойхона тушунилади. Ёки *Навоийни ўқидим* деганда китобни, *Рафаэлни томоша қилдим* деганда эса бирор расм (картина)ни тушунамиз, чунки Навоий ва китоб, Рафаэл ва расм бир-бирига боғлиқ тушунчалардир. *Бир пиёла ичинг* деганда эса, айнан пиёланинг ўзини эмас, ичидаги чой ёки сувни англаймиз, чунки пиёла ва чой жой жиҳатидан бир-бирига боғлиқ.

3. Синекдоха (юн. «бирга англамоқ»). Баъзан предметнинг бир қисмини айтиб, уни бутунича, ёки бутунини айтиб, унинг бир қисмини англаймиз. Бундай кўчиш синекдоха ҳисобланади. Масалан, *қўлимни кесиб олдим* деганда, бутун қўлни эмас, унинг бир қисмини, фараз

қилайлик, бармоқни тушунамиз. *Тирноққа зор утди* дейилганда эса, тирноқнинг ўзини (қисмни) эмас, балки бутунни—фарзанд (инсон)ни кўз олдимизга келтирамиз. Ёки бўлмаса *эшикка утайлик* деганда — уйни, *туёқлар сони кўпаймоқда* деганда чорва молларини тушунамиз.

4. Вазифадонлик (функциядонлик). Айрим предметлар бир—бирига ўхшамаса—да, уларнинг вазифалари бир хил бўлиши мумкин. Натижада бирининг номи урнида иккинчисиники ишлатилаверади. Масалан, «ўқ» дейилганда, аввало, камоннинг ўқи тушунилади. Айнан шу «ўқ» сўзи замбарак ёки милтиқ ўқига нисбатан ҳам қўлланилаверади. Нега? Чунки уларнинг вазифаси бир хил: тирик жонзотни йўқотиш.

Хўш, сўзнинг ўз ва кўчма маънолари дейилганда нима тушунилади? Бунинг учун иккита гапни мисол қилиб олайлик: *Куйлак ёқаси жуда чиройли чиқибди. Чол дарё ёқасида балиқ овларди.*

Энди биринчи гапдаги «ёқа» сўзини гап таркибидан ажратиб олайлик. Уни ёлғиз ҳолда қўллаганимизда, табиийки, кўз ўнгимизда дарё эмас, кийимнинг ёқаси гавдаланади. Бу сўз ўз маъносида, яъни кийим ёқаси маъносида қўлланилганлигини билиб оламиз.

Демак, сўзнинг нутқ таркибидан ташқарида ифодаловчи маъноси унинг ўз (бош) маъноси ҳисобланар экан. Иккинчи гапдаги «ёқа» сўзининг маъноси шу гап таркибидаги бошқа сўзлар, масалан, *дарё* сўзи орқали ойдинлашади: дарёнинг ёқаси бўлмаслигини ҳамма билади. Демак, сўзнинг нутқ таркибидаги бошқа сўзлар ёрдамида англашиладиган маъноси унинг кўчма маъноси ҳисобланар экан.

46—машқ. Кўп маъноли сўзлар иштирокида гаплар тузинг. Уларнинг маъноларини изоҳланг.



Ҳамма ҳам Ватан нима эканини ҳис эта оладими? Биров учун Ватан бу уй—жой, бола—чақа. Бошқаларга эса тукин—сочин яшаш учун қулай жой, ундайлар учун қаерда яшаш осон бўлса, уша ер Ватан. Бутун Ер юзини Ватаним деб билувчи кимсалар ҳам бор, албатта. Уларни одатда космополитлар деб атайдилар. Оддий халқ ибораси билан айтсак, уларни беватанлар ҳам дейиш мумкин. Тарихий Ватанини, аجدодлари хотирасини унутиб юборган кимсалар, ўзлари ҳозирда яшаб турган мамлакатларига ҳам садоқатли фуқаролар булолмайдилар. Чунки ҳақиқий фуқаро булиш учун, аввало, чин инсон булиш шарт. Утмишини унутганнинг келажаги ҳам бўлмайди. Одам хотираси билан одамдир, хотира мавжудотлар орасида фақат одамга хос фазилат. Ватанини эслаш, қумсаш инсоннинг маънавиятини белгиловчи асосий омиллардандир. Ватанини ёдидан чиқарган одам яшаб турган жойининг ҳам қадрига етмайди. Бу юрт бошига бирор нохушлик тушса, дарҳол у ерни тарк этиб, бошқа қулайроқ ерга кетади, тирикчилик учун қулайроқ жойни танлайди. Бундай кимсаларни ўтлоқда емиш тугагач, серўт яйловни излаб кетадиган подага қиёс қилиш мумкин.

Ватан ҳисси—шу Ватаннинг эгаси бўлмиш халқни билишдан, унинг қадрига етишдан, нималарга қодир бўлганини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ватан ва халқ эгизак, муштарак тушунча. Бирини ҳис этиш учун иккинчисини билмоқ керак. Ўзбекистон деганда ўзбек халқини, ўзбек халқи деганда Ўзбекистонни тушунмоқ керак. Бирисиз иккинчисини ҳис қилиш мутлақо мумкин эмас.

Таъкиду такрор ила айтамикки, Ватан ҳисси—бу унинг эгаси бўлмиш халқни севмоқ, ҳурмат қилмоқ, қадрига етмоқ ва эътироф этмоқ демак. Ватан бу

халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажакдир. Бу унинг маданияти, маънавияти, маърифати, тили, дини, феъл-атвори, ота-боболаридан қолмиш олтин мероси, томирларида гупуриб турган, аجدоддан авлодга утиб келаётган покиза қони, тарихидаги муҳим босқичлар, буюк давлат қуриш мақсадида олиб бораётган курашидир.

Ҳозирги ўзбек ватанпарварлиги халқимиз тараққиётини олға силжитган ота-боболаримиз яратувчанлик ишининг бевосита давомидир.

Биз ўз Ватанимизни севамиз, у биз учун бамисоли нафас олаётганимиз — мусаффо ҳаво кабидир. Ҳавосиз ҳаёт йўқдир.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги эълон қилинган, Ватаннинг қадри ортди, халқнинг қадди тикланди. Ватан деган муқаддас тушунчадаги сохталиклар барҳам топиб, моҳият аниқлашди ва тиниқлашди.

Ватанни қалбан чуқур ҳис қилиш учун ҳам, халқнинг ватанпарварлик намуналарини кўрсатиши учун ҳам Халқ хур, Ватан мустақил бўлиши шарт экан. Бугун шу мустақиллик қўлимизда экан, уни эъзозлашимиз, қадрига етишимиз, қадам-бақадам мустаҳкамлаб боришимиз керак. Мана шу туйғулар, мана шу олижаноб фазилат ва эзгу ҳаракатлар бугунги кун учун ҳақиқий ватанпарварлик намунаси!

Ватан туйғуси — бу зулм-истибдоддан қутулиш учун халқни маърифатли бўлишга чорлаган, миллий уйғонишга даъват этган, нажот илмда, бирликда ва ҳаракатда деб билган фидойи зиёлиларни, уларнинг раҳнамолари бўлмиш Мунаввар қори, Маҳмудхужа Беҳбудий, Убайдуллаҳўжа, Авлоний, Фитратларнинг номларини доимо ёдда сақлашдир.

Ватан туйғуси — бу азиз ва гўзал Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садоқатли бўлишдир.



нохушлик — неблагоприятие	тирикчилик — нажива
ватанпарвар — патриот	яратувчанлик — созидательность
ҳис қилиш — чувствовать	халқ — народ
туйғу — чутье	олижаноб — великодушние
нажот — избавление	зиёли — интеллигент
раҳнамо — лидер	садоқатли — верный

- Топшириқлар. 1. Матнни ўқинг ва мазмунини сўзлаб беринг.
2. Ўз тугилган юртингиз ҳақида ўзбек тилида сўзлаб беринг.

45—§. ИБОРА

Маълумки, сўзлар грамматик ва маъно жиҳатдан узаро бирикиб, сўз бирикмаларини, сўз бирикмалари эса гапларни ташкил этади. Сўз бирикмаси камида иккита сўзнинг узаро бирикувидир. Бу сўзлар икки хил: эркин ва турғун бирикиши мумкин. Масалан «*темир*» ва «*каравот*» сўзларини қўшиб ишлатсак ҳам, алоҳида, ёлғиз ҳолда қўлласак ҳам булаверади. Агар уларни қўшиб ишлатсак, темирдан қилинган каравотни, ёлғиз ҳолда қўлласак, темир ва каравотни тушунамиз. Лекин «*темир интизом*» бирикмасидаги сўзларни ёлғиз ҳолда қўлласак, биз кўзлаган маъно бузилади, бу бирикма яхлит ҳолда, биргаликда битта маънони: мустаҳкам тартиб—қоида маъносини беради. Ёки *илоннинг ёгини ялаган* бирикмасини олиб кўрайлик. Ундаги учта сўз (*илон, ёғ, яламоқ*)ни ажратиб юборсак, биз кўзлаган «айёр» маъноси чиқмайди. Демак, бу бирикмалар турғун бирикмалар ҳисобланади. Кўчма маънода қўлланиладиган бундай турғун бирикмалар ибора ёки фразеологик бирикмалар деб аталади. Улар тилшуносликнинг фразеология бўлимида ўрганилади.

Ибораларнинг маъноси, одатда, бир сўзга тенг келади: *капалаги учиб кетди — қўрқди, тепа сочи тикка бўлди — аччиқланди* ва ҳ.к.

Иборалар барча гап бўлаклари вазифасида кела олади, лекин улар таркибидаги сўзлар алоҳида—алоҳида гап бўлаги эмас, ҳаммаси биргаликда битта гап бўлаги ҳисобланади. *Унинг оёқ олиши бизга ёқмади* гапидаги: «*оёқ олиши*» ибораси биргаликда эга вазифасида кел-яшти.

Иборалар асосан сўзлашув ва бадиий услубларда қўлланилади.

47—машқ. Иборалар иштирокида гаплар тузинг ва уларнинг синтактик вазифасини аниқланг.

48—машқ. Матнни ўқинг ва мазмунини сўзлаб беринг. «*Кузи очилди*» иборасини шарҳланг.

Кузи очилди

Ичкиликка берилган бир киши улфатларини уйига меҳмонга чақириб, дастурхон тузаб, уни турли ичимликлар билан безаб турган экан. Шу пайт унинг етти—саккиз яшар ўғилчаси олдига келиб, дастурхон устидаги шишалардан бирини олибди—да отасига дебди:

— Адажон, бу ароқ—а, сиз бун ичасиз—а, оғай—ниларингиз ҳам ичади—а, кейин маст бўласизлар—а?

Ота индамабди.

— Катта бўлсам. мен ҳам ичаман—а? — дебди бола.

— Ия, нега ичасан, — дея жаҳли чиқибди отанинг.

— Йўқ, — дебди бола бийрон тил билан. — Ҳозир эмас, катта бўлганимда, сизга ўхшаб ароқ ичиб, сиз бувамнинг соқолларини тортган каби мен ҳам сизни уриб йиғлатаман. Ахир, мен сизнинг ўғлингизман—ку. Сизга ўхшасам ёмонми?!

— Тухта болам! Менинг суқир кузимни очдинг, бундан буён бу заҳар—заққумни ичмаганим бўлсин, — дебди—да, шишаларни бирма—бир синдириб ташлабди.

(«Ҳалол ва ҳаром» китобидан.)

46—§. ТАСВИРИЙ ИФОДА

Маълумки, ҳар бир предмет уз номига эга. Биз уқий—диган уқув қуроли — китоб, фаслларнинг энг ёқимлиси — баҳор номи билан аталади. Аммо биз бу предметларни ўз номидан ташқари бошқача, тасвирлаб ифодалашга ҳам одатланганмиз, *китоб — билим манбаи, баҳор — фасллар келинчаги, пахта — оқ олтин, газ — зангори олов* ва ҳ.к. Бундай сўзлар тасвирий ифода деб аталади. Тасвирий ифоданинг маъноси ҳам ибора сингари бир сўзга тенг келади. Тасвирий ифодалар кўпроқ сифат ва от сўз туркумларига мансуб бўлади. Тасвирий ифодалар асосан бадиий услубда қўлланилиб, улар фикрни равшан, образли ифодалашга хизмат қилади. Баъзан икки предметга битта тасвирий ифода (*ақл гимнастикаси — математика, шахмат*) ёки битта предметга иккита тасвирий ифода қўлланилиши (*зангори экран, ойнаи жаҳон — телевизор*) мумкин.

49—машқ. Тасвирий ифодага мисоллар келтиринг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

50—машқ. Матнни ўқинг ва мазмунини кенгайтириб сўзлаб беринг.

Ўзбекистон ва халқаро алоқалар

Ўзбекистон ташқи сиёсатда очиқ—ойдинлик, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик тарафдори. Ўзбекистоннинг халқаро алоқаларини таъминлайдиган ва—

зирлик ва муассасалар мавжуд булиб, булар Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, ихтисослаштирилган ташқи савдо фирмалари шулар жумласидандир.

Мамлакатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига мос булиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳонда мустақил давлат сифатида тезда тан олиншини таъминлади. Ҳозирда 165 давлат Ўзбекистон мустақиллигини тан олди, уларнинг 120 таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатилди.

Тошкентда 35 мамлакатнинг элчихонаси очилди. Ўзбекистонда 88 хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Дунёдаги 40 дан ортиқ давлатларда Ўзбекистоннинг элчихоналари ишлаб турибди. Ҳа, биз жаҳонга, жаҳон эса бизга юз тутмоқда. Бундай муносабатлар йилдан-йилга кенгайиб бораверади.



Лугат

тенг ҳуқуқлилиқ — равноправность
тан олмоқ — признавать
манфаатдорлик — заинтересованность
ихтисослаштирилган — специализированный
элчихона — посольство
юз тутмоқ — направляться, ишти
тинчликсевар — миролюбивый
ваколатхона — представительство

Топшириқлар. 1. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ҳақида баътафсил сузлаб беринг. 2. Матнни рус тилига таржима қилинг. 3. Лугатни ёд олинг. 4. Ватан ҳақида мақоллар топиб ёдланг ва маъносини қисқача шарҳланг.

Мақоллар

Айрилмагин элингдан,
Қувват кетар белингдан.

Ватанга фалокат — узингга ҳалокат.

Ватани борнинг бахти бор,
Меҳнати борнинг тахти.

Душманга нафрати булмаганнинг
Ватанга муҳаббати бўлмас.

Топшириқлар. 1. Мақолларни ўқинг ва ёд олинг. 2. Мақолларнинг мазмунини қисқача шарҳланг.

МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР – ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

47–§. ГРАММАТИКАНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Грамматика сўз ва гап қурилиши, гапда сўзларнинг ўзгариши ва ўзаро бирикиши ҳақидаги фандир. У икки қисмдан иборат:

а) морфология: сўзнинг грамматик хусусиятлари, сўзларнинг тузилиши ва ўзгариши, сўз яшаш қоидалари, сўз туркумларини текширади;

в) синтаксис: гапнинг грамматик хусусиятлари, гап қурилиши ва унинг турларини ўрганади.

Морфологияда сўз, унинг у ёки бу шакллари таҳлил этилса, синтаксисда ана шу сўзлар воситасида таркиб топган гап, унинг тузилиши ва турлари, гапларни ташкил этувчи сўз бирикмалари ҳақида баҳс юритилади.

Сўзларни биз лексикология бўлимида ҳам ўрганган эдик. Бироқ лексикология сўзнинг луғавий (лексик) маъносини текширишини унутмаслигимиз керак. Грамматикада эса сўзнинг грамматик маъноси ўрганилади.

Хўш, сўзнинг луғавий ва грамматик маъноси дейилганда нимани тушуниш керак?

«*Китобларни ўқидим*» гапини олиб кўрайлик. Биринчи сўз уқув қуролини, иккинчиси эса ҳаракатни ифодалайди. Ҳар икки сўз маълум бир тушунча, маънони англатяпти. Бу уларнинг луғавий маънолари ҳисобланади. Худди шу сўзлар луғавий маъно билан бир қаторда бошқа маънони ҳам англатмоқда: биринчи сўзда кўплик (бир неча китоб), тушум келишиги шаклидаги маъно, иккинчи сўзда эса ўтган замон (*-ди*) феъли, биринчи шахс, бирлик (*-м*), майл (аниқ), бўлишлилик (ҳаракат бажарилган) каби маънолар ҳам англашилмоқда, гапда кесим вазифасида келган. Бу маънолар сўзнинг грамматик маъноси ҳисобланади.

Демак, сўзларнинг луғавий маъноси лексикологияда, грамматик маъноси эса грамматикада ўрганилади.

51—машқ. Қуйидаги жумлаларни рус тилига таржима қилинг.

1. Маънавият ишларини йўлга қўймасдан туриб иқтисодий юксалишларга эришиш қийин. Зеро, юксак маънавияти бўлмаган халқнинг келажаги ҳам йўқ. 2. Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. 3. Ақлий заковат ва руҳий—маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир. 4. Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон—қардош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. («Инсон бахт учун туғилади». И.Каримов.)

52—машқ. Матнни ўқинг. Ундаги ажратиб курсатилган сўзларнинг лугавий ҳамда грамматик маъноларини тушунтиринг.

Келажак ёшлар қўлида

Халқ орасида: «Ҳар ким экканини ўради», деган ажойиб гап юради. Бу бежиз айтилмаган. Келгуси ҳаётнинг қандай бўлиши ҳар жиҳатдан бугунги ёшларга боғлиқ. Уларнинг тарбияси, билими ва жасорати қандай бўлса, эртанги кун ҳаёт тарзи ҳам уша даражада бўлади. Шундай экан, ҳеч қачон ёшларга бефарқ бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бола, энг аввало оилада вояга етади. Болани туғри, ҳақгўй, ватанпарвар қилиб ўстириш ота—она зиммасидадир. Агар ўз вақтида ёшларга керакли тарбияни бериб, фойдали ишга йўналтира олсак — марра бизники. Бунда ёшларга нафақат тарбия, балки таълим ҳам сув ва ҳаводек зарур бўлади. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилиданоқ таълим тизимини ислоҳ қилишга жиддий эътибор берилди.



Лугат

ажойиб — прекрасное
ҳаёт тарзи — образ жизни

тарбия — воспитание
таълим — образование

ҳақгуй — справедливый
ватанпарвар — патриот

ислоҳ қилиш — реформировать
жиддий эътибор — серьезное внимание

Топшириқлар. 1. Ажратиб курсатилган сузларнинг луғавий ва грамматик маъноларини тушунтиринг. 2. «*Ҳар ким экканини ўради*» мақолини шарҳланг. 3. «*Ёшлар — келажак пойдевори*» мавзусида иншо ёзинг.

48-§. СУЗНИНГ МОРФОЛОГИК ТАРКИБИ

Морфема сузнинг энг кичик бўлинмас қисмидир. Масалан, *туқимачиликни* сўзини олиб курайлик. Уни маъноли қисмларга бўлиб чиқсак, бу сўз беш қисмдан (*туқи—ма—чи—лик—ни*) иборат эканлигини билиб оламиз. Бу қисмларнинг ҳар бири алоҳида морфема ҳисобланади, чунки уларни энди бошқа қисмларга була олмаймиз.

Морфема икки хил: узак морфема ва аффикс (қўшимча) морфема бўлади: «*туқи—ма—чи—лик—ни*» сўзидаги биринчи морфема «туқи» сўзнинг туб маъносини билдириб, бошқа маъноли бўлақларга бўлинмайди, мустақил ҳолда луғавий маъно ифодалайди. Шу боис уни узак морфема деб атаймиз. Кейинги қисмлар: — *ма*, — *чи*, — *лик*, — *ни* қўшимча морфемалар ҳисобланади, улар ёлғиз ҳолда маъно ифодаламайди, аммо узакка қўшилиб, унинг маъносини ўзгартиради ва грамматик вазифа бажаради. Демак, узак ва қўшимчалар сўзнинг маъноли қисмларидир.

Сузларни морфемаларга ажратишда хато қилмаслик керак. Чунки айрим қўшимчалар узакка қўшилганда, бир-биридан ажралмас шаклга — мураккаб қўшимчага айланиб қолиши мумкин. Масалан, «*одамгарчилик*» сўзи «*одам—гар—чи—лик*» тарзида морфемаларга ажратилмайди. Шунингдек, «*пишиқчилик*» сўзидаги «*—чилик*», «*саломлаш*» сўзидаги «*—лаш*» морфема сифатида мураккаб

қўшимчаларга айланган: «одамгар», «одамгарчи» ёки «пишиқчи», «саломла» дейилмайди.

Яна шуни унутмаслик керакки, юқорида тилга олинган «-чилик» қўшимчаси «терим» сўзига қўшилса, унда бу морфемаларни алоҳида -чи, -лик тарзида ажратиш мумкин бўлади: тер-им-чи-лик. Энди бу қўшимчалар содда қўшимчалар дейилади.

Қуйидаги тестга диққат қилинг:

Мураккаб қўшимчали сўзлар қайси қаторда берилган?

А) сувоқчилик, ишлаш

В) ёғингарчилик, лойгарчилик

С) теримчилик, созлаш

Д) мўлчилик, хайрлаш

Е) В ва Д

Туғри жавоб, албатта, Е ҳисобланади, чунки «ёғингар», «ёғингарчи», «лойгар», «лойгарчи», «мўлчи», «хайрла» дейилмайди, улардаги -гарчилик, -чилик, -лаш қўшимчалари мураккаб қўшимчалар ҳисобланиб, алоҳида морфемаларга ажратилмайди.

Тилимизда шундай сўзлар учрайдики, улар бир вақтлар маъноли қисмларга ажратилган. Масалан, *ичак* (*ич-ак*), *бошоқ* (*бош-оқ*), *қишлоқ* (*қиш-ла-қ*), *қоровул* (*қара-овул*), *юрак* (*юр-ак*) ва ҳ.к. Бугунги кунда бу сўзлар алоҳида морфемаларга ажратилмайди, улар яхлит бир ўзакка айланиб қолган.

53—машқ. Матнни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни маъноли қисмларга ажратинг.

Ўзбекистоннинг таълим тизими

Ҳар қандай давлат ўз келажагини обод, халқини фаровон кўрадиган бўлса ёшларга эътибор беради. Бизда шундай йул тутилди. Кадрлар тайёрлаш буйича Миллий дастур ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислом Каримов «Таълим—тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш туғрисида» махсус фармон берди (1997 йил 6 октябр). Маълумки, халқ таълимининг асосий таълимини узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Шунинг учун ҳам умумтаълим дастурлари мактабгача таълим (боғча), бошланғич таълим (1—4—синф), умумий таълим (5—9 синф), урта махсус билим ва касб—ҳунар таълими (академик ва касб—ҳунар лицейлари, коллежлар) ва олий мутахассислик таълими (бакалаврлик ва магистратура) тарзида тузилди. Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб—қувватловчи «Умид» жамгармаси ва ўқитувчиларнинг ривожланган давлатлар таълимида ижобий тажриба орттиришлари мақсадида «Устоз» республика жамгармаси ташкил этилди.

Халқимиз неча асрлар мобайнида фарзандларимиз баркамол ва комил инсонлар бўлиб етишишларини орзулаган эди. Минг шукрки, бу орзу бизнинг замонамизга келиб ушалмоқда. Уни рўёбга чиқариш учун жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишса кўзланган маррага эришилади.

Топшириқ. Таълим тизимини ислоҳ қилишда шу пайтгача яна қандай ишлар амалга оширилганлиги ҳақида батафсил сузлаб беринг.

49—§. УЗАК, НЕГИЗ

«*Ҳуқуқшуносларга*» сўзини «*ҳуқуқ—шунос—лар—га*» тарзида морфемаларга ажратиб чиқсак, бу сўз аслида «*ҳуқуқ*» сўзидан ясалганлиги маълум бўлади. Энди уни («*ҳуқуқ*» сўзини) бошқа маъноли қисмларга ажратиб бўлмайди. Сўзнинг туб маъносини билдириб, бошқа маъноли бўлакларга бўлинмайдиган қисм узак деб аталади.

Ўзак сузда албатта иштирок этадиган, луғавий маъно ифодалайдиган морфемадир. Суз узакдан бошланади, унга қўшимчалар қўшилиб, сузни грамматик жиҳатдан шакллантиради: *талаба—лар—имиз—дан—ми—кин*.

Бир узакдан ясалган сузлар узакдош сузлар ҳисобланади: *гулдон, гулзор, гулшан, гулистон, гулчи, гулдор, гулла* ва ҳ.к.

Ўзакка суз ясовчи қўшимчалар қўшилишидан негиз ҳосил булади: *меҳнаткаш, ишчи* сузлари *меҳнат* ва *иш* узакларидан ясалган негизлардир.

54—машқ. Матнни ўқинг ва мазмунини сузлаб беринг. Ажратиб курсатилган сузларни кўчириб, узак ва негизларини аниқланг.

Маърифат

Маърифатнинг луғавий маъноси билиш, таниш, билимдир. Бу сузнинг кўплик шакли маорифдир. Атама сифатида эса у табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли—туман билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради. Маърифатли дегани — билимли, муайян соҳада маълумоти бор, дегани бўлиб, инсонпарварлик маънавияти заминидагина ўз моҳиятига эга булади. Кишиларнинг билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим—тарбияга ҳам маърифат деб қаралади. Бу суз илму урфон маъноларида ҳам ишлатилади. Маърифатни ҳаётга сингдириш маориф тизими орқали амалга оширилади. Демак, маърифат—билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф эса ана шу мазмунни ёйиш қуроли, воситасидир. Маориф асосан умумий ва ўрта махсус билим берувчи мактаб ва ўқув юртлари тармоқларини қамраб олади. Маърифат тушунчаси эса кенгроқ бўлиб, билим ва маданиятни ёйиш ва юксалтиришнинг ҳамма турлари ва соҳаларини узига қамрайди.

Сўз ясаш ва сўз ўзгартириш учун хизмат қилувчи, ўзак мазмунига турли маънолар қушадиган ёрдамчи морфемалар қўшимча ёки аффикс (юнон. «аффикус» — боғланган) дейилади. Қўшимчалар ҳеч вақт мустақил ҳолда қўлланилмайди, улар узакка қўшилгандагина бирор луғавий ва грамматик маъно англатишга хизмат қилади. Бироқ сўзга қўшимча қўшиш билан англашиладиган маъно ўзак англатган маъно билан албатта боғлиқ бўлади. Масалан, «гул» сўзига —дон қўшимчаси қўшилганда, мева солинадиган идиш (ваза) эмас, гул солинадиган идиш (ваза) англашилади.

Қўшимчалар маъно ва вазифаларига кўра уч хил бўлади.

1. Сўз ясовчи қўшимчалар.

Ўзакка қўшилиб, шу узак маъноси билан боғлиқ бўлган янги луғавий маъноли сўз ясашга хизмат қилувчи қўшимчалар сўз ясовчи қўшимчалар дейилади. Сўз ясовчи қўшимчалар бир сўз туркумидан шу туркумга хос сўзларни ҳам (отдан от) ёки бошқа туркумга хос сўзларни ҳам ясаши мумкин: *боғ* — *боғбон*, *иш* — *ишчи* (отдан от), *иш* — *ишчан*, *гул* — *гулли* (отдан сифат), *қурқ* — *қурқоқ* (фёьлдан сифат), *оқ* — *оқла* (сифатдан фёьл), *мард* — *мардона* (сифатдан равиш) ва ҳ.к.

Сўз ясовчи қўшимчалар қўлланиш доирасига кўра унумли, кам унум ва унумсиз қўшимчаларга бўлинади.

Бугунги кунда жуда кўп сўзларни ясашга хизмат қилувчи ясовчи қўшимчалар унумли ясовчилар дейилади. —чи, —ла, —лик, —ли, —ма, —ги каби унумли қўшимчалардан юзлаб сўзларни ясаш мумкин: *ўқувчи*, *ёзувчи*, *қурувчи*, *ишла*, *созла*, *дўстлик*, *озодлик*, *гулли*, *мазали*, *сузма*, *сочма*, *кузги*, *баҳорги* ва ҳ.к.

Кам унум ясовчи қўшимчалар сўз ясашда унчалик фаол қатнашмайдиган қўшимчалардир. Жумладан: —к, —оқ (*ўроқ*, *сўроқ*, *тароқ*), —каш (*мехнаткаш*, *аравакаш*),

—гич, —кич, —қич, —гич (*совутгич, кўрсатгич, торткич, тут—қич*), —им (*терим, урим*), —гин, —қин (*сўлгин, озгин, тулқин*) кам унум қўшимчалардир.

Бугунги кунда сўз ясамайдиган қўшимчалар унумсиз ясовчилар ҳисобланади. Бундай қўшимчаларга —гоқ, —луқ, —чил, —агон, —дақ (*тайгоқ, тузлуқ, дардчил, билагон, югурдақ*) қўшимчаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

2. Шакл ясовчи қўшимчалар (сўз шаклини ҳосил қилувчи қўшимчалар).

Бу қўшимчалар янги сўз ясамайди, сўзга ҳар хил қўшимча маънолар киритади, холос. Қўшимчаларнинг бу тури барча сўз туркумларида учрайди.

а) отларда: —лар (кўплик) *китоблар, уйлар* —ча (кич—райтириш оти): *уйча, китобча, қизча, —чак, —чок, —лоқ* (—алоқ) — гина, —қина, —кина (эркалаш отлари): *қизалоқ, болагина, келинчак*.

б) сонларда: —та, — тача, —ларча, —ов, —ала, —тадан, —нчи, —инчи (сонларнинг турларини ҳосил қилувчи) *унта, юзтача, мингларча, икков, учала, тўртинчи*.

в) сифатда: —роқ (даража ҳосил қилувчи) *яхшироқ, каттароқ* (—имтир, —мтир, —иш, —ғиш, *оқимтир, кўким—тир*).

г) феълда: —ди, —яп, —моқда, —моқчи (замон) *келди, ёзмоқда; —л, —ил, —н, —ин, —тир, —дир, —гиз, —киз, —газ, —каз, —сат, —иш* (нисбат) *ювин, берилди, кийинтир, кўлдир, юргиз, кўрсат, утказ, теришди, —р, —ар, —жак, —мас* (сифатдош) *оқар, айтмас, келажак; —б, —иб, —а, —и, —гач, —кач, —гунча, —кунча, —қунча* (равишдош) *бақариб, кула — кула, ишлай — ишлай, отгач, келгунча; —моқ, —в (—ув) —ш (—иш)* (ҳаракат номи) *уқиш, ёзмоқ, айтиш*.

д) равиш: —роқ (даража) *баландроқ, тезроқ*.

3. Сўз узгартирувчи қўшимчалар.

Бу қўшимчалар сўзларни бир—бирига боғлаш учун хизмат қилади, синтактик вазифа бажаради. Отлардаги

эгаллик (-м, -им, -нг, -инг, -и, -си, -имиз, -ингиз), келишик (-нинг, -ни, -га, -да, -дан) ва феълдаги шахс- сон (-м, -нг, -к, -ингиз) қўшимчалари сўз узгартирувчи қўшимчалар ҳисобланади.

Қўшимчаларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг луғавий бирликлар сингари шакл ва маъно муносабатига кўра омоним (-ча равиш ясовчи - *узбекча, эскича* ҳамда отнинг кичрайтириш эркалаш шаклини ясовчи - *отча, уйча, ўғилча*), синоним (-ли, бо- - *ақлли, боақл*), антоним (-ли, -сиз - *одобли, одобсиз*) турларга бўлиниши ҳамда кўп маъноли (феъл ясовчи - *ла - ишла, оқла, сизла, ухла, тарақла*; сифат ясовчи: -ли - *ёғли қул, ёғли палов*; от ясовчи: -чи, -чилик - *ишчи, суюнчи, деҳқончилик, ўртоқчилик* каби) бўла олишидир. Қўшимчаларнинг бу хусусиятлари уларнинг барча турлари орасида учрайди.

55-машқ. 10 та гап тузинг ва тузилган гап таркибидаги қўшимчаларнинг вазифасига кўра турини аниқланг.

56-машқ. Қуйидаги матнни ўқинг ва мазмунини сўзлаб беринг. Матнда қўлланилган қўшимчаларни намунадагидек ёзиб чиқинг.

НАМУНА:

№	Сўзлар	Ўзак	Сўз ясов. қўш.	Сўз шакли яс. қўш.	Сўз уз. қўш
1.	Илимли	ИЛМ	-ли	-	-
2.	Илмсиз	ИЛМ	-сиз	-	-
3.	Илмларнинг	ИЛМ	-	-лар	-нинг
4.					

Инсон камолотида илм эгаллаш улкан фазилатлардан бири ҳисобланади. Чунки киши илм билан шарафга эришади. Қуръони каримда ҳеч вақт илмлиқ билан илмсиз баробар эмаслиги кўрсатилган. Яна бир оятда «Аллоҳдан фақат илмли кишиларгина қўрқадилар», — дейилган. Қуръони каримнинг оятлари илмга тарғиб қиладигани «ўқи!» деб хитоб билан бошланади ва бошқа оятларида илм олиш ва урганишга даъват қилади.

Ҳадиси шарифда «Илм олмакка интилиш ҳар бир муслим, муслима учун қарзу фарз» дейилади. «Илмларнинг фойдаси очкузлик билан олтин—кумуш тўплаш учун булмай, балки у орқали инсон учун нарсаларга эга бўлишдир».

Юсуф Хос Ҳожиб ўз ижодида билимни юксак баҳолайди. Шоир билимни бойлик, кишан, кийим, емиш каби нарса—ҳодисаларга қиёслайди. Билим ва билимдонликни ҳис эта олмоқ. уни тушунмоқ даркорлиги, билимдон бўлиш тарбия билан чамбарчас боғлиқлиги, бола қанчалик эрта тарбия қилинса, шунча яхшилиги ҳақида ёзади.

Илм—фанда тўпша—туғри йўл бўлмайди. Илм—фаннынг метин қояларига чарчашдан қўрқмай, эмаклаб чиққан кишиларгина унинг нурли чўққиларига етиши мумкин. Илмнинг аҳамиятли эканлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41—моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга» деб кўрсатилган.

Илм бойлик манбаи бўлиб, ақлни мустаҳкамлайди, иззатни оширади. Илм ҳар бир кишини камолга етказиши, умрини боқий қилади. Илм инсон учун гоят олий ва муқаддас бир фазилат бўлиб, дунёнинг иззати, охиратнинг шарофати ҳисобланади. Илм киши зеҳнини, фикрини қилич каби ўткир қилади. Илмсиз инсон

мевасиз дарахтга ўхшайди. Илм дарахт меваларидек ҳар шахсга озуқа бериб, маданият, инсоният, маърифат дунёсига олиб киради. Илм касб ва фазилатларнинг энг афзалидир. Илм орқали яхши—ёмонни таниш, ҳалол—ҳаромнинг фарқига бориш, дўстлик ва қариндош—уруғнинг фазилатларини англаш, қонун—қоидаларини тушуниш, ҳақ—ҳуқуқларини билиш мумкин.

(«Ахлоқ—одоб сабоқлари» китобидан.)

51-§. ТУБ ВА ЯСАМА СЎЗЛАР

Таркибида сўз узгартирувчи ва шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар бўлишидан қатъи назар, сўз ясовчи қўшимчаси бўлмаган сўзлар туб сўзлар дейилади: *қалам, уй, дарахт, онам, мактабга, кўчалар, қизча* ва ҳ.к.

Бу сўзларга сўз узгартирувчи (эгалик, келишик) ёки шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар қўшсак ҳам, улар туб сўзлигича қолаверади: *қаламим, қаламинг, қаламлар, қаламча*. Чунки бунда янги луғавий маънога эга бўлган сўз ясалмаяпти, биз барибир уша қаламни — ёзув қуролни тушунаверамиз. «Қалам» сўзига ясовчи —каш ёки —дон қўшимчаларини қўшиб кўрайликчи: *қаламкаш, қаламдон*. Энди аввалги, қаламни эмас, балки ёзувчи (*шахс*)ни ва қалам сақланадиган қутини тушунамиз. Кўриниб турибдики, аввалги маъно билан боглиқ бўлган янги сўзлар ясалди.

Демак, туб сўзга ясовчи қўшимчалар қўшилишидан ҳосил бўлган сўзлар ясама сўзлар деб аталади.

Ўзбек тилида сўзлар асосан икки хил усул билан ясалади.

1. Сўзнинг узак—негизига сўз ясовчи қўшимчалар қўшиб сўз яшаш (*морфологик усул*). Морфологик усул ўзбек тилида сўз яшашнинг асосий усулларида бири ҳисобланади: *иш—чи, пахта—кор, бош—ла, су—цур—ги,*

кўнгил—чан, синф—дош, кўрк—оқ, тин—иқ, мард—она ва ҳ.к. каби сўзлар шу усулда ясалган.

2. Сўзларни сўзларга қўшиб янги сўз ясаш (*синтак—тик усул*). Синтактик усул билан қўшма, жуфт ва такрор сўзлар ясалади: *гулхайри, ҳаворанг, катта—кичик, келди—кетди, оқ—қора, қоп—қоп, катта—катта* ва бошқалар.

Ўзбек тилидаги олтита сўз туркумидан иккитаси: сон ва олмош морфологик усулда ясалмайди.

57—машқ. Матнни кўчиринг. Туб сўзларни топиб тагига чизинг. Ясама сўзларни алоҳида ажратиб кўчиринг ва маъносини изоҳланг.

Ҳаё

Ҳаё — бу ўзбекча уятдир. «Бир кетган уят қайтиб келмайди», «Дилда доғ кўтариб юргандан кўра бетнинг қизаргани афзал», дейди халқимиз. Лекин тилимизда ҳаёсиз ёки беҳаё дейилганда, уятсиз иш қилганда хижолат чекмайдиган, адабсиз кимса тушунилади. «Ҳаё эркак кишига нисбатан табиатан аёл кишида кўпроқ бўлади. Эркак кишилар бемалол айтадиган баъзи сўзларни аёллар турли андиша ва уялиш туфайли айта олмайдилар», дегувчилар ҳам бор.

Бизнингча, гап фақат уятлироқ сўзни айтишда эмас. Гап—амалда ҳаёли бўлишда. Аёлларимизнинг ҳаёли бўлиши боис эркаklarимизнинг улардан ҳаёли бўлишни талаб қилишларидир. Узида ҳаё туйғуси бўлмаган одам ўзгандан ҳаёли бўлишни талаб қилолмайди ва бундай талаб туйғуси унда бўлмайди ҳам.

52—§. СЎЗЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Сўзлар тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлади.

I. Содда сўзлар.

Фақат бир узакдан иборат булган сўзлар содда сўзлар дейилади. Туб сўзлар ҳам (*китоб, китобим, китоблар*), морфологик усул билан ясалган сўзлар ҳам (*китобхон*) содда сўзлар ҳисобланади, негаки уларнинг ўзаги битта бўлади.

II. Мураккаб сўзлар.

Мураккаб сўзлар икки ёки ундан ортиқ узакдан иборат бўлади. Қўшма, жуфт ва такрор сўзлар мураккаб сўзлардир.

1. Қўшма сўзлар икки ёки ундан ортиқ ўзакнинг бирикишидан ҳосил бўлган ва бир умумий тушунчани ифодалайдиган сўзлардир. Қўшма сўзларнинг таркиби бир хил сўз туркумидан ёки бир неча туркумга оид сўзлардан иборат бўлиши мумкин: *кузойнак* (от+от), *совуққон* (сифат + от), *Олтиариқ* (сон+от), *ҳозиржавоб* (равиш +от). Қўшма сўзлар қўшиб ёки ажратиб ёзилади.

2. Жуфт сўзлар маъно жиҳатидан бир—бирига мос келиб, жамлик, умумийлик маъноларини ифодаловчи сўзлардир. Жуфт сўзларнинг ҳар икки қисми ҳам бир сўз туркумига мансуб бўлади: *ака—ука, оқ—қора, бир—икки, келди—кетди, аста—секин*.

Жуфт сўзлар қуйидаги сўзлардан ташкил топади:

а) бир—бирига яқин маъноли сўзлардан: *ака—ука, ота—она*;

б) синоним сўзлардан: *бахт—саодат, куч—қувват*;

в) антоним сўзлардан: *аччиқ—чучук, катта—кичик*;

г) ҳар икки қисми ҳам маъно билдирадиган сўзлардан: *чол—кампир, ўғил—қиз, оқ—қора*;

д) биринчи қисми маъноли ва иккинчи қисми маъно билдирмайдиган сўзлардан: *темир—терсак, кийим—кечак каби*;

е) ҳар икки қисми ҳам мустақил ҳолда луғавий маъно билдирмайдиган сўзлардан: *ғиди—биди, икир—чикир* ва бошқалар.

Жуфт сўзлар чизиқча билан ёзилади. Агар улар ора—сида боғловчи вазифасида келган —у, —ю юктамалари

Қулланган бўлса, чизиқча қўйилмайди: *кую қузи, мехру муҳаббат, бахту саодат.*

3. Такрорий сўзлар бир сўзнинг қўшалок қўлла-нилишидан ҳосил бўлади. Улар *кўшлик (тўйга ким-ким келди?)*, давомийлик (*ишлай-ишлай чарчадик*) каби маъноларни англатади. Бироқ шуни унутмаслик керакки, истаган сўзни икки марта келтириш билан такрор сўз ҳосил бўлавермайди. Такрор сўзлар бир хил шаклда бўлиши лозим: *тошдан тошга, уйма уй* сўзлари такрорий сўз ҳисобланмайди, чунки улар бир хил шаклда эмас, ёзувда улар орасига чизиқча қўйилмайди. Нутқда маънони кучайтириш мақсадида бир сўзнинг кетма-кет келтирилиши ҳам такрор сўз ҳисобланмайди, ёзувда улар орасига вергул қўйилади: *Яхши, яхши, улуг иш қилибсиз.*

Такрор сўзларнинг иккинчи қисмидаги айрим товушлар ўзгарган бўлиши ҳам мумкин. *нон-пон, чой-пой, йиғи-сиғи* ва ҳ.к.

57—машқ. Матнни ўқинг ва топшириқларни бажаринг.

Талаба ва оммавий ахборот воситалари

Бугунги кун талабаси фақат китоб ўқиш билан, ёки дарслардан «беш» баҳо олиш билан бурчини бажариб қолмайди. У давр билан баробар қадам ташлаши учун ўз устида жиддий ишлаши, тинмай қўшимча маълумотлар олиши керак бўлади. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ниҳоятда каттадир. Ҳозир биз кундалик ҳаётимизни радио ва телевидениесиз тасаввур этолмай-миз. Бунга яна ранг-баранг газета-журналларни қўшадиган бўлсак жаҳон билан ҳамнафас бўлишимиз осонлашади. Булар талабанинг фикрлаш доирасини кенгайтириб, дунёқарашини чуқурлаштиради. Ақлу заковатини ўстириб, маънавий савиясини бойитади. Ҳар томонлама етук ва чуқур билимга эга бўлган талабанинг мақсади ҳам, қилаётган иши ҳам аниқ бўлади. Аниқ

мақсад ва режаларга таяниб олға бораётган талаба ҳеч нарсадан қўрқмайди. У ўз мутахассислиги бўйича улкан муваффақиятларга эришиши ва замон муаммоларини осонлик билан ҳал этишга ҳеч қандай шубҳа қолмайди. Бир суз билан айтганда, оммавий ахборот воситалари талабанинг ўткир қуроли, толмас қаноти бўлади. Булар— сиз талаба биз орзулаган даражада ҳозиржавоб ва наму— нали шахс бўлиши мумкин эмас.

Тошпириқлар. 1. Матннинг мазмунини сузлаб беринг. 2. Матндаги жуфт ва қўшма сузларни алоҳида кўчиринг ва улар иштирокида гаплар тузинг. 3. «Матбуот эркинлиги — ислоҳот беланчаги» мавзусида матн тузинг. 4. Ҳуқуқшуносликка оид унта суз ясанг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

58—машқ. Матни рус тилига таржима қилинг.

XXI аср — техника асри

Ҳақиқатан ҳам янги аср — техника асридир. Илгари биз хаёл билан етолмаган жойларга техника бир сонияда етиб бормоқда. Биз қўл билан бажара олмаган ишларни, қилишимиз мумкин бўлмаган ҳар қандай юмушларни техника бажармоқда. Компьютер олами, информатика ва ҳисоблаш техника воситалари ҳаётимизга дадил кириб келди. Улар ҳаётимизнинг мазмунига айланиб бормоқда. Президент И. Каримов: «XXI аср — Ўзбекистон асри», — деб бежиз айтмаган. Бунга юртимизда ишлаб чиқарила— ётган бир қатор техника воситалари мисол бўлади. XXI аср ярмига борганда Тошкентда яшаб, дуненинг бошқа бурчида иш бажарамиз. Ёки исталган мамлакат фуқароси билан Тошкентда туриб юзма—юз мулоқотда бўламиз. Булар ҳаммаси техника шарофатидан, унинг сеҳрли манбаи туфайли амалга ошади. Бунга ҳозирги техника қудрати асос бўлади.

Яшасин техника, инсоният учун чексиз имконият ва қулайлик воситаси!



Туғрилик — маънавий бойлик. Туғрилик табиий бир фазилат бўлиб, ҳаётнинг табиий оқимига уйғундир, у инсонни соғлом одамлар билан бахт сари етаклайди. Туғри одамга ҳамма ишонади. Унга ёрдам қулини уза-тишга тайёр одамлар куплаб топилади. Туғри одам уд-дабурон бўлса, ёрдам сўраб, мурожаат қиладиған ихлос-мандлари куп бўлади. Туғрилик инсоннинг ажойиб хулқ-ларидан бири бўлиб, ҳаётдаги ҳамма ишларнинг тартибда бўлишини таъминлайди.

Туғрилик инсон қадрини юксакликка кутаради. Туғ-рилик умр ва эзгулик таянчидир. Туғри юрган етар му-родга, эгри юрган қолар уятга. Туғри одам бамисоли шам, чунки шамнинг қисмати ёниб тугагунча нур тара-тади. У бор экан, ёруғлик мавжуд. Туғри одам ҳам бутун ҳаёти давомида меҳр, садоқат нурларини тарқатади. Шу-нинг учун ҳам туғриликни яхши хулқларнинг посбони дейишади.

Демак, туғри кишининг ички дунёси ҳур ва пок бў-лади. Нафс балосидан ўзини асрайди. Туғрилик моддий муҳтожликлардан устун келиб, дунё ноз-неъматларидан кечиш, руҳни бойитишдир. Туғри киши турли машақ-қатларга чидайди, сабри бўлади. Туғри одамнинг қалби буюк бўлади. Юз ғам ҳуруж қилганда ҳам шукрини ун-утиб, шикоятга оғиз очмайди. Туғри киши ҳар қандай байрамларда кийган эски кийимини ҳам зарбофтдан тикилган тўнга асло алишмайди. Туғри кишининг қуд-рати ва саодати маърифатга қаратилгандир.

(«Ахлоқ—одоб сабоқлари» китобидан.)

туғрилик — правильность
ёруғлик — свет
сабрли — терпеливый

эзгулик — благо
туғри одам — честный человек
маънавий бойлик — духовное богатство

Топшириқлар. 1. Матни ўқинг ва мазмунини ўз тилингизда сўзлаб беринг. 2. «Ахлоқ — маънавиятнинг узаги» иборасини шарҳланг. 3. Лугатни ёд олинг.

Мақоллар

Инсон — одоби билан,
Осмон — офтоби билан.

Бош булмаган уйда
Отаси туриб ўғли сўзлар.

Каттанинг ҳурмати — қарз,
Кичикка салом — фарз.

Яхши бола ёғ келтирар,
Ёмон бола доғ келтирар.

Билимли — олим,
Билимсиз — золим.

Олтмиш яшар аҳмоқдан
Олти яшар доно яхши.

Топшириқ. Мақолларни ёдланг ва маъносини шарҳлаб беринг.

54—§. СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Сўзлар умумий лексик ва грамматик маъно ҳамда вазифаларига кўра маълум туркумларга бўлинади. Сўзларни туркумларга ажратишда уларнинг қуйидаги хусусиятлари ҳисобга олинади:

- лугавий ва грамматик маънолари;
- айрим морфологик хусусиятлари;
- синтактик вазифалари.

Шунга кўра ўзбек тилида сўзлар қуйидаги туркумларга ажратилади:

I. Мустақил сўз туркумлари:

1. От. 2. Сифат. 3. Сон. 4. Олмош. 5. Феъл. 6. Равиш.

II. Ёрдамчи сўз туркумлари:

1. Кўмакчи. 2. Боғловчи. 3. Юклама.

III. Алоҳида олинган сўзлар гуруҳи:

1. Ундов сўзлар. 2. Тақлид сўзлар. 3. Модал сўзлар.

Мустақил сўзлар маълум бир лугавий маънони ифодалайди. Масалан, *гул* деганимизда, ўсимликнинг бир турини, *қизил* деганда, рангни, *бешта* деганда миқдорни, *келди* деганда эса ҳаракатни тушунамиз. Мустақил сўзлар бирор гап бўлаги вазифасида келади. Ёрдамчи сўзлар эса ёлғиз ҳолда ҳеч қандай лугавий маъно ифодаламайди, гапда ҳеч қандай гап бўлаги вазифасини бажармайди. Улар мустақил сўзлар, содда гапларни бири-бирига боғлаш ҳамда сўзларга қўшимча маъно юклаш учун хизмат қилади.

59—машқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Сўзларни туркумларга ажратишда уларнинг қайси хусусиятлари ҳисобга олинади?

2. Мустақил суз туркумлари ёрдамчи суз туркумларидан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?

60—машқ. Жумлани дафтарингизга кучиринг ва мазмунини ёдда сақлаб қолинг. Мустақил лугавий маънони ифодалайдиган сузларнинг тагига чизинг.

Тоталитаризм

Тоталитаризм (лот.) — сиёсий режим турларидан бири бўлиб, давлатнинг барча ҳаётий соҳалари устидан тула (тотал) назорати, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалда йўқ қилиниши, оппозиция ва ўзгача фикрловчиларга нисбатан қатағонлар бўлиши билан ажралиб туради (масалан, XX аср 20—йилларининг охиридан бошлаб фашистлар Италиясидаги, нацистлар Германиясидаги тоталитаризмнинг турли шакллари, собиқ СССРдаги коммунистик режим, Испаниядаги франкизм ва бошқалар).



55-§. МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗИ

Ўзбек халқи мустақилликка эришгандан кейинги долзарб муаммолардан бири миллий қадриятларни тиклаш ва унинг камол топиши учун кенг имкониятлар очиш эди. Шу боисдан, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз қолдирган маънавий мерос ва миллий қадриятларни тиклаш ишлари бошланиб кетди. Бош Қомусимиз бўлган Конституциямизда асрлар мобайнида ушалмас армонга айланиб келган анъана ва удумларимиз, қадимий қадриятларимизнинг қайта тикланиши қонун йули билан ҳимоялаб қўйилди. Ҳатто, айрим қадриятларимиз давлатимиз томонидан умумхалқ байрами сифатида нишонланиб, дам олиш кунини деб эълон қилинди.

Халқимизнинг азалий қадрияти, сеvimли байрами ҳисобланмиш «Наврӯз» байрамининг қайта тикланиши мамлакат тарихида катта воқеа бўлди. Президент Фармонига кўра, «Наврӯз» ҳар йили (21 март) умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Ийд Рамазон ва Ийд Қурбон ҳайити кунлари ҳам худди шундай байрам қилинмоқда. Хуллас, фақат истиқлол туфайлигина ўзбек миллий қадриятлари ўз эъзозига эга бўлди.



Лўғат

аждодлар — предки
удумлар — обычаи
эъзоз — почет

умумхалқбайрами — общенародный
миллий қадрият — национальные ценности
қайта тикланиш — восстановление

Топшириқлар. 1. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг. 2. Ўз миллий қадриятларингиз ҳақида ўзбек тилида сўзлаб беринг.

I. МУСТАҚИЛ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

56-§. ПРЕДМЕТНИНГ НОМИНИ БИЛДИРУВЧИ СЎЗЛАР

Предметлик тушунчасини англатувчи мустақил сўзлар от деб аталади. Отлар тирик мавжудотлар (*инсон, ота, амаки, қуш, чумоли, дельфин*), теварак-атрофимизни қўраб турган предметлар (*уй, дарахт, машина, от, тоғ, дала, урмон*) табиат ва жамиятдаги воқеа-ҳодисалар (*инқилоб, туй, байрам, бурон, ёмғир, зилзила*), шу билан бирга, мавҳум тушунчаларнинг (*бахт, толеъ, ишқ, севги, кураш, шодлик, ғам*) номларини ифодалайди. Отлар ўзига хос грамматик белгилар (категориялар)га эга: атоқ-ли ва турдош, аниқ ва мавҳум, жамловчи ва якка бўлади, турланади, бирлик ва кўпликда қўлланади, эгалик қўшимчаларини олади. Отлар гапда барча гап бўлаклари вазифасида кела олади.

61—машқ. Матнини уқинг ва предметнинг номини билдирувчи сўзларни топиб рус тилига таржима қилинг.

Инсонпарварлик

Инсонпарварлик — якка—ёлғиз фахрийларга, ногиронларга, серфарзанд оилаларга, кумакка муҳтож бошқа фуқароларга ҳурмат — эътибор ва хайр — саховат кўрсатиш бўлиб, бугунги Ўзбекистонда улар давлат миқёсидаги анъаналар сафидан мустаҳкам жой олмоқда. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлашича: *«Инсонпарварлик — бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зуравонлик унинг табиатига ётдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди — маданият, илм—фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил—қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг уйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ туширолмади. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик мужассамлашгандир».*

Инсонпарварлик кишиларда турли миллат халқларига меҳр—муҳаббат ҳиссини таркиб топтиради. Адолатсизлик, тенгсизлик, текинхўрлик, виждонсизлик каби ахлоқ—одобга зид хатти—ҳаракатларга муросасизликни шакллантиради. Инсонпарварлик ришталари ҳаммиша мустаҳкамланиб бораверсин. Ана шундагина ҳаётимиз янада чароғон ва фойдали бўлади.

(«Ахлоқ—одоб сабоқлари» китобидан.)

1. Отлар маъно жиҳатидан турдош ва атокли отларга булинади.

Бир турдаги предметлардан бирини айириб кўрсатадиган отлар атокли отлар дейилади. Атокли отлар айрим шахс ёки предметларнинг махсус ўзига қўйилган номидир. Кишиларнинг исм-фамилияси, адабий тахаллуслар, географик номлар, планета ва сайёраларнинг номлари, газета, журнал, бадиий ва илмий асарлар, корхона, муассасалар номлари, давлат мукофотлари, фахрий унвонлар ва тарихий саналар атокли отлар ҳисобланади.

Бир турдаги предметларнинг умумий номи эса турдош отлардир. Отга хос сўзларнинг асосий қисмини турдош отлар ташкил этади. Масалан, *шаҳар, дарё, қизлар, китоблар* турдош отлар ҳисобланса, уларнинг бирини алоҳида номлаш билан атокли от ҳосил бўлади: *Тошкент, Амударё, Наргиза, «Навоий» романи*.

Баъзан атокли от турдош отга айланиши (*рентген, ампер, хосиятхон*) ёки аксинча, турдош от атокли отга айланиши мумкин (*Наргис, Бурон, Қумри, Теша*).

2. Турдош отлар қандай тушунчани ифодалашига кўра 2 хил бўлади: аниқ ва мавҳум отлар.

Борлиқдаги мавжуд предметларни англатган отлар аниқ отлар ҳисобланади: *ер, сув, дарахт, дарё, олма, нон, пиёла, кийик* ва ҳ.к.

Мавҳум тушунчани, белгини англатувчи отлар мавҳум отлар дейилади: *бахт севинч, қувонч, шодлик, тинчлик, кураш, туйғу, кулги, ишсизлик, мустақиллик* ва ҳ.к.

3. Турдош отлар бирлик шаклда кўплик маъносини ифодалаш-ифодаламаслигига кўра 2 хил бўлади: якка ва жамловчи отлар.

Бирлик шаклда бир турдаги предметларнинг биттасини ифодалаш мумкин бўлган отлар якка отлардир: *китоб, қалам, дарахт, журнал, одам, нон* каби.

Бир турдаги предметларнинг тўдасини, жамини англатувчи отлар эса жамловчи отлар ҳисобланади: *халқ, армия, тўда, аҳоли, гуруҳ* каби.

62—машқ. Бешта гап тузинг. Турдош ва атоқли отларни топиб айтинг. Тузган гапларингизни рус тилига таржима қилинг.

63—машқ. Матнни кучиринг ва атоқли отларни топиб тагига чизинг.

Парламент

Парламент—бу сўзнинг асл маъноси «мунозара жой», французча «*парла*»—*гал—суз, баҳс*; «*мент*»—*жой, урни* демакдир. Демократик давлатларда олий вакиллик ва қонунчилик органларининг номидир. Парламент биринчи марта XIII асрда Англияда ташкил қилинган. Олий вакиллик органлари бир неча мамлакатларда, жумладан, Англия, Франция, Италия, Канада, Бельгияда тўғридан—тўғри парламент деб аталади. АҚШ ва баъзи Лотин Америкаси мамлакатларида конгресс, Россияда Федерал Мажлис, Литва, Латвия, Польшада Сейм деб аталади. Ўзбекистонда эса у Олий Мажлисдир. Парламентни ташкил қилиш тартиби, ваколат муддати, ваколат доираси турли мамлакатларда турлича бўлиб, улар Конституция ҳамда қонунларда белгилаб қўйилади.

(«*Конституциявий ҳуқуқ*» изоҳли лугатидан.)

Топшириқ. Матнни рус тилига таржима қилинг.

58—§. ОТЛАРНИНГ БИРЛИК ВА КЎПЛИКДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Отлар кўплик ва бирлик сонда қўлланилади. Сон категорияси отлардаги доимий категория ҳисобланади. Отларда бирлик ўзининг махсус курсаткичи — қўшим—

часига эга эмас. Масалан: *китоб* – бирликда, *китоблар* – кўпликда.

Қуйидаги отлар фақат бирликда қўлланилади:

а) мавҳум отлар: *бахт, ишқ, орзу, алам, дийдор, муҳаббат, саховат*;

б) атоқли отлар: *Тошкент, Фарғона, Акмал Икромов, Навоий*;

в) саналмайдиган предметларни англатувчи отлар: *сув, туз, шакар, нефть, сут, цемент, тупроқ, ун, ёғ*;

г) инсоннинг жуфт органлари: *кўз, қул, оёқ, қош, қулоқ*;

д) танҳо предметлар: *Қуёш, Ер, Ой, Марс, Зухра*.

Отларда кўплик маъноси асосан уч хил йўл билан ифодаланади:

1. Лексик йўл билан. Бунда кўплик маъноси жамловчи, тунда отлар ёрдамида англашилади: *халқ, гуруҳ, тунда, пода, сурув, оломон* каби.

2. Морфологик йўл билан. Грамматик кўпликлар қўшимчаси билан ифодаланади: *уйлар, гуллар, китоблар, болалар* каби.

Кўпликни ифодаловчи –лар қўшимчаси кўплик маъносидан ташқари яна қуйидаги маъноларни ҳам ифодалайди:

– ҳурмат маъноси: *ойимлар, дадамлар* (изоҳ: ҳурмат маъноси ифодаланганда –лар қўшимчасидан аввал эгалик қўшимчаларидан бири бўлиши шарт: Масалан: *оналар эмас–онамлар, дадалар эмас – дадамлар*);

– пичинг, кесатиқ маъноси: *Ўзларини соя–салқинга олибдилар–да*;

–нарсанинг тури маъноси: *тузлар, ёғлар, унлар, кислоталар*;

–маънони кучайтиради: *Тошкентларни кўриб қайт–дим, бошларим оғриб кетди*;

–ноаниқлик маъносини ифодалайди: *Кечқурунлари буш бўламан*.

Куплик қўшимчаси мавҳум отга қўшилганда услубий вазифани бажаради (бадий ва сўзлашув услубларида): *Аламлар абасдур, ғамлар уткинчи.*

3. Синтактик йўл билан. Махсус миқдор билдирадиган сўзлар ва сонларни келтириш билан ифодаланadi: *бешта китоб, анча китоб, минг—минг дукон, қатор—қатор дарахт, бир неча бола.*

64—машқ. Матнни ўқинг. Фақат бирликда қўлланadиган отларни топиб дафтарингизга кўчиринг ҳамда рус тилига таржима қилинг.

Миллий гурур

Миллий гурур — ифтихор, халқнинг қудратини, орзуинтилишларини мужассамлаштирадиган улуг кучдир. Миллий гурур—халқнинг, эл—юртнинг улугворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Миллий гурур халқни халқ, миллатни миллат қилиб кўрсатади. Ўзбекистон мустақиллиги туфайли ўзбек халқининг миллий гурур туйғуси бутун жаҳон бўйлаб қад кўтарди. Жаҳон халқлари орасида Ўзбекистон энг йирик мамлакатлар қаторидан урин олди. Эндиликда ҳусни билан гўзал, меҳри билан саховат, меҳнати билан обод, шон—шўҳрати билан шавкатли бўлган ўзбек халқини бутун дунё тан олди.

Умуминсоний, миллий ва маънавий қадриятларимиз тикланди. Юртимизга халқ севган Навруз кириб келди. Рамазон, Қурбон ҳайитларига етдик.

Демак, гурурли бўлиш биринчи навбатда халқ ман—фаатини ёклаш, элга фойда келтиришдир. Халқимиз ўз ҳаёти, турмуш тарзида энг олижаноб гоёларни мужассам этган ахлоқ—одоб қоидаларига, маънавий қадриятларга таяниб келган. Шундай илғор гоёлар туфайли элимизда адолат, ростгўйлик, ҳалоллик, покизалик бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик, ногиронларга меҳрли бўлиш,

одамийлик, қардошлик ва бошқа инсоний қадриятлар ривож топган.

(«Ахлоқ-одоб сабоқлари» китобидан.)

59-§. ОТЛАРДА ЭГАЛИК

Предметнинг уч шахсдан бирига қарашлилигини ифодаловчи қўшимчалар эгалик қўшимчалари дейилади.

Эгалик қўшимчалари нутқдаги уч шахсдан бирига тегишли бўлиб, бирлик ва кўплик сонларда қўлланилишига кура билинади. Негизнинг сўнгги товуши унли ва ундош бўлишига қараб, улар икки хил бўлади:

	Бирликда		Кўпликда	
	унли	ундош	унли	ундош
I шахс	онам	китобим	онамиз	китобимиз
I шахс	онанг	китобинг	онангиз	китобингиз
III шахс	онаси	китоби	онаси	китоби

Отга эгалик қўшимчалари қўшилганда:

а) айрим сўзларнинг иккинчи бугинидаги унлилар (а, и, у) тушиб қолади: *шаҳар-шаҳри, оғиз-оғзи, угил-ўгли, сингил-сингим, кўнгил-кўнгли, бағир-бағри, бурун-бурни* каби.

б) ўзак охиридаги к товуши г товушига айланади: *этак-этаги, билак-билаги, юрак-юраги*.

в) ўзак охиридаги к товуши ғ товушига айланади: *суроқ-суроғи, уртоқ-уртоғи, байроқ-байроғи* ва ҳ.к.

Бироқ айрим сўзларда бу ҳодиса кузатилмайди: *идроки, иштироки, парки, иштиёқи, уфқи, завқи, ҳуқуқи* каби.

Айрим ҳолларда эгалик маъноси белгисиз ифодаланиши ҳам мумкин: *бизнинг ҳовли, бизнинг маҳалла* каби.

Учинчи шахс эгалик қушимчаси бирлик ва куплик учун бир хил.

65—машқ. Матни укинг ва эгалик маъноларини аниқланг. Эгалик қушимчалари билан қўлланган сўзларни рус тилига таржима қилинг. Мазкур қисқа, ammo мазмуни чуқур матннинг мазмунини уз тилингизда сўзлаб беринг.

Она ризоси

Жаноби Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига бир киши келиб сўрабди:

— Ё Расулulloҳ, менинг кекса ва нотавон онам бор. Ўзи юра олмайди. Елкамда кутариб, барча ҳожатларига олиб бораман. Қани айтинг—чи, шу хизматларим билан ҳаққини адо этган, фарзандлик бурчимни бажарган бўламанми?

— Йўқ,—дебдилар Пайгамбаримиз Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам. — Бу хизматинг сени ороминг учун онангни бедор утказган бир кечасига ҳам арзимайди. Чунки онанг сени мургаклик чоғингданоқ авайлаб—асраб, кутариб катта қилган. Улгайиб ўсишингни истаб, сенга умр тилаган. Сен бўлсанг, ҳозирда онангни кутариб юриб, бу машаққатдан қачон қутилар эканман, деб уйлайсан.

(«Ҳалол ва ҳаром» китобидан.)



60—§. ЎЗБЕК УДУМЛАРИ

Ўзбек миллий удумлари ҳам қадимий қадриятларимиз сингари узоқ ўтмишга эга. Ҳар қайси даврнинг ўзига хос имкон ва талаблари ўзбек удумларининг сайқаллашувига хизмат қилиб келган. Халқпарвар ва маърифатпарвар ҳукмдорлар аждоддан—аждодга ўтиб келаётган бундай кўнгилочар маросимларни авлодларга етказиш,

уларни улуғлаш ва мадҳ этишга бош-қош булганлар. Шу туфайли (неча замонлар ўтса ҳам) бу удумлар халқимиз юрагидан жой олиб, шодлик кунларига айланиб қолган.

Ўзбек халқидай болажон ва орзу-ҳавасли халқ бўл-маса керак. Фарзанд кўриш билан унинг ҳам қувончи, ҳам унутилмас кунлари бошланади. Ақиқа тўйи, соч тўйи, суннат тўйи, фотиҳа тўйи, никоҳ тўйи, уй тўйи ва Пайгамбар тўйи (63 ёшга кирганда) шулар жумласи-дандир. Бу удумларнинг яна қанчадан-қанча удумча-лари, яъни урф-одатлари борки, улар ҳам бошқа мил-латда учрамайди. Бола туғилганда унинг қулоғига азон айтиш, ўғил болани мусулмонлик сафиға ўтказиш (сун-нат қилиш), тўйларда кўпқари чоптириш, қиз болани турмушга узатишда ёр-ёр айтиш ва чимилдиққа солиш каби удумлар ҳеч қачон ўлмайдиган, ўзбекнинг асл қиё-фасини белгилаб турадиган умрбоқий анъаналардир. Бу-ларсиз узбеклар ҳаётини тасаввур қилиш мумкин эмас. Ўзбек удумларига бошқа миллат вакиллари ҳам катта қизиқиш билан қарашмоқда. Демак, бу удумлар ўзбек миллатининг шон-шарафи, фахр-ифтихоридир.



Луғат

миллий удумлар — национальные
обряды

маърифатпарвар — просветитель

унутилмас — незабываемый

ақиқа тўйи — свадьба обрезания

урф-одат — обычай

умрбоқий — вечный

фахр-ифтихор — гордость

Топшириқлар. 1. Матни уқинг ва мазмунини сузлаб беринг. 2. Эғалик маъноси ифодаланган сузларни топиб бирикма ҳолида дафтарингизга кўчиринг. 3. Эғалик маъноси ифодаланган 4 та гап тузинг.

Отларнинг келишик қўшимчаларини олиб узгариши турланиш деб аталади. Келишик қўшимчалари турловчи қўшимчалар дейилади, улар сўз узгартувчи қўшимчалар турига киради. Ўзбек тилида отлардан ташқари олмошлар ва отлашган сўзлар ҳам турланиши мумкин. Отларда келишик категорияси ҳам доимий ҳисобланади.

Ўзбек тилида олтига келишик мавжуд:

Келишиклар	Қўшим- часи	Суроги	Синтактик вазифаси
1. Бош келишик		Ким? Нима? Қаер?	Эга
2. Қаратқич келишиги	-нинг	Кимнинг? Ниманинг?	Аниқловчи
3. Тушум келишиги	-ни	Кимни? Нимани? Қаерни?	Воситасиз тулдирувчи
4. Жуналиш келишиги	-га	Кимга? Нимага? Қаерга?	Воситали тулдирувчи, урин ҳоли
5. Урин-пайт келишиги	-да	Кимда? Нимада? Қаерда? Қачон?	Воситали тулдирувчи, урин, пайт ҳоллари
6. Чиқиш келишиги	-дан	Кимдан? Нимадан? Қаердан? Қачондан?	Воситали тулдирувчи, урин ҳоли, пайт ҳоли

Келишик қўшимчалари сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади. Бош келишик бошқа келишиклар учун асос шакл ҳисобланади. Унинг махсус курсаткичи йўқ. Бош келишикдаги от гапда асосан эга вазифасини бажаради.

Қаратқич келишиги бирор предметнинг шу келишикдаги отдан англашилган предметга қарашли эканлигини билдиради.

Қаратқич келишигидаги от доимо от билан боғланади: *укамнинг дўсти, ноннинг қадри*. Шунингдек, бу келишик отни отлашган сўзлар ва ҳаракат номига ҳам боғлаши мумкин: *боламнинг уқиши, бузоқнинг югургани* каби.

Қаратқич келишиги икки шаклда — белгили ва белгисиз қўлланилади: шаҳарнинг кучалари — шаҳар кучалари. Қаратқич ва қаралмиш орасида бирор сўз келса, у албатта белгили қўлланилади: *дарахтнинг баланд шохлари*. Қаратқич ва қаралмиш орасида ҳеч қандай сўз келмаса, белгисиз қўлланиши ҳам мумкин: *дарахт шохлари*. Шунингдек, бадиий адабиётда қаратқич келишиги қўшимчаси баъзан қисқарган шаклда (*Ким билмайди онасин қадрин?*) ёки —им тарзида қўлланиши мумкин: *Ўзбекистон — ватаним маним!*

Тушум келишиги отдан англашилган иш—ҳаракатни узига олганлигини ифодалайди. У ҳар вақт от билан феълни боғлайди. Тушум келишиги ҳам қаратқич келишиги каби белгили ва белгисиз, бадиий адабиётда эса қисқарган шаклда қўлланиши мумкин: *китоб уқидим — китобни уқидим, варақлаймиз ҳаёт дафтарин*. Тушум келишигидаги от турдош от бўлса, у белгисиз қўлланиши мумкин: *чой ичдим, шеър уқидим*. Агар тушум келишигидаги сўз атоқли от бўлса, у албатта белгили қўлланилади: *Тошкентларни айланиб қайтдим. Каримни учратдим* каби.

Жуналиш келишиги иш—ҳаракат йўналган предметни англатади. Жуналиш келишиги қўшимчаси ўзи қўшилаётган сўз охиридаги товушга қараб —ка, —қа шакллариغا эга бўлади: охири к ва г товуши билан тутаган сўзларга —ка (*билакка, юракка, баракка*) ва қ ҳамда ғ товушлари билан битган сўзларга —қа шаклида (*уфққа, ўроққа*,

боққа, тоққа) қўшилади. Мумтоз адабиётда —га,—а,—на шакллари ҳам учрайди: инсонга, одама, жамолина.

Жуналиш келишиги баъзан тушум, урин—пайт, чи—қиш келишиклари вазифасида ҳам келиши мумкин: *Нима дедингиз, гапингизни (га) тушунмадим. Бутун уйда (га) тупланамиз. У бир сўз айтишдан (га) чўчир эди.*

Урин—пайт келишиги иш—ҳаракатнинг бажарилиш урни, пайти, ҳолати, воситаси, мақсади каби маъноларни ифодалайди: *Уйда (урин) ҳеч ким йўқ эди. Қишлоққа тонгда (пайт) жунадик. У куйинган ҳолда (ҳолат) гапир—арди. Пахтани машинада (восита) тердик. Биз уқиш ниятида (мақсад) келганмиз. Урин—пайт келишиги қўшимчаси баъзан тушум, жуналиш ва чиқиш келишиги қўшимчаси билан синонимик муносабатга киришади: *далани кезди—далада кезди; йиғилишга қатнашди—йиғилишда қатнашди; радиодан гапирди—радиога гапирди* сингари.*

Чиқиш келишиги иш—ҳаракатнинг чиқиш нуқтасини ҳамда восита, пайт, сабаб, қиёслаш, бутуннинг бир қисми маъноларини билдиради: *У ичкаридан (ҳаракатнинг чиқиш нуқтаси) югуриб чиқди. Бу хабарни радиодан (восита) эшитдик. Биз болалиқдан (пайт) қалин дўстмиз. Уялганидан (сабаб) қизариб кетди. Сиз аввалгидан (қиёслаш) анча бардамсиз. У чойдан (бутуннинг бир қисми) ҳуплади.* Мумтоз адабиётда чиқиш келишигининг —дин, —тин шакллари ҳам учрайди:

*Инсонни тил айлади жудо ҳайвондин,
Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.*

(А. Навоий)

Инсон одоби билан...

Инсон гўзал хулқи, дилбар фазилати, чиройли одоб ва ахлоқи билан қадрланади, ҳурмат топади. Одоб чуқур ички маданиятнинг, инсон маънавий бойлигининг зоҳирий ифодасидир. Чунки инсоннинг маънавий дунёси унинг ташқи кўринишида, хатти-ҳаракатлари ва юриш-туришларида, кишилар ўртасидаги муомаласида акс этади. Одоб ва ахлоқсиз ҳеч қандай маданият бўлмайди. Маданиятсиз маънавият таркиб топмайди. Маънавиятнинг ибтидоси, аввало, саломалиқдан бошланади. Очиқ чеҳра билан салом берган киши самимиятли бўлади. Самимият қарор топган жойда инсоний муносабатлар шаклланади.

«Маданиятли», «тарбияли», «одобли» деган сўзлар бир-бирига жуда яқин туради. Шу сўзларга лойиқ топилган инсон жамиятда ўз обрў-эътиборига эга бўлади. Атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор бу ҳақда шундай деган эди: *«Маданият—одамгарчилик дегани. Энг маланий одам—энг яхши одам, энг одамгарчилиги тўла бўлган одам—маданий етук одам бўлади»*. Дарҳақиқат, инсон одоби билан гўзал, ширин сўзи билан баркамолдир.

- Топшириқлар. 1. Матннинг мазмунини сузлаб беринг.
2. Матнда қўлланган келишик ва эгалик қўшимчаларини топинг.

62-§. ОТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Отлар асосан икки усулда: морфологик ва синтактик усулларда ясалади.

1. Морфологик усулда от ясаш.

Куйидаги қўшимчалар морфологик усулда от ясайди:

1. Шахс отини ясовчи қўшимчалар.

—чи (ишчи, ўқитувчи), —кор (пахтакор, галлакор); —дош (синфдош, ватандош); —каш (меҳнаткаш, заҳматкаш); —шунос (тилшунос, ҳуқуқшунос); —бон (боғбон, нигоҳбон); —соз (соатсоз, аравасоз); —паз (ошпаз, сомсапаз); —дўз (этиқдўз, гиламдўз); —хон (журналхон, китобхон) ва бошқалар.

2. Нарса—қурол отини ясовчи қўшимчалар. —к (—ик, —ук)—қ (—ук, —ик) (элак, кўрак, курик, ютук, чақирик); —оқ (ўроқ, қочоқ, қучоқ); —ки, —ги, —қи, —ги (супурғи, чертки, қулғи, чопқи, чалғи, чолғу); —кич, —гич, —қич (ўчирғич, чизғич, кўрстқич, тутқич); —м, —им, —ум (билим, кирим, туғлам, ўрам, ошам, унум); —ма (тортма, бостирма); —инди (қиринди, чиқинди), —илдоқ (шақилдоқ).

3. Ўрин—жой отини ясовчи қўшимчалар. —лоқ, —лов, —зор, —истон (ўтлоқ, қумлоқ, яйлов, Ўзбекистон, гулистон).

4. Мавҳум от ясовчи қўшимчалар. —ч, —лик, —чилик, —гарчилик (тинч, дўстлик, мустақиллик, мулкчилик, одамгарчилик).

Эркалаш ва кичрайтириш отлари.

Отларда ясовчи қўшимчалардан ташқари эркалаш ва кичрайтириш отларини ҳосил қилувчи қўшимчалар ҳам мавжуд. Улар шакл ясовчи қўшимчалар турига мансуб:

—ча: китобча, қизча, юлдузча, уйча.

—чак, —чоқ: келинчак, қўзичоқ, тойчоқ.

—лоқ, —алоқ: буталоқ, қизалоқ.

—гина (кина, —қина): болагина, қизгина, билаккина.

—жон, —хон, —бой (—вой): Каримжон, Салимахон, Дадабой, Қўзивой.

II. Синтактик усулда от ясаш.

Синтактик усул билан қўшма ва жуфт отлар ҳосил қилинади.

Топшириқ. От ясовчи қўшимчаларни ёд олинг.

67—машқ. Морфологик йул билан ясалган отларга мисоллар келтиринг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

63—§. ҚУШМА ОТЛАР

Икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг қўшилишидан хосил бўлган ва бир предметни англатувчи отлар қўшма отлар ҳисобланади. Қўшма отлар таркиби бир сўз туркумидан ҳам, бир неча сўз туркумидан ҳам иборат бўлиши мумкин: *қўзойнак*, *қўлқоп* каби сўзларнинг ҳар икки қисми ҳам отдан ташкил топган, *учбурчак*, *бешариқ* сўзлари сон ва отдан, *уртуқмоқ* сўзи эса феъл ва отдан таркиб топган.

Қўшма отлар қўшиб ва ажратиб ёзилади.

Қуйидаги қўшма отлар қўшиб ёзилади:

а) бир умумий тушунча, предметни ифодаловчи ва бир урғу билан айтиладиган қўшма отлар: *тошбақа*, *отқулоқ*, *қўзиқорин* ва ҳ.к;

б) иккинчи қисми сифатдошнинг —ар қўшимчаси билан тугаган қўшма отлар: *ўринбосар*, *отбоқар*, *бешиқ—тебратар*, *кунгабоқар*, *отчопар* ва ҳ.к.;

в) иккинчи қисми турдош от бўлган географик номни билдирувчи қўшма отлар: *Олтиариқ*, *Сирларё*, *Қувасой*, *Куйганёр*, *Қўрғонтепа*.

Қуйидаги қўшма отлар ажратиб ёзилади:

а) иккинчи қисми е, ё, ю ҳарфлари билан бошла—нувчи қўшма отлар: *эшак еми*, *ер ёнғоқ*, *қозон ювгич* ;

б) иккинчи қисми атоқли от бўлган географик номни билдирувчи қўшма отлар: *Қуйи Чирчиқ*, *Жанубий Африка*, *Шимолий Кавказ*.

68—машқ. Қўшма отлар қатнашган 4 та гап тузинг. Қўшма отларнинг маъноларини изоҳланг.

Интизом — бу кишиларнинг белгиланган маълум одоби бўлиб, одамлар томонидан урнатилган тартиб ва қоидаларни эгаллаш мажмуаси.

Интизомли одамларда одатлар, тартиблар шаклланган бўлади. У одамларнинг кундалик назорат қилиш омили сифатиди амалга оширилади.

Интизомли киши фанларнинг асосини чуқур эгаллаб, билимларини ошириб боради. Эгалланган кўникма ва малакаларни ишлаб чиқаришда, ҳаёт кўламида, ишда ва оилада вазифаларни, топширилган ишларни белгиланган вақтда бажаради. Доимо ўзининг миллий, иқтисодий даражасини ошириш, жисмоний тайёргарлигини яхшилашга интилади.

Интизомли киши турмуш қоидасига онгли равишда муносабатда бўлади. Ўз фаолиятида аниқ ва интизомли бўлиб, меҳнат вазифаларига ҳамда жамоат топшириқларига масъулият билан қарайди.

Интизом—шахс фаолиятида ахлоқий сифатларни амалга оширишда, қўйилган мақсадга эришишда, ўз кучига ишонишда, бошқаларнинг ёрдамсиз вазифаларни ҳал этишда, мустақил фикрлай олишда, бирон ишни бажаришда бошқа томонга чалғимоқчи бўлган кучларнинг таъсирига берилмасликка, қарашлари ва ишончлари асосида ҳаракат қилишда, ўз вазифаларини ҳал этиш, малакаларини эгаллашда муҳим аҳамиятга эга.

Абдулла Авлониё «Интизом деб қиладурган ибодатларимизни, ишларимизнинг ҳар бирини ўз вақтида тартиби ила қилмакни айтилур. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа яшолмас эдилар», — деб таъкидлайди. Демак, интизом руҳимизга, фикримизга таъсир қиладиган тартиб—одоб, маънавий қувватдир. Интизом инсон ақли ва фикрининг ҳақиқий мезонидир. Интизом яхши хулқларнинг манбаи.

Интизомли киши аччиқ бўлса ҳам тўғри сўзлайди, рост гапирган одамни ҳурмат қилади, ёлгончи ва хушомадгуйларга қарши курашади. Интизомли киши шахсий фаолиятида, табиатга, жамиятга, одамларга ва ўзига бўлган муносабатларда шаклланади.

Хуллас, халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келаётган урф—одатлари, анъаналари киши ҳаётининг ажралмас булогидир. Шундай экан, биз улардан шахс камолотида, уларнинг интизомли бўлишида кенг фойдаланишимиз лозим.

(«Ахлоқ—одоб сабоқлари» китобидан.)



Лугат

интизом — дисциплина

малака — навыки

ахлоқ — нравственность

камолот—развитие,

одат — привычка

масъулият — ответственность

хислат — дань, феномен

тўғри—верный, честный совершенство

Топшириқлар. 1. Матннинг мазмунини оғзаки баён қилиб беринг. 2. «Сўз боши салом, иш боши интизом» мақолини шарҳланг. 3. Матндан ким ёки нима суроғига жавоб буладиган 10 та сўз топиб дафтарингизга кўчиринг.

65—§. ЖУФТ ОТЛАР

Икки сўзнинг грамматик тенг боғланишидан ясалган ва бир умумий тушунчани ифодалайдиган отлар жуфт отлар дейилади. Жуфт отларнинг ҳар бир қисми алоҳида урғу билан айтилади, улар грамматик жиҳатдан тенг бўлади, қўшимчалар ҳамиша кейинги қисмга қўшилади: *ота—онамиз, ака—укалар, опа—сингилнинг*.

Жуфт отлар қуйидагича ҳосил бўлади:

а) бир—бирига яқин маъноли отлардан: *ота—она, опа—сингил, чол—кампир, қозон—товок;*

б) синоним сўзлардан: *куч—қувват, меҳр—муҳаббат, бахт—саодат;*

в) антоним сўзлардан: *кун—тун, дуст—душман.*

Жуфт отларнинг ҳар икки қисми ҳам мустақил ҳолда қўлланиши мумкин: *чол—кампир, бой—камбағал, угил—қиз.*

Айрим жуфт отларнинг иккинчи қисми мустақил маънога эга бўлмаслиги ва ёлғиз ҳолда қўлланмаслиги мумкин: *темир—терсак, кийим—кечак.*

Айрим жуфт отларнинг иккала қисми ҳам мустақил маънога эга бўлмаслиги ва ёлғиз ҳолда қўлланмаслиги мумкин: *ғала—ғовур, ивир—сивир.*

Жуфт отлар чизиқча билан ёзилади. Агар улар орасида боғловчи вазифасидаги —у, —ю юкламалари келса, улар орасида чизиқча қўлланмайди: *қую қузи, меҳру муҳаббат, бахту саодат.* Аммо лотин ёзувида ушбу ҳолатда қуйидагича ёзилади: *qo‘u—yu qo‘zi, mehr—u muhabbat, baxt—u saodat.*

69—машқ. Матнни ўқинг ва мазмунини сўзлаб беринг. Қўшма ва жуфт отларни топиб айтинг.

Ҳиммат

Халқимиз шарқона миллий урф—одатлардан бўлган ҳиммат кўрсатиш фазилатини доимо ардоқлаб келган. Ўзбек халқи юрт бошига қандай ташвиш тушмасин, не балоларни бошидан кечирмасин асл саховати билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам халқимиз бир—бирини суяб келган.

Ҳиммат бу ахлоқнинг асосий қоидаларидан биридир. Унинг мазмунида саховат, покизалик ўрин эгаллаган. Ҳимматли кишилар ҳар қандай вазиятда ҳам эл файзи ва роҳати учун қайғуради. Ҳурматли киши ўзининг доимо

туғрилиги, оғир, вазмин бўлиши билан ажралиб туради. Ҳимматли кишида тил ва дил юмшоқлиги, шафқат ва меҳрибонлик одоби, сўз ва муомала маданияти, ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қила олиш қудрати, бағрикенглик ва дил поклиги мужассамлашган бўлади.

Ҳимматли кишига хиёнат — эзгуликка, одамийликка, инсонпарварликка хиёнат ҳисобланади. Ҳиммат—бу адолат ва диёнатнинг посбони бўлиб, доимо ҳақиқат томонга қараб юради. Элимизда ҳимматли кишилар улук боболар ва момолар билан маслаҳатлашиши, ҳар бир ишда улардан фотиҳа олиши ҳаётда муҳимлиги бир неча бор тажрибада муваффақият келтирган. Киши ҳимматлилиги туфайли иззат—икромга эришади. Ҳимматли киши қалб юмшоқлиги, сўзининг таъсирчанлиги, беозор эканлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун донолар «Эй фарзанд, турмуш қурсанг онгли, эътиқодли, покликда қадр—қимматингга етадиган, ҳар томонлама соғлом одам билан турмуш қур, зиддиятли ҳаёт йўлларида хор бўлмайсан», — деб айтишган. Чунки ҳимматли киши пок қалб эгаси бўлади.

(«Ахлоқ—одоб сабоқлари» китобидан.)

70—машқ. Қушма ва жуфт отлар иштирокида гаплар тузинг. Уларнинг узига хос грамматик хусусиятларини ва фарқини айтинг.

66—§. ҚИСҚАРТМА ОТЛАР

Нутқда ихчамликка эришиш мақсадида айрим сўз бирикмалари қисқартириб ишлатилади. Бу ҳодиса фақат отларга хос бўлиб, у тилшуносликда аббревиатура деб аталади.

Қисқартма отлар қуйидагича ясалади:

а) бир бутун ҳолда қўлланадиган отларнинг биринчи товушларидан олинади: ХХР (*Хитой Халқ Республикаси*),

БМТ (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти), АҚШ (Америка Қушма Штатлари), ГЭС (Гидро-электрстанция), ГФР (Германия Федератив Республикаси) ва ҳ.к.;

б) биринчи сузнинг бош қисми, кейинги сўзларнинг эса биринчи товуши олинади: ТошМИ (Тошкент Медицина институти), ЎзР (Ўзбекистон Республикаси), ФарДУ (Фарғона Давлат университети);

в) сўзларнинг бош қисмларидан тузилади: Тошунивермаг, Тоштрам, универсам;

г) бош қисм ва бутун сўздан тузилади: автопойга, телерадиокомпания.

71-машқ. Қуйидаги гапларни рус тилига таржима қилинг. Қисқартма ва таркибли қушма отларнинг ёзилишига эътибор беринг.

1. Мен ТДЮИда ўқийман. 2. 1997 йил 28 апрелда Бонндаги Бетховен концерт залида ГФРда Ўзбекистон Маданияти кунларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. 3. 1994 йил 5 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов МДХ мамлакатларига нисбатан АҚШ сиёсатининг бош мувофиқлаштирувчиси Жеймс Коллинс бошчилигидаги АҚШ делегациясини қабул қилди.



67-§. ИККИ ДҮСТ ҚИСМАТИ

Икки дўст йигирма йил бир мадрасада тахсил олиб, етук олим бўлишибди. Улардан бири ўқиган илмига амал қилиш йулида тарки дунё қилиб, бир горга кириб, фақат ибодат билан машғул бўлибди. Иккинчиси эса, ўз она қишлоғига бориб, ўқиган илмига амал қилиб, оила қуриб, бола-чақа қилиб, ўз тирикчилигини ўтказа бошлабди.

Орадан йигирма беш йил ўтибди. Горда фақат ибодат билан машғул кишига Аллоҳ таоло шундай ҳикмат ато

этибдики, у паррандаю даррандаларнинг тилига тушуна-
диган бўлиб, улуғ даражага етишибди.

Бир куни қулоқ солса, ғор огзида икки қуш бир-
бирига шундай дейишаётган эмиш:

— Мана шу ғордаги кишининг йигирма йиллик қалин
дусти яқинда вафот этди.

Буни эшитган ҳалиги зоҳид киши дўстига дуои
фотиҳа қилиш учун қишлоғига йўл олибди.

Қишлоққа кириб борса, уша ерда юрган барча жон-
зотлар, паррандаю даррандалар дусти барпо этган боғ-
нинг неъматларидан еб, унинг ҳаққига дуо қилишаётган
эмиш. Дустининг уйига кириб борса, унинг етти ўғли
намоз ўқиб, отасини дуо қилиб турган экан. Шунда у
киши уйлаб қолибди: «Ҳа, дўстим ҳақ йўлни тутган экан.
Мана ундан шунча нарса қолибди. Солиҳ фарзанд,
хайрли ишлар барчаси унга улимидан кейин ҳам савоб
йўллаб турибди. Менчи, мен одамлар учун нима яхши-
лик қилдим? Фақат ўзимни уйладим, ўзим учун ибодат
қилдим. Бунинг эвазига бу дунёда улуғ даражага эриш-
дим. Лекин улимимдан сўнг мендан ҳеч нарса қолмас
экан. На бир фойдали иш, на бир фарзанд. Бир зурриёт
бўлганда эди, у мени дуо қилиб турарди. Мен бу дунёдан
кўз юмсам, барча номаи амолим ўзим билан бирга
кетаркан. Дўстимнинг эса, бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам
обод бўлибди».

(«Ҳалол ва ҳаром» китобидан.)



Луғат

мадраса — медресе

ибодат — молитва

улуғ даража — высокая степень

солиҳ фарзанд — верный сын

таҳсил — учёба

ҳикмат — мудрость

фотиҳа — благословение

зурриёд — потопок

- Топшириқлар. 1. Матни уқиб мазмунини сузлаб беринг.
2. Икки дўст ҳақида ўзингизнинг мустақил фикрингизни баён қилинг.

68-§. НАРСАНИНГ БЕЛГИСИНИ БИЛДИРУВЧИ СУЗЛАР

Сифат предметнинг белгисини билдиради ва қандай? қанақа? сўроқларидан бирига жавоб бўлади. Сифатлар гапда асосан аниқловчи вазифасини бажаради. Отлашган тақдирда эса, от бажарган барча гап бўлаклари вазифасида кела олади.

Сифат равишга ухшаб кетади, чунки равиш ҳам белгини билдиради, равиш ҳам даражага эга (оддий, орттирма, қиёсий). Уларнинг фарқи шундаки, сифат предметнинг белгисини билдирса, равиш ҳаракатнинг белгисини билдиради: *балаңд бино* (сифат), *яёв кезмоқ* (равиш). Баъзан сифатлар ҳам ҳаракатнинг белгисини аниқлатиши мумкин: *яхши уқимоқ, чиройли ёзмоқ* каби.

Сифатлар предметнинг қуйидаги белгиларини билдиради:

- ранг–тус (*яшил, қизил, оқ, қора*);
- маза–таъм (*ширин, аччиқ, нордон*);
- шакл–ҳажм (*катта, кичик, юмалоқ, эгри*);
- хил–хусусият (*одобли, камтар, хушфеъл, ёлғончи, росттуй, мақтанчоқ?*)

72–машқ. Сифатларни топинг ва уларни от билан кучириб ёзинг.

1. Ёзда ширин мевалар кўп бўлади. 2. Бизнинг гуруҳимизда аълочи талабалар кўп. 3. Мен келажакда етук мутахассис бўлмоқчиман. 4. Прокурор камтар ва адолатли бўлмоғи лозим. 5. Қобил фарзанд — жонга пайванд (мақол). 6. Судья адолатли ҳукм чиқарди.

Предмет белгиларининг ортиқ—камлиги жиҳатидан фарқланиши сифат даражалари дейилади. Сифатларда уч хил даража мавжуд:

1. Оддий даража. Бир предметдаги белги бошқа предметдаги айнан шу белгига тенглиги оддий даража ҳисобланади: *қизил олма, яхши бола, катта хона*.

2. Қиёсий даража. Бир предметдаги белгининг бошқа предметдаги айнан шундай белгидан ортиқроқ ёки кам—роқлигини билдиради: *яхшироқ, каттароқ, кичикроқ, ширинроқ*.

Қиёсий даража асосан морфологик йул билан, яъни —роқ қушимчаси билан ҳосил қилинади.

3. Ортгирма даража. Предметдаги белгининг бошқа предметдаги айнан шу белгидан ортиқ эканлигини ифодалайди. Ортгирма даража ўзбек тилида асосан синтактик усул билан *ЭНГ, жуда, ниҳоятда, ғоятда, ҳаммадан* каби сўзлар воситасида ҳосил қилинади: *ЭНГ катта, ниҳоятда сулув, ғоят мазали*.

73—машқ. Қуйидаги сифатларнинг даражасини аниқланг ва рус тилига таржима қилинг.

Яхшироқ, энг одобли, чиройли, ниҳоятда ақлли, билимли, лаёқатсиз, лаганбардор, аччиқ, ширинроқ, қизилроқ, ҳаммадан яхши, маҳмадона.

70-§. ОЗАЙТИРМА ВА КУЧАЙТИРМА СИФАТЛАР

Предметлардаги белги одатдагидан камлиги ёки ортиқлиги жиҳатидан ҳам фарқланади.

Белгининг меъёридан камлиги, озлигини ифодалаган сифатлар озайтирма сифатлар дейилади. Озайтирма сифатлар —мтир, —имтир, —иш қушимчалари ҳамда ним,

оч сўзлари ёрдамида ясалади: *кўкимтир, қорамтир, кўкиш, сарғиш, ним пушти, оч яшил* каби.

Кучайтирма сифатлар белгининг меъёридан ортиқлигини, куплигини билдиради. Кучайтирма сифатлар морфологик йўл билан (*ям—яшил, кўм—кўк, қоп—қора*) ҳамда лексик йўл билан *анча, жиққа, ғирт, тим* каби сўзлар воситасида (*анча озгин, жиққа ҳўл, тим кўк*), шунингдек, фонетик йўл билан (*балаанд, харооб, каатта*) ҳосил қилинади, фонетик усул фақат оғзаки нутққагина хос, ёзувда улар ифодаланмайди.

74—машқ. Қуйидаги сўзлар иштирокида гаплар тузинг ва уларни рус тилига таржима қилинг.

Қип—қизил, кўм—кўк, ним пушти, оч сариқ, жиққа ҳўл, қорамтир.

71-§. СИФАТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Қуйидаги қўшимчалар морфологик усулда сифат ясайди:

а) отдан сифат ясовчи қўшимчалар: —ли (*мазали, ал(ли), —сиз (дардсиз, тузсиз), —чан (кўнгилчан, ишчан), —чил (дардчил, эпчил), имон (шишасимон, тухумсимон), бе—, ба—, сер—, бо—, но— (бемаъни, бамаъни, серсавлат, бео—доб, ноўрин)*);

б) феълдан сифат ясовчи қўшимчалар: —к, —ик, —ук, —уқ (*илиқ, чанқоқ, тиниқ, порлоқ, етуқ, юмуқ, сузуқ, бузуқ*), —қоқ, —ғоқ (*уришқоқ, тиришқоқ, тойғоқ, бот—қоқ*), —гин, —гун (*озгин, сўлгин, уйғун, юлгун*), —кир, —гир, —қур, —қир, —ғир (*кескир, олғир, учқур, топқир, сез—гир*), —ма (*ёзма, бурама, айланма*);

в) тақлид сўздан сифат ясовчи қўшимча: —илдоқ (*дурилдоқ, чийилдоқ, лиқилдоқ*).

Синтактик йўл билан қўшма ва жуфт сифатлар ясалади.

Қушма сифатлар қуйидагича ясалади:

а) от ва отдан (*бодом қовоқ, қуй кўз, ҳаво ранг*).
Бундай қушма сифатлар ажратиб ёзилади;

б) от ва сифат ёки сифат ва отдан (*совуққон, ҳуш-муомала, қимматбаҳо, муштумзур, софдил, олижаноб*);

в) от ва —ар қушимчали сифатдош ва аро сўзлари ёрдамида (*эрксевар, ватанпарвар, халқаро*);

г) сифат ва сифатдан (*олачипор, қорақизил*).

Жуфт сифатлар предметнинг бир умумий белгисини ифодалайди ва икки сифатнинг тенг боғланишидан ҳосил бўлади: *оқ—қора, аччиқ—чучук, қинғир—қийшиқ*. Жуфт сифатлар синоним сўзлардан (*оч—яланғоч, эгри—бутри, қинғир—қийшиқ*) ва антоним сўзлардан (*аччиқ—чучук, оқ—қора, катта—кичик*) ясалади.

75—машқ. Феълдан сифат ясовчи қушимчалар ёрдамида сифат ясанг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

72—§. СИФАТЛАРНИНГ ОТЛАШУВИ

Одатда сифатловчи сифатланмиш билан бирга қўлланилади. *Катта бола* бирикмасида *катта* сифатловчи бўлса, *бола* сифатланмиш ҳисобланади. Агар сифатланмиш гапда қўлланилмаса, унинг вазифаси сифатловчига ўтади: *катта болалар—катталар, яхши одамлар—яхшилар*.

Сифатлар отлашса, отга хос барча хусусиятларга эга бўлади:

отга хос ҳамма синтактик вазифаларда кела олади, отга хос эгалик, келишик, кўплик қушимчаларини қабул қила олади: *Яхшилар кўпайсин* гапида *яхшилар* —эга, кўпликда ёки *Яхшининг юзи жаннатдур* гапида *яхшининг* — қаратқич аниқловчи, қаратқич келишигида.

76—машқ. Қуйидаги мақолни шарҳланг. Отлашган сифатни топиб айтинг.

Яхшининг сўзи — қаймоқ,
Ёмоннинг сўзи — туқмоқ.

77—машқ. Матнни кўчиринг ва белгини билдирувчи сўзларни топиб тагига чизинг. Отлашган сифатларга изоҳ беринг.

Одоб

Одоб— инсонни маънавий камолотга етказувчи жараён дир. Одоб болалиқдан шаклланади. Ёши улгайиши билан одоб даражаси кенгайиб боради. Одоб киши фаолиятини белгиловчи жараён бўлиб, уни барча хатолардан сақлайди. Натижада унинг хулқий гузаллиги ортади.

Адаб сўзи арабчадан олинган бўлиб, у одоб бўлиб ҳаётимизга сингиб кетган. Одоб одамнинг маънавий етуқлиги, маънавийлиги мезонидир.

Одоб деганда биз тарбияли деган тушунчани англаймиз. Одоби киши эл ўртасида эъзозлидир. Одоб инсоний фазилат, киши қадрини баланд қилувчи қимматли сифатдир. У таълим—тарбиянинг асл мевасидир. Ақлнинг суянчиги ҳисобланган одоб—барча фазилатларнинг шаъни ва ҳикматидир. Доно халқимизнинг «Адаб бозорда сотилмас», «Одоб ақлли киши учун улуглик ва фазилатдир», «Одоби йўқнинг ақли йўқ», «Одобсиз ақл — ақлсиз одоб йўқ» нақллари бежиз айтилмаган. Шундай экан, ақл ва одоб бир—бирига боғлиқ. Инсонда ҳар иккови мавжуд бўлсагина у камол топади. «Ҳикматнома»да: «Адаб икки хилдир: ҳикмат адаби ва хизмат адаби. Ҳикмат адаби поклик ва тўғри йўлга етаклайди, хизмат адаби эса бадавлатлик ва обрўга етаклайди», — деб бежиз айтилмаган.

(«Ахлоқ—одоб сабоқлари» китобидан.)

Предметнинг миқдори, саноғи, тартибини ва соннинг номини ифодаладиган сўзлар сон деб аталади. Сонлар қанча? неча? нечанчи? Суроқларидан бирига жавоб бўлади ва гапда барча гап булаклари вазифасида кела олади.

Сон асосан отга боғланади. Сон бошқа сўз туркумларидан ясалмайди.

Ҳозирги ўзбек тилида фаол қўлланиладиган 23 та туб сонлар мавжуд: бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, уттиз, қирқ, элик, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, минг, миллион, миллиард, триллион.

Сонлар сўз ва рақамлар билан ифодаланади. Рақамлар икки хил: араб (1,2,3,4,5,6,7,8,9,10) ва рим рақамлари (I, II, III, IV, V, X).

Барча сонлар орасида БИР сони алоҳида грамматик хусусиятлари билан ажралиб туради. У қуйидаги маъноларни ифодалаш мумкин:

а) гумон, ноаниқлик маъносини (*Ташқарида сизни бир киши кутиб турибди*);

б) маънони кучайтириш учун хизмат қилади (*Бир ваҳима қиласиз—ки, жон—поним чиқиб кетай деди—я*);

в) маънони таъкидлаш учун хизмат қилади (*Бутун бир қор ёғди, бир қор ёғди*);

г) айирув юкламаси ўрнида келади: (*Йиғилишга бир сен қатнашмадин г*);

д) айирув боғловчиси ўрнида келади: (*Бир шамол эс—ади, бир ёмғир ёғади*);

е) такрор ҳолда қўлланиб, иш—ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини билдиради: (*Хоналарни бир—бир кўздан кечирди*);

ж) гумон олмоши маъносини билдиради: (*Бир хил талабалар вазифани бажармай келади*).

78—машқ. Туб гаплар иштирокида гаплар тузинг ва уни рус тилига таржима қилинг.

74-§. СОННИНГ ТУРЛАРИ

Сонлар маъносига кўра аввал икки турга бўлинади:

I. Санок (миқдор) сонлар.

II. Тартиб сонлар.

Санок сонларнинг ўзи қуйидаги турларга бўлинади:

1. Дона сонлар. Бир турдаги предметларнинг доналаб саналадиган умумий миқдорини англатади. Дона сонлар —та қўшимчаси орқали ҳосил қилинади: *унта дафтар, бешта китоб.*

Изоҳ: кишиларга нисбатан одатда —та қўшимчаси қўлланилмайди, унинг ўрнига нафар сўзи ишлатилади: *ун нафар бола.*

2. Чама сонлар. Предметнинг тахминий миқдорини англатади. У шундай ясалади: а) —тача, —ларча, —лаб, —лар қўшимчалари ёрдамида (*унтача бола, юзларча киши, минглаб одам*); б) икки сонни ёнма—ён келтириш билан (*мен келганимда соат уч—тўрт эди*).

3. Жамловчи сонлар. Предмет миқдорини бирлаш—тириш, жамлаш каби маъноларни ифодалайди ва —ов, —овлон, —ала қўшимчалари билан ҳосил қилинади (*бешов, бешовлон, учала*). Бу қўшимчалар унли товуш билан тугаган сонларга қўшилганда, негиздаги охириги унли тушиб қолади (*икков, еттов, олтов, иккала*).

4. Тақсим сонлар. Предметларнинг тақсимланиш миқдорини билдиради ва —тадан қўшимчаси орқали ҳосил қилинади (*Кампир болаларга учтадан олма берди*).

5. Каср сонлар. Бутуннинг бўлагини, улушини англатади. Каср сонлар икки соннинг чиқиш келишиги шакли орқали бирикишидан (*ундан бир, учдан икки*) ҳосил бўлади. Ярим, чорак, нимчорак сўзлари ҳам каср сонни англатади.

6. Аралаш сонлар. Бутун ва каср соннинг қуши-лишидан ҳосил бўлади: *уч ярим, бир бутун ундан беш каби.*

II. Тартиб сонлар. Предметнинг жойлашиш тартибини, санокдаги ўрнини билдиради. Улар негизга — нчи, —инчи қўшимчаларини қўшиш орқали ҳосил қилинади (биринчи синф, иккинчи кават). Тартиб сонлар рақам орқали ифодаланса, қўшимчалар ўрнига чизиқча (дефис) қўйилади: *1—синф, 2—кават* каби. Йил, ой, кунлар тартиб рақами билан ифодаланганда (*1999 йил, 12 октябр*) чизиқча қўйилмайди. Рим рақамидан сўнг ҳам чизиқча ишлатилмайди (*XXI аср, X том*). Тартиб сонлардан сўнг нуқта қўйилса, ундан кейинги сўз бош ҳарф билан ёзилади (*1. Боб 3. Ташкилий масала*). Агар ярим қавс қўйилса, кичик ҳарф билан ёзилади ва охирига нуқтали вергул қўйилади: *1) меҳнатсеварлик ва ишбилармонлик;*

79—машқ. Матнни ўқинг ва уни ўзбек тилида сузлаб беринг. Сонларни топиб турини аниқланг.

Президент

Президент — республика бошқарувидаги мамлакатларда давлат бошлиғи. Президент биринчи марта давлат бошлиғи сифатида 1787 йилда АҚШда жорий қилинган. Айрим мамлакатларда у фақат давлат бошлиғи (Германияда), айрим мамлакатларда ҳам давлат бошлиғи, ҳам ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир (Россияда, Ўзбекистонда). Айрим мамлакатларда бевосита халқ томонидан, тўғридан—тўғри сайланади (Францияда), айрим мамлакатларда сайловчилар вакиллари томонидан сайланади (АҚШда), айрим мамлакатларда эса парламент томонидан сайланади (Чехияда), айрим мамлакатларда махсус кенгаш томонидан сайланади (Германияда). Ваколат муддати ҳар хил — 4 йилдан 7 йилгача. Ўзбекистон Рес—

публикаси Президенти ҳам давлат бошлиғи, ҳам ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. У Қуролли кучлар Олий Бош қумондони, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга роя этилишининг кафилидир. Ўзбекистон Президенти 35 ёшга тулган, Ўзбекистонда охириги 10 йил давомида доимий яшаган, давлат тилини яхши биладиган Ўзбекистон фуқаролари орасидан, умумий, тенг, тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Бир шахс кетма-кет икки муддатдан ортиқ Президент булиб сайланиши мумкин эмас. Президент сайлаш тартиби, ваколатлари Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилади.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли лугатидан.)

Топшириқ. «Президент» сўзининг изоҳини доимо эсда сақланг.

75-§. СОНЛАРНИНГ ОТЛАШУВИ

Сонлар ҳам сифат каби отлашиши мумкин. Улар отлашган тақдирда отга хос барча хусусиятларга эга бўлади: отга хос барча синтактик вазифаларни бажаради, отга хос эгалик, келишик, кўплик қўшимчаларини қабул қилади. Масалан, *учови* (-и), *учовлари* (-лар), *учовига* (-га). *Улар анча гаплашиб олишгач, бири қишлоқ томонга, иккинчиси шаҳарга қараб кетди.*

Сонлар асосан аниқловчи вазифасини бажаради, отлашган тақдирда эса отга хос бошқа булаклар вазифасида келиши ҳам мумкин.

80-машқ. Отлашган сонлар иштирокида соҳангизга оид 5 та гап тузинг.

Эсда тутинг:

Баъзан сон билан от орасида махсус саноқ сўзлар (нумеративлар) қўлланилади: *бир боғ пиёз, бир қучоқ*

гул, ун кило ун, юз километр йўл, ун метр чит, бир ҳушлам чой, бир товоқ ош, бир қадам йўл ва ҳ.к.

81—машқ. Узингиз хоҳлаган мавзуда матн тузинг. Тузган матнингизда албатта ҳисоб сўзлар ишгирик этсин.

76-§. ОЛМОШ

От, сифат, сон ўрнида қўлланувчи сўзлар олмош деб аталади. *Комила одобли қиз. У биз билан уқийди. Бундай қизлар синфимизда куп.* Иккинчи гапдаги у сўзи биринчи гапдаги от—*Комила* ўрнида қўлланиляпти, учинчи гапдаги *бундай* сўзи эса биринчи гапдаги сифат — *одобли* ўрнида ишлатилган. *Синфимизда уттиз нафар уқувчи уқийди. Собирларнинг синфида ҳам шунча бола бор.* Иккинчи гапдаги *шунча* олмоши эса биринчи гапдаги сон — *уттизта* ўрнида қўлланилган.

Олмошлар гапда отга хос барча синтактик вазифаларни бажариши мумкин. Олмошлар ҳам сон каби бошқа сўз туркумларидан ясалмайди.

82—машқ. Матнни кўчиринг. Олмошларни топиб тагига чизинг.

Фикрлаш эркинлиги

Фикрлаш эркинлиги — инсоннинг энг асосий шахсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, энг аввало, шахснинг ҳар қандай мафкуравий тазйиқдан холи, эркин эканлигини, ҳар ким ўзи учун хоҳлаган маънавий қадриятлар тизимини мустақил танлашини англатади. Фикрлаш эркинлиги инсоннинг интеллектуал ва маънавий ҳаётининг ҳамма йўналишларини ўз ичига олади. Фикрлаш эркинлиги инсоннинг мутлоқ ҳуқуқи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29—моддасига кўра, ҳар ким фикрлаш эркинлиги ҳуқуқига эга, фикр юритиш ва уни

ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли лугатидан.)

77-§. ОЛМОШЛАРНИНГ МАЪНОСИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Ўзбек тилида олмошларнинг етти тури мавжуд.

1. Кишилик олмоши. Шахсни курсатувчи олмошлар кишилик олмошлари дейилади. Кишилик олмошлари нутқдаги сўзловчини (*мен, биз*), тингловчини (*сен, сиз*), ўзга шахсларни (*у, улар*) билдирувчи сўзлардан иборатдир.

Биринчи шахс – мен олмоши ўрнида баъзан (бадий услубда) *камина*, мумтоз адабиётда эса *фақир, банда* сузлари қўлланилади.

Мен, сен олмошлари қаратқич ва тушум келишиги билан турланганда битта н тушиб қолади: *менинг, сеннинг, мени, сени*.

Кишилик олмошларининг биринчи ва иккинчи шахслари инсонга нисбатан қўлланилади, учинчи шахс эса барча предметларга нисбатан ҳам қўлланилавериши мумкин: *У (китоб) анча мазмунли эди*.

2. Курсатиш олмоши. Предметларни курсатиш учун хизмат қилади: *бу, шу, у, ўша, ана, мана, ушбу* (мумтоз адабиётда *бул, ул, шул* шаклида учрайди). Курсатиш олмошлари жўналиш, урин-пайт, чиқиш келишиклари билан турланганда, битта н товуши орттирилади: *унга, ундан, унда*.

3. Сўроқ олмошлари. Предмет, белги, миқдор ҳақида ҳамда предметнинг кимга, нимага қарашли эканлиги ҳақида сўроқни аниқлашувчи олмошлар сўроқ олмошлари ҳисобланади: *ким, нима?* предмет ҳақида, *қандай,*

қанақа, не? белги ҳақида, қанча? неча? олмошлари эса микдор ҳақидаги суроқни англатади.

Суроқ олмошлари ёрдамида суроқ гаплар тузилади:
Ким сизни ранжитди?

4. Белгилаш олмоши. Предмет ёки унинг бирор белгисини жамлаш, ажратиш орқали умумлаштириб курсатувчи олмошлар белгилаш олмоши деб аталади. Белгилаш олмошлари:

а) предмет ёки белгини бутун сифатида жамлаб, тудалаб белгилайди: *ҳамма, бари, барча, бутун, жами, ялпи,*

б) умумни якка орқали белгилайди: *ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай, ҳар қайси, ҳар бир.*

Белгилаш олмошлари асосан суроқ олмошига ҳар сўзини қўшиш орқали ҳосил қилинади.

5. Бўлишсизлик олмошлари. Бўлишсизлик олмошлари инкор, мутлақо мавжуд эмаслик маъносини ифодалайди, улар суроқ олмошига ҳеч сўзини қўшиш орқали ҳосил қилинади: *ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қандай, ҳеч қайси, ҳеч бир, ҳеч нарса.*

6. Гумон олмошлари. Аслида мавжуд бўлган, аммо номаълум бўлган нарса, белгини англатувчи олмошлардир. Гумон олмошлари:

а) суроқ олмошига алла сўзини қўшиш орқали ҳосил қилинади: *аллаким, алланима;*

б) суроқ олмошига —дир қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил қилинади: *кимдир, нимадир, қайсидир,*

в) *бир, қайси, баъзи, айрим, бирон, биров, бирор* сўзлари ҳам гумон маъносини англатади.

Олмошлар якка ҳолда (*мен, сен, у, ким*), жуфт (*у—бу, сиз—биз, мен—сен*) ва такрор ҳолда ишлатилиши мумкин (*шу—шу, ким—ким, нима—нима*). Демак, кишилик ва курсатиш олмошлари жуфт ҳолда қўлланилиши мумкин экан.

7. Ўзлик олмоши: *уз (узим, узинг...)*

83—машқ. Матнни кучиринг ва олмошларни топиб маъносига кўра турини айтинг.

Билим олиш ҳуқуқи

Билим олиш ҳуқуқи — Ўзбекистон фуқароларининг конституциявий ҳуқуқларидан ҳисобланади. Унга асосан ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистонда умумий таълим олиш бепул, яъни умумий таълим олиш учун ҳақ туланмайди. Умумий таълимга эга ҳар бир киши олий ва урта махсус таълим олиш ҳуқуқига эга. Бу таълим белгиланган синфдан утганлар учун бепул, қолган шахслар пул тўлаш билан билим олишни давом эттириши мумкин. Билим олиш ҳуқуқи умумий мактаблар, академик лицейлар, касб—ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари фаолияти орқали таъминланади. Бундан ташқари аспирантура ва докторантурада ҳам билим олиш мумкин (ЎЗР Конституциясининг 41—моддаси).

Топшириқ. Матнни рус тилига таржима қилинг.

84—машқ. Суроқ олмошлари иштирокида диалог тузинг.

78—§. ФЕЪЛ

Предметнинг ҳаракати ва ҳолатини ифодаловчи мус—тақил сузлар феъл дейилади. Улар узига хос грамматик белгилар (категориялар)га: бўлишлилик ва бўлишсизлик, ўтимлилик ва ўтимсизлик, нисбат, майл, замон каби морфологик хусусиятларга, сифатдош, равишдош, ҳаракат номи сингари хосланган шаклларга эга. Феъллар тусланади, гапда асосан кесим вазифасини бажаради.

85—машқ. Матнни уқинг ва мазмунини кенгайтириб, ҳаётий мисоллар асосида сузлаб беринг. Матнда қулланилган ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи мустақил сузларга изоҳ беринг.

Импичмент

Импичмент (ингл. impeachment) — бир қатор хорижий давлатларда давлатнинг юқори мансабдор шахсларининг жавобгарлигини жорий қилишнинг алоҳида тартиби. Импичмент тартибида ишларни куриш вақтида парламентнинг қўйи палатаси судга ошириш камераси ролини уйнайди — айбловни шакллантиради ва уни тегишли мансабдор шахсга тақдим қилади. Ишни мазмунан кўриб чиқиш ўзини суд ҳайъатига айлантирган парламентнинг юқори палатаси томонидан амалга оширилади. Юқори палата томонидан чиқариладиган ҳукм одатда депутатларнинг купчилик овози билан қабул қилинади (масалан, АҚШда Сенатнинг 2/3 қисми овози билан). Жазо мансабидан озод қилишдан ортиқча бўлиши эмас, бироқ қоида тариқасида, импичмент тартибида мансабидан четлаштирилган мансабдор шахс келгусида оддий суд томонидан у содир қилинган ҳаракатга кўра судланиши ва жиноий жазога тортилиши мумкин. Баъзи республика бошқаруви шаклидаги давлатларда импичмент билан аввало, давлат бошлиқлари — президентлар — улар томонидан давлатга хиёнат қилинганлиги ёки конституцияга суиқасд қилинган назарда тугилади. АҚШда импичмент тартибида фуқаровий хизматчилар судланиши мумкин.

79-§. БУЛИШЛИ ВА БУЛИШСИЗ ФЕЪЛЛАР

Бажарилган, бажарилаётган ва бажариладиган иш-ҳаракатни билдирувчи феъллар булишли феъллар дейилади. Булишлилик маъносини кўрсатувчи махсус грамматик шакл йуқ: *ёзди, ёзган эди, ёзпти, ёзмоқчи...*

Бажарилмаган, бажарилмаётган, бажарилмайдиган иш-ҳаракатни ифодаловчи феъллар бўлишсиз феъллар деб аталади.

Ўзбек тилида бўлишсизлик маъноси қуйидагича ифодаланади:

а) бўлишли феълга —ма қўшимчасини қўшиш орқали: *ёзмади, ёзмаяпти, ёзмайди*;

б) йўқ, эмас сўзлари орқали: *ёзгани йўқ, ёзган эмас*;

в) на сўзи ёрдамида: *на ёзди, на уқиди*;

д) феълни такрорлаш ёки унга юклама қўшиш ёрдамида: *ёзаман—а, ёзаман, ёзиб бупман*.

Изоҳ: қўшма феълнинг ҳар иккала қисмига —ма бўлишсизлик қўшимчаси қўшилса, бўлишсиз феъл бўлишли феълга айланади: *ёзмай қўйма, айтмай қўйма*.

86—машқ. Қуйидаги бўлишли феълларни бўлишсиз феълга айлантиринг ва улар иштирокида гаплар тузинг.

Жазоланди, ижро этилди, ёзмай қўйма, оқлади, содир этилди, амал қилди, ҳимоя қилди, кўриб чиқади.

80—§. УТИМЛИ ВА УТИМСИЗ ФЕЪЛЛАР

Ҳаракатнинг бирор предметга утганлигини билдирадиган феъллар утимли феъл дейилади. Утимли феъллар, одатда, тушум келишигида отлар билан боғланади: *пахтани терди, утинни ёрди* (биринчи гапда ҳаракат *пахтага*, иккинчисида *утинга* утяпти).

Утимли феълга боғланган сўзларда тушум келишигининг қўшимчаси —ни қўлланилмаслиги ҳам мумкин: *пахта терди, утин ёрди*.

Агар ҳаракат предметга қисман утган бўлса, бунда феъл чиқиш келишигидаги от билан бирикади: *нонлардан татиб кўрдим, гуллардан тердик*.

Бирор предметга бевосита ўтмайдиган, бажарув-чининг узида қоладиган ҳаракатни билдирувчи феъллар утимсиз феъллар дейилади. Утимсиз феъллар тушум келишигидаги отларни бошқариб келолмайди: *Биз театрга бордик. Насиба ювинди.*

Утимли феъллар утимсиз феълга айланиши мумкин: *ювди—ювинди, берди—берилди, курди—куринди.* Утимсиз феъллардан ҳам утимли феъл ҳосил бўлиши мумкин: *кулди—кулдирди.*

87—машқ. Матнни уқинг. Феълларни топиб, утимли ёки утимсизлигини айтинг.

Қарс икки қўлдан

Бир хотин эридан шикоят қилиб, донишманднинг олдига келибди.

— Эрим булар—бўлмасга, мени ураверади, — дебди у.

Шунда донишманд унга бир кичкина тош берибди ва айтибди:

— Қачон эринг сени урмоқчи бўлса, мана шу тошни дарҳол тилинг тагига ташлаб ол!

Хотин уйга қайтиб боргач, эри нимадандир дарғазаб бўлиб, уни калтакламоқчи бўлибди. Шунда хотин донишманд берган хосиятли тошни тил тагига ташлаб, оғзини маҳкам юмганича, қимир этмай тураверибди. Хотини гап қайтармай, индамай турганини кўрган эр шаҳиддан тушиб, кўчага чиқиб кетибди.

(«Ҳалол ва ҳаром» китобидан.)

81-§. ФЕЪЛ НИСБАТЛАРИ

Иш-ҳаракат билан унинг бажарувчиси ўртасидаги муносабатнинг ифодаланиши феъл нисбатлари дейилади.

Феъл нисбатларини ясовчи қўшимчалар сўз шаклини ҳосил қилувчи қўшимчалар ҳисобланади, чунки улар феълнинг маъносини тамоман ўзгартирмай, унга қўшимча маъно қўшади, холос.

Феълларда бешта нисбат мавжуд:

1. Аниқ нисбат. Аниқ нисбатдаги феъл ҳаракатнинг эга томонидан бажарилганлигини билдиради: *Насиба шеър ёзди. Онам заводда ишлайди. Ҳар иккала гапда ҳам ҳаракат эга томонидан (Насиба, онам) бажарилган. Аниқ нисбатнинг махсус грамматик кўрсаткичи (қўшимчаси) йўқ.*

2. Ўзлик нисбати. Ўзлик нисбатдаги феъл ҳаракатнинг бирор предметга утмай, бажарувчининг ўзида қолганлигини билдиради.

Ўзлик нисбати қуйидаги қўшимчалар ёрдамида ясалади:

а) феъл негизига—н, —ин, ва —л, —ил қўшимчаларини қўшиш орқали: *Вазира ювинди, таранди, кийинди. Навоий сеҳрли садоларга берилди.*

б) —лан қўшимчаси орқали: *Биз ўз Ватанимиз билан фахрланамиз.*

г) —ш қўшимчаси орқали: *Насиба истамайгина сурашди.*

3. Мажҳул нисбат. Мажҳул нисбатдаги феълда ҳаракатнинг бажарувчиси номаълум бўлади. Бу нисбатдаги феъллар ҳам—н,—ин,—л,—ил қўшимчалари орқали ясалади: *Қизиқарли доклад тингланди. Қишлоқ марказига кўркем бинолар қурилди.*

Ўзлик ва мажҳул нисбатларини бир—биридан фарқлаш керак: Масалан; *Рустам эркаланиб дадасининг елкасига осилди. Қишга сақланадиган узумлар шипга осилди.*

Биринчи гапдаги *осилди* феълида ҳаракат Рустамнинг ўзида қолганлигини англаб турибмиз, ҳаракатнинг бажарувчиси ҳам маълум, яъни Рустам. Иккинчи гапдаги *осилди* феълида эса ҳаракат ким томонидан бажарилганлиги, яъни узумни шипга ким осганлиги маълум эмас.

4. Биргалик нисбати. Феълнинг биргалик нисбатида иш-ҳаракат бир неча шахс томонидан биргаликда бажарилганлиги англашилади. Бу нисбатдаги феъллар —ш, —иш қушимчалари ва феъл ясовчи мураккаб қушимча —лаш ёрдамида ясалади: *Болалар қушиқ айтишди. Улар дустлашди.*

5. Орттирма нисбат. Феълнинг ортторма нисбатида иш-ҳаракат бирор бошқа восита орқали бажарилганлиги англашилади. Орттирма нисбат қуйидаги қушимчалар орқали ҳосил қилинади:

—т, —сат: *ўқит, кўрсат, қурит;*

—дир, —тир: *ёздир, кулдир, айттир, чуқтир;*

—газ, —каз, —қаз, —киз, —қиз, —ғиз: *кўргаз, киргиз, турғиз, юргаз, кеткиз, ўтқиз, тутқиз;*

—ар, —ир, —из: *чиқар, қайтар, битир, учир, оқиз, томиз.* Бир феълга иккита ортторма нисбат қушимчаси қўшилиши мумкин (бошқа нисбатларда бу ҳодиса кузатилмайди): *Туйга айттиргизди. Ўзини духтурга кўрсаттирди.*

Бир феълнинг узига бир йўла бир неча нисбат қушимчалари кетма-кет қўшилиши мумкин. Бунда феълнинг қайси нисбатда эканлиги охириги нисбат қушимчасига қараб аниқланади: *ювинтиришди, кийгиздирилди.* Бу феълларнинг биринчиси биргалик, иккинчиси эса мажҳул нисбатда.

88—машқ. Гапларни кучиринг ва феълларнинг қайси нисбатдалигини аниқланг.

1. Шоҳруҳжон ювинди, таранди, сўнг бир нимани унутгандай узоқ ўйланди. 2. Маъруза учун прокурорга сўз берилди. 3. Бинонинг кенг ва оғир эшиги очилди. 4. Тоҳир турникка осилди. 5. Гулнор ва Унсин самимият билан кучоқлашишди. 6. Кўз олди қоронгилашиб, аста йиқилди. 7. Ҳукм ўқилди. 8. Отабек ширин хаёлларга берилди.

Феъл майллари деганда, иш-ҳаракатнинг воқеликка муносабати, яъни иш-ҳаракатнинг бажарилиши ва бажарилмаслиги билан боғлиқ бўлган маъно тушунилади. Ҳаракат бажарилган ёки бажарилмаган булиши ёки шу ҳаракатни бажаришга даъват, истак, илтимос, буйруқ, бир иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши учун бажарилиши шарт бўлган иккинчи иш-ҳаракат англашилиши мумкин. Шунга кўра феъл майллари уч хил бўлади:

1. Аниқ майл (хабар майли). Иш-ҳаракатнинг уч замондан бирида аниқ бажарилиши ё бажарилмаслигини билдиради. Аниқлик майли ҳар уч замон маъносини ифодалайди.

1. Ўтган замон феъллари иш-ҳаракатнинг нутқ вазиятидан аввал бажарилганлиги ёки бажарилмаганлигини билдиради. Ўтган замон феъллари қуйидаги турларга бўлинади:

а) узоқ ўтган замон феъли иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан анча илгари бажарилганлигини ифодалайди. Узоқ ўтган замон феъли сифатдошнинг — ган қўшимчаси орқали ҳосил қилинади: *ўқиганмиз, ўқиган эди*;

б) яқин ўтган замон феъли иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан бироз аввалроқ, сўзловчининг кўз ўнгиди аниқ бажарилганлиги ёки бажарилаганлигини ифодалайди ва —ди қўшимчаси ёрдамида ясалади: *ўқидим, келди, айтди*;

в) ўтган замон давом феъли нутқ сўзланиб турган пайтдан аввал давом этиб турган иш-ҳаракатни англади ва сифатдошнинг —р, —ар қўшимчалари ҳамда тўлиқсиз эди феълени келтириш билан ҳосил қилинади: *борар эди, ўқир эди*;

г) ўтган замон ҳикоя феъли кутилмаганда, қисқа вақт орасида нутқ сўзланиб турган пайтдан аввал бажарилган иш-ҳаракатни билдиради. Ўтган замон ҳикоя феъллари

равишдошнинг —б, —иб қўшимчалари ёрдамида ҳосил қилинади: *уқибман, айтибсан*;

д) ўтган замон мақсад феъли нутқ сўзланиб турган пайтдан аввал бажарилиши ёки бажарилмаслиги мақсад қилиб қўйилган, аммо амалга ошмаган иш—ҳаракатни англатади ва —моқчи, —диган қўшимчалари ҳамда эди тўлиқсиз феъли ёрдамида ҳосил қилинади: *бормоқчи эди, айтмоқчи эмас эдим, борадиган эдим*.

2. Ҳозирги замон феъли иш—ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган бир пайтда бажарилаётганлиги ёки бажарилмаётганлигини ифодалайди. Ҳозирги замон феъллари қуйидаги турларга бўлинади:

а) ҳозирги—келаси замон феъли нутқ сўзланиб турган пайтда ва ундан кейин юз берадиган иш—ҳаракатни билдиради ва —а, —и қўшимчалари орқали ҳосил қилинади: *уқийман, ёзасан. Кечқурунлари ишдан чарчаб қайтаман*. Ҳозирги—келаси замон феъли ўтган замон шаклида ҳам берилиши мумкин: *Ҳозир қоронғида қаерга бордигу, нима ҳам қилдик (ҳозир қоронғида қаёққа борамиз, нима ҳам қиламиз)*;

б) ҳозирги замон давом феъли иш—ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтда аниқ давом этиб турганини англатади ва —яп, —моқда, —ётир қўшимчалари билан ясалади: *уқияпман, ёзмоқда, келаётир*.

—яп қўшимчаси фақат ҳозирги замон давом феъллигина эмас, келаси ва ўтган замон маъноларини ҳам ифо—далаши мумкин: *Бугун 61—поезд билан Бухорога жўнаб кетяпман* (келаси замон). *Бир кун қарасам, дерзани бузаман деб, болта кўтариб келяпти* (ўтган замон).

Ҳозирги—келаси замоннинг —а, —и қўшимчалари публицистик услубда (газета—журнал репортажларида) ўтган замон маъносини беради: *Мусобақа ғолиби минбарга кўтарилади қарсақлар*). *Мустақил Ўзбекис—тоннинг мадҳияси янграйди*.

3. Келаси замон феъллари иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг бажарилиши ёки бажарилмаслигини билдиради. Келаси замон феъллари қуйидаги турларга бўлинади:

а) келаси замон мақсад феъли нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг бажарилиши мақсад қилиб қуйилган иш-ҳаракатни ифодалайди ва –моқчи, –диган қўшимчалари ёрдамида ясалади: *ўқимоқчиман, ёзадиганман*;

б) келаси замон гумон феъли иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг бажарилиши ёки бажарилмаслиги тахмин қилинганлигини билдиради ва –р (–ар) қўшимчалари билан ҳосил қилинади: *айтарман, келарсан*.

II. Буйруқ — истак майли. Буйруқ — истак майлидаги феъл иш-ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик ҳақидаги илтимос, истак, маслаҳат, даъват каби маъноларни ифодалайди. Буйруқ-истак майлидаги феъллар қуйидагича тусланади:

Шахс	Бирликда	Қўшим-чалари	Кўпликда	Қўшим-чалари
I шахс	айтай(-ин), ишлай (-ин)	–ай –й (–ин)	айтайлик, ишлайлик	–айлик
II шахс	айт (-гин), ишла (–гин) айтинг, ишланг (ҳурмат маъноси)	..(-гин)	айтинг (лар), ишланг (лар)	–нг –инг (–лар)
III шахс	айтсин, ишласин	–син	айтишсин (лар), ишласин (лар)	(–ш, –иш) –син (лар)

III. Шарт майли. Шарт майлидаги феъллар бирор иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши учун ундан аввал бажарилиши шарт бўлган иккинчи иш-ҳаракатни англатади. Шарт майли –са қўшимчаси билан ҳосил қилинади:

Олим бўлсанг, олам сеники. Собир келса, Тошкентга жунаймиз.

Шарт майлидаги феъл қўшимчаси —са ҳам сўзи билан бирга келса, воқеа—ҳодисанинг юзага чиқишига тусиқ бўла олмаган ҳаракат маъносини ифодалайди: *Ёмғир пақирлаб қуйиб турган бўлса ҳам, Санжар Маҳбубани кутар эди.*

Шарт майлидаги феъл қўшимчаси керак сўзи билан келганда фараз маъноси (*бугун ёмғир ёғса керак*), наҳотки сўзи билан бирга қўлланганда эса ҳайратланиш маъноси (*наҳотки уч кун бурун қурган йигит сиз бўлсангиз*), эди сўзи билан келса, истак, хоҳиш, орзу маънолари (*қани, шу пайт муздек сув бўлса эди*) англашилади.

89—*машқ.* Ҳар битта феъл майлларига иккитадан гап тузинг.

90—*машқ.* Матнни уқинг ва рус тилига таржима қилинг.

Айбсизлик презумпцияси

Айбсизлик презумпцияси — жиноят процесси ҳуқуқ—қида айбланувчи (судланувчи)нинг айби далиллар асо—сида тулиқ исботланмагунча унинг айбсиз эканлигини эътироф этиш. ЎзР ЖПКнинг 23—моддасига асосан, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг айб—дорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлан—магунча айбсиз ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айблан—увчи ёки судланувчи узининг айбсизлигини исботлаб бе—риши шарт эмас. Айбдорликка оид барча шубҳалар, ба—шарти, уларни батараф этиш имкониятлари тутаган бўл—са, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаёт—ганда келиб чиқувчи шубҳалар ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Харакат, одатда, сўзловчи, тингловчи ва ўзга томонидан бирликда ва кўпликда бажарилиши мумкин. Бу ҳолат шахс ва сонларда ифодаланadi. *Уйга қайтдим* гапида ҳаракат биринчи шахс томонидан, бирликда бажарилган ёки *қишлоқдан қайтиб келишди* гапида ҳаракат учинчи шахс (узгалар) томонидан кўпликда бажарилганлиги англашилмоқда. *Нега индамайсан* гапида эса ҳаракат иккинчи шахс (сен) томонидан бажарилганлиги билиниб турибди. Демак, феъллар шахс-сонда ўзгариб туриши мумкин экан.

Феълларнинг шахс-сонда ўзгариши тусланиш дейлади. Шахс-сон қўшимчалари тусловчи қўшимчалар ҳисобланади. Турланиш от, олмош ва отлашган сўзларга хослигини юқорида кўриб ўтган эдик, тусланиш эса фақат феълларга хосдир.

Тусланиш қуйидаги шаклга эга бўлади:

Шахс	Бирликда	Кўпликда
I шахс	бордим, боряпман,	бордик, боряпмиз, борайлик
II шахс	борайбординг, оряпсан,	бордингиз, боряпсиз, борингиз
III шахс	боргин борди, боряпти, борсин	боришди, боришяпти, боришсин

91-машқ. Қуйидаги тестларни бажаринг.

1. Қайси қатордаги сўзга тусловчи қўшимча қўшилиши мумкин?

- А) ўт (ўт-ўлан) В) ўт (олов) С) ўт (феъл)
 Д) А ва В Е) А, В, С

2. Феълнинг шахс ва сонда тусланишини билдирувчи қўшимчалар қўшимчаларнинг вазифасига кўра қайси турига мансуб?

- А) Сўз ясовчи. В) Шакл ясовчи. С) Сўз узгартирувчи.
 Д) Негиз ҳосил қилувчи. Е) А. ва Д.

3. Феъл шаклларидан қай бири замон ва шахс—сонни курсатмайди?

- А) Кумакчи феълли сўз қўшилмаси. В) Ҳаракат номи.
С) Сифатдош. Д) Равишдош.

84—§. ТУЛИҚСИЗ ФЕЪЛЛАР

Тулиқсиз феъллар барча мустақил сўз туркумларига қушилиб, турли маъноларни ифодалайди. Тулиқсиз феъллар мустақил ҳолда қўлланилмайди, улар отга (*акам экан*), сонга (*бешта эди*), олмошга (*сен экансан*), сифатга (*қизил эмиш*), равишга (*анча экан*) қўшилади. Тулиқсиз феъллар содда феълларга қўшилса (*ёзган эмиш*, *кўрган эмиш*) қўшма феъллар ҳосил бўлади. Тулиқсиз феъллар қисқарган ҳолда ишлатилганда, ўзи боғланган сўзга қўшиб ёзилади (*борар эди—борарди*, *борар эмиш — борар—миш*).

Тулиқсиз феъллар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

- а) ҳаракатнинг бажарилмай қолганлиги: *Вақтида келинг эди*;
б) ҳаракатнинг давом эттирилиши: *Кутиб туринг экан*;
в) истак маъносини: *Қани энди ойижоним тирилиб келса эди*;
г) ҳикоя маъносини: *Турсунбой қишлоғимизга кеча—гина келиб эди*.

92—машқ. Матнни ўқинг. Тулиқсиз феълларни топиб айтинг.

Бемехрда инсоф йўқ

Бир куни Ҳазрати Умар бир кишини узоқ ўлкага ҳоким этиб тайинлаб, қўлига фармон ёзиб берибдилар. Шу пайт Ҳазрати Умарнинг жажжи набираси югурганча кириб келиб қолибди. Ҳазрати Умар уни даст кўтариб, бағриларига босиб, эркалаб пешонасидан ўпибдилар.

Бояги киши бу ҳолатни кўриб, мийиғида кулибди—да, Ҳазрати Умарга дебди:

—Ия, сиз болаларни жуда эркалатар экансиз—ку. Менинг ҳам шундай набираларим бор. Лекин мен уларни эркалатиб талтайтирмайман.

—Эй аттанг, — дебдилар Ҳазрати Умар. — Мен сени ҳоким этиб тайинлаб адашган эканман—ку, қани фармонни буёққа бер—чи? дебдилар—да, унинг қулидаги фармонни олиб йиртиб ташлабдилар. Шундан сўнг:

—Бемехр кишидан, айниқса, ўз зурриётига меҳр—шафқати бўлмаган кишидан раҳбар чиқмайди,—деб айтган эканлар.

(«Ҳалол ва ҳаром» китобидан.)

85-§. ФЕЪЛЛАРНИНГ ХОСЛАНГАН ШАКЛЛАРИ

Биз юқорида сифат ва сонларнинг отга айланиши ва отнинг вазифасини бажариши мумкинлиги ҳақида гапириб ўтган эдик. Феъллар ҳам уз вазифасидан ташқари сифат, равиш ва отларга яқинлашиши мумкин. Бундай шакллар феълнинг хосланган—вазифадош (функционал) шакллари дейилади. Улар қуйидагилар:

1. Сифатдош. Сифатдош феълнинг сифатга томон силжиган шакли бўлиб, қандай? қайси? суроқларидан бирига жавоб беради ва гапда сифат каби аниқловчи вазифасини бажаради. Бироқ у айнан сифат эмас, чунки унда ҳам белги, ҳам ҳаракат маънолари англашилади: *гузал қиз — югураётган қиз*. Биринчи бирикмада *гузал* сўзи сифат, чунки у предмет белгисини ифодалаяпти, иккинчи гапдаги *югураётган* сўзида эса белгидан ташқари ҳаракат маъноси ҳам англашилмоқда, шунинг учун у сифатдош ҳисобланади.

Сифатдошлар қуйидаги қўшимчалар ёрдамида ясалади: —р (—ар), мас (*айтар гапни айт, айтмас гапдан қайт*);

—ган,—кан, қан, ётган,—диган (*уқиган бола, сигир соққан қиз, чигит эккан деҳқон, тез кетаётган машина, тез югурадиган бола*);

—жак (*келажак авлод*),—увчи (*пахта терувчи қиз*).

Сифатдошлар ҳам сифат каби отлашиши мумкин: *Чумчуқдан қурққан (киши) тариқ экмас.*

Сифатдошлар отлашганда, от каби кўплик, эгалик қўшимчаларини қабул қилади, турланади: *Менга уша ёмонимни қўй.*

Сифатдошларда ҳам феъл каби замонлар мавжуд:

а) утган замон сифатдоши: —ган (—кан,—қан) *кечик—кан ўқувчи*;

б) ҳозирги замон сифатдоши: —ётган,—увчи: *йўлда кетаётган машина, тез югурувчи бола*;

в) келаси замон сифатдоши: —р,—ар,—диган: *баланд учадиган самолёт, тез учар самолёт.*

2. Равишдош. Равишдошлар феълнинг равишга томон силжиган шаклидир, улар иш—ҳаракатнинг белгисини билдириб, гапда асосан ҳол вазифасини бажаради.

Равишдошлар қуйидаги қўшимчалар ёрдамида яса—лади: —а,—й, —б, —иб қўшимчалари билан ҳолат маъносини ифодаловчи равишдош ҳосил бўлади: *қулиб гапирди, кула—кула улаёздик, йиглай—йиглай чарчади.* Равишдош қўшимчаларидан —а, —й қўшимчалари кўпинча, —б, —иб қўшимчалари эса баъзан такрор ҳолда (*бориб—бориб, излаб—излаб*) қўлланилади ва шахс—сон қўшимчалари билан тусланади;

—гач, —кач, —гунча, —кунча, —қунча қўшимчалари ёрдамида пайт маъносини билдирувчи равишдошлар ясалади: *тонг отгач, тун оққач, чигит эккач, тонг от—гунча, тун оққунча*;

—гани, —қани, —кани қўшимчалари ёрдамида мақсад маъноларини англатувчи равишдошлар ҳосил қилинади: *Дадамни кўргани касалхонага бордим. Санобар сигир соққани кетди.* Пайт ва мақсад равишдошлари туслан—майди.

3. Ҳаракат номи. Ҳаракатнинг номинигина билдириб, замон ва шахс—сонни кўрсатмайдиган феъл шакли ҳаракат номи дейилади. Ҳаракат номи отга яқин туради, бироқ у предметнинг эмас, ҳаракатнинг номини билдиради, от каби турланади, эгалик ва кўплик қўшимчаларини қабул қилади: *уқишларим яхши, уқишга кетди*.

Ҳаракат номи ҳам гапда отга хос барча гап бўлаклари вазифасини бажара олади. Ҳаракат номи қуйидаги қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинади: —ш, —иш, —моқ, —в (—ув) *уқиш, уқимоқ, уқув*.

Ҳаракат номининг ҳар учала шакли ҳам феълнинг булишсизлик шакли —ма қўшимчасини қабул қилмайди. Луғатларда феъл туркумига оид сўзлар —моқ қўшимчали ҳаракат номи шаклида берилади.

93—*машқ*. Феълнинг хосланган шакллари иштирокида гаплар тузинг ва изоҳ беринг.

94—*машқ*. Матнни кучиринг. Феълнинг хосланган шаклларини топиб тагига чизинг ва тушунтириб беринг. Матнни рус тилига таржима қилинг.

Субституция

Субституция (лот. *substitutio*— *урнига қўяман, алмаштираман*)—1) мерос ҳуқуқида мерос қолдирувчининг вассиятномасида у очилгунча асосий меросхўрнинг вафот этиб қолиши ёки уни қабул қилмаслиги эҳтимолини ҳисобга олиб, қўшимча меросхўрни кўрсатиш. Асосий меросхўр қонунда назарда тутилган сабабларга кўра меросдан маҳрум этилган ҳолатларда ҳам ворисликка субститут чақирилади. Субститут сифатида, қонун буйича меросхўрлар қаторига кириш—кирмаслигидан қатъи назар ҳар қандай шахс тайинланиши мумкин; 2) халқаро ҳуқуқда давлатларнинг моддий жавобгарлиги шаклидан бири, реституциянинг бир кўриниши; қонунга ҳилоф равишда йуқ қилинган ёки зарар етказилган мулк—

ни, шу жумладан, бинолар, транспорт воситалари, санъат бойликлари, хусусий мулкни тенг қийматли бошқа мулкка алмаштиришдан иборат.

Топшириқ. «Субституция» терминининг маъносини эсда сақланг.

86-§. ФЕЪЛЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Феъллар от, сифат, олмош ва равишлардан ҳосил қилиниши мумкин, бироқ феълларнинг узидан қушимчалар қушиб феъл ясаб бўлмайди. Қуйидаги қушимчалар морфологик усул билан феъллар ясайди:

— ла: *ишла, оқла, созла, гулла* (бу қушимча энг унумли қушимча ҳисобланади);

— а (—ай): *сана, яша, соғай, кенгай, торай*;

— сира: *уйқусира, бегонасира, сенсира*;

— са: *сувса*;

— ик (—ик): *кечик, йулиқ, бирик, ҳайиқ*;

— р (—ар): *қизар, кўкар*;

— и: *бойи, чанги, тинчи*;

— лан, — лаш (*фаҳрлан, ёрдамлаш*).

Синтактик усул билан қўшма ва жуфт феъллар ҳосил қилинади.

95—машқ. Феъл ясовчи қушимчалар ёрдамида феъллар ясанг ва улар иштирокида гаплар тузинг.



87-§. ЭЪТИҚОД

Эътиқод — бу уз фикр ва қарашларига маҳкам, собитқадамлик билан ишониш ва узгаларни ҳам узидек ҳисоблаб, уларнинг лафзига самимият билан ишонишдир. Эътиқодли одам, энг аввало, ёлғон гапирмайди. Ёлғон сўзламаган одам узгаларни ҳам ростгўй деб билади.

Лафзида турмайдиган кимсани бебурд деб ҳисоблаб, ундайлардан ҳазар қилади.

Эътиқод тушунчаси инсон ҳаётининг маъносини, унинг ўзига хослигини ва моҳиятини англаш билан боғлиқдир. Инсон бошқа маҳлуқотдан фарқ қилиб, онга, ўз-ўзини англаш қобилиятига эгадир. Шу туфайли илмга интилиш, ўз ҳаётининг мақсад ва мазмунини билишга тиришиш, гузаллик яратишга, ҳар томонлама баркамол бўлишга уриниш барча давр ва миллат кишиларига хос бўлган умуминсоний, боқий фазилатлардир. Бу умуман инсон моҳиятига хос нарса бўлиб, у бу ёруғ оламда нима учун яшаётганини англашга, келажагига замин ҳозирлашга интилади. Ҳар бир соғлом фикрли одам, инсониятнинг умрбоқийлигини идрок этади ва узидан оиласига, фарзандларига, инсониятга нимадир қолдириб кетишни истади. Шундан келиб чиқиб, умрининг мақсади ва мазмунини белгилайди. Худди шу нарса унинг эътиқодини ифодалайди.

Эътиқод журъатни, мардликни, фидойиликни тақозо қилади. Буларсиз у қуруқ гоя бўлиб қолаверади.



Лугат

эътиқод — убеждение
гоя—идея говорящий правду
гузаллик — красота
фазилат — качество
мардлик — мужество

ростгуй — честный,
бебурд—обсурдный
умуминсоний — обще человеческий
журъат — смелость
фидойилик — самоотверженность

Топшириқлар. 1. Матндан узингиз хоҳлаган 4 та феълни топиб, сўз таркиби буйича таҳлил қилинг (маъноли қисмларга ажратинг). 2. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг.

Қушма феъллар таркиби жиҳатидан икки хил бўлади:

1. Феъл бўлмаган сўзлар ва феълларнинг қуши—лишидан ҳосил бўлган қушма феъллар: *қул қуйди, имзо чекди, оҳ урди, назар солди, ёд олди, ҳимоя қилди* ва ҳ.к.

2. Феъл ва феълдан ҳосил бўлган қушма феъллар: *сотиб олди, айтиб келди, ошиб тушди, қайтиб келди* ва ҳ.к.

Қушма феълларни кумакчи феълли сўз қушил—маларидан фарқлаш керак. Қушма феълларнинг ҳар ик—ки қисми ҳам ўз луғавий маъносида ишлатилса, кумакчи феълли сўз қушилмаларида иккинчи қисм ўз маъносида қўлланилмаган бўлади: *ўқиб чиқди* бирикмасида *чиқди* сўзи бирор жойдан чиқиш маъносини билдирмайди, ёки *қийналиб қолди* бирикмасида *қолди* феъли ўз луғавий маъносини, яъни бирор жойда қолиш маъносини англ—латмайди.

Қушма феълларда икки феъл бир—бирига қушилиб, янги луғавий маънога эга бўлган бошқа бир сўз ясайди, кумакчи феълли қушилмаларда аввалги маъно сақланади. Масалан, *сотиб олди* бирикмасидаги *сотиш* ва *олиш* маъноларини ифодаловчи икки сўз бирикиб, янги маъ—нони: *харид қилиш* маъносини англатувчи янги сўз ясапти. *Санобархон гўдакни юпатиш мақсадида қўлига олиб курди* гапидаги *олиб курди* бирикмасида аввалги маъно, яъни *олиш* маъноси сақланиб қолган холос, *кур—ди* сўзи эса ўз маъносида, яъни *куриш* маъносида қўл—ланмаган.

Кумакчи феълли қушилмалар икки қисмдан: етакчи ва кумакчи қисмлардан ташкил топади. Етакчи қисм ҳар вақт аввал, кумакчи қисм кейин келади. Кумакчи феъл етакчи феъл маъносига турлича қўшимча маънолар беради: *ёза бошлади* (ҳаракат эндигина бошланган), *ишлаб ётибди* (ҳаракат давом этмоқда), *ўқиб юрди* (ҳа—ракат давом этган), *ўқиб чиқди* (ҳаракат тугалланган),

уқиб берди (ҳаракат бирор бошқа восита орқали ба-
жарилган), *йиқилиб кетди* (ҳаракат тасодифан бажарил-
ган), *йиқила ёзди* (ҳаракат бажарилмай қолган) ва ҳ.к.

Ўзбек тилида уттиздан ортиқ кумакчи феъллар мав-
жудки, улар тилнинг луғат таркибини бойитишда муҳим
омил ҳисобланади: *юр, тур, кет, утир, кел, бер, қол, ёт,*
юбор, ташла ва ҳ.к. Бироқ нутқда фақат кумакчи бўлиб
келадиган феъллар йуқ. Масалан, *тур* феъли *айтиб турди*
қушилмасида кумакчи феъл ҳисобланса (чунки бу гапда
тур сузи ўз маъносини йуқотган), *Собир урнидан турди*
гапида эса *турди* сузи мустақил феъл ҳисобланади, чунки
у ўз маъносида қўлланилмоқда.

Кумакчи феъл етакчи феълга асосан равишдошнинг
—б, —иб, —а, —й қушимчалари орқали, ҳамда жуфт ҳолда
бирикади: *уқиб берди, айта олди, куйлай билди, айтди—*
қўйди, ёзди—олди.

Етакчи—кумакчи феълли қушилмаларга —ма бўлиш—
сизлик қушимчаси уч хил усулда қушилади:

- а) етакчи феълга: *ёзмай тур;*
- б) кумакчи феълга: *айта кўрма;*
- в) ҳар иккаласига: *келмай қолма.*

96—машқ. Гапларни кучиринг. *Турмоқ* феъли мустақил феъл
сифатида қўлланган гапни топинг. Гапларни рус тилига таржима
қилинг.

1. Суд раисини залда бир оз кутиб тура туринг. 2.
Пастда сизни бир киши кутиб турибди. 3. Мажнунтол
барглари осилиб турибди. 4. Рассом столи устида ҳар хил
мўйқаламлар турибди. 5. Менга сўз бериб туринг.

97—машқ. Қўшма феъллар иштирокида диалог тузинг.

89—§. ЖУФТ ФЕЪЛЛАР

Жуфт феъллар замон ва шахс жиҳатидан бир хил
шаклга эга булган феълларнинг қушилишидан ҳосил бу-
лади. Жуфт феъллар чизиқча билан ёзилади: *ётди—олди,*

айтди-қўйди, ёзаман-оламан, айтасан-қўясан каби. Агар жуфт феъллар орасида боғловчи вазифасидаги —у, —ю юкламалари қўлланилган бўлса, у ҳолда чизиқча юк-ламадан аввал қўйилади: *айтди-ю қўйди, борди-ю келди*. Жуфт феълларда ҳам биринчи қисм асосий маънони ифодалайди ва етакчи феъл ҳисобланади, иккинчи қисм эса уз маъносини йўқотган булади: *айтди-қўйди* (ҳеч нарсани қўйган эмас), *ёзди-олди* (ҳеч нарсани олган эмас), шунингдек, айрим жуфт феъллар такрорий ҳаракатни англатади: *борди-келди, утирди-турди* каби. Бундай ҳолда унинг ҳар иккала қисми ҳам маъно англатади: *Муроджон узини қўярга жой тополмай борди-келди, утирди-турди, аммо барибир чидашга туғри келди*.

Шахс-сон, замон қўшимчалари ҳар доим иккинчи қисмга, кумакчи феълга қўшилади: *ёзиб турдим, айтиб берди*, жуфт феълларда ҳар иккала қисмига қўшилади: *ёздик-олдик, айтдинг-қўйдинг*.

98—*машқ. Борди-келди, айтдим-қўйдим, ёзди-олди, утирди-турди* феъллари иштирокида гаплар тузинг.

90—§. РАВИШ

Ҳаракатнинг белгисини билдирувчи мустақил сўзлар равиш дейилади. Улар белгини билдириши, оддий, қиёсий ва ортгирма даражаларга эга бўлиши жиҳатидан сифатларга ўхшаб кетса-да, бироқ сифатлардан мутлақо фарқ қилади: *баланд бино* бирикмасида *баланд* сўзи сифатдир, чунки у бинонинг (предметнинг) белгисини билдирипти, *тезроқ уч*, бирикмасида эса *тезроқ* сўзи ҳаракатнинг белгисини ифодалапти, шунинг учун у равиш ҳисобланади. Демак, сифат предметнинг белгисини билдирса, равиш ҳаракатнинг белгисини ифодалайди. Баъзан равиш ҳам предметнинг белгисини англа-

тиши мумкин: *Ўзимизнинг ўзбекона паловни соғиндим*. Бунда *ўзбекона* равиши аниқловчи вазифасида келяпти.

Равиш гапда асосан ҳол вазифасида келади, айрим ҳолларда кесим вазифасини бажариши мумкин: *Бу йил совуқ анча эрта (ҳол) бошланди. Шошилганнинг пушаймони кўп (кесим)*.

99—машқ. Қуйидаги гапларни кучиринг ва ҳаракатнинг белгисини билдирувчи сўзларни топиб тагига чизинг.

1. Шоҳруҳ гуноҳкорларча бошини қуйи эгди. 2. Мустақиллик йулидан олға бораверамиз. 3. Хаёлларим шамолдан тез учади. 4. Ташқари жуда совуқ эди. 5. Адҳам-жон ноилож маслаҳатга кўнди.

91-§. РАВИШЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ

Равишлар маъноси ва грамматик хусусиятларга кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Ҳолат (вазият) равиши иш-ҳаракатнинг қай тарзда ва усулда бажарилишини билдириб, қандай? қандай қилиб? қай тарзда? кимдай? нимадай? суроқларидан бирига жавоб бўлади ва гапда равиш ҳоли вазифасини бажаради: *аста-секин, тез, жим, илдам, пиёда, яёв, отлиқ, бирдан, тасодифан, яққол, қўққисдан, битталаб, қаторасига, ўзбекчасига, қаҳрамонларча, мардона, дарҳол* ва ҳ. к.

2. Ўрин равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради ва қаерга? қаерда? қаердан? қаергача? каби суроқларида бирига жавоб бўлади. Гапда ўрин ҳоли вазифасини бажаради: *қуйи, юқори, пари, бери, ичкари, ташқари, аллақаерда, унда-бунда, аллақаерга* ва ҳ. к.

3. Пайт равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради ва қачон? қачондан буён? қачонгача? каби суроқларга жавоб бўлади, гапда пайт равиши бўлиб

келади: *эрталаб, илгари, бурун, олдин, сунг, кейин* ва ҳ. к.

4. Мақсад равиши иш-ҳаракатнинг қайси мақсадда бажарилишини билдиради ва нима мақсадда? нима учун? каби суроқларидан бирига жавоб булади, гапда мақсад ҳоли вазифасида келади: *атайин, атайлаб, журттага, қасддан* ва ҳ. к.

5. Сабаб равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдиради ва нима сабабдан? нима учун? каби суроқлардан бирига жавоб булади, гапда сабаб ҳоли вазифасида келади: *ноилож, иложсизликдан, ночор, ноиложликдан, чорасизликдан*.

6. Даража-миқдор равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган даража-миқдорни билдиради, *қанча? қай даражада?* каби суроқларидан бирига жавоб булади, гапда даража-миқдор ҳоли вазифасини бажаради: *кун, оз, кам, сал, пича, жиндак, анча, қиттак, хиёл, асло, ниҳоятда, ҳар қанча, озмунча, сира, ҳеч* ва ҳ.к.

100—машқ. Гапларни дафтарингизга кучириб ёзинг ва равишларни топиб тагига чизинг. Уларнинг маъносига кура турини айтинг.

1. Биз кеча сизни орзиқиб кутган эдик. 2. Маҳлиё атайлаб кеч қолди. 3. Нодир қасддан одам улдирди. 4. Улар ноилож орқага қайтишди. 5. Жиноят анча илгарироқ содир этилган экан. 6. Тергов ишлари жуда тез тугатилди. 7. Анвар гуноҳкорларча бошини қуйи эгди.

101—машқ. Матнни рус тилига таржима қилинг.

Депутат одоби

Депутат одоби — парламент ишида иштирок этишда амал қилинадиган ахлоқий—маънавий нормалар йиғини

диси бўлиб, у орқали депутатнинг қонун чиқарувчи органга, унинг тузилмаларига, бошқа депутатларга муносабати, улар билан алоқаси шаклланади. Депутат одоби фақат ахлоқий нормалар билан белгиланмай, тегишли ҳуқуқий ҳужжатларда қайд қилинган депутатнинг ҳуқуқ ва бурчлари билан ҳам белгиланади. Депутат одобининг бузилиши ижтимоий ва интизомий чоралар куришга сабаб бўлади. Депутат одобига риоя этилиши устидан назорат парламентда махсус тузилган комиссия томонидан олиб борилади.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли луғатидан.)

Топшириқ. Матни уқинг ва мазмунини ўзбек тилида оғзаки сузлаб беринг.

92-§. РАВИШЛАРДА ДАРАЖА

Сифатларда бўлганидек, равишларда ҳам даража мавжуд. Равиш даражалари ҳаракатнинг белгисини даража-жалаб кўрсатади. Равишлар ҳам уч хил даражага эга:

1. Оддий даража махсус грамматик кўрсаткичга эга эмас, у ҳаракат белгисининг нормал белгисини билдиради: *тез, аста, баланд, илдам.*

2. Қиёсий даража —роқ кўшимчаси билан ҳосил қилинади: *Бугун дарслар ҳар кунгидан эртароқ тугади.*

3. Ортгирма даража энг, жуда, анча, гоятда, ниҳоятда каби сузлар ёрдамида ҳосил қилинади: *«МИГ-12» ниҳоятда тез учади. Рустам машқларни ниҳоятда тез бажаради.*

102—машқ. *Узоқ, яқин, тез, эрта, кеч, оз, илгари, секин* каби равишлардан қиёсий ва ортгирма даража ҳосил қилинг. Улар иштирокида гаплар тузинг.

Равиш ясовчи қўшимчалар от, сифат, сон, олмошларга қўшилиб, кўпинча ҳолат равишларини ясайди. Улар қуйидагилар:

—ан: *мажбуран, тасодифан, тахминан;*

—лаб: *яхшилаб, қоплаб, килолаб;*

—ча, —часига: *ўзбекча, фарғоначасига;*

—ларча: *мардларча, қаҳрамонларча;*

—она: *мардона, қаҳрамонона;*

—лай, —лайн: *бутунлай, тириклай(ин);*

—дек, —дай: *ойдай, қуёшдек;*

—инча: *кўпинча, яширинча.*

Синтактик усул билан қўшма ва жуфт равишлар ясалади:

1. Қўшма равишлар. Қўшма равишлар у, бу, шу, ўша, мана шу, ҳеч, ҳар, бир, алла сўзлари ёрдамида ҳосил қилинади: *у маҳал, бу ер, шу пайт, уша куни, мана шу ер, ҳар қачон, ҳеч вақт, бир оз, бир дам, бирмунча, бир йула, ҳар сафар, алламаҳал, аллақачон* каби.

2. Жуфт равишлар. Жуфт равишлар икки равишнинг тенг боғланишидан ҳосил бўлади: *аста—секин, омон—эсон, очиқ—ойдин, узил—кесил, эрта—кеч.*

Аста—секин, омон—эсон каби жуфт равишларнинг қисмлари ўрнини алмаштириб қўллаш мумкин: *секин—аста, эсон—омон.*

Нега? қанча? каби сўроқ олмошлари равиш ўрнида келиши мумкин. Сўроқ олмошлари сўроқ маъноларини ифодаласа (*Нега индамайсиз?*), (*Бу китоб қанча туради?*) бу сўзлар равиш ўрнида келганда сўроқ маъносини англатмайди: *Нега индамаслигини ўзи ҳам билмасди. Орадан қанча сувлар оқиб кетди.* Равишлар сўз ўзгартувчи қўшимчаларни қабул қилмайди.

103—машқ. Гапларни кучиринг. *Ташқари* сўзи равиш сифатида қўлланган гапни топиб тагига чизинг ва изоҳлаб беринг.

1. Бундан ташқари ҳали яна кўп ишларни бажаришимиз керак. 2. Ташқари жуда совуқ эди. 3. Суҳроб директорликдан ташқари, ҳисоб—китоб ишларини ҳам олиб борар эди. 4. Заргарликдан ташқари бошқа ҳунарингиз ҳам борми?

104—машқ. Матнни уқинг ва рус тилига таржима қилинг.

Қонунчилик жараёни

Қонунчилик жараёни — қонунларни яратиш бўйича қонун чиқарувчи орган фаолиятининг тартиби бўлиб, одатда у Конституция ва тегишли вакиллик органининг регламентида мустаҳкамланади. Қонунчилик жараёни учун аниқ юридик регламентациянинг бўлиши характерлидир. Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёни тўртта босқичдан иборат: биринчиси—қонун лойиҳасини киритиш—қонунчилик ташаббуси; иккинчиси—Олий Мажлисда унинг қўмита ва комиссияларида қонун лойиҳасини муҳокама қилиш; учинчиси—Олий Мажлис томонидан қонуннинг қабул қилиниши ва ниҳоят тўртинчиси— қонуннинг Президент томонидан имзоланиши ва халққа эълон қилиниши.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли лугатидан.)

Топшириқ. «Қонунчилик жараёни» юридик бирикмасининг мазмуни билан танишиб, уни доимо эсда сақланг.



94—§. ИНСОНЛИК ШАРАФИ

Одамнинг бошқа жонзотлардан фарқи нимада?

Одамда хотира бор, арвоҳ хотири қилиб, утганларни эслаб туради.

Одамда фаросат бор, тез ва тугри фаҳмлаб олади. «Олдига қўйганни емоқ ҳайвоннинг иши, оғзига келганни демоқ тентакнинг иши», дейдилар Алишер бобомиз. Одамда тасаввур бор, хаёлига ниманингдир ёки кимнингдир сувратини келтира олади.

Одам ҳаром билан ҳалолнинг фарқига бора олади. Масалан, тоза билан пок тушунчалари ўртасида катта фарқ бор. Қўринишдан тоза туюлган нарса пок бўлмаслиги, аслида пок бўлмиш нарса топ-тоза қўринмаслиги ҳам мумкин. Буни англай олиш учун Одамда мантиқ қудрати бор. Одам моҳиятига қараб иш тутади.

Одам ибодат қилади. Одам кийинади, ўзига оро бериб юради, зеб-зийнатнинг қадрига етади. Одам иф-фатни қадрлайди. Бу бутун одамзотга хос фазилатдир.

«Қиз боланинг жамики бойлиги — унинг номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлидир», дейди Вильям Шекспир.

Одамда севги бор, ҳайвонда эса — ҳирс.
Алишер Навоий ёзмишлар:

Булмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки жон бўлмасун.
Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Ҳусни нетсун кишиким они йўқ.

Одам Ато ва Момо Ҳаводан бошлаб, севмаган ёки севилмаган одам бўлмаган бўлса керак. Севги-муҳаббат ҳақида ёзмаган қалам аҳли топилмаса керак. Одамда икки дунё бор. Бири моддий дунё, иккинчиси — маънавият. Энг асосий фарқ ҳам ана шундадир.

(«Ватан туйғуси» китобидан.)



Лугат

хотира — память
 арвоҳ — призрак,
 севги — любовь
 ҳирс — жадность, алчность

пок — чистый, чисто, честный
 ифбат — целомудрие, невинность
 тасаввур — представление,
 ишқ — любовь, страсть

- Топшириқлар:** 1. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг.
 2. Жупт равишлар қатнашган 4 та гап тузинг. 3. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:
- равиш ва унинг грамматик белгилари нималардан иборат?
 - равишлар маъносига кўра неча турга бўлинади ва қандай?
 - равишларда қам сифатлардагидек даража мавжудми?
 - равишлар қандай ясалади?
4. Ўз миллий қадриятларингиз ҳақида ўзбек тилида сўзлаб беринг.

Мақоллар

Кишининг ҳурмати ўз қўлида.

Кўз кўрмаса кўнгил севмас.

Меҳр билмас қариндошдан
 Меҳр билган ёт яхши.

Меҳр — кўзда, ақл — сўзда.

Отангни кўрсанг, отдан туш.

Саволни жавобсиз қолдирма,
 Дўстни — эътиборсиз.

- Топшириқлар.** 1. Ҳар бир мақолнинг маъносини шарҳланг.
 2. Мақолларни ёд олинг.

КУЧ АДОЛАТДА

II. ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР

95-§. КҰМАКЧИ

От ва отлашган сўзлардан кейин келиб, уларнинг бошқа сўзлар билан муносабатини кўрсатувчи ёрдамчи сўзлар кумакчи дейилади. Кумакчилар мақсад (*уқиш учун келганмиз*), сабаб (*касаллиги учун келмади*), пайт (*совуқ кун сайин кучаймоқда*), макон (*мактаб томон кетди*), восита (*эшикни ҳассаси билан очди*), ўхшатиш (*инсон каби яшаш керак*) сингари маъно муносабатларини ифодалайди.

Кумакчилар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Асл кумакчилар ўзларининг аввалги лугавий маъноларини йўқотиб, бутунлай кумакчига айланиб қолган сўзлардир: *учун, билан, каби, сингари, узра.*

2. От кумакчилар от (*томон, тараф, олд, уст, орқа, юза, ўрнида*) ва равиш (*илгари, бурун, ичида, сўнг, кейин*)дан чиққан кумакчилардир.

3. Феъл кумакчилар феълдан ўсиб чиққан кумакчилар: *яраша, кўра, қараганда, қараб, бошлаб, тортиб, буйлаб.* От ва феъл кумакчилар ўрни билан мустақил сўз, ўрни билан кумакчи сифатида қўлланилаверади: *Комил онасини врачга бошлаб борди* гапида бошлаб сўзи етакчи феъл ҳисобланса, *бутундан бошлаб ҳашарга чиқадиган буддик* гапидаги бошлаб сўзи эса кумакчи бўлиб келяпти.

Кумакчилар бош, қаратқич, урин-пайт ва чиқиш келишигидаги сўзларни бошқариб келади:

-билан, учун, каби, сингари кумакчилари бош келишикдаги от ва қаратқич келишигидаги олмош билан

бирга келади: *дўстим билан, онам учун, инсон каби, шунинг учун, шунинг билан, шунинг сингариг,*

—билан, учун кўмакчилари шеъриятда қисқарган ҳолда била, ила —ла, —чун шаклларида қўлланилиши ҳам мумкин. —ла, —чун шакллари узидан олдинги сўзга чиқича орқали қўшилади: *Қул—ла сошлаб бўлмас мен яратган ҳайкални (А. С. Пушкин). Ҳаётим сенинг —чун айладим фидо;*

—бўйлаб, узра, орқали кўмакчилари фақат бош келишиқдаги сўзлар билан бирга келади: *водий бўйлаб, осмон узра, телефон орқали;*

—қадар, кўра, яраша, қараганда, томон кўмакчилари жўналиш келишиқдаги отларни бошқариб келади: *тонг—га қадар, қоидага кўра, гапингга қараганда, мактабга томон, меҳнатига яраша;*

—сўнг, кейин, илгари, бурун, аввал, буён, бошқа, ташқари, тортиб каби кўмакчилар эса чиқич келишиқдаги отлар билан бирга келади: *дўстимдан сўнг, байрамдан кейин, онадан бошқа, вазифалардан ташқари.*

Кўмакчилар грамматик вазифа жиҳатидан айрим келишиқлар билан синоним ҳисобланади: учун, томон кўмакчилари жўналиш келишиқи билан (*онам учун олдим — онамга олдим, мактаб томон бордим — мактабга бордим*);

—орқали, билан кўмакчилари ўрин—пайт ва чиқич келишиқлари (*телефон орқали гаплашдим — телефонда гаплашдим, радио орқали эшитдим — радиодан эшитдим*) билан синоним бўла олади.

105—машқ. Қуйидаги матндан кўмакчиларни топинг ва «ҳуқуқий маданият» терминини изоҳланг.

Ҳуқуқий маданият

Ҳуқуқий маданият — фуқароларнинг етуқлиги ва онглигини кўрсатувчи мезон. Ҳуқуқий маданият ту—

шунчаси ҳуқуқнинг ривожланиш даражаси, аҳолининг ҳуқуқ ҳақидаги тушунчаси, қонунларнинг аҳоли, ҳуқуқни амалга ошириш ишларини ташкил этиш даражаси, ҳуқуқнинг обрўи сингари элементлардан ташкил топади. Ҳуқуқий маданиятга ҳуқуқ фанининг ривожланиш даражаси, ҳуқуқни ташвиқот қилишнинг қандай йулга қўйилганлиги, маданиятнинг умумий даражаси таъсир қилади. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онгнинг амалиёти, яъни ҳуқуқни қўллаш, амалиётга тадбиқ этишдир. Шахс қанчалик ҳуқуқий билимга эга бўлмасин, қонун ва бошқа қоидаларга амал қилмаса, у жамият учун катта зарардир. Бу ҳуқуқий маданиятсизликдир.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли луғатдан.)

106—**машқ.** Кўмакчилар қатнашган бешта гап тузинг.

107—**машқ.** Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

- 1) Қандай сўзлар кўмакчи сўзлар дейилади?
- 2) Қайси кўмакчилар қисқарган шаклда қўлланиши мумкин?
- 3) Кўмакчилар қандай маъно муносабатларини ифодалайди?
- 4) Билан ва учун кўмакчиларнинг шеърий асарларда учрайдиган —ла, —чун шакли қай тарзда ёзилади?
- 5) Қайси туркумга оид сўзлар мустақил ҳолда лексик маънога эга эмас?

108—**машқ.** Грамматик вазифаси жиҳатидан айрим келишклар билан синоним була оладиган кўмакчилар иштирокида 4 та гап тузинг. Кўмакчилар ўрнига келишик қўшимчаларини қўйиб кўчиринг ва тушунтириб беринг.

109—**машқ.** Гаплар орасидан восита маъносини ифодалайдиган кўмакчи қатнашган гапни топинг.

1. Ҳалигача мажлис учун хонамиз йуқ. 2. Нурулло бобо ҳассаси билан эшикни очиб кириб келди. 3. Автобус шаҳар марказига кириб борган сари йуловчи кўпаяр эди. 4. Муҳайё бу содда, беғубор болага ҳавас билан қаради.

110—машқ. Қайси гапда чиқиш келишиги урнида кумакчини қўллаш мумкин?

1. Бизга машҳур ҳуқуқшунослар ҳаётидан сўзлаб берсангиз. 2. Кечадан бери ёмғир тинмайди. 3. Радиодан қизиқ хабар эшитдик. 4. Биздан кўп салом айтинг.



96—§. АДОЛАТГА БАҲШИДА УМР

*Умрлар буладики, тиригида уликдир,
Умрлар буладики, улганда ҳам тирикдир!*

Файласуф шоир Мақсуд Шайхзоданинг ушбу сатрлари ҳар гал ёдимга тушганида академик Хадича Сулаймоновани эслайман. Мамлакатимизнинг ҳуқуқшунослик фанига ўзбек хотин-қизлари ичида биринчилардан бўлиб тамал тошини қўйган Хадича Сулаймонова ёшлигидаёқ жаҳолату қабоҳатларни кўп кўрганидан кўнглига ҳуқуқшунос бўлишни туккан эди. Орзу уни 18 ёшида Тошкентдаги ҳуқуқ институтига етаклади. 1935 йили институтни тугаллади, орадан кўп утмай уша йили Ўзбекистон Олий Суди аъзоси бўлди.

Аёлларимиз орасидан биринчи бўлиб «Ўзбекистонда жиноят ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши» мавзuida номзодлик ва докторлик илмий ишларини ҳимоя қилди.

Кейинги йилларда у Тошкент Ҳуқуқшунослик институтининг «Жиноят ҳуқуқи» кафедрасида турли ва-

зифаларда ишлади, институт ректори бўлди. Адлия Вазири, республика Вазирлар Маҳкамаси (собик Министрлар Совети) ҳузуридаги юридик комиссия раиси, Олий Суд раиси вазифаларида фаолият курсатди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ, Адлия вазирлигининг Суд экспертизаси илмий—тадқиқот институтларини ташкил этишда бош—қош бўлди.

Зукко олима, талабчан раҳбар хислатига эга бўлган Хадича Сулаймонова ёшларнинг меҳрибон устози ҳам эди. Унинг раҳбарлигида куплаб ёшлар илмий ишларни ёқлашди.

Ўзбек ҳуқуқининг тарғиботчиси сифатида у Нидерландия, Хитой, Буюк Британия, Япония, Болгария, Чехия, Словакия, Марказий Африка Республикаси ва бошқа қатор мамлакатларда бўлди, халқаро кенгаш ва анжуманларда иштирок этди.

Ҳозирда Тошкент шаҳридаги кучалардан бири, Суд экспертизаси илмий—тадқиқот институти Хадича Сулаймонова номи билан юритилмоқда. Тошкент Давлат юридик институтида ҳуқуқ мураббийсининг ҳаёти ва илмий фаолиятидан ҳикоя қилувчи музей ишлаб турибди.

Мамлакатимизда оналар, опа—сингилларимиз ҳурмати жой—жойига қўйилмоқда. Ҳозирги пайтда бу борадаги ишлар кўлами янада ортган. Академик Хадича Сулаймонова номини касбдошлари, шогирдлари эҳтиром билан хотирлайдилар.



Луғат

файласуф — философ

қабоҳат — гадость

жиноят — пресуптление

талабчан — требовательный

фаолият — деятельность

мураббий — воспитатель

кенгаш — совет

халқаро — международный

Тошшириқ. Матнни уқинг ва мазмунини сузлаб беринг.

Мустақил сузлар ва содда гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи сузлар боғловчи дейилади.

Боғловчилар вазифаларига кўра икки хил: тенг ва эргаштирувчи булади.

Тенг боғловчилар сузларни (гаптаги уюшиқ булакларни) ҳамда боғланган қўшма гап таркибидаги содда гапларни ҳам бир-бирига боғлайди. Улар маънолари ва грамматик хусусиятларига кўра тўрт хил булади:

а) бириктирувчи боғловчилар: *ва, ҳам, ҳамда;*

б) айирувчи боғловчилар: *ё, ёки, ёхуд, гоҳ, дам, баъзан, хох;*

в) зидловчи боғловчилар: *аммо, лекин, бироқ;*

г) инкор боғловчиси: *на.*

Бириктирувчи боғловчи вазифасида баъзан билан кўмакчиси ҳамда —у, —ю, —да, —ҳам юкламалари қўлланилиши мумкин: *Шоҳруҳ билан Фарруҳ бир курсда ўқишади. Бахтиёр уйга кирди—ю, тезда қайтиб чиқди.*

—у, —ю юкламалари зидловчи боғловчи вазифасида ҳам қўлланилади: *Севинч унутилади—ю, қайғу унутилмайди.*

Эргаштирувчи боғловчилар эргаш гапли қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлайди: чунки, шунинг учун, гўё, гўёки, агар, мабодо, башарти, гарчи.

Эргаштирувчи боғловчилар ўз навбатида маънолари ва грамматик хусусиятларига кўра аниқлов (*—ки, ким*), сабаб (*чунки, шунинг учун, негаки, зероки*), чоғиштирув (*гўё, гўёки, худди*), мақсад (*деб, токи*), шарт ва тўсиқсизлик (*агар, агарда, мабодо, башарти, гарчи, гарчанд*) боғловчилари каби турларга булинади.

Боғловчилар тузилишига кўра содда (*агар, ҳам, ва, ҳамда*), қўшма (*шунинг учун*); ишлатилишига кўра якка

(ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ) ва такрорланувчи боғловчилар (ё. . ., ё. . ., гоҳ. . ., дам. . ., дам. . ., баъзан..., баъзан..., на. . ., на...) каби турларга бўлинади.

Айрим ҳолларда баъзан боғловчиси якка ҳолда қўлланиб пайт равиши бўлиб келади: *Шухрат баъзан қишлоққа бориб туради*. Ёки боғловчиси такрорланмай ишлатилса, ундан олдин гапда ҳеч қандай тиниш белгиси қўйилмайди: *Узинг борақол ёки мен келайми?*

111—машқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг?

- 1) Боғловчи деб нимага айтилади?
- 2) Боғловчилар вазифаларига кўра қандай турларга бўлинади?
- 3) Тенг боғловчилар деб нимага айтилади ва уларнинг маъно ва грамматик хусусиятларига кўра турлари қандай?
- 4) Эргаштирувчи боғловчилар қандай вазифа бажаради?
- 5) Эргаштирувчи боғловчилар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра қандай турларга бўлинади?

112—машқ. Матнни уқинг ва ундаги боғловчиларни топиб вазифасига кўра турини айтинг. Матнни рус тилига таржима қилинг.

Адолат (одиллик)

Адолат — ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёрий категорияси. Адолат натижасида тенгликка эришилади, инсонпарварлик таъминланади. Адолат асосига қурилган жамиятда фуқаролар ўртасида, давлат билан фуқаролар ўртасида ижобий муносабатлар ўрнатилади. Фуқароларнинг яхши турмуш кечирishiга, моддий неъматлардан кенг фойдаланишига имконият яратилади. Адолат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўз ўрнини топгандагина одиллик ҳукм суради. Жамиятда яшовчи кишилар эртанги

кунга ишонч билан қарайди. Қонунларнинг туғри қўл-
ланишида ҳам адолатга асосланилса, иш туғри йўлга қў-
йилиб, қонунлардан барча бирдек наф кўради. «Куч адо-
латдадир» деган Амир Темур сўзларининг маъноси кенг
ва чуқурдир. Адолатга таянмаган куч эса зуравонликдир.
Бизнинг жамиятимизда адолат — қонун кучига таянади
ва қонун билан бирлашиб, кучли адолат вужудга келади.
Ана шундай адолатдангина жамиятнинг барча аъзолари
манфаатдор бўлади.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли лугатдан.)

98-§. ЮКЛАМА

Айрим сўз ва гап мазмунига қўшимча маъно юкловчи
ёрдамчи сўзлар юклама дейилади. Юкламалар сўз ва
гапларга *таъкид, сўроқ, кучайтирув, чегаралаш* каби маъ-
ноларни юклайди. Шунга кўра улар қуйидаги турларга
бўлинади:

а) сўроқ юкламалари: *—ми, —чи, —а, —я* (сўроқ
юкламалари сўроқ гапларни ҳосил қилишда иштирок
этади);

б) таъкид юкламалари: *—ку, —да, —у, —ю, —оқ (—ёқ);*

в) кучайтирув юкламалари: *наҳот(ки), ҳатто(ки), ахир;*

г) айирув юкламалари: *фақат, фақатгина, —гина*
(*—кина, —қина*);

д) аниқлов юкламаси: *худди,*

е) гумон юкламаси: *—дир;*

ё) инкор юкламаси: *—на.*

Юкламалар тузилишига кўра икки хил бўлади:

а) сўз юкламалар: *ахир, ҳатто, наҳотки, худди, фақат;*

д) қўшимча юкламалар: *—ми, —чи, —ку, —да, —а, —я.*

Айрим юкламалар чизиқча билан ажратиб ёзилади.
Чунончи: *—чи, —ку, —да —а, —я* юкламалари ҳар доим
чизиқча билан ёзилади, *—у, —ю* юкламалари тенг боғловчи
сифатида жуфт сўзларни боғласа, чизиқчасиз ёзилади:

қую қузи, меҳру муҳаббат; агар қушма гаплар таркибидаги содда гапларни боғласа, чизиқча қуйиб ёзилади: *Ҳаво очилди—ю, қуёш ҳарорати сезилмади;* —ми, —гина (—кина, —қина): дир, —оқ (—ёқ) юкламалари эса ҳамма вақт сўзга қушиб ёзилади.

113—машқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

- 1) Юклама деб нимага айтилади?
- 2) Юкламалар маъносига кўра қандай турларга бўлинади?
- 3) Қайси юкламалар доимо чизиқча билан ёзилади?
- 4) Қайси юкламалар сўзга қушиб ёзилади?
- 5) Юкламалар тузилишига кўра қандай турларга бўлинади?

114—машқ. Қуйидаги гапдаги юкламалар миқдорини аниқланг ва сиз ҳам худди шундай бир нечта юкламалар қатнашган гаплар тузинг.

Мен—ку, бу ишни эпларман—а, ўзингиз—чи, бирор эвини қила оласизми?

115—машқ. Саволларга рад жавобини бериб, диалогни тўлдиринг. Юкламаларнинг ёзилишига эътибор қилинг.

Намуна:

— *Сен уни кўрганмисан?*

— *Йўқ, ҳеч қачон кўрмаганман.*

— *Сиз Тошкентга борганмисиз?*

—

— *Дустларингиз—чи?*

—

— *У ерларнинг ўзига хос урф—одатларини кўрганмисиз?*

—

— *Ота—онангиз у ҳақда сўзлаб бермаганмилар?*

—

— Бува ёки бувингиз—чи?

—

— Тошкент ҳақида шеърлар биласизми?

.....

116—машқ. Гапларни уқинг, рус тилига таржима қилинг ва ажаптиб курсатилган сузларнинг маъносини айтиб беринг.

1. Уйда ёлғиз онамнинг ўзи қолди. 2. Йиғилишда ёлғиз ҳуқуқшунослар қатнашдилар. 3. Шўрлик болагина не азобларни бошидан кечирмади—я. 4. Бу масалани фақат ҳуқуқшуносларгина ҳал қила олади.



99—§. ИНСОФ

Инсоф — бу адолат ва виждон амри билан иш тутиш туйғуси ва қобилияти, ишда, кишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилиқ, баробарлик, тенглик, софдиллик ва ҳақиқатгўйликдир. Узгани уз ўрнига ва шунингдек, уз ўрнига ўзгани ҳаёлан қўйиб кўриш ҳам инсофга киради. Туқ очни, бой камбағални, бахтли бахтсизни, толеи баланд толеи забунни, омадли омадсизни, соғлом беморни уз ўрнига қўйиб кўролса ва аксинча ҳам худди шундай бўлса, олам гулистон — инсофлилар сафи кенгайиб кетади.

Демак, инсоф дегани, энг аввало, ўзингга раво кўрмаган нарсани бировга ҳам раво кўрма, деган тушунчадан бошланади. Инсоф тушунчаси Шарқ фалсафасида шундай талқин этилади. Инсоф — бу кишининг муайян жамиятнинг ахлоқ меъёри нуқтаи назаридан уз хулқ—одобини назорат қилиши ва ахлоқий баҳолашидир. Инсоф — виждонли одамнинг ёки маълум жамоанинг жамиятга ёки бошқа кишиларга нисбатан уз хулқ—атвори учун маънавий жавобгарлик ҳиссидир. Агар киши бирор ишни тўғри бажарса, унда ички қониқиш пайдо бўлади,

виждон пок бўлади, атайин нотўғри бажарса, инсофдан чиққан бўлади. Инсоф кишини бирор ишни қилишга ундаса ёки қилишдан тортса, бунда у қалб амри тарзида бўлади.

Муайян кишининг хоҳ шахсий, хоҳ ижтимоий хулқ—атворида учраган ҳар қандай сохталик, ҳар қандай муно—фиқликни жамоа инсофсизлик сифатида қаттиқ қора—лайди. Хуллас, инсоф — кишининг жамият олдида, тева—рак—атрофдаги кишилар олдида ўз хагги—ҳаракати билан маънавий масъулиятини ҳис этишининг ифодасидир.

«Инсоф — дин соф» деган нақл бу тушунчанинг на—қадар теран мазмунга эга эканлигидан далолат беради.

(«Ватан туйғуси» китобидан.)



Лугат

инсоф — справедливость,
адолат—справедливость,
софдиллик — чистосердечие,
ҳалоллик — честность,
тўғрилиқ — прямизна,

баробарлик — равенство
тенглик — равенство правосудие
виждон — совесть, честь
ҳақиқатгўйлик — правдивость,
сохталик — поддельность, фальш

Топшириқлар. 1. Матнни ўқинг. 2. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

а) *Инсоф деганда нимани тушунаси?*

б) *Ҳалоллик деганда—чи?*

3. Матнни сузлаб беринг.

Мақоллар

Адоват эмас, адолат енгар.

Адолат қиличи кесган қўл огримас.

Даъвогар сушт бўлса,
Қози муттаҳам бўлар.

Инсофи йўқнинг имони йўқ.

Инсофли ошини ер,
Инсофсиз — бошини.

Пора канда бўлмаса, пароканда бўласан.

Хатонинг йўлдоши — жазо.

Юрибсан бу сўқмоққа,
Чидарсан бу тўқмоққа.

Топшириқ. Ҳар бир мақолнинг маъносини тушунтириб беринг.

ГУЗАЛ АХЛОҚ — КОМИЛЛИК КАЛИТИ

III. АЛОҲИДА БЕРИЛГАН СУЗЛАР ГУРУҲИ

100—§. УНДОВ СУЗЛАР

Ҳис—ҳаяжон, буйрук, истак, чақирик, табрик, ҳайдаш каби турли маъно қирраларини ифодаловчи сузлар ундов сузлар дейилади. Ундов сузлар гап бўлаклари билан грамматик алоқага кириша олмайди ва гап булагига вази—фасида ҳам қўлланмайди. Улар турлича (эмоция) ҳис—ҳаяжонни ифодалашига кўра икки хил бўлади:

1. Ҳис—ҳаяжон ундовлари.

Ҳис—ҳаяжон ундовлари қуйидаги маъноларни англатади:

- севинч ва шодлик (*оҳ, эҳ, о, бай—бай*);
- ўкинч, қайгуриш ва азоб (*оҳ, э—вой, воей, вой—вой*);
- таажжуб ва ҳайронлик (*ия, ие, и—и, э—э, уҳ—ҳў*);
- нафрат, пичинг (*эҳ, тфу, э, ия, ие*);
- чарчаш, толиқиш (*уф, уҳ—вой—вой, воей*);
- қизғаниш (*оҳо, ҳув, ҳу*) ва чақириш (*хой, ҳуй, ҳей, алло*);
- маъқуллаш, рағбат (*баракалла, яшанг, ҳорманг, офарин, бор бўлинг*).

2. Ҳайдаш — чақириш ундовлари.

Ундовларнинг бу тури асосан ҳайвон ва паррандаларни ҳайдаш, чақириш учун қўлланилади: *ту—ту, маҳ—маҳ, қурей—қурей, куч—куч, беҳ—беҳ, чух, пишт, киш, дирр, хўш, хўк, так—так*.

Ундовлар отланиши мумкин, отлашган тақдирда улар отга хос барча грамматик белгиларга эга бўлади: турланади (*«вой—вой»ингни йиғиштир*), эгалик, кўплик қў—

шимчаларини қабул қилади («оҳ-воҳ»ларингни бас қил) отга ҳос синтактик вазифаларни бажаради.

Ундов сўзлар якка, қўшма ва жуфт ҳолда қўлланади.

117—машқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Қандай сўзлар ундов сўзлар дейилади?
2. Ундов сўзлар ҳис-ҳаяжонни ифодалашига кўра неча хил булади ва қандай?
3. Ҳис-ҳаяжон ундовлари қандай маъноларни англатади?
4. Ундов сўзлар қандай ҳолда қўлланади?
5. Ундовлар отлашганда, қандай белгиларга эга бўлади?

118—машқ. Ундов сўзлар иштирокида гаплар тузинг ва уларнинг маъноларини тушунтириб беринг.

119—машқ. Матнни уқинг ва уни рус тилига таржима қилинг.

Адлия (Юстиция)

Адлия — барча суд ташкилотлари, уларнинг фаолияти, одил судловни таъминлашнинг йиғиндиси сифатида ишлатиладиган атама. Ўзбекистонда адлия ишлари — Адлия вазирлиги томонидан юритилади. Унда судловдан бошқа фаолиятлар ҳам мавжуд. Масалан, қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини экспертиза (баҳо бериш) қилиш; адвокатура, нотариат, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш идоралари фаолиятига раҳбарлик қилиш.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли луғатдан.)

Борлиқдаги предметларнинг ҳамда табиат ҳодисаларидаги турли товушлар, шарпа ва кўринишларига тақлидни билдирувчи сўзлар тақлидий сўзлар дейилади. Тақлидий сўзлар икки хил бўлади:

1. Товушларга тақлид билдирувчи сўзлар.

Товушга тақлидни билдирувчи сўзлар кишилар ва ҳайвон, паррандаларга хос товушларига тақлидни (*хўнг-хўнг, пиқ-пиқ, инга-инга, шивир-шивир, говур-говур, дуп-дуп, дук-дук, «миёв», «ванг», «муу», маа, зув-зув, виз-виз, гув-гув*) ҳамда табиатдаги жонсиз нарсалар товушларига тақлидни (*пақ-пақ, чирс, чарс-чурс, гумбур, тиқ-тиқ, чиқ-чиқ, так-тук, қасир-қусур, қарс, жаранг-журунг, чирт*).

2. Шуъла, кўриниш, образга тақлидни билдирувчи тақлид сўзлар.

Тақлид сўзларнинг бу турида бир лаҳзалик акс этган шуъла, образ (*йилт, ялт*), шахс ва предметларнинг ташқи қиёфаси ва ҳолати (*дир-дир, мулт-мулт, ҳанг-манг, жовдир-жовдир, ликанг-ликанг, лапанг-лапанг*), предметларнинг тургун ҳолатдаги кўринишига тақлид (*ланг, милт-милт, лип, ярқ-юрқ, ярқ-ярқ, дув-дув, йилт-йилт*) каби маънолар англашилади.

Тақлидий сўзлар гапда эга (*Залда говур-говур кутарилди*), аниқловчи (*Атрофдан гир-гир шабада эсарди*), ҳол (*Ойдинда йилтираган луччаки шафтолилар дув-дув тўкилди*), кесим (*Йўллар билч-билч*) вазифаларида келади.

Тақлидий сўзлар ҳам отлашиши мумкин, отлашган тақдирда улар отга хос грамматик хусусиятларга эга бўлади: турланади (*Қурбақаларнинг «вақир-вуқур»ига урганиб қолганмиз*), эгалик қўшимчаларини қабул қилади (*Ичкаридан соатнинг чиқ-чиқи эшитиларди*), отга хос синтактик вазифаларни бажаради.

Тақлид сўзлар ёлғиз (*пак, гуп*), жуфт (*қасир—қусур*) ва такрор (*МИЛТ—МИЛТ*) ҳолда қўлланиши мумкин.

120—машқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Тақлидий сўзлар деб нимага айтилади?
2. Улар неча хил бўлади?
3. Товушларга тақлид билдирувчи сўзлар қайсилар?
4. Ҳолатга тақлидни билдирувчи сўзлар деб нимага айтилади?
5. Тақлид сўзлар отлашганда қандай грамматик хусусиятларга эга бўлади?

121—машқ. Гапларни уқинг, тақлид сўзларнинг ёзилишига эътибор беринг. Қайси гапда тақлид сўз отлашмаган?

1. Чироқларнинг милтираши жонга тегди.
2. Мусичанинг «ғув—ғув»и эшитилади.
3. Араванинг тарақ—туруғи эшитилдими, кўчага югурардим.
4. Нимадир қарс—курс портлади.
5. Қоронғида одамларнинг ғовур—ғувури қулоққа чалинди.

Топшириқ. «Тасаввуф» матнини ифодали уқинг ва мазмунини сўзлаб беринг.

Тасаввуф

Тасаввуф — VII—VIII асрларда ислом дини негизида пайдо бўлган. Унда фалсафий—ахлоқий, ижтимоий—сиёсий қарашлар ва ғоялар мужассамлашган. Тасаввуф таълимоти мусулмон Шарқида кенг тарқалган. Унда халқнинг ақли, тафаккури, маънавий ҳаёти, ҳикматлари ўз аксини топган. Тасаввуф таълимоти турли йўналиш ва оқимларни вужудга келтирди, усул ва услублар тизимини ишлаб чиқди.

Тасаввуф — Аллоҳ ва Пайғамбарни яхши куриш, бор вужудини уларга бағишлашдир. Пайғамбар алайҳис—саломнинг шариат ҳукмларини самимийлик, софдиллик ва ихлос билан адо этишдир. Тасаввуф — хослик таълими. Тасаввуф — софлик... Тасаввуф — муомала маданияти... Тасаввуф аҳли ахлоқи нодир фазилатларга бой. Тасаввуф фақат инсоний, гузал ва хур ҳаётдаги тирикликни ёқлайди. Шунинг учун уни ахлоқнинг ҳусни деб таърифлаган. Тасаввуф аҳли — саховат, футувват, қаноат, диёнат, саёҳат ва ишорат аҳли. Булар инсон ҳулқидаги барча ноқислик, жамики ёмонликлар билан кура—шув—чилардир.

Тасаввуф инсон ўз табиатини текшириш ва ҳеч чўчи—масдан нуқсонларни тан олиш зарурлигини англатади. Инсонийликни ҳам, ноинсонийликни ҳам одам юрагида эканлигини кўрсатади. Улуғ бобомиз Алишер Навоий фаолиятидаги аччиқ ҳаёти, тажрибалари, тасаввуфга уни янада яқинлаштиради.

(«Ахлоқ—одоб сабоқлари» китобидан.)

102—§. МОДАЛ СЎЗЛАР

Сўзловчининг ўзи билдирган фикрга, воқеа—ҳоди—саларга муносабатини ифодаловчи сўзлар модал сўзлар (лотинча «модус» — усул, ўлчов) дейилади. Модал сўзлар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) ишонч ва тасдиқни (*туғри, албатта, шубҳасиз, сўзсиз, шаксиз, табиий, ҳақиқатан ҳам, дарҳақиқат*);

б) шубҳа ва гумонни (*афтидан, чамаси, шекилли, эҳтимол*);

в) афсусланиш, ачинишни (*эсиз, аттанг, афсус*);

г) бирор воқеа—ҳодисадан қониқиш, хурсандликни (*хайрият, шукр*);

д) мавжудлик ва тасдиқни ҳамда инкорни (*бор, йук, ҳўп, майли, яхши, дуруст*);

е) баён этилган фикрнинг аввалги фикр билан муносабати ва тартибини (*хуллас, умуман, демак, модомики, бинобарин, биринчидан, аввало*).

Модал сўзларнинг кўп қисми гапда кириш сўз вази-
фасини бажаради. Модал сўзлар сўз-гап сифатида қўл-
ланиши мумкин: —*Бугун театрга борасизми. — Йўқ.*

122—машқ. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

1. Қандай сўзлар модал сўзлар дейилади?
2. Модал сўзлар қандай маъноларни ифодалайди?
3. Модал сўзларнинг кўп қисми гапда қандай вази-
фани бажаради?
4. Қандай модал сўзлар ишонч ва тасдиқ маъносини
ифодалайди?



103—§. АХЛОҚ

Ахлоқ — ижтимоий онг шакллардан бири ҳисобла-
ниб, ҳар бир кишининг жамият ва оиласидаги юриш-
туриши, тартиб қоидаларининг йиғиндиси сифатида гав-
даланади. Демак, жамиятга, оилага, меҳнатга бўлган му-
носабатида ахлоқ намоён бўлади. Инсон хатти-ҳарака-
тидаги, ҳулқидаги йўналишлар, энг муҳим белгилар му-
жассамлашиб, шахс фаолиятида, унинг камол топишида
ҳулқ қоидасининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз И. А. Каримов «*Ўзбекистоннинг ўз
истиқлол ва тараққиёт йули*» асарида «*Катталарни ҳурмат
қилиш, оила ва фарзандлар туғрисида ғамхўрлик қилиш,
очиқ кўнглилик, миллатидан қатъи назар одамларга
хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфа-
тига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар
уртасида муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбек-
лар диёрига, уз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсевар-
лик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисба-
тан алоҳида ҳурмат-эҳтиром — Ўзбекистон аҳолисига*

хос *фазилатдир*», — деб маънавиятнинг асоси бўлган ахлоққа алоҳида эътибор беради.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур яхши хулқлар эгаси бўлган. У оқил ва тadbирли саркарда сифатида одамларни ишга тайинлашда ҳам, вазифасидан озод этишда ҳам шошмашошарлик ва адолатсизликка йул қўймаган, балки етти улчаб бир кесган.

Амир Темур сингари бутун жаҳон маънавияти салтанатида уз ўринларига эга бўлган буюк алломаларнинг ахлоқ, гузал хулқ ҳақидаги фикрлари бугунги кун талаби билан ёзилгандек. Жумладан, Ал-Бухорий «Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик — мана шу тўрт хислатни Аллоҳ Таоло сенга берган бўлса, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам, зарари йўқдир»... деб ёзади.

Воиз Кошифий «Инсоннинг қадр-қиммати, унинг мол-мулки ёки ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан ўлчанади», — дейди.

XX аср бошларида педагогик фикрлар тараққиётининг асосчиси Абдулла Авлоний ахлоқни шундай таърифлайди: «Инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур».

Буюк алломалар фикрича ахлоқда диёнат, исломият, гайрат, қаноат, шижоат, илм, сабр, интизом, виждон, ватанни севмоқ, иффат, ҳаё, идрок, хайрихоҳлик, садоқат, муҳаббат каби инсоний хислатлар мужассамлангандир. Демак, ахлоқ кишининг хулқ-атворида, эътиқод-имонида, юриш-туришида, кундалик турмушида, фикр-мулоҳазасида, мушоҳада ва мулоқотида намоён бўлади. Ахлоқли инсон, тарбия кўрган киши ўзини қаттиқ ҳурмат қилади, унда ички интизом кучли бўлади, мусоҳиб кўнгилга қараб гапиради, унинг дилини оғритмайди, балки муомаласи билан унинг юрагини яшнатади, мулоқот одобига риоя қилади.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий-маънавий вазифаларини ҳал этиш кўп жиҳатдан жамиятнинг

ва ундаги ҳар бир инсоннинг ахлоқий даражасига боғлиқдир. Ахлоқ шахс маънавиятини ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Инсоннинг умри унинг фарзандларида давом этади. Меҳр—оқибат, садоқат, самимийлик, иззат—ҳурмат, андишалик, вафо—муҳаббат, ҳалоллик, одамийлик сингари яхши фазилатларни фарзандлар давом эттирадилар. Бу хислатлар тарбия орқали камол топади. Шунинг учун ҳам бу хислатларни оилада шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ҳар бир ота—она ўз фарзандларига тўғрилиқ, содиқлик, самимийлик, бардошлиқ, меҳрибонлик каби юксак ахлоқий фазилатларни ургатишлари зарур.



Луғат

очиқ кўнгиллилик — добродушный, приветливый
меҳнатсеварлик — трудолюбие
гузал хулқ — красивый нрав
ҳурмат—эҳтиром — почёт, честь, почтение
диёнат — честность, совесть, благочестие

Топшириқлар. 1. Матнни уқинг ва сиз ҳам амалда гузал ахлоқ соҳиби бўлишга ҳаракат қилинг. 2. Одоб—ахлоқ ҳақида 10 та мақол ёзинг ва уни ёд олинг. 3. «*Одобли бола — элга манзур*» мақолини шарҳланг.

Мақоллар

Узингни эр билсанг, ўзгани шер бил.

Салобатли булгунча, саботли бул.

Онангни кафтингда тутсанг,
Синглингни бошингда тут.

Жондан кечмасанг — жонона қайда,
Тоққа чиқмасанг — дүлона қайда?!

Элга қушилсанг эр буласан,
Элдан ажрасанг ер буласан.

Топшириқ. Мақолларни уқинг ва мазмунини билиб олинг.

У Н Б И Р И Н Ч И Ф А С Л

М Е Н Х У Қ У Қ Ш У Н О С Б У Л А М А Н

104-§. С У З Б И Р И К М А С И В А Г А П

Синтаксис (грекча «синтаксис» — тузиш демакдир) грамматиканинг алоҳида бир қисми бўлиб, унда сўзларнинг узаро бирикиш йўллари, гап ва унинг грамматик хусусиятлари ўрганилади. Морфологияда сўз ва унинг грамматик шакли ҳамда хусусиятларини ўрганган эдик, синтаксисда эса гап хусусида баҳс юритамиз.

Биз узаро мулоқотда бўлганимизда, гап орқали ўз фикримизни баён этамиз. Гап, одатда, бирдан ортиқ сўзлардан ташкил топиб, унда сўзлар узаро грамматик воситалар ва қонун—қоидалар асосида (қўшимчалар, ёрдамчи сўзлар, тартиб, оҳанг ёрдамида) бирикади. Масалан, *мактаб, кутубхона, янги, китоб, келтирмоқ* каби сўзларни қатор тизиб қўйганимиз билан улар ҳали ҳеч қандай фикрни ифодаламайди. Биз ана шу сўзларни грамматик жиҳатдан шакллантирганимиздагина маълум бир фикр англай оламиз: *Мактаб кутубхонасига янги китоблар келтирилди*. Ушбу гап қўйидаги сўз бирикмалари ёрдамида ҳосил қилинган:

- а) мактаб кутубхонаси;
- в) янги китоблар;
- с) китоблар келтирилди;
- д) кутубхонага келтирилди;
- е) янги китоблар келтирилди.

Сўз бирикмаси деганда, икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг бири иккинчисига тобеланиб бирикиши ва уларда маълум бир муносабатнинг ифодаланиши тушунилади.

Сўзлар узаро икки хил йўл билан: тенг ва тобе боғланади. Тенг боғланишда сўзлар қўшилмасининг ҳар икки қисми ҳам мустақил бўлади, яъни бири иккинчисига

тобе бўлмайти, бири иккинчисининг маъносини изоҳламайти, тулдирмайти, улар узаро тенг боғловчилар, тенг боғловчи вазифасидаги ёрдамчи сўзлар ва оҳанг йули билан бирикади: *ўқитувчилар ва ўқувчилар, ўқитувчилар билан ўқувчилар, ўқитувчилару ўқувчилар ёки ўқитувчилар, ўқувчилар.*

Тобе боғланишда эса сўзлар бири иккинчисига эргашиб, тобе бўлиб бирикади, бири иккинчисининг маъносини изоҳлайди, тулдиради, ойдинлаштиради. Тобе боғланиш натижасида сўз бирикмаси ҳосил булади: *кузги япроқ, укамдан олмоқ* каби.

Сўз бирикмаси икки қисмдан: бош сўз (ҳоким сўз) ва эргаш сўз (тобе сўз)лардан иборат булади. Бош сўз доимо эргаш сўздан кейин келади ва улар бир-бири билан келишиклар, кўмакчилар ҳамда оҳанг (тартиб) ёрдамида боғланади.

Сўз бирикмасидаги асосий маъно бош сўздан англашилади. Масалан, *тиниқ осмон* деганда, осмонни тушунамиз, *тиниқ* сўзи эса бош сўзнинг маъносини изоҳлаяпти, ойдинлаштиряпти, яъни осмоннинг булутли эмас, тиниқ эканлигини билдиряпти. Ёки *ўқитувчидан сўраш* бирикмасида, табиийки, бирор нарсани сурашни тушунамиз, демак, у бош сўз, *ўқитувчидан* сўзи эса эргаш сўз бўлиб, бош сўзнинг маъносини изоҳлаяпти: бошқа бирор кишидан эмас, айнан ўқитувчидан сўраш тушуниляпти.

Эргаш сўзнинг бош сўзга бирикиш усуллари.

Эргаш сўз бош сўзга қуйидаги йуллар билан бирикади:

1. Мослашув.

Эргаш сўзнинг бош сўзга (шаклига) шахс ва сонда мувофиқ келиши мослашув деб юритилади: *ҳимоячининг нутқи*. Бунда эргаш сўз (ҳимоячининг) ҳам, бош сўз (нутқи) ҳам учинчи шахс бирликда узаро мослашган.

Мослашувда эргаш сўз бош сўз билан қаратқич келишиги ҳамда эгалик қўшимчалари орқали бирикади. Айрим ҳолларда мослашувда қаратқич келишигининг қўшимчаси (—нинг) ҳамда эгалик қўшимчаси (—имиз) қўлланмаслиги мумкин: *инсоннинг қадри — инсон қадри, бизнинг институтимиз — бизнинг институт.* Баъзан иккаласининг ҳам қўлланмаслик ҳоллари учрайди: *Уз ерни қуйиб Ҳинд сори юзландим...* (Бобур.)

Шуни албатта таъкидлаш жоизки, қаратқич ва қаралмиш шахсда, албатта, мослашиши шарт. Сонда эса мослашиши ҳам, мослашмаслиги ҳам мумкин: *онамнинг дугонаси — онамнинг дугоналари* (иккинчи бирикмада қаратқич ва қаралмиш сонда мослашмаган).

Эга ва кесимнинг шахс ва сонда мос келиши ҳам мослашув ҳисобланади: *болалар келишди* (эга ҳам, кесим ҳам III шахс купликда қўлланган) эга ва кесим шахсда, албатта, мослашиши шарт, сонда эса баъзан мослашмаслиги ҳам мумкин (агар эга жонсиз нарсалар, тушунча, ҳайвон ва паррандаларни ифодаласа): *Стол устида китоблар, журналлар, газеталар турибди. Қушлар сайради.*

2. Бошқарув.

Эргаш сузнинг бош сўз талаб қилган шаклда келиши бошқарув дейилади. Бошқарувда эргаш сўз билан бош сўз тушум, жўналиш, ўрин—пайт, чиқиш келишиклари ҳамда *билан, учун, ҳақида, туғрисида, орқали, каби, сари, сингари, туфайли, узра* ва бошқа кўмакчилар ёрдамида бирикади: *дустга садоқат, устозни учратиш, уқитувчидан сўраш, терговчи билан учрашув, ҳуқуқшунос ҳақида суҳбат, телефон орқали гаплашиш* ва ҳ. к.

Бошқарувда агар эргаш сўз турдош от билан ифодаланган бўлса, тушум келишиги қўшимчаси қўлланмаслиги мумкин: *чой ичмоқ, китоб уқимоқ, пахта термоқ.* Агар эргаш сўз атоқли от бўлса, унда, албатта, эргаш сўз белгили қўлланилади: *Тошкент айланмоқ эмас, Тошкентни айланмоқ, Акрам учратмоқ эмас, Акрамни учратмоқ* тарзида ишлатилади.

Бошқарувли бирикишда келишик қушимчалари ва кўмакчилар эргаш сўз таркибида келади. Шунга кўра, келишикли (*уйдан чиқмоқ*) ва кўмакчили (*радио орқали хабар қилмоқ*) бошқарув деб юритилади.

3. Битишув.

Эргаш сўзнинг бош сўз билан ҳеч қандай келишикларсиз ёки кўмакчиларсиз, тартиб ва оҳанг (интонация) йўли билан бирикиши *битишув* ҳисобланади. Бунда бош сўз сифатида кўпроқ от ва феъл (*тиниқ сув, қизил олма, завқланиб гапириш, уйга қайтиш*), эргаш сўз сифатида эса сифат ва равишлар қўлланилиши мумкин (*гузал қиз, тезда қайтиш*).

Изоҳ: *ёлғондан гапириш, тезда қайтиш, қўққисдан кириб келиш* бирикмаларидаги —га, —да, —дан шакллари келишик сифатида тушунмаслик лозим. Улар бутунича равиш ҳисобланади ва шу боисдан бундай бирикишни бошқарувли эмас, битишувли бирикиш сифатида тушунмоғимиз керак.

Битишувда бош ва эргаш сўзларнинг ўрнини алмаштирсак, гап ҳосил бўлади: *ақлли бола — бола ақлли*.

123—машқ. Саволларга жавоб беринг.

1. Сўзлар неча хил йўл билан бирикади ва қандай?
2. Сўз бирикмаси деганда нимани тушунасиз?
3. Сўз қўшилмаси қандай ҳосил бўлади?
4. Сўз бирикмаси неча қисмдан иборат?
5. Эргаш сўз бош сўзга қандай йўллар билан бирикади? Мисоллар асосида тушунтиринг.

124—машқ. Мослашув, бошқарув ҳамда битишув йўллари билан бириккан сўз бирикмаларига тўрттадан мисол ёзинг.

Бош сўз қайси сўз туркуми билан ифодаланишига қараб, сўз бирикмаларини уч турга ажратамиз:

1. Отли бирикма.

Бош сузи от, сифат, сон, олмош билан ифодаланган сўз бирикмалари отли бирикма ҳисобланади: *кенг қуча, менда унта, ҳаммадан гузал, уқувчиларнинг бари*. Ўзбек тилида сўз бирикмалари сонли бирикма, сифатли бирикма, ёки олмошли бирикма сифатида тасниф этилмайди.

Отли бирикмалар купинча мослашув ва битишув орқали бириккан бўлади: *дўстимнинг дўсти* (мослашув), *иссиқ сув* (битишув).

2. Феъли бирикма.

Бош сўз феъл шакллари билан ифодаланса, феъли бирикма ҳисобланади: *мактабда уқийди, тез югурган, мулойим жилмайиб, тез югуриш* каби.

3. Равишли бирикма.

Бош сўз равиш билан ифодаланган бўлса, равишли бирикма ҳисобланади: *менда куп, ҳаммадан тез, ҳаммадан илғари*.

125—машқ. Қуйидаги қушилмаларни дафтарингизга қучиринг ва сўз бирикмаларини топиб тагига чизинг. Қандай боғланганлигини тушунтиринг.

Адолатли ҳукм, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, жиноий жавобгарлик, китоб, дафтар ва қалам, ижро этмоқ, кўзойнак, тепа сочи тикка бўлмоқ, хавfli жиноятчи, ҳолдан тоймоқ, қасдан ўлдирмоқ, одил судья, ҳимоя қилмоқ, институт талабалари.

126—машқ. Қуйидаги жумлада нечта сўз бирикмаси мавжуд? Ҳар бирини алоҳида ёзиб чиқинг ва изоҳ беринг. Жумлани рус тилига таржима қилинг.

Жазодан амнистия ёки афв акти асосида озод қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади (ЎЗР ЖИК, 166—модда).

106—§. СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Сўз бирикмалари тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлади. Бош ва эргаш сўзлардан бири ёки ҳар иккиси битта сўздан ташкил топган бўлса, содда бирикма ҳисобланади (*тезда қайтиш, дўстга ҳурмат*).

Такрор сўзлар ва иборалар билан тузилган бирикмаларни ҳам содда бирикмалар сифатида тушуниш керак: *тандир—тандир нонлар, бағри кенг оналар, ёлғиз оёқ йўл* каби.

Эргаш ва бош сўзлардан бири ёки ҳар иккиси икки ёки ундан ортиқ сўзлардан иборат бўлса, бундай бирикмаларни мураккаб бирикмалар деймиз: *китоби кўп кутубхона, баҳор фаслида қайтиш, майдони кенг ҳовли, сочи узун қиз*.

127—машқ. Матни уқинг ва сўз бирикмаларининг тузилишига кўра турини аниқланг.

Олий Мажлис

Олий Мажлис — Ўзбекистон Республикасида ягона қонун қабул қилувчи, унга ўзгартириш киритувчи Олий давлат органидир. У халқ вакиллари — депутатлардан иборат. Унинг таркибида 250 депутат бўлиб, улар сайловчилар томонидан умумий тенг, тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йули билан

сайланади. Олий Мажлисга 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари сайланади. Депутатлар 5 йил муддатга сайланади. Олий Мажлис фаолиятини тегишли муддатларда ўтказадиган сессияларда амалга оширади, сессиялар 1 йилда камида 2 марта чиқарилиши белгиланган. Зарур ҳолларда навбатдан ташқари сессиялар ҳам чиқарилиши мумкин. Олий Мажлис ўз фаолиятига ёрдам бериш учун турли органларни тузади. Олий Мажлисининг ваколатлари Конституция ва Олий Мажлис тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйилган.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли луғатидан.)

Топшириқ. Саволларга жавоб беринг:

1. Олий Мажлис қандай орган ва унинг вазифаси нималардан иборат?
2. Олий Мажлис таркибини кимлар ташкил қилади?
3. Депутатлар қанча муддатга сайланади?

107-§. ГАП ВА УНИНГ СЎЗ БИРИКМАЛАРИДАН ФАРҚИ

Гап нутқ ва муомала воситасининг бирлиги ҳисобланиб, воқеликни ва сўзловчининг унга бўлган муносабатини ифодаловчи, грамматик ва мазмун жиҳатдан шаклланган сўзлар қўшилмасидир. Нутқ товушлари сўзларни, сўзлар сўз бирикмаларини, сўз бирикмалари эса гапларни шаклантиради. Гап қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши шарт:

1. Сўзлар маълум грамматик воситалар ёрдамида ҳамда грамматик қонун-қоидалар асосида бириккан бўлади: *Даладаги ҳосилни йиғиб олишда ҳашарчиларнинг ёрдамидан фойдаландик.* Бу гапда *-да, -ни, -иб, -нинг, -дан, -ди, -к* сингари турли морфологик шакллар ишлатилган, гапни ташкил этган *даладаги ҳосил, ҳосилни йиғиб олиш, ҳашарчиларнинг ёрдами, ҳашар-*

чиларнинг ёрдамидан фойдаланиш, йиғиб олишда фойдаланиш каби сўз бирикмалари эса маълум грамматик қонун—қоидалар асосида бириккан.

2. Гапда бирор фикр ифодаланган бўлади, воқелик ҳақида хабар берилади ёки шу воқеликка сўзловчининг турлича муносабати баён қилинади: *Баҳор келди* (хабар мазмуни). *Бугун шу ерда қоласизми?* (сўроқ мазмуни). *Китобингизни бериб турсангиз* (илтимос). Куришиб турибдики, ҳар учала гапда воқелик ҳақида хабар, сўзловчининг воқеликка турлича муносабати (сўроғи, илтимоси) ифодаланган.

3. Гап оҳанг, интонация жиҳатидан тугалланган бўлади. Гап тугагач, одатда, пауза қилинади ва ундан сўнг иккинчи гап бошланади: *Тонг отди. Узоқдан улкан тоғ чўққилари кўзга ташланди.*

4. Гап алоқа—аралашувнинг энг кичик бирлиги сана—лади.

Изоҳ: Гапда пауза алоҳида аҳамиятга эга. Гап қисмлари (синтагмалар) ҳам пауза билан ажратилади. Паузанинг алмашиши гап мазмунига таъсир қилиши мумкин: *Баланд болаҳонали уй* бирикмасида *баланд* сўзидан сўнг пауза қилинса, уйнинг баландлиги, *болаҳонали* сўзидан сўнг пауза қилинса, болаҳонанинг баландлиги тушунилади.

Юқоридаги хусусиятларнинг ҳеч бири сўз бирикмаларига хос эмас, чунки сўз бирикмасида ҳеч қандай фикр ифодаланмайди (маъно ифодаланади, холос): *ўқувчиларнинг бири, мул ҳосил*. Сўз бирикмалари нисбий ва интонацион тугалликка ҳам эга бўлмайди. Қиёслаб кўрайлик: *ширин олма* (ҳали бирор фикр ифодаланмаган, фақат олма — предмет англашиляпти, холос), *олма ширин* деганда эса, олманинг ширин эканлиги ҳақида хабар берилляпти, фикр ифодаланяпти. Бу фикр нисбий тугалланган, интонацион жиҳатдан ҳам тугалликка эга, шунинг учун у гап ҳисобланади.

128—машқ. Қуйидаги сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг ва рус тилига таржима қилинг.

Буюк ҳуқуқшунос, ширин хаёллар, қўнгли тоза инсон, инсон ҳаёти, энг оғир жиноят, айбига иқроор бўлмоқ, ишни куриб чиқиш, тажрибаси кўп терговчи.



108—§. МЕН ҲУҚУҚШУНОС БУЛАМАН

Одамзот яралибдики, орзу—ҳаваслар қучоғида яшайди, эзгу ниятлар қанотида парвоз қилади. Ўзи туғилиб усган Ватанига, ўзини тарбиялаб устирган халқига сadoқат билан хизмат қилиш — ҳар бир ёниқ қалб эгасининг олий мақсадидир. Мени оқ ювиб, оқ тараган отаонаминг, меҳри дарё каби жўш урган азиз устозларимнинг беминнат хизматлари туфайли вояга етдим. Бугун ҳаёт остонасида туриб уфқларга кўз тикар эканман, мустақил юртимизнинг демократик ва ҳуқуқий жамият қуриш йўлини танлаганидан беҳад қувондим. Чунки бу жамият адолат тантанаси учун қурашади, фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечирishiларига кафолат беради. Бунинг бирдан—бир вазифаси, энг аввало, одамлар онгида ҳуқуқий билимни шакллантириш ва ҳуқуқий маданиятни қарор топтиришдир. Шундай экан, ҳеч иккиланмай «Мен ҳуқуқшунос бўламан», деб ўзимга сўз бердим.

Инсон ўз ҳаёти давомида қанчадан—қанча тўсиқларга, ноҳақлик ва адолатсизликка дуч келади. Уларни енгиб ўтиш ва адолатни қарор топтириш ҳазилакам иш эмас. Бунда илмининг ўрни, айниқса, ҳуқуқий билимнинг кучи ниҳоят даражада беқиёсдир. Агар киши (у хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин) ўз ҳуқуқини яхши билса, Конституция белгилаб берган қонун ва қоидалардан хабардор бўлса ишда ҳам, турмушда ҳам бахтини топади. Энг қийин ва энг мураккаб бўлиб туюлган ҳар қандай ишнинг ечими ҳуқуқ эгаси олдида осонлик билан ҳал этилади.

Ҳукуматимиз Конституцияни ўрганиш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Бундан мақсад аҳолининг барча

бўгинларини демократик давлатнинг асос ва тамойиллари билан яқиндан таништириш, шу билан бирга, одамлар қалбида қонунга ҳурмат ҳиссини уйғотиш эди. Қонунни ҳурмат қилган ва адолат байроғини баланд кўтарган халқнинг келажаги ҳамisha ёруғ ва порлоқ бўлади. Мен ана шу келажакни орзу қилган ҳолда ҳуқуқ—шунос бўлмоқчиман. Ана шу орзуйим ушалиб ҳуқуқ—шунос бўлсам, Ватанимнинг гуллаб—яшнаши ва халқимнинг бахту саодати учун яйраб—яйраб хизмат қиламан.



Лугат

мақсад — цель
қийин — трудный
порлоқ — светлый

беқиёс — несравнимый
асос — основание
ҳуқуқ — право

Топшириқ. Қуйилаги саволларга жавоб беринг:

1. Келажакда ҳуқуқшуносликнинг қайси йуналиши (ихтисослиги) бўйича фаолият кўрсатмоқчисиз? Нима учун?
2. Машҳур ҳуқуқшунослардан кимларни биласиз?
3. Биринчи ўзбек ҳуқуқшунос аёли ким? Унинг фаолияти қаҳида нималарни биласиз?

Мақоллар

Аслини билмай сўз демаслар,
Наслини билмай қиз бермаслар.

Яхши—яхши, ўқиган ундан яхши.

Тутри сўз тош ёради, эгри сўз бош ёради.

Гапни кам сўзла, ишни кўп сўзла.

Топшириқлар: 1. Мақолларни ўқинг ва маъносига эътибор беринг. 2. Мақолларни ёд олинг.

УСТОЗЛАР УЎГИТИ — БУЮК САОДАТ

109—§. ГАП ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Юқорида биз гап орқали бирор воқеа ҳақида хабар берилиши ёки шу воқеликка сўзловчининг турли муносабатлари ифодаланиши ҳақида гапириб ўтдик. Демак, сўзловчининг гапиришдан мақсади бирор воқелик ҳақида хабар бериш ёки ўзга маълум бўлмаган воқеа—ҳодиса ҳақида маълумот олиш, ё бўлмаса тингловчини ҳамда ўзгани бирор нарсани бажаришга ундаш, илтимос қилиш, бирор воқеадан таъсирланганини, ҳис—туйғу ва ҳаяжонини ифодалашдан иборатдир. Шунга кўра гаплар қуйидаги турларга бўлинади: дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гап, ҳис—ҳаяжон гап.

Тошшириқ. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг қуйидаги байтини шарҳланг.

Боболарнинг хикмати ҳаётга ёруғ йулдир,
Отанг боласи бўлма, одам боласи бул дер.

110—§. ДАРАК ГАП

Юзага келган ёки амалга ошаётган ва ошадиган воқелик ҳақида тасдиқ ёки инкор йўли билан хабар берувчи гаплар дарак гап дейилади. Дарак гап, одатда, тинч оҳанг билан айтилади ва ёзувда дарак гап охирига нуқта қўйилади: *Зал жим—жит. Талабалар диққат билан маъруза тинглашмоқда. Хавфли жиноятчи қўлга олинди.*

Дарак гап орқали баъзан истак ва гумон маъноларини ҳам ўқишимиз мумкин: *Бугун сиз билан бирга қолсам. Эртага дадамлар ҳам келиб қолишар.*

129—машқ. Қуйидаги сузлар иштирокида дарак гаплар тузинг ва рус тилига таржима килинг.

Урганмоқ, сўрамоқ, бажармоқ, тутмоқ, тергов қилмоқ, ўқимоқ, ҳурмат қилимоқ, жазоламоқ.

130—машқ. Матнни эътибор қилиб ўқинг. Дарак гаплар нимани ифодалаётганини айтинг. Матннинг мазмунини сузлаб беринг.

Ишонч

Ишонч — бу одамларнинг дили ва қалбини боғловчи катта куч. Одам бошқаларга ишониши натижасида унга ихлос қўяди. Ишончнинг асосий мазмунида ҳалоллик, адолат, соф виждонлилик, поклик, сўз билан иш бирлиги каби ахлоқ—одоб фазилатлари ўз ифодасини топган. Ишончнинг муҳим шартлари — одамлар меҳрини қозониш, маросим ва маъракаларда қатнашиш, кексаларга ёрдам ва тасалли бериш, ногирон ва хасталарнинг ҳолидан хабар олиш, доимо инсонлар билан муносабатда бўлиш ва бошқалар. Қаллоб, фирибгарларга ҳеч ким ишонмайди. Ишончнинг кушандаси — алдамчилик. Одамлар сенга ишонмас экан, бу — бахтсизлик. Алишер Навоийга бутун халқ ишонарди. Унинг ҳурмати ҳам, буюклиги ҳам, бахти ҳам ана шунда эди.

Ўзбек халқи қадим—қадимдан бир—бирларига ишониб келган. Айниқса, ишончи бор кишилар элда эъзозланган. Унинг бир оғиз сўзи билан ҳал бўлмаётган ишлар ҳам битиб кетган. Халқимиз ҳаётда туғрилиги билан ҳурмат қозонган кишиларга ишонч билан қараганлар. Унинг номини ҳамма жойда фахр билан тилга олганлар. Кимдир унга тўхмат қилмоқчи бўлса, ҳимоя этиб, «Яхши одам», «Ҳимматли одам», «Элпарвар одам» деб баҳо берганлар. Соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Улуғбек каби алломалар ва саркардаларга бўлган ишонч турк халқлари орасида кенг ўрин олган. Уларнинг

одоби, гўзал хулқ—атворлари, эл—юртга таралган муътабар номлари бутунги кунда ҳам пок кишилар қалбидан урин олиб келмоқда.

(«Ахлоқ—одоб сабоқлари» китобидан.)

111—§. СҮРОҚ ГАП

Сўроқ гапларда сўзловчига номаълум бўлган воқеа—ходиса ҳақидаги сўроқ маъноси ифодаланади ва тингловчидан унга жавоб кутилади:

Ўзингиз ёлғиз келдингизми? Қаерда яшайсиз?

Сўроқ гаплар қуйидаги грамматик воситалар ёрдамида ҳосил қилинади:

а) —ми, —чи, —а, —я каби сўроқ юкламалари ёрдамида: *Бугун келасиз—а? Тинчгина утирибсиз—ми? Ўзингиз—чи, нега индамайсиз?*

б) *ким?, нима?, қаер?, қачон?, қандай?, нега?* каби сўроқ олмошлари ёрдамида: *Туйга кимлар келди? Нима иш қилиб қўйдингиз? Қаерга кетмоқчисиз?*

в) сўроқ оҳанги ёрдамида: *Уйга меҳмон келди? От улди?* Сўроқ оҳанги ёрдамида фақат дарак гапларнигина эмас, буйруқ гапларни ҳам сўроқ гапга айлантириш мумкин: *Кутиб туринг?*

Сўроқ гапларнинг шундай тури ҳам борки, уларда тингловчидан жавоб қайтариш талаб қилинмайди. Бундай гаплар риторик сўроқ гап дейилади: *Онани ким севмайди?* (онани ҳамма севишини биламиз ва сўроққа жавоб талаб қилмаймиз.)

Риторик сўроқ гаплар замирида яширин тасдиқ ёки инкор маънолари ётади: *Бепоён гўзал Ватанимизда нималар йўқ* (ҳамма нарса бор — тасдиқ маъноси). *Ўзингиздан чиққан балога, қайга борасан давога* (ҳеч қаёққа бо—ролмайсан — инкор маъноси).

Риторик суроқ гаплар тинч оҳанг билан айтилса, гап охирига суроқ белгиси эмас, нуқта қўйилади: *Ие, мен кимни кутяпман.*

Айрим суроқ гаплар буйруқ маъносини ҳам ифода—лаши мумкин: *Тез—тез қимирламайсанми!*

131—машқ. Суроқ гапларни шаклантирувчи воситалар ёрдамида соҳангизга оид 6 та суроқ гап тузинг ва уларни рус тилига таржима қилинг.

132—машқ. 10 та риторик суроқ гап тузинг ва дафтарингизга кўчиринг.



112—§. ОЛТИН ОЛМА, ОЛҚИШ ОЛ

Бир устоз шогирдига дебди:

— Эй шогирдим, бугундан бошлаб мукамал уста бўлдинг. Энди ўзинг танла, мана бир ҳовуч олтин. Олтинни оласанми ёки дуо қилайми? Халқимизда ажойиб бир нақл бор: «Устоз отангдай улуг», деган. Шу боис менинг дуоим ҳам ота дуоси каби мустажоб бўлмай, иншооллоҳ.

Олтинни кўриб, шогирдининг кўзи қамашиб, юрагига гулгула тушибди.

— Олтинни берақолинг, устоз, — дебди у.

Устоз бир ҳовуч олтинни шогирди қўлига тутқазибди.

Бир ҳовуч тиллони қийиғига ўраб, белига маҳкам боғлаган шогирд, ўзида йўқ шод, узоқ сафарга йўл олибди. У йўл юрса ҳам мул юриб, бир шаҳарга етиб борибди. Уша шаҳарга муқим жойлашиб, тиллоларни аста харж қилиб, бадавлат ҳаёт кечира бошлабди. Орадан кўп вақт ўтмай фалокат рўй бериб, шаҳарни душман қамал қилибди. Чор атрофда қаҳатчилик бошланибди. Шогирд бир ҳовуч олтинни чангаллаганича турли томонга емиш ахтариб югурар эмиш. Лекин бундан бирор наф чиқмабди. Егулик бир бурда нон ҳам топа

олмабди. Ниҳоят очликдан силласи қуриб, йиқилибди. Шунда унинг қуришган лаблари аста шивирлабди: «Олтин—кумуш тош экан, арпа—буғдой ош экан» дея жон берибди.



Луғат

олтин — золото
олқиш — приветствовать
устоз — мастер, учитель
ҳовуч — приготня

олма — яблоко
шогирд — ученик
сафар — путешествие
харж — расход

Савол ва топшириқлар. 1. Матнга доир саволлар тузинг. 2. Сиз ҳам мактабда биронта устозингизни ранжитиб, кейин пуншаймон булганмисиз? 3. «Устоз — отангдай улду» мақолини шарҳланг.

113-§. БУЙРУҚ ГАП

Буйруқ, дўқ—пўписа, маслаҳат, илтимос, орзу—истак каби турли маъно қирраларини ифодаловчи гаплар буйруқ гап дейилади. Буйруқ гапнинг кесими кўпроқ феълнинг буйруқ—истак майли шаклида бўлади: *Ҳисоб—китобни эртагача тахт қилиб қуйинг! Айтинг, бажа—ришсин!*

Буйруқ гаплар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) маслаҳат, таклиф маъносини: *Кийимни янгилигидан, номусни ёшлиқдан сақлаш. Эртага туйимизга марҳамат этинг.*

б) дўқ—пўписа, газаб, таҳдид маъноларини: *Қани олдимга тушиб кўр—чи!*

в) илтимос маъносини: *Китобингизни бериб турунг.*

г) орзу—истак маъносини: *Қани энди муздек совуқ сув булса!*

д) ташвиқ, даъват маъноларини: *Куннинг тигида ишлаб нима қиласан, бу ёққа келсанг—чи!*

Буйруқ гаплар турлича оҳанг, интонация билан айтилади. Агар буйруқ гаплар кучли ҳаяжон, дуқ—пүписа, газаб, таҳдид маъноларини ифодаласа, бундай гаплар охирига ёзувда ундов белгиси қўйилади: *Куринмагил, йукол кўзимдан!*

Буйруқ гаплар маслаҳат, илтимос маъноларини англатса, бундай гаплар охирига нуқта қўйилади: *Булунча бизникида ётиб турсангиз.*

133—машқ. Матни диққат билан уқинг. Буйруқ гапларни топиб дафтарингизга кучиринг. Топшириқларни бажаринг.

Бедана воқеаси

Она бедана учирма булган полапонларига дебди:

— Мана болажонларим, ўзларингиз уча оладиган бўлдингиз. Энди мустақил ҳаёт кечирришга ўрганинг. Ўз донингизни ўзингиз топиб енг. Фақат бир нарсага жуда эҳтиёт булинг. Одамзотнинг тузоғидан сақланинг.

Шундан кейин бедана болалари турли томонга ўз ризқларини ахтариб ўчиб кетибдилар. Улардан бири ўзоқ бир манзилга етибди. Бир жойда кўп дон сочилиб ётганини кўрибди. Жуда очикқанлиги сабаб она насиҳатлари ҳам эсидан чиқиб, ўзини донга урибди ва овчи қўйган тузоққа илинибди. Шунда у онаси нақадар ҳақ эканлигини англаб, ўйламасдан, эҳтиётсизлик билан қилинган иш надоматга олиб келишига ишонч ҳосил қилиб, энди бу қийин аҳволдан қутулиш чорасини ахтариб, овчига дебди:

— Эй одамзот боласи, сўзларимга қулоқ сол. Шояд Аллоҳ таолодан манфаат кўрсанг. Сўнг мени нима қилсанг ихтиёринг.

Шунда овчи бедананинг сўзидан ҳайратга тушибди.

— Ҳеч бир оқил одам мени семиз эмаслигимга ва оч қолган кимсани қорнини тўйдира олмаслигимга шакшубҳа қилмаслиги аниқ, — дея сўзини бошлабди бедана. — Менинг учта ҳикматли сўзим бор. Уларни эшитишни истасанг, гапимга қулоқ сол.

Биринчи ҳикматли сўзни айтганимда кўлингни очасан, иккинчи ҳикматли сўзни эса, дарахт шохига қўнғач, айтаман.

Овчи рози бўлибди. Шунда бедана:

— Утган ишга ҳеч қачон афсус—надомат қилма, — дебди. Овчи шартга биноан қўлларини очибди. Қушча пир этиб дарахт шохига қўнибди ва сўзида давом этибди:

— Доимо ақл билан иш юрит, ақл бовар қилмас нарсаларга ишонма!

Овчи сабрсизлик билан учинчи ҳикматли сўзни ҳам айтишни беданадан сўрабди.

— Эй нодон одам! — дебди бедана. — Мен сени бошлаб лақиллатдим. Лақма бўлмасанг, мени қўйиб юборармидинг. Агар мени сўйганингда эди, жигилдонимда нақд товук тухумидек келадиған ёқут бор эди.

— Эҳ, мени алдадинг маккор бедана, — дебди овчи. Лекин учинчи ҳикматли сўзни айтишни беданадан қатъий талаб қилибди.

— Қандай қилиб, сенга учинчи ҳикматли сўзни айтай, — дебди бедана. — Ахир, бир дам утмасдан олдинги икки ҳикматли сўзни унутдинг—ку. Сенга насиҳат бефойда экан. Утган ишга афсус—надомат қилма, ақл бовар қилмас нарсага ишонма, демадимми. Уйлаб кўрмайсанми, ахир, қандай қилиб кичкина жигилдонимга товук тухумидек келадиған ёқут сиғиши мумкин. Бу ақл бовар қилмас нарса—ку!

Шундай деб бедана учиб кетган экан.

(«Ҳалол ва ҳаром» китобидан.)

Савол ва топшириқлар. 1. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг. 2. Нима учун бедана боласи овчининг тузогига илинди? 3. Нафсни тиймаслик, эҳтиётсизлик ва катталар ўғитига қулоқ солмасликнинг оқибати нималарга олиб келар экан? 4. Сиз ота—онангиз ва устозларингиз ўғитига доимо қулоқ тутасизми? 5. Овчи ҳақида ўз фикрингизни билдириңг.

Ҳис-ҳаяжон гаплар сузловчининг воқеликка турлича ҳиссий муносабатларини, ички ҳиссиёти билан боғлиқ маъноларни: таажжуби ва ҳайратланиши, шодлиги ва уқинчлари, орзу-истаклари, ғазаб ва нафрати маъноларини ифодалайди.

Биз юқорида буйруқ гапларда ҳам шу каби маънолар ифодаланишини қайд этган эдик. Бироқ буйруқ гап ва ҳис-ҳаяжон гапларни бир-биридан фарқлаш керак: буйруқ гаплар қанчалик кучли интонация билан айтилмасин, уларда барибир етакчи мазмун — буйруқ маъноси устунлик қилади. Қиёслаб кўрайлик: — *Чийиллама!* — деди ҳайқириб Йулчи. — *Олиб чиқ уша темир солқонингни! Уят, уят сенларга! Минг марта уят!*

Ҳар икки гапда ҳам ғазаб ва нафрат маъноси зоҳир, бироқ биринчи гапда буйруқ маъноси, иккинчи гапда эса фақат нафрат, ғазаб маъноси устунлик қилипти. Демак, биринчи гап буйруқ, иккинчи гап эса ҳис-ҳаяжон гап ҳисобланади. Буйруқ ва ҳис-ҳаяжон гапларнинг яна бир фарқи шундаки, ҳис-ҳаяжон гаплар таркибида қандай, нақадар, қанчалар, шунчалар каби олмошлар, кучайтирув юкламалари (*наҳот, наҳотки, ҳаттоки*), ундов сўзлар кўпроқ қатнашади, буйруқ гапларда бундай хусусият сезилмайди.

Ҳис-ҳаяжон гаплар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) орзу-истак: *Қани энди бу йил ТДЮИга ўқишга кирсам!*

б) ачиниш, таассуф: *Эссиз ёшлик! Эссиз елларга совурилган орзулар!*

в) руҳий кутаринкилик, завқланиш: *Оҳ, сўлим баҳор! Эҳ, бахтиёр ёшлик!*

г) таажжуб, ҳайронлик: *Наҳотки шунчалар гўр булсангиз!*

Ҳис—ҳаяжон гаплар суроқ гаплардан ҳосил бўлган бўлса, гап охирига бир йўла иккита тиниш белгиси қўйилади: *Мени ташлаб кетмайсизми?!*

Ҳис—ҳаяжон гапда суроққа нисбатан ҳис—ҳаяжон кучли бўлса, аввал ундов, сунг суроқ белгиси қўйилади: *«Ҳой, бас қиласизми йигини!?»*

Агар гап ута кучли ҳаяжон, интонация билан айтилса, гап охирига бир йўла учта ундов белгиси қўйилади: *Йуқ! Йуқ! Йуқ!!! Чидай олмайман бу азобларга, чидай олмайман!!!*

134—машқ. 10 та дарак гап тузинг ва уни ҳис—ҳаяжон гапга айлантинг.

135—машқ. Қуйидаги жумланинг ифода—маъносига кура турини айтинг? У Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси бобига тегишли? Конституциянинг ушбу моддасини рус тилига таржима қилинг ва қисқача шарҳланг.

Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр—қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

115-§. ГАПНИНГ ТУЗИЛИШИГА КУРА ТУРЛАРИ

Гаплар тузилишига (грамматик асослар миқдорига) кура икки хил бўлади: содда ва қўшма гаплар.

Содда гаплар фақат битта гапдан иборат бўлиб, унинг грамматик асоси битта бўлади: *Ҳар тонг далаларни кезиб чиқаман.* Эга ва кесим гапнинг грамматик асоси — маркази ҳисобланади, уларсиз гап ҳосил бўлмайди.

Қўшма гаплар икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг маълум бир грамматик қонун—қоидалар асосида бирикувидан ҳосил бўлади: *Ёридан айрилган етти йил йиғлар, элидан айрилган улгунча йиғлар. Эшик очилди ва Навоий кириб келди.* Ушбу гаплар икки содда гапнинг

оҳанг ҳамда ва бириктирувчи боғловчи ёрдамида бири-кишидан ҳосил бўлган қўшма гап ҳисобланади.

116-§. СОДДА ГАПЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Содда гаплар грамматик асосига кўра икки хил бўлади:

1. Бир бош бўлакли гаплар.
2. Икки бош бўлакли гаплар.

Бир бош бўлакли гап таркибида фақат битта бош булак, эга, ё кесим қатнашади. Бир бош бўлакли гапларнинг ўзи қуйидаги турларга бўлинади: шахси маълум, шахси номаълум, шахси топилмас, шахси умумланган, атов ва сўз — гаплар.

Икки бош бўлакли гап таркибида ҳар икки бош булак: эга ва кесим иштирок этади. Агар бундай гап фақат эга ва кесимдан иборат бўлса, содда йигиқ гап дейилади: *Баҳор келди*. Гапда эга ва кесимдан ташқари иккинчи даражали булаklar: тулдирувчи, аниқловчи, ҳоллар мавжуд бўлса, содда ёйиқ гап ҳосил бўлади: *Улкамизга гузал баҳор келди*.

Демак, икки бош бўлакли гапларда гапнинг барча булаклари иштирок этиши мумкин. Аммо гапни шакллантирувчи булаklar: эга ва кесимлар гапда албатта бўлиши шарт, иккинчи даражали булаklar эса бош булаklarдан бирортасига боғланиб, унинг маъносини тулдиради, аниқлайди.

136—машқ. Саволларга жавоб беринг.

1. Содда гаплар грамматик асосига кўра неча хил бўлади?
2. Бир бош бўлакли гаплар икки бош бўлакли гаплардан қайси жихатлари билан фарқ қилади?
3. Бир бош бўлакли гаплар қандай турларга бўлинади?

137—машқ. Матнни уқинг ва рус тилига таржима қилинг. Матннинг мазмунини эсда сақланг.

Меҳнат ҳуқуқи

Меҳнат ҳуқуқи — икки маънода ишлатилади. Биринчиси, маълум муносабатларни (меҳнат муносабатларини) тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси бўлиб, бунда у ҳуқуқнинг алоҳида бир тармоғи ҳисобланади. Иккинчи маъноси меҳнат ҳуқуқи деганда шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқини билдиради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида меҳнат қилиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқлари сифатида белгиланган. Унга асосан, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ҳуқуқига эга. Давлат меҳнат ҳуқуқини кафолатлаб, ҳар бир шахсга яхши, адолатли меҳнат шароитларини яратиб бериш, ишсизликдан ҳимоя қилиш мажбуриятини олади. Меҳнатга яраша ҳақ тўлаш қонун билан белгиланади. Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари ҳеч ким мажбурий меҳнатга жалб қилиниши мумкин эмас. Вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқи алоҳида ҳимоя қилинади. Улар учун кам иш куни ва соати урнатилади, оғир ва зарарли ишларга жалб қилиш тақиқланади.



117-§. УСТОЗЛАР УГИТИ — БУЮК САОДАТ

Бундай уйлаб қарасангиз ўқувчилик ва талабалик йиллари илм олишнинг энг мароқли давридир. Сиз—у бизнинг жажжи қўлларимизга қалам тутқазиб, битталаб ҳарф танитган ҳам меҳрибон ўқитувчиларимиз — қалби дарё устозларимиз бўлади. Инсон боласи дунёга келиб даставвал меҳр ва тарбияни ота—онадан олса, таълимни эса устоздан урганади. Ота—онамиз ардоқ билан устириб дунёни кўрсатса, меҳрибон устоз қалб кўзимиз очиб оламни танитади. Ота—она меҳри танимизга ҳаво бўлиб кирса, устоз муҳаббати юрагимизда қонга айланади. Бу қон бизни яшашга чорлайди, орзулар чаманига етак—

лайди. Биз фақат шу туфайлигина уткинчи умримизга ва ақлу—заковатимиз борлигига шукрона айтамыз.

Бир куни Искандар Зулқарнайндан?

— Сен устозингни онангдан кура яхшироқ ҳурмат қилар эмишсан, шу ростми? — деб сўрабдилар.

— Ҳа, — деб жавоб берибди Искандар, — онам мени йуқлик осмонидан олиб тушдилар, устозим эса ердан кукка кўтарди.

Мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ҳам фахр билан:

*Жаҳон илмики бу кун менга ёд эрур,
Анга барча жаҳл аҳли устод эрур,* —деган экан—

лар.

Устоз ҳақида Бузургмеҳрдан сўрабдилар:

— Нима учун устозингни отангдан афзалроқ ҳурмат қиласан? — деганларида у:

— Чунки отам мени уткинчи ҳаётга олиб келди, устозим эса боқий ҳаёт бағишлади, — деб жавоб беради.

Ҳақиқатдан ҳам устоз илм бериши билан кишининг номини улуғлаб, авлодлар оғзида қолдиради ва иккинчи ҳаёт бағишлайди.

*Илм — андок ганжи нофеъдур бани одамгаким,
Кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго,*

— деганларида Огаҳий ҳазратлари минг чандон ҳақ эдилар.

Устозларнинг беминнат хизматларига сўз оз эрур дунёда, қисқа таъриф эса ушбудир:

Биз ким эдик дунёда,
Агар устоз бўлмаса.
Булмас эдик зиёда —
Агар устоз булмаса.
Устоз борки, оламнинг
Бор шодлиги биз тараф.
Устоз борки, одамнинг
Бахти турар ярқираб.

Нур — зиёга бой бўлган,
Шу устозлар бор булсин!
Доим бизга интилган —
Қалби шодликка тулсин!
Устоз илмин бир умр,
Дилда эъзоз этайлик!
Айтиб чексиз ташаккур —
Мангу бахтга етайлик!

Дарҳақиқат, Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳисса—ломнинг ҳадиси шарифларида «Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб урганинглар» (126), ёки «Ҳар бир му—сулмонга талаби илм қилиш фарздир» (334), — дейилади. Биз ёруғ жаҳонда мангу бахт излаб, комил инсон бў—лишни истар эканмиз, фақат ва фақат устозлар илми туфайлигина бундай орзуга эриша олишимиз мумкин бўлади. Ҳаётган ҳар кун ва ҳар дақиқа биздан устозларга нисбатан садоқат ва ҳурмат билан хизмат қилишни, эъзоз ва муҳаббатда бўлишликни тақазо этади.

Шуни унутмаслик керакки, илмни, устозни эл ҳам, замон ҳам эъзозлайди. Мустақиллик йилларида илм аҳлига, айниқса, устозларга бўлган муносабат тубдан ўз—гарди. Мамлакатимизда мураббийлар куни алоҳида бай—рам сифатида нишонланадиган бўлди. Демократик ва ҳу—қуқий жамият қурилаётган ҳозирги кунларда устоз—ларнинг қадр—қиммати янада ортди.

Илму фан йўлида жонбозлик кўрсатиш билан бирга ёшларга ўз билим ва тажрибаларини улашиб келаётган қалби дарё устозларимиз талайгина. Академик Азиз Қа—юмов, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Ҳалимбой Бобоев, юридик фанлари докторлари Мирзаюсуф Рустамбоев, Шоакбар Шораҳметов, Икром Зокиров, филология фанлари докторлари Тура Мирзаев, Абдуқодир Ҳайитметов, Карим Назаров, Иброҳим Ҳақ—қулов ва Боқижон Тухлиев каби устозларнинг илм со—ҳасидаги беминнат хизматларини нафақат юртимизда, балки чет элда ҳам яхши биладилар.

Устознинг розилигини олган, дуосида бўлган шо—гирдлар ҳеч қачон кам бўлишмаган. Бизлар ҳам куни келиб, етук ёшларга етамиз, устоз буламиз. Фурсатдан фойдаланиб шуни ният қиламанки, устозлар бахти, уларнинг шуҳрати ва боқий умри бизларга ҳам насиб этсин! Ҳа бахтиёр ва унутилмас кунларга ёруғ юз билан етиш ҳар биримизнинг доимий шиоримиз бўлиб қолсин!

Илоё, азиз устозларимизга муътабар «мураббий»лик тахти, бизларга эса шарафли «шогирд»лик бахти ёр бўлсин!



Луғат

қалам — карандаш

тарбия — воспитание

боқий — вечный

беминнат — безвозмездно

ардоқ — беречь

мутафаккир — мыслитель

насиб — удел, судьба

дақиқа — минута

Топшириқ. Матнни ифодали уқинг ва мазмунини сузлаб беринг.

Мақоллар

Устозингга тик қарасанг, тузасан,
Ҳурмат қилсанг, аста—секин ўзасан.

Уста борида қулингни тий,
Устод борида — тилингни.

Уста бўлсанг, устозингни унутма.

Уқуви бор улғаяр,
Уқуви йўқ сарғаяр.

Ўрганиш — осон, ўргатиш — қийин.

Устозсиз шогирд — жонсиз кесак.

Фозиллар фазилати — ҳаёт зийнати.

Устоз кўрган хат танир.

Топшириқлар. 1. Мақолларни қисқача шарҳланг. 2. Мақолларни ёд олинг.

ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

118-§. ГАП БУЛАКЛАРИ. ЭГА ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Эга гапнинг грамматик маркази, таянч нуктаси ҳи—собланиб, гапнинг ким ёки нима ҳақида бораётганини билдиради ва бирликда *ким? нима? қаер?* купликда эса *кимлар? нималар?* суроқларидан бирига жавоб бўлади. Эга қуйидаги сўзлар орқали ифодаланади:

1. От билан: *Отабек уста Олимнинг уйига бурилди.*
2. Отлашган сифат билан: *Яхшилар купайсин, ёмон қолмасин.*
3. Сон билан: *Икки ун беш— бир уттиз.*
4. Олмош билан: *Биз фан чуққиларини эгаллагани келдик.*
5. Ҳаракат номи билан: *Уқимоқ—улғаймоқ.*
6. Отлашган сифатдош билан: *Бирлашган дарё бўлур.*
7. Отлашган ундовлар билан: *Кимга керак бунча «оҳ—воҳ»лар.*
8. Тақлид сўзлар билан: *Мусичанинг «ғув—ғув»и эшитилди.*
9. Сўз қўшилмалари билан: *Ўзбекистон Республикаси—мустақил давлат.*
10. Ибора билан: *Тепа сочининг тикка бўлиши бизга ёқмади.*
11. Модал сўзлар билан: *Бор—борича, йўқ—ҳолича.*

Эга асосан бош келишиқда қўлланилади. Айрим ҳоллардагина чиқиш келишиги қўшимчасини олиши мумкин: *Унда ҳам бу китоблардан бор.* Бунда бутун билан булақ муносабатини ифодалайдиган қисм тушиб қолган: *Унда ҳам бу китоблардан баъзилари бор.*

138—машқ. Матнни кучиринг. Эгани топиб тагига чизинг ва улар қайси суз туркуми билан ифодаланаётганини саволлар бериб аниқланг. Матнни рус тилига таржима қилинг.

Референдум

Референдум — энг муҳим масалаларни халқнинг бевосита иштирокида ҳал қилиш. Референдум — умумхалқ овози ҳисобланади. У мамлакат ҳаётидаги муҳим масалаларни ҳал қилиш, қонунлар қабул қилиш учун ўтказилади. Референдум кунини, унда ҳал қилинадиган масалалар Олий Мажлис томонидан белгиланади. Референдумда бюллетенга саволлар ёзилган бўлиб фуқаролар уларга нисбатан ўз муносабатини билдирадилар. Референдумда овоз бериш яширин ўтказилади. Референдум халқнинг жамият ва давлат ишларида иштирокини таъминловчи муҳим восита. Уни ўтказиш тартиблари махсус қонун билан белгиланган.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли луғатидан.)

119-§. КЕСИМ ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Эгага боғланиб, у ҳақида хабар берувчи булак кесим дейилади. Қайси суз туркуми билан ифодаланишига кура кесимлар икки хил бўлади:

а) от-кесим. От-кесим *у ким? у нима? у қанча? у қандай? у қайси?* каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади. У қуйидаги сўзлар билан ифодаланади:

- от билан: *Жаҳл—душман, ақл—дўст;*
- сифат билан: *Олам дўстлар билан гўзал;*
- сон билан: *Дунёда ўзбек миллати битта;*
- олмош билан: *Чўлда ҳаёт яратганлар—мана шулар;*
- ҳаракат номи билан: *Ўқиш—улғайиш;*
- равиш билан: *Шошилганнинг пушаймони кўп.*

б) феъл—кесим. Феъл орқали ифодаланиб, *нима килди? нима қиляпти? нима қилмоқчи?* каби суроқлардан бирига жавоб бўлади: *Ташқарида гупиллаб қор ёгмоқда.*

Кесимлар отлашган ундовлар (*Бунча «вой—вой»—лайсан?*), тақлид сўзлар (*Қаердадир чумчуқ чийиллади*), иборалар билан (*Қизнинг ҳусни Фиёсиддиннинг қулгани кар, кузини кўр қилиб қўйган эди*) ҳам ифодаланади.

Кесимлар тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлади. Содда кесимлар фақат биргина сўз билан ифодаланади ҳамда таркибида боғламаси бўлмайди: *Ариқ тўла сув оқмоқда.* Мураккаб кесимлар эса икки ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлади: *Раис кучанинг ўзида ҳужжатга қўл қўйиб қўя қолди. Дўстим таниқли шоир эди.*

139—машқ. Матнни уқинг. Гапларнинг кесимини топиб, қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра турини айтинг.

ЭМБАРГО

Эмбарго (исп. — *хатга олиш, тақиқлаш*) — 1) тинчлик ёки уруш даврида муайян давлат билан алоқаларни (одатда ташқи иқтисодий алоқаларни) ёки ушбу давлат муайян товарлар экспорт қилиш ёхуд ушбу давлатдан айрим товарларни импорт қилишни тўлиқ ёки қисман тақиқлаш. Халқаро амалиётда бирон—бир давлатга қурол етказиб беришга эмбарго белгилаш ҳоллари маълум. БМТ Уставининг 39 ва 41—моддаларига биноан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши тинчликка нисбатан ҳар қандай хавф мавжуд бўлганда ёки тинчлик бузилганда ёки ҳужум бўлганда қуролли кучларни қўллаш билан боғлиқ бўлмаган чораларни, жумладан эмбаргони (иқтисодий муносабатларни тўла ёки қисман узишни) қўллашга ҳақлидир. Бундай чоралар бошқа халқаро жиноятларни содир этган давлатларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Турли вақтларда ЖАР, Родезия, Ливия, Ироқ, Югославияга нисбатан эмбарго қўлланилган; 2) дав-

латнинг ушбу давлат бандаргоҳлари ва ҳудудий сув ҳавзаларидан хорижий кемаларнинг чиқишини тақиқлаши. Уруш эълон қилинганда, шунингдек, репрессалий сифатида ва баъзи бир ҳолларда қўлланилади; 3) булғуси рақиб савдо кемаларини ҳибсга олиш шаклида XIX аср урталаригача қўлланилган превентив чора эмбарго уруш бошланганидан сўнг бундай кемаларни эгаллаб олишни осонлаштириш мақсадида қўлланилган.

120-§. БОГЛАМА

Эга ва кесимни бириктирувчи грамматик воситалар ҳам мавжудки, улар боглама деб аталади. Булар асл мус—тақил маъноларини йўқотиб, ёрдамчи вазифага кучган сўзлар: бўлади, ҳисобланади, эди, эмиш ва —дир қў—шимчасидир. *Дейдилар, соғлиқ ҳаёт берган эҳсон экан. Анвар ёшлигида бушангина бола эди.* Богламалар бир—бири билан синонимлар ҳисобланади: *Меҳнатнинг нони ширин бўлади* (ширин ҳисобланади, шириндир, ширин экан).

Бироқ *бўлади* сўзи боглама эмас, кесим бўлиб келиши ҳам мумкин: *Бугун йиғилиш бўлади.* Бунда *бўлади* сўзи *утказилади* маъносини англатмоқда.

140—машқ. Матнни диққат билан ўқинг. Боглама қатнашган гапларни топиб дафтарингизга кўчириш ва тушунтириб беринг.

Эрни эр қиладиган ҳам хотин...

Қадим замонда бир киши илм ва доноликда шу даражага етибдики, ҳатто кундуз кунлари ҳам осмондаги юлдузларни кўра оладиган бўлибди. Бунга сабаб хотинининг ниҳоят даражада покиза, саранжом—саришталиги экан. Дарҳақиқат, хотин эрига жуда яхши муносабатда бўлар, уни вақтида ювиб—тараб, кийим бошларини озода

тутар, тозаликка хаддан ташқари риоя қилар экан. Бир куни ўша киши хотинига мақтаниб қолибди:

— Эй хотин, қанча фахрлансанг, мағрурлансанг ҳам оз. Чунки, мендек авлиёсифат эринг бор—а. Қара, кундуз куни ҳам осмондаги юлдузларни кўра оламан.

— Ҳа, дадаси, бунинг ҳаммаси орасталигим ва сизни покиза парвариш қилишим туфайли, — дебди хотини мамнунлик билан.

— Э қуй—е, ақли паст хотин, — дея жеркиб берибди эр. — Қандай қилиб сен туфайли бўлсин, ахир? Ўзим—нинг ақл—заковатим туфайли шу даражага етишганман.

Бундан қаттиқ ранжиган хотин шу кундан эътиборан эрини яхши парвариш қилмай қуйибди. Орадан кўп ўтмай эрнинг кўзлари хиралашиб, энди кундузи куни юлдуз кўриш у ёқда турсин, ҳатто тўғри йўлни ҳам тополмай қолибди. Шундан кейин у хотинидан узр сўраб, қилган хизматига, садоқатига тан берибди.

(«Халол ва ҳаром» китобидан.)

121—§. ЭГА БИЛАН КЕСИМНИНГ ШАХС ВА СОНДА МОСЛАШУВИ

Эга билан кесим шахс ва сонда мослашади: *Биз тонгда тоққа жунадик*. Бу гапда эга (*биз*) ва кесим (*жунадик*). I шахс кўпликда мослашган. Эга билан кесим III шахс кўпликда ҳамма вақт ҳам сонда мослаша—вермаслиги мумкин: Агар эга бирор тушунча ёки жонсиз предметлар, ҳайвонлар, паррандаларни англатса, кесим билан сонда мослашмайди: *Ўзбекистон ва Хитой ўрта—сида музокаралар бошланиб кетди. Гуллар, дарахтлар кўзни қувонтиради. Боғда булбуллар сайрайди*.

Кўпликдаги эга кишиларни билдирганда, кесим бирликда ҳам, кўпликда ҳам кела олади: *Талабалар институт ҳовлисига тупланишди (тупланди)*. Шахсни англатувчи эгалар уюшиб келганда ҳам кесим бирликда

ҳам, қушлиқда ҳам қўлланилаверади: *Рустам, Анвар, Собир бир курсда ўқийди (ўқишади)*.

141—машқ. 10 та гап тузинг. Уларнинг бештасида эга билан кесим мослашмаган, бештасида эса мослашган бўлсин.

122-§. ЭГА БИЛАН КЕСИМНИНГ ОРАСИДА ТИРЕНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Эга билан кесим орасига қўйидаги ҳолларда тире қўйилади:

а) эга ё кесим, ёки ҳар иккиси ҳам ҳаракат номи билан ифодаланса: *Ўқимоқ — улгаймоқ. Ўқиш — жуда катта бахт. Мақсадим — олим булиш.*

б) эга ва кесим бош келишиқдаги от билан ифодаланиб, улар орасида боғлама қўлланмаса: *Онам—ўқитувчи*. Агар боғлама қўлланса, тире қўйилмайди: *Онам ўқитувчидир*. Бироқ бу кўринишда эга алоҳида таъкидлаб, урғу бериб айтиладиган бўлса, боғлама қўлланган тақдирда ҳам тире қўйилаверади: *Тил — миллатнинг бойлигидир* (бу гапда тил — эга алоҳида таъкидланмоқда).

в) кесим сон, олмош билан ифодаланиб, боғлама қўлланмаган бўлса: *Чўлда ҳаёт яратган—биз. Икки карра икки—турт.*

г) эга курсатиш олмоши билан ифодаланган бўлса: *Бу—бизнинг буюк Ватанимиз.*

д) эга кишилиқ олмоши билан ифодаланиб, унда боғлама қўлланмаган бўлса: *Мен—ўқитувчи*. Боғлама қўлланган тақдирда эса тире қўйилмайди: *Сен менинг дўстимсан.*

Бироқ кишилиқ олмоши билан ифодаланган эга алоҳида таъкидлаб айтилса, боғлама қўйилган тақдирда ҳам тире қўйилаверади: *Сен—етим эмассан* (бу гапда *сен*—эга алоҳида урғу ва таъкид билан айтилмоқда).

142—машқ. Матни уқинг. Эга билан кесим орасига тире куйилган гапни топиб изоҳ беринг.

Жигарим — ёдгорим

Қадим замонда бир подшоҳ катта қушинга укасини саркарда этиб тайинлаб, унга икки уғлини қушиб, жангга жунатибди. Орадан бир неча кун утгач, катта уғли жангда ҳалок бўлганлиги ҳақида хабар келибди. Шунда подшоҳ:

— Аллоҳ раҳмат қилсин. Парвардигор Ўзи берган эди, яна Ўзи олди, — дебди.

Орадан кўп утмай кичик уғли ҳам жангда шаҳид бўлганлиги ҳақида хабар келибди. Подшоҳ яна аввалгидек:

— Аллоҳ раҳмат қилсин. Яратганнинг Ўзи берган эди, яна Ўзи олди, — дебди.

Орадан бир ой ўтиб: «Подшоҳим, укангиз ҳам жангда шаҳид бўлди», деган хабар келибди. Шунда подшоҳ тахтидан тушиб, уввос солиб йиғлай бошлабди. Мулозимлар шохдан сўрашибди:

— Эй олампаноҳ, икки уғлингиз шаҳид бўлганда бунчалар қайғурмаган эдингиз, бир укангиз улимидан бундай азият чекишингизнинг боиси не?

— Эй халойиқ, мен йиғламай ким йиғласин. Ахир укам ота-онамдан қолган яккаю ёлғиз жигарим — ёдгорим эди. Икки уғлимдан айрилган бўлсам, яна фарзанд туғиб берадиган хотиним бор. Аммо энди менга ука туғиб берадиган онам аллақачон бу дунёдан ўтиб кетган, — деган экан шоҳ.

Топшириқ. «Жигарим—ёдгорим» матни хусусида ўз фикрингизни мустақил баён қилинг.

Тулдирувчи, аниқловчи ва ҳол гапнинг иккинчи даражали булаклари дир. Иккинчи даражали булаklar гапнинг грамматик асосини ташкил этмай, гапнинг бош булаklarига, баъзан бир—бирига боғланиб, уларнинг маъноларини тулдиради, аниқлайди, изоҳлайди ва фақат ёйиқ гаплардагина иштирок этади.

143—машқ. Матни рус тилига таржима қилинг ва юридик терминларнинг маъносини билиб олинг.

Инфляция шарти

Инфляция шарти — 1) ойлик маоши келишувидаги шарт. Инфляция шарти курсаткичи маълум даражадан ошганда, маошнинг ҳам автоматик равишда оширилишини назара тутати; 2) пул қадрсизланиши натижасида нархларнинг ўсиши туфайли маҳсулотнинг ҳам нархини ошириш ва инфляция чегирилларини ҳам қоплаш учун қўшимча тўловни амалга ошириш буйича контракт шарти.

Инфракция — шартнома (контракт) шартларининг бузилиши.

Ионлаштирувчи нурланиш — радиоактив парчаланишда, ядровий эврилишларда, моддий зарядланган заррачалар ҳаракатининг секинлашувида ҳосил қилинадиган ҳамда муҳит билан ўзаро таъсир этиш чоғида ҳар хил кутбли ионлар ҳосил қиладиган нурланиш. Мазкур таъриф — қоида ЎзРнинг 2000 йилда қабул қилинган «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги қонунининг 2—моддасида мустаҳкамланган.

Гапнинг бирор булагига бошқарув йули билан бирикиб, шу булакнинг маъносини тўлдириб келувчи булак тўлдирувчи дейилади. Тўлдирувчи бош ва қаратқич келишигидан ташқари барча келишикдаги сўзлар, шунингдек, айрим кумакчилар билан ифодаланади. Тўлдирувчи кўпроқ эга, кесим ва аниқловчига боғланади: *Онани ардоқлаш—қалб иппи. Бетга айтганнинг захри йуқ. Йулда дўстимни учратдим.*

Тўлдирувчи от (*Китобни севаман*), отланган сифат (*яхшиларни авайланг*), сон (*Унга унни қушсак йигирма булади*), олмош (*Сизни ардоқлайман, онажон*), ҳаракат номи (*Ватанни севмоқни сиздан ургандим*), отлашган сифатдош (*Туядан йиқилганни ит қолибди*), равиш (*Кулдан қуён қочиб қутулмас*) билан ифодаланади.

Тўлдирувчилар икки хил булади:

а) воситасиз тўлдирувчи тушум келишигидаги сўзлар орқали белгили ёки белгисиз, ё булмаса қисқартирилган шаклда қўлланилиши мумкин. Воситасиз тўлдирувчи *кимни? нимани? қаерни?* сўроқларидан бирига жавоб булади. Элни севган элсиз қолмайди.

Воситасиз тўлдирувчилар турдош от билан ифодаланса, одатда белгисиз қўлланилади: *Бир киши ариқ қазийди, минг киши сув ичади.*

б) воситали тўлдирувчи жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги сўзлар ҳамда айрим кумакчилар орқали ифодаланади ва *кимга? нимага? кимда? нимада? Нимадан? ким билан? нима билан? ким учун?* (аталганлик маъносида) *нима учун?* (аталганлик маъносида) *ким орқали? нима орқали? ким ҳақида? нима ҳақида? ким томонидан?* каби саволларга жавоб булади: *Вафосизда ҳаё йуқ, ҳаёсизда вафо йуқ. У ҳам муҳаббат завқидан баҳраманд бўлди.*

144—машқ. Матни кучиринг. Суроқлар ёрдамида тўлдирувчини топиб тагига чизинг. «Хусусий ажрим» юридик терминининг маъносини ёдда сақланг.

Хусусий ажрим

Хусусий ажрим — ЎзР процессуал ҳуқуқида суд қарорининг алоҳида тури. У суд жараёнида вужудга келган ва кўриб чиқиляётган ишга алоқаси бўлмаган қонунбузарликларга суднинг акс таъсирини кўрсатади.

Хусусий ажрим тегишли орган ва ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга жўнатилади, улар эса кўрилган чоралар ҳақида хусусий ажрим нусхасини олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида судга хабар беришлари шарт. Агар фуқаролик иши ёки шикоятни кўриб чиқиш пайтида суд мансабдор шахс ёки бошқа шахснинг ҳаракатида фуқароларнинг ҳуқуқини бузувчи ноқонуний ҳолатларни аниқласа, бу ҳақда прокурорга хабар қилади ёки жиноят иши кўзғатилади. Суднинг жиноий иш кўзғатиш ҳақидаги хусусий ажрим юзасидан хусусий шикоят берилиши мумкин.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли лугатидан.)

125-§. АНИҚЛОВЧИ

Гапдаги бирор булакнинг (кўпинча эга ва тўлдирувчи, шунингдек, қаратқич аниқловчининг) белгисини ёки бир нарса—буюм, тушунчанинг бошқасига қарашлилигини билдирувчи булак аниқловчи дейилади. Аниқловчи вази—фасини кўпроқ сифат, сон, от ва отлашган сузлар бажа—ради. Аниқловчи, асосан, эга ва тўлдирувчига боғланади. *Яшил водийлар кўзни қувонтиради* (эгага боғланыпти). *Халқимиз ҳамиша буюк инсонларни ардоқлаб келмоқда* (тўлдирувчига боғланыпти).

Аниқловчилар грамматик хусусиятлари ва мазмунига кура икки хил бўлади:

а) сифатловчи—аниқловчи гаптаги бирор предмет белгисини ифодалайди ва *қандай?*, *қанақа?*, *қайси?* каби суроқлардан бирига жавоб бўлади.

Сифатловчи—аниқловчилар қуйидаги сўзлар орқали ифодаланади:

—сифат билан: *Шакар қовунларнинг хушбуй ҳидлари сабо билан тарқалар секин.*

—сон билан: *Дукондан икки қоп ун олдик. Укам учинчи синфда уқийди.*

Изоҳ: —ала ёрдамида ҳосил бўладиган жамловчи сонлар эгалик қўшимчаси билан қўлланганда — эга, эгаллик қўшимчасисиз қўлланганда эса аниқловчи бўлиб келади.

—олмош билан: *Ана шу хатта боғ—бизники.*

—от билан: *Олтин кузни севаман жондан.*

—равиш билан: *Узоқ—яқин ердан меҳмонлар келиб туришди.*

—тақлид сўз билан: *Боғдаги гуж—гуж гуллар кузни қамаштиради.*

Сифатловчи—аниқловчилар йиғиқ ва ёйиқ бўлиши мумкин. Йиғиқ сифатловчилар биргина сўздан (*Гузал баҳор келди*), ёйиқ сифатловчилар эса икки ёки ундан ортиқ сўзлардан (*Мисдек қизиб турган юзини икки каф—ти орасига олди*) иборат бўлади.

б) қаратқич аниқловчилар предметнинг бирор шахс ёки бошқа предметга қарашлилигини билдиради ва *кимнинг?*, *ниманинг?*, *қаернинг?* суроқларидан бирига жавоб бўлади: *Яхшининг юзи жаннатдур, ани курмоқ ганиматдур.*

Қаратқич аниқловчилар белгили ёки белгисиз, шунингдек, қисқарган ҳолда қўлланилиши мумкин. Қаратқич ва қаралмиш орасида бирор бўлак келмаган бўлса, одатда, қаратқич белгисиз қўлланиши мумкин (*мактаб кутубхонаси*), агар улар орасида бирор бўлак мавжуд

булса (*мактабнинг кенг кутубхонаси*) белгили қўлла-
нилади. Баъзан эса қаратқич қисқарган шаклда қўлла-
нади: *Ер куррасин бошин танғидик.*

Қаратқич ва қаралмиш шахс жиҳатидан доим мос-
лашади, аммо сон жиҳатидан мослашиши ҳам, мос-
лашмаслиги ҳам мумкин: *Укамнинг уйинчоғи кўп.*
Укамнинг уйинчоқлари кўп.

145—машқ. Аниқловчи қатнашган 6 та гап тузинг ва аниқ-
ловчи қайси сўз туркуми билан ифодаланганини айтинг.

146—машқ. Қуйидаги мақолларни кучиринг. Ҳар бирининг
маъносини шарҳланг. Аниқловчини топиб тағига чизинг ва турини
аниқланг:

Осойишталик — энг эҳши малҳам.

Тинч элнинг боғи гуллар.

Қушнинг тинч — сен тинч.

Беғалва бош бош эмас.

126-§. ИЗОҲЛОВЧИ

Изоҳловчи — аниқловчининг бир тури сифатида шахс
ва предметни бошқача ном бериш йўли билан ифо-
даловчи булақдир. Изоҳловчилар, асосан, от билан ифо-
даланиб, қариндошлик (*Олим ака*), касб, амал, машғулот,
мутахассислик (*шоир Абдулла Орипов*), унвон (*генерал*
С. Раҳимов), лақаб (*Жуман писмиқ*), ухшашлик (*фа-*
шизм—жинчироқ) каби маъноларни билдиради.

147—машқ. Изоҳловчи қатнашган 5 та гап тузинг ва уни рус
тилига таржима қилинг.

148—машқ. Матнни рус тилига таржима қилинг ва маъно-
сини ёдда сақлаб қолинг.

Конституциявий қонун

Конституциявий қонун—айрим мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда қонуннинг алоҳида тури бўлиб, конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаларидан бири. Конституциявий қонун Конституциявий даражада ҳал қилиниши, тартибга солиниши, ўрнатилиши мумкин масалалар буйича чиқарилади. Уни қабул қилиш ва унга ўзгартириш киритиш тартиби ҳам оддий қонунларга нисбатан бошқача. Оддий қонунлар оддий купчилик овоз билан қабул қилинса ва ўзгартиш киритилса, Конституциявий қонун қабул қилиш, унга ўзгартириш киритиш учун учдан икки қисм овоз талаб қилинади. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида” ва “Олий Мажлис тўғрисида”ги қонунлар Конституциявий қонун ҳисобланади.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли луғатидан.)

127-§. ҲОЛ

Кесимга боғланиб, унинг белгисини (иш-ҳаракатнинг қай тарзда юзага чиқиши, қаерда, қачон, нима мақсадда, нима сабабдан, қай даражада бажарилишини) ифодаловчи булак ҳол деб аталади. Ҳол вазифасини, асосан, равишлар бажаради. Ҳол вазифасида баъзан от (*Биз сўқмоқ йўл билан тоққа кутарилдик*), сон (*Ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал*), ҳаракат номи (*Биз ўқиш учун келганмиз*) келиши ҳам мумкин.

Ҳоллар маъносига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Равиш (вазият, тарз) ҳоли иш-ҳаракатнинг қай тарзда ва қай усулда бажарилишини билдиради ҳамда *қандай? қандай қилиб? қай тарзда? қай усулда?* каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: *Чакмонининг икки*

ёнини хуржунга ухшатиб, елкасига ташлади—да, шошил—масдан орқасига қайтди. Тонг шабадаси гир—гир эсади.

2. Пайт ҳоли иш—ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради ва қачон? қачонгача? қачондан бери? гачон—дан буён? каби суроқлардан бирига жавоб булади: *Совуқ кун сайин қаҳрини оширади. Хадича хола кеча қиш—лоқдан қайтиб келди.*

3. Урин ҳоли иш—ҳаракатнинг бажарилиш урнини билдиради ва қаерда? қаерга? қаердан? қаергача? Суроқ—ларидан бирига жавоб булади: *Ичкарида уч—тўрт оқсоқол гурунглашар эдилар.*

Изоҳ: Айрим сузлар ҳам пайт, ҳам урин равиши урнида қўлланилиши мумкин. Масалан: *Бу ерлар илгари* (пайт ҳоли) *хароб эди. Уктам бир неча қадам илгари* (урин ҳоли) *юрди. Унда—бунда* (пайт ҳоли) *булбул сай—райди. Унда—бунда* (урин ҳоли) *чироқлар милтиллайди.*

4. Сабаб ҳоли иш—ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган сабабни билдиради ва *нима учун? нима сабабдан?* каби суроқлардан бирига жавоб булади: *Шо—дивой уялганидан қизарди.*

5. Мақсад ҳоли иш—ҳаракатнинг қандай мақсадда бажарилганлигини билдиради ва *нима учун? нима мақ—садда?* каби суроқлардан бирига жавоб булади: *Тарихий жойларни томоша қилиш учун Хивага жунадик.*

6. Даража—миқдор ҳоли иш—ҳаракатнинг бажари—лиши билан боғлиқ бўлган даража—миқдорни билдиради ва *қанча? неча марта? қай даражада?* каби суроқлардан бирига жавоб булади: *Бу гални минг марта эшитганман.*

7. Шарт ҳоли иш—ҳаракатнинг қандай шарт билан бажарилишини билдиради ва *нима қилса? нима бўлса?* каби суроқлардан бирига жавоб булади: *Собир бутун улгурса келади.*

8. Тусиқсизлик ҳоли бирор иш—ҳаракатнинг юзага чиқиши учун тусиқ бўлолмаган бошқа бир иш—ҳара—катни билдиради ва *нима қилса ҳам? нима бўлса ҳам?*

каби суроқлардан бирига жавоб бўлади: *У кўрса ҳам ўзини кўрмасликка олди.*

149—машқ. Холнинг ҳар бир турига (маъносига кўра) 2 тадан гап ёзинг. Ҳолни аниқлаб, маъносини тушунтириб беринг.

128—§. ГАП БУЛАКЛАРИ ТАРТИБИ

Гапда бош ва иккинчи даражали бўлақлардан ҳар бирининг ўз ўрни бўлади. Илмий, бадиий, расмий, публицистик (оммабоп) услубларда бунга қатъий риоя қилинади.

Гап бўлақлари гапда, одатда, қуйидагича жойлашади:

—эга гап бошида, кесим гап охирида, қўлланилади: *Маънавий фазилатлар ҳусни оширади.*

—ҳол кесимдан олдин жойлашади: *Собир шаҳардан кеча қайтиб келди.*

—аниқловчи, одатда, эгадан олдин ва кейин жойлашади: *Мумтоз адабиётимиз маънавиятимизни бойлади. Биз чиройли гуллардан гулчамбарлар ясадик.*

—тўлдирувчи, одатда, эгадан кейин, баъзан аввал ҳамда кесимдан олдин жойлашади: *Биз гуллардан гулчамбар ясадик. Гулни севган тиканни ҳам севади.*

Сўзлашув услубида гап бўлақларининг тартибига купинча амал қилинмайди: *Минорадан тушолмай қолди буванг. Келдик, мана, сизни йўқлаб.*

Шеърятда туроқ ва ритм талабига кўра баъзан гап бўлақларининг ўрнини алмаштириб ишлатиш ҳоллари учрайди, тилшуносликда бу ҳодиса инверсия деб аталади: *Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, узбегим.* Бу гапдаги инверсия эга ва кесимга ҳосдир, аслида гап мана бу тартибда тузилиши керак эди: *Минг асрлар ичра пинҳон* (воқеалар) *сенинг тарихингдир.*

150—машқ. Матни кучиринг ва гап булаklarини аниқлаб тагига намунадагидек чизиб чиқинг.

Намуна: эга: _____ тулдирувчи: _ _ _ _ _
кесим: ===== ҳол:
аниқловчи: ~~~~~

Қонунчилик органлари

Қонунчилик органлари — давлат вакиллик коллегиял муассасалари бўлиб, Конституцияда уларга давлатнинг асосий функцияларидан — қонунчилик ҳокимиятини амалга ошириш юклатилади. Бундан ташқари, қонунчилик органларига одатда давлат бюджетини тасдиқлаш, ижро ҳокимияти органлари устидан назорат қилиш, шунингдек, муайян доирадаги юқори мансабдор шахсларни (судлар, обмудсман) сайлаш, халқаро битим ва шартномаларни ратификация ҳамда денонсация қилиш ҳуқуқлари берилган. Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлис — қонунчилик органи ҳисобланади.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли луғатидан.)



129-§. ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Истиқлол йилларида маҳаллалар фаолиятини кучайтиришга қаратилган бир қатор давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Бу эса маҳаллаларимизнинг обод бўлишига, жамият тараққиётини белгилайдиган оилаларимизнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришларига замин яратмоқда. Бинобарин, маҳалла тинч бўлса, кишиларнинг меҳнат қилишга, улкан мақсадлар билан яшашга бўлган иштиёқи янада ортади. Халқимизнинг «Бир болага етти маҳалла ота-она» деган ажойиб мақоли бор. Болалари—

мизни ёшлигиданоқ яхши тарбиялаб, юрагида маҳаллага, Ватанга ва миллатга муҳаббат ҳиссини уйғота олсак, у улгайганда шу юрт ва миллат учун хизмат қилади, керак бўлса жонини аямайди. Агар ота—она уз боласининг тарбияси билан шуғуллангани ҳолда маҳалла ҳам бe—фарқларча муносабатда бўлса, уни ёмон йўлларга кириб кетмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ҳозирда кўпчилик «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилидаги уйлар билан яшайди. Бундай ҳол бизнинг узбекчиликка хос фазилат эмас.

Фуқароларнинг ўзини—ўзи бошқарув органи Конституциямизнинг 105—моддасига биноан фуқаролар йиғинлари ҳисобланади. Мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти органи ишининг самарадорлигини сақлаб қолган ҳолда ҳокимият ваколатларини марказ ихти—ёридан соқит қилиш, уларнинг бир қисмини маҳаллий ҳокимият органига олиб бериш йўллари излаб топилди. Бу уз навбатида ўзини—ўзи бошқарув органиларнинг родини кучайтириш ва обрў—эътиборини мустаҳкамлаш учун имконият яратди. Буларнинг барчаси миллий давлатчилигимизни шакллантириш ва ривож—лантириш соҳасидаги стратегик вазифамиз экан, у биз танлаб олган жамиятни демократиялаш йўлига тўла асосланган.

Хулоса қилиб айтганда, дунёда тинчлик ва эзгулик бўлса, халқларнинг дўстлиги мустаҳкамланади. Фақат дўстликкина келажагимизнинг буюклигини таъминлаб беради. Маҳалла ва оилаларимизнинг осойишталиги юртимиз осмонининг мусаффолиги, чегараларимиз даҳл—сизлигига кўп бора боғлиқдир. Шундай экан, ҳар бир фуқаронинг хотиржам ва омонлиги эртанги кунларимиз ёруғ ва обод бўлишига замин яратади. Зеро, маҳалла—тинчлик қўрғонидир.



Лугат

маҳалла — махалля
миллат — национальность
фаол — активный

вазифа — задание
ҳокимият — хакимият, власть
хотиржам — спокойный

Топшириқлар. 1. Матнни ифодали уқинг ва мазмунини сузлаб беринг. 2. Лугатни дафтарингизга кучиринг ва ёд олинг.

Мақоллар

Эгилган бошни қилич кесмас.

Эзгуликнинг кечи йўқ.

Эл оғзига элак тутиб бўлмас.

Зар қадрини заргар билар.

Бирники — мингга, мингники туманга.

Топшириқлар. 1. Мақолларни уқинг ва ёд олинг. 2. Мақолларнинг мазмунини қисқача шарҳланг.

МАЪРИФАТ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

130-§. ГАПНИНГ УЮШИҚ БУЛАКЛАРИ

Гапда бир хил синтактик вазифа бажарувчи ва бир хил сўроқларга жавоб бўлиб келувчи булаклар уюшиқ булаклар деб аталади. Гапнинг барча булаклари уюшиб келиши мумкин:

1. Эганинг уюшиши: *Қуёш, ҳаво танга даво.*

2. Кесимнинг уюшиши: *Комбайн уради, йиғади, янчади.*

3. Тўлдирувчининг уюшиши: *Биз саёҳатга поезд ёки автобусда борамиз. Йўвогарларни, тирноқ остидан кир кидирувчиларни, гап тапшувчиларни ёқтирмайман.*

4. Аниқловчининг уюшиши: *Ҳозир ҳам Эркиннинг, Абдулланинг шеърларидан таскин топаман.*

Агар сифатловчи аниқловчилар предметни фақат бир томонлама, бир хил хусусиятларга кўра аниқлаб келса, уюшган булади ва гапда улар орасига вергул қўйилади: *Боғимизда қизил, сафсар, сариқ, оқ гуллар очилди.* Бу гапда қизил, сафсар, сариқ, оқ аниқловчилари предметнинг фақат рангини аниқлаб келяпти, шу боисдан улар уюшган аниқловчилар ҳисобланади.

Аниқловчилар предметни турли томондан, унинг турли хусусиятларига кўра аниқлаб келса, уюшмаган булади ва улар орасига вергул қўйилмайди: *Ҳовлига катта қора сигир кириб келди.* Бу гапда аниқловчилар сигирни икки томонлама ҳам ҳажми, ҳам рангини аниқлаяпти, шунинг учун улар уюшмаган аниқловчи ҳисобланади.

5. Ҳолнинг уюшиши: *Тоғларда, қирларда, адирларда алвон долалар очилди. Одам дунёга чучқадай семиришу, битдай болалаш учун келмайди.*

151—машқ. Гапларни ўқинг. Уюшиқ булакларни топиб айтинг. Гапларни рус тилига таржима қилинг.

1. Ҳалоллик ва фидоийлик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. 2. Илм—зиё салоҳияти бу халқнинг, Ватаннинг улкан бойлиги, келажак пойдеворидир. 3. Илм масканларида фақатгина фикр эркинлиги, чинакам ижод ва изланиш ҳукмрон бўлмоғи зарур. 4. Мен XXI аср — маънавият асри, маърифат асри, илм—фан, маданият ва ахборот асри бўлишига қатъиян аминман. (И. Каримов. «Инсон бахт учун тугилади». Тошкент, 1998.)



131-§. КАМТАРЛИК

Камтарлик — инсон қиёфасини безовчи бебаҳо фазилатлардан биридир. Ҳақиқий камтарлик инсонпарварлик, одамийлик каби хислатлар билан узвий боғлиқдир. Камтар одам ўзини ҳеч қачон меҳнаткаш халқдан устун қўймайди. Халқ билан доимо бир тан, бир жон бўлиб яшайди. Оилада, турмушда, юриш—туришда, кийинишда оддий одамларга нисбатан самимий муносабатда бўлади.

Шайх Баҳоуддин Нақшбанд камтарликни, мискинликни ҳамма нарсадан юқори қўйиб, кўнгилни ранжитишни — улуг қабохат деб билганлар. Кишилар бир—бирини севсин, бир—бирига мададкор бўлсин, бир бўлиб, юксак ҳақиқат учун яшасин.

Аҳмад Яссавий уз ҳикматларида камтарлик, ростлик, покликни баланд тутган. Кўнгил ва тил бирлигини қадрлаган. Аҳмад Яссавий ҳикматлари киши юрагини ларзага солади. Ҳаётга кечагидан кўра кенгроқ қарашга, одамларга садоқатли бўлишга чорлайди.

Ото—оно, қариндош, қаён кетди, фикр қил,

Тўрт оёқлик чубин от бир кун сенга еторо,

—деган мисралари худди Сизга ва бизга қарата айтилгандай. Шундай экан, имон, ҳалоллик билан яшаш,

доимо камтар бўлиш, одамларга инсонпарварлик қилиш, тўғри йўлдан адашмаслик ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Алишер Навоий инсонлардаги камтарликни юқори баҳолайди ва Фарҳоднинг қанча билим ва қобилияти бўлмасин унинг камтарлигини энг юқори белгиси деб билади.

(«Ахлоқ—одоб сабоқлари» китобидан.)



Луғат

ростлик — правдивость
ҳалоллик — честность
муқаддас — священный

поклик — чистота
тўғри — прямой
юқори — высший

Топшириқ. «Камтарлик» матнини ифодали ўқинг ва уюшиқ булакли гапларни топиб дафтарингизга кучиринг.

132—§. УЮШИҚ БУЛАКЛАРНИНГ БОҒЛАНИШИ

Уюшиқ бўлақлар қуйидаги грамматик воситалар ёрдамида бирикади:

1. Бириктирувчи (ва, ҳамда), айирувчи (ё, ёҳуд, гоҳ, дам, баъзан, хоҳ), зидловчи (аммо, лекин, бироқ), инкор (на) боғловчилари билан. *Шаҳар ва қишлоқларимиз йил сайин обод бўлиб бормоқда. Гоҳ йиғлайди, гоҳ кулади. Ой ёритади, аммо иситмайди. У на ёзди, на ўқиди.*

Тенг боғловчилар такрор қўлланганда, улар орасига вергул қўйилади: *Бўш ерга ё пиёз, ё сабзи экайлик.*

Уюшиқ бўлақлар орасида аммо, лекин, бироқ боғловчиларидан аввал ҳам вергул қўйилади. *Биз оғир, аммо шарафли вазифани бажардик.*

2. Боғловчи вазифасидаги кўмакчи (билан) ҳамда юкламалар (—у, —ю, —да, ҳам) билан: *Вазира билан*

Нодира бирга уқийди. Рустам уйга кирди—да, дарров чиқиб кетди.

3. Санаш оҳанги, интонация билан: *Йиғилишга уқитувчилар, олимлар, шоирлар қатнашди.*

Санаш оҳанги ёрдамида боғланган уюшиқ бўлақлар орасига вергул қўйилади.

Айрим ҳолларда уюшиқ бўлақлар қўйидаги тартибда гуруҳланиб қўлланиши мумкин: *Алишер Навоий Фарҳод тимсолида ақл ва одоб, камтарлик ва хушфезъллик, муҳаббат ва садоқат, ватанпарварлик ва халқпарварлик каби хислатларни мужассамлаштирган.*

152—машқ. Матнни кучиринг. Уюшиқ булақларни топиб тагига чизинг. Улар қандай грамматик воситалар орқали бириккан?

Фуқаро мажбурияти

Фуқаро мажбурияти — давлатнинг ўз ҳудудида бўлган ҳар қандай шахс ёки ўша давлат фуқаросига, у қаерда бўлишидан қатъи назар конституциявий—ҳуқуқий меъёрлар асосида қўядиган талабидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон фуқаролари Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадрқимматини ҳурмат қилишга (48—модда); Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга (49—модда); атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга (50—модда); қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга (51—модда), шунингдек, қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар (52—модда).

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли луғатидан.)

Гапнинг уюшиқ булақларини жамлаб, умумлаштириб кўрсатиш учун хизмат қилувчи сўзлар умумлаштирувчи сўз дейилади.

Умумлаштирувчи сўзлар асосан от, олмош ва отлашган сўзлар орқали ифодаланади: *Қизлар: Ҳабиба, Замира, Нигора бизникига келишди* (от билан). *Қуёш, ҳаво, тиниқ сув—бари бизнинг дўстимиз* (олмош билан). *Даврада улуғлар: Навоий, Жомий, Биноийлар утиришибди* (отлашган сифат).

Умумлаштирувчи сўз уюшиқ булақлардан олдин келганда ундан кейин икки нуқта қўйилади: *Инсонда ҳамма нарса: юз ҳам, кийим ҳам, қалб ҳам гузал бўлиши керак.*

Умумлаштирувчи сўз уюшиқ булақлардан кейин келган тақдирда ундан аввал тире қўйилади: *Уй, мол—ҳол—ҳаммаси сенга қолади. Боғда етилган олма, узум, анор—ҳаммасидан олдик.*

153—машқ. Умумлаштирувчи сўзлар иштирокида 5 та гап тузинг.

134—§. ГАПНИНГ АЖРАТИЛГАН БУЛАКЛАРИ

Гапнинг ажратилган булақлари узидан аввал келган булақлар маъносини тўлдириш, аниқлаш, ойдинлаштириш учун хизмат қилади. Улар оғзаки нутқда маълум бир пауза билан ажратилади. Гапда, одатда, изоҳловчи, аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол ажратилади.

Ажратилган изоҳловчи узидан олдин келган кишилик олмошлари ва отлашган сўзлар билан ифодаланган эганинг маъносини тўлдиради, ойдинлаштиради: *Биз, ёшлар, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашмоғимиз керак. Ошпаз она, эллик беш—эллик олтиларга бориб қолган аёл, ёпилган нонларни даста—даста қилиб ураркан, кулиб жавоб берди.*

Ажратилган изоҳловчидан кейин масалан, шу жумладан, хусусан, яъни, айниқса, ҳатто сўзлари қўлланилиши мумкин: *Акмал Орипов, яъни уша йигит, Тошкент ирригация институтида ўқир эди.*

Ажратилган тўлдирувчи ўзидан аввал келган тўлдирувчининг маъносини тўлдиради, ойдинлаштиради: *Бу улуг анжуманга, байрамга, халқ шоирлари ҳам таклиф этилди. Китоб ичидаги дастхатга, менга таниш булган хуснихатга, узоқ тикилдим. Сизлардан, ёшлардан, ақлли гаплар кутамиз.*

Ажратилган аниқловчи ўзидан аввал келган аниқловчининг маъносини тўлдиради, ойдинлаштиради: *Қобил бобо, яланг бош, яланг оёқ, яқтакчан, оғил эшиги олдида туриб, дағ-дағ титрайди. Саидахон қизининг, дунёга қур бўлиб туғилган ёлғиз жигаргушасининг, сўлгин юзларига қараб чуқур хурсинди.*

Ажратилган ҳол ўзидан олдин келган ҳолнинг маъносини тўлдиради, ойдинлаштиради: *Осмоннинг бир бурчагида, уфққа яқин ерда, оқ булут парчаси кўринди. Узоқдан, чайла томондан, итнинг вовуллагани эшитилди. Ёзда, қовун пишигида, далага чиқиб кетамиз.*

Гапнинг ажратилган бўлаклари кўпинча гап ўртасида келади ва улар асосий бўлақлардан асосан вергул билан, агар у ёйиқ бўлиб, уз ичида вергули булса, тире билан ажратилади. *Разведкачилар Ваняни—ун беш ёшлардаги, қувноқ, ҳаммага самимий боқадиган шўх болани—ёқтириб қолишди.* Сифатловчи аниқловчи баъзан ажратилиб эгадан кейин ишлатилади. Бундай ҳолда ундан олдин тире қўйилади: *Ватаним бор—озод, музаффар!*

154—машқ. Матнни ўқинг ва «Парламентар республика» бичикмасининг маъносини билиб олинг. Матнни рус тилига таржима қилинг.

Парламентар республика

Парламентар республика — давлат бошқарувидаги республика шаклининг бир тури бўлиб, парламент расмий равишда тулиқ ҳокимиятга эга органлиги билан характерланади. Яъни унинг олдида ҳукумат сиёсий жавобгар сифатида ташкил этади. Президент парламент томонидан туғридан—туғри ёки алоҳида сайловчилар қоллегиеси томонидан сайланади. Президент фақат давлат бошлиғи бўлиб, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланмайди. Бунда Президент ўз ваколатларини қоида бўйича бош вазир бошчилигидаги ҳукуматнинг таклифига асосан амалга оширади. Агар ҳукумат парламентда қўпчилик томонидан қўллаб—қувватланмаса парламент ҳукуматга ишончсизлик билдириб, уни истеъфога чиқариши мумкин. Бу ҳолда Президент ҳукуматнинг таклифи бўйича парламентни тарқатиб, муддатдан олдин сайловлар ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади. Парламентар республикаларга ГФР, Италия, Венгрия, Чехия, Латвия, Эстония мисол бўлади.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли лугатидан.)

135—§. УНДАЛМА

Сузловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни ифодаловчи сузлар ёки суз бирикмалари ундалма деб аталади. Ундалмалар шахсни билдирувчи отлар (*Ҳой, Собир полвон, пишилламасдан, сопигача тозала!*), жонли предмет: ҳайвонлар, паррандаларни англатувчи отлар (*Менга қара, булбулчам, дер эмишлар хонишларинг хушовоз*), жонсиз нарсаларни ифодаловчи отлар (*Салом сенга, кўк арча, қишин—ёзин яшнайсан*) ҳамда мавҳум отлар (*Нечун тилкалайсан бағримни, оҳанг!*) билан ифодаланиши мумкин.

Ундалмалар, одатда, иккинчи шахсга қаратилган бўлади: *Ой бориб омон кел, (сен) уғлим!* Шеърятда ундалма сўзловчининг узига ҳам қаратилган бўлади: *Эй, Навоий, бода бирла хуррам эт кунглунг уйин...*

Ундалмалар гапнинг бошида (*Уғлим, одамларга керак бўлиб яша*), гап уртасида (*Ўқинманг, синглим, бу кунлар ҳам утади, кетади*) ва гап охирида (*Нега ташлаб кетдинг мени, онажон!*) келиши мумкин.

Ундалмалар гапнинг асосий булакларидан вергул билан ажратилади, гап бошида келса, ундан кейин, ўртада келса, ҳар икки томонидан, охирида келса, ундан аввал вергул қўйилади. Бироқ ундашни кучайтириш учун ундалмадан олдин келган ундов сўздан сўнг ҳеч қандай тиниш белгиси қўйилмайди: *Ҳой бурилар, сузларингдан қайт, бўлмаса ҳокимингга бормайман, мингбошингга ялинмайман!*

Ундалма қатнашган гапда, одатда, эга қўлланилмайди (айрим ҳолларда қўлланилиши ҳам мумкин): *Ватан, бунчалар кўркамсан! Ватан, сен бунчалар кўркамсан!*

Ундалма агар бир сўздан иборат бўлса, йирик, икки ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлса, ёйиқ ундалма ҳисобланади: *Ука, мени тушунсангизчи! Салом сизга, эркпарвар эллар!*

Ундалмалар уюшиб келиши мумкин: *Рассомлар, ёзувчилар, композиторлар, ҳаётни чуқурроқ урганингиз!*

Ундалмалар гап булаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмайди, бироқ улар билан синтактик муносабатда бўлади, чунки ундалма эганинг маъносини ифодалайди.

155—машқ. Қуйидаги саволларга озгаки жавоб беринг.

1. Қандай сузлар ёки суз бирикмалари ундалма деб аталади?
2. Ундалма қатнашган гапда, одатда қайси булак ифодаланмайди?
3. Уюшиқ булақлар деб нимага айтилади?
4. Гапда, одатда, қайси гап булаклари ажратилади?

5. Умумлаштирувчи сўзга таъриф беринг.

6. Умумлаштирувчи сўзлар қайси сўз туркумлари билан ифодаланади?

156—машқ. Илм—фан, маърифат тўғрисида ундалимали гаплар тузинг. Тузган гапингизни рус тилига таржима қилинг.



136-§. ДУОНИНГ ХОСИЯТИ

Исо алайҳиссалом замонларида бир безори булган экан. У ҳаммага озор берар, текканга тегиб тегмаганга кесак отиб, йўлтўсарлик қилар экан. Бир куни у тоққа чиқиб кетибди. Фурсатдан фойдаланиб халойиқ Исо алайҳиссалом ҳузурларига борибди. Уша безори устидан шикоят қилиб, уни дуоибад этишларини Исо алайҳиссаломдан сурашибди.

— Эй Раббим, бандаларингнинг жонига теккан бу бадбахт безорини балога гирифтор қил, — дея дуоибад қилибдилар Исо алайҳиссалом.

Бу пайтда безори тоғда юриб, бир бечораҳол одамга дуч келибди. Уша киши унга мурожаат қилиб шундай дебди:

— Эй яхши одам, нонинг булса, менга бир бурда бер? Очликдан силлам қуриб, улар ҳолатдаман.

Шунда безорининг кўнгли эриб кетибди. Чунки уни шу пайтгача ҳеч ким яхши одам демаган экан. Тўрвасидан учта нондан биттасини олиб, дарҳол тиланчига берибди. Шунда тиланчи хурсанд булганидан кузларига ёш олиб, қўлини дуога очиб:

— Аллоҳ таоло аввалу охирда қилган гуноҳларингни узи мағфират айласин, — дебди.

Бундан янада шод булган безори тўрвасидан иккинчи нонни ҳам тиланчига олиб берибди. Тиланчи шодлигидан яна қўлини дуога очиб:

— Аллоҳ таоло сенга инсофу тавфиқ ато этиб, жаннатдан макон берсин, — дебди.

Қалби тўлқинланиб кетган безори турвасидан учинчи нонни ҳам олиб, тиланчига узатибди. Кўнгли аллақандай ҳис—туйғуларга тўлган безори узида йўқ қувонч билан қишлоғига қайтибди. Ҳамқишлоқлари «Мана Пайгамбаримиз дуоси билан безоридан ҳам қутулдик», деб хурсанд бўлиб туришса, бир вақт безори қишлоққа кириб келиб қолибди. Бундан ҳайратга тушган халойиқ Исо алайҳиссалом томон югуришибди.

— Эй ҳазрати Исо, сиз дуоибад қилган безори яна қайтиб келди—ку, — дея уз ташвишларини билдиришибди.

Шунда Исо алайҳиссалом безорини ҳузурларига чақиртирибдилар. Бир саватни кўтариб олган безори Исо алайҳиссалом ҳузурларига келибди. Исо алайҳиссалом унга саватнинг устини очишни буюрибдилар. Саватнинг усти очилгач, йиғилганлар не кўз билан кўрсинларки, унинг ичида катта бир илон занжирбанд ҳолда ётган эмиш. Шунда Исо алайҳиссалом илонни суроққа тутибдилар:

— Эй илон, нега занжирбанд бўлиб қолдинг?

Илон жавоб берибди:

— Сиз безорини дуоибад қилдингиз, мен — фаришта Аллоҳнинг амри билан илонга айланиб, безорини чақишга чоғланиб турсам, бир бечора ғариб безори олдига келиб, ундан нон сўради. Безори нон бергач, у дуо қилди. Ана шунда ғарибнинг қилган дуоси Аллоҳ таолога етиб бориб, унинг даргоҳида мустажоб бўлди. Мен эса занжирбанд бўлиб қолдим.

Исо алайҳиссалом дедилар: — Ғариб—ғуробонинг дуоси ва чин ихлос билан қилинган садоқатнинг хосияти шул эрур.

(«Ҳалол ва ҳаром» китобидан.)



муружаат — обращение
 тиланчи — нищий
 ҳайрат — удивление
 гариб — одинокий

дарҳол — сразу
 безори — хулиган
 сават — корзина
 хосият — особенность

Топшириқлар. 1. Матни диққат билан уқинг ва мазмунини тушуниб сузлаб беринг. 2. Ундалмали гапларни топиб дафтарингизга кучиринг. 3. Сиз ҳам келажакда қарғиш олмай, фақат дуо олишга ҳаракат қилинг.

137-§. КИРИШ СУЗ ВА КИРИШ ГАПЛАР

Сузловчининг узи баён этаётган фикрга муносабатини билдирувчи сузлар кириш сузлар деб аталади. Агар кириш сузлар бирикма ҳолида келса, кириш бирикма ҳисобланади: *Бу ишни биз, сузсиз, бажарамиз (сузсиз — кириш суз). Дунёда ҳеч бир халқ туғри келолмас, менинг билишимча, сенинг элинга (менинг билишимча — кириш бирикма).* Кириш сузлар ҳам ундалма каби гап булаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмайди. Кириш сузлар қуйидаги сузлар орқали ифодланади:

а) модал сузлар билан: *Кошки, узгаларни гийбат қилувчилар уз айбларини ҳам билишса;*

б) отлар билан: *Бахтимизга, дадам ишдан барвақт қайтиб келдилар;*

в) олмошлар билан: *Менимча, сиз уйлаган режа анча пухта ишланган;*

г) сифат билан: *Туғри, сен самолёт ясай олмайсан;*

д) сон билан: *Биринчидан, ҳар бир йигит-қиз замонавий билимларни чуқур ўзлаштирмоғи, иккинчидан,*

ишлаб чиқариш технологиясини пухта билмоқлари лозим;

е) феъл билан: *Курибсизки, бир ой утмай, мен ҳам сафингиздаман;*

ж) равиш билан: *Дастлаб, қилинадиган ишларни пухта режалаштириб олишимиз керак.*

Кириш сўзлар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Ишонч ва тасдиқни (*албатта, сўзсиз, тўғри, дарҳақиқат, шубҳасиз, муқаррар*).

2. Шубҳа ва гумонни (*эҳтимол, шекилли, афтидан, чамаси*).

3. Шодлик ва мамнунликни (*хайрият, бахтимизга, шукур, ниҳоят, дуруст*).

4. Афсуслик ва ачиниш (*эссиз, аттанг, афсуски, таассуфки, бахтга қарши, аксига олиб*).

5. Баён қилинган фикрнинг кимга қарашли эканлигини (*менимча, сенингча, унингча, бизнингча, сизнингча, фикрингизча, фикримча, фаҳмимча, назаримда*).

6. Баён қилинган фикрнинг тартибини (*биринчидан, иккинчидан, аввало, охири*).

7. Баён қилинган фикрнинг аввалги фикр билан боғлиқлигини (*демак, ҳуллас, шундай қилиб, инчунин, шунингдек, дарвоқе, зеро, ҳар ҳолда*).

Кириш сўзлар, одатда, гап бошида ва гап ўртасида келади ва асосий бўлақлардан вергул билан ажратилади. Кириш сўз гап бошида келса, ундан кейин, гап ўртасида келса, унинг ҳар икки тарафидан вергул қўйилади.

157—машқ. Матнни уқинг ва мазмунини билиб олинг. Матнни рус тилига таржима қилинг.

Конституциявий ҳуқуқ

Конституциявий ҳуқуқ — ҳар бир мамлакатнинг (жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам) ҳуқуқ тизимидаги етакчи ҳуқуқ. Шу билан бирга ҳуқуқ тармоғи ҳам. Унинг

етакчилиги шундаки, бошқа ҳар қандай ҳуқуқлар тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг асоси Конституциявий ҳуқуқда белгиланади (масалан, меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқлар). Бундан ташқари конституциявий ҳуқуқнинг узини тартибга соладиган ижтимоий муносабатлари бўлиб, бу уни ҳуқуқ тармоғи сифатида курсатади. Конституциявий ҳуқуқ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий тузилишнинг асосларини, сайлов тизимини, инсоннинг асосий ҳуқуқ, эркинликлари ва бурчларини уратувчи, тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли луғатидан.)

138-§. КИРИШ ГАП

Кириш гап ёрдамида сўзловчи баён қилинаётган фикрга йўл-йўлакай қўшимча изоҳ бериб кетади. *Қиш-лоқнинг орқа томонида, эс-эс биламан, катта узумзор бор эди. Шуларни ҳўп ўйладиму, мен сизга айтсам, ариза ташлашга жазм этдим.*

Кириш гаплар ёйиқ бўлса, одатда, қавс ичига олинади: *Миркамол қишлоғига қайтиб келганида* (ушанда ҳали тўралар йиқитилмаган, қизиллар у ёқдан бу ёққа от суриб юрарди), *уйидан ном-нишон ҳам қолмаган эди.* Кириш гап йиғиқ бўлса, гапнинг асосий қисмидан тире билан ажратилади. *Мактуба ва Салима икковлари—ушанда ҳали тонг ёришмаган эди—пахтазорга қараб йўл олишди.*

158—машқ. Кириш сўз ва кириш гаплар қатнаштириб гаплар тузинг ва изоҳлаб беринг.

159—машқ. Гапларни диққат билан ўқинг. Кириш сўзларни топиб, қандай маъно ифодалаётганини айтинг.

1. Менимча, унга ишонса бўлади. 2. Демак, асосий масала кейинга мажлисга қолдирилади. 3. Афсуски, ҳозир орамизда Мадина йуқ. 4. Ҳаммани узим енгаман деб уйлайсиз, шекилли.

139-§. БИР БОШ БУЛАКЛИ ГАПЛАР

Содда гаплар грамматик асосига кўра икки хил: бир бош бўлакли ва икки бош бўлакли гапларга бўлинади. Икки бош бўлакли гапларда бош бўлақларнинг ҳар иккиси ҳам иштирок этади, бир бош бўлакли гапларда эса фақат битта бош бўлақ, ё эга, ёки кесим қатнашади.

Бир бош бўлакли гаплар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Шахси маълум гап.

Гапнинг кесимига асосланиб, эгасини топиш мумкин бўлган гап шахси маълум гап деб аталади. *Сизга бахт тилайман.* Бу гапда биринчи шахсдаги эга қўлланмаган, лекин кесимнинг шаклидан уни осонгина топа оламиз: *Мен сизга бахт тилайман.*

Сузлашув услубида қўлланиладиган: *Саломат булинг! Ошнангдан топ* каби гаплар ҳам шахси маълум гапларга киради.

Шахси маълум гаплар кўпинча диалогик нутқда қўлланилади.

2. Шахси номаълум гаплар.

Шахси номаълум гапларнинг эгаси, одатда, учинчи шахс кўплик ҳамда биргалик нисбати шакларида бўлади, аммо шунга қарамай, иш-ҳаракатнинг бажарувчиси маълум бўлмайди: *Билмагани бошқалардан ўрганадилар.* Бу гапнинг кесимидан эга учинчи шахс кўпликда, яъни улар эканлиги билиниб турибди, бироқ уларнинг ким эканлигини билмаймиз. *Марғилонда кичикларни ҳам сизлашади.* Бу гапнинг кесими биргалик нисбатидаги феъл орқали ифодаланган.

3. Шахси топилмас гаплар.

Эгасини умуман топиб бўлмайдиган гаплар шахси топилмас (шахссиз) гаплар ҳисобланади. Шахси топилмас гапнинг кесими таркибида бўлади, бўлмайди, ҳисобланади, керак, зарур, лозим, даркор, шарт, мумкин, тўғри келади каби сўзлар келади: *Доимо яхши ният қилиб яшаш керак. Хом сувни ичиб бўлмайди. Одамларни фақат амалий иш билан ишонтириш мумкин. Балки завод қуришга тўғри келмас. Хатони жиноятдан айира билиш лозим.*

Шахси топилмас гапнинг кесими феълнинг мажхул нисбатида ҳам бўлиши мумкин: *Ҳамма нарсага аста-секин эришилади. Тошкентга шу йўл билан борилади. Сафарга ҳамма нарса тахт килинди.*

4. Шахси умумлашган гап.

Мазмуни ҳар учала шахсга дахлдор бўлган гаплар шахси умумлашган гап деб юритилади. Шахси умумлашган гапнинг кесими кўпинча буйруқ майлининг иккинчи шахс бирликдаги шакли билан ифодаланади: *Бир туп тоқ эксанг, ун туп тол эк. Ҳурмат қилсанг, хурмат кўрасан. Ҳасад қилма, ҳавас қил.*

Шахси умумлашган гапнинг эгаси гарчи иккинчи шахс бирликдаги кишилик олмоши (сен) эканлиги маълум бўлса—да, бу гапнинг мазмуни мантиқан биринчи шахс (мен) ва учинчи шахс (у)га ҳам тегишли бўлади.

Халқ мақоллари кўпинча шахси умумлашган гап шаклида тузилган.

5. Атов гап.

Атов гаплар предмет ёки воқеа—ҳодисанинг мавжудлигини билдиради. Атов гапларда оҳанг (интонация) алоҳида рол ўйнайди: *Ойдин тун. Онда—сонда итларнинг хуриган товуши эшитилади.*

Атов гаплар ёлғиз ҳолда қўлланмайди. Агар атов гапдан сўнг бошқа бир гап келмаса, у оддий сўзга айланиб қолади.

Атов гаплар от билан (*Куз, Хазонрез фасл*), олмош билан (*Мана Ҳирот. Ҳусайн Бойқаро саройи*), сон билан (*Мингта. Мана бу бошқа гап*) ифодалананади.

Атов гаплар купинча бадийий услубда қўлланилади. Улар айрим ҳолда ёйиқ ҳолда келиши мумкин: *Фараҳбахш нурли оқшом. Борлиқ тўлин ой нурига чўмган.*

160—машқ. Гапларни ўқинг. Грамматик асосига кўра турини аниқланг ва бир бош булакли гапларни топиб дафтарингизга кўчиринг.

1. Умрингизнинг бирор нафасини беҳуда ишларга сарфламанг. 2. Сумалакка туз солинмайди. 3. Онажон, сизни жуда соғиндим. 4. Ўтган вақтни орқага қайтаролмайсиз. 5. Кўпни ёмонлаган одам кўмувсиз қолар. 6. Қайта экспертиза қилдиришга тўғри келди. Қонун барчага баробар. 7. Судда гувоҳлик беришга тўғри келди. 8. Маҳкумлар шахсий ва умумий гигиена қоидаларига, санитария талабларига риоя этишлари шарт (ЎзР ЖИК).

140—§. СЎЗ—ГАПЛАР

Баъзан нутқимизда тасдиқ, инкор, сўроқ, ҳис—ҳаяжон маъноларини англатувчи ҳа, йўқ, аксинча, тўғри, дуруст, шукур, шундай, яхши, майли, рост, хўп, салом, хайр, узр, марҳамат, балли, баракалла, офарин, куллуқ, раҳмат, ташаккур, қойил, тасанно каби сўзлар қўллаймиз. Улар ёлғиз ҳолда қўлланганда, сўз—гапга айланиб қолади. Бундай гаплар тобе ёки ҳоким булақларни талаб қилмайди, улар кўпроқ диалогик нутқларда қўлланилади. Сўз—гаплар маълум бир оҳанг (интонация) га эга бўлади ва узидан кейин бошқа бир гапнинг келишини талаб қилади:

— *Сиз ҳам шундай деб уйлайсизми?*

— *Аксинча.*

Сўз—гаплар бирор булак билан бирга қўлланса, кириш сўзга айланиб қолади:

— *Имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўрдингми?*

— *Ҳа, кўрдим.*

Бу гапдаги *ҳа* сўзи энди сўз—гап эмас, балки кириш сўзи ҳисобланади.

161—машқ. Икки кишилиқ сўхбат (диалог) тузинг. Сўхбатингизда сўз—гаплар иштирок этсин.

НАМУНА: — Терговни сиз олиб бордингизми?

— Ҳа.

— Жиноятни очиб беришга қийналмадингизми?

— Йўқ.

141-§. ТУЛИҚСИЗ ГАПЛАР

Грамматик тузилиши жиҳатидан тўлиқ бўлмаган, гап булакларидан бири ёки бир нечаси тушириб қолдирилган гаплар тўлиқсиз гаплар дейилади. Маълумки, тўлиқ гапларда фикрни тўла ифода қилиш учун керак бўлган гап булакларининг барчаси иштирок этади, тўлиқсиз гапларда эса бундай бўлмайди, ҳамма булаклар ҳам қатнашавермайди, тушириб қолдирилган булакларни биз аввалги гаплардан билиб оламиз. Масалан:

— *Қишда узоқ жанубий улкаларга учиб кетадиган қушлар Ўзбекистонда яшайдими?*

— *Яшайди.*

Бунда иккинчи гап тўлиқсиз бўлиб, гап нима ҳақида кетаётганлиги биринчи гапдан англашилиб турибди. Тўлиқсиз гапларда кўпинча эга ва кесим тушириб қолдирилган бўлади:

— *Сиддиқжон нималар ҳақида сўзлади?*

— *Мактаб тажриба участкаси ҳақида* (эга ва кесим туширилган).

Тўлиқсиз гаплар асосан сўзлашув услубида, диалогик нутқда қўлланилади.

162—машқ. Матнни уқинг ва тўлиқсиз гаплар таркибида қайси гап бўлаклари тушиб қолганлигини айтинг.

Луқмони Ҳакимдан сўрадилар:

- Одамларнинг доноси ким?
- Ҳаёт ташвишларидан дилтанг бўлмагани.
- Баланд ҳимматлик кимдур?
- У дунё неъматларини бу дунё неъматларидан устун қўйган киши.
- Одамларнинг қудратлиси ким?
- Ақли комил бўлгани.
- Ул қандай шаробки, ичувчисини яланғочлайди?
- Шаҳват.
- Ул қандай оловки, ўз ёқувчисини қўйдиради?
- Ҳасад.
- Ул қайси бинодурки, ҳеч хароб бўлмас?
- Адолат.
- Ул қандай аччиқликки, охири ширин бўлур?
- Сабр.
- Ул қандай ширинликки, охири аччиқ бўлур?
- Тезлик.
- Ул қандай беморликки, табиблар унинг муолажасидан ожиздур?
- Аҳмоқлик.

Топшириқ. Матнни ифодали уқинг ва мазмунини тушунишга ҳаракат қилинг.

163—машқ. Қўйидаги матнни рус тилига таржима қилинг.

Конституциявий тузум

Конституциявий тузум — Конституция ва бошқа конституциявий — ҳуқуқий ҳужжатлар билан урнатила—

диган ва қуриқланадиган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий— ҳуқуқий муносабатлар тизими. “Конституциявий тузум” — ни “давлат тузуми”дан фарқлаш керак. Давлат тузумидан фарқ қилиб, конституциявий тузум ҳамма вақт конституция бўлиши, унга амал қилиш билан ажралиб туради. Халқ суверенитети, ҳокимият бўлиниши, умумэтироф этилган инсон ҳуқуқларининг бузилмаслиги, чекланмаслиги Конституциявий тузумнинг зарур шартлари бўлиб ҳисобланади. Давлат тузумида бу белгилар булмаслиги мумкин.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли лугатидан.)



142-§. МАЪРИФАТ – ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Жадидчилик ҳаракатининг атоқли намояндаси Абдулла Авлонийнинг: «...*Маърифатли халқ шижоатли бўлур. Шижоат қалбнинг матонатидан, руҳнинг саломатлигидан иборатдир. Маорифдан, фунундан ва маданиятдан маҳрум бўлган халқ жаҳолат панжаларининг орасида хамир каби эзилгандек, аъфоли замимида ҳам ўз нафсининг ёқасини бўшата олмас... Зероки, жаҳолат энг қурқинчли, фақир ва муҳтожликдан зиёда даҳшатлироқ бир мусибатдир*», деган оқил фикрлари бор.

Афсуски, шўролар замонида халқимиз ана шундай мусибат гирдобига тушиб қолган эди. Коммунистик яккаҳоқимлик халқнинг эркин меҳнат қилишига бўлган рағбатини сундирди, инсоний ҳақ—ҳуқуқларини бўғди, имкониятларини чегаралаб қўйди. Оддий меҳнаткаш тутул раҳбар ходимларгача ҳеч ким ўз ақли, ўз идроки билан иш юритолмасди. Мустақил фикрлайдиган, юз бераётган воқеа—ҳодисаларга мустақил баҳо берадиган кишилар ўзбошимча, маҳмадона деб қораланар, тазйиққа олинар эди. Бу тузум шундай носоғлом муҳитни вужудга келтирган эдики, натижада лаёқатсиз, фикрсиз, лаган—

бардор, бошлиққа таъзим, ходимга зугум кўрсатадиганлар қадр—қиммат топиб яшарди. Негаки, мустамлакачилик сиёсатининг табиати шуни тақозо қилар эди.

Буларнинг барчаси жамиятнинг маънавий таназ—зулини тезлаштирди. Халқ манфаатини уйлаган, унинг онгига нур, қалбига зиё бағишлашга интилган, виждон ва ақл билан ишлашга, ҳуррият учун курашга чорлаганлар эса коммунистик партиянинг лаббайгўй югурдаклари то—монидан сўроқ—терговга тутилар, маънавий жиҳатдан бадном қилинар, баъзан эса ҳатто жисмоний маҳв ҳам этилар эди. Ҳаётга бефарқ қараш, лоқайдлик аксарият кўпчиликнинг яшаш тарзига айланди. «Совет кишиси» ўз соясидан чўчиб яшайдиган бўлиб қолди. Чунки юрагининг туб—тубига қўрқув билан қозиқ қилиб қоқилган тобелик, мутелик туйғуси уни тирик мурда ҳолига солиб қўйган эди.

Шоир Эркин Воҳидов ибораси билан айтганда:

Билмам қандоқ, не сабаб, қачон
Ҳаётингга ошно бўлган ул —
Боши эгик, бесўз, беисён
Юрагингда макон тутган қул.

Кимга даъво қилурсан, билмам,
Қайси маслак, қай тузум масъул?
Кетмас бўлиб жой олмиш маҳкам
Юрагингда макон тутган қул.

Исканжадан етим зурриёд,
Қатағондан бева қолган тул.
Кўҳна замин қаъридан фарёд,
Юрагингда макон тутган қул.

Бургут эдинг, парвози баланд,
Сенга ҳам ёр зулфиқор, дулдул.
Нечук увол мусича монанд
Юрагингда макон тутган қул.

Умр қошу киприк ораси,
Гадоликдан адолик маъқул.
Қуллар ичра энг бечораси
Юрагингда макон тутган қул.

Кел, уйқулик кўзингни оч сен,
Ўз ҳолингдан қаҳ—қаҳ уриб кул.
Шундай кулки, ичингдан қочсин
Юрагингда макон тутган қул.

Мустамлака тузуми қолдирган огир асоратларни бар—
тараф этишнинг асосий шартларидан бири жамиятни
маърифатли қилишдир. Чунки маърифат — қуллик ку—
шандаси. У маънавий қарамлик, қўрқув ва ҳадикни бар—
тараф қилади, инсонга беқиёс илоҳий қудрат, мислсиз
салоҳият ато этади. Шоир ана шундай инсон қалбини ва
руҳиятини қулликнинг барча асоратларию тобеликнинг
иллатларидан фориғ этгувчи беқиёс кучини назарда
тутиб, одамни тафаккур кучи билан ўзини ўзи енгишга
даъват этади ва «*Кел, уйқулик кўзингни оч сен, Ўз
ҳолингдан қаҳ—қаҳ уриб кул*» деганда одамларга ўз—
лигини ва оламни англаш асосида ўзини енгишга маъ—
рифатли ва юксак маънавият кишиси бўлишга чақиради.
Бу жуда катта руҳий қудрат ва маънавий шижоат талаб
этадиган ҳодисадир.

Донишманд Афлотун: «*Жоҳилнинг яхши нияти фо—
зилнинг хусуматидан зарарлироқдир. Инсон энг юқумли
касалликдан сақланган каби жаҳолатдан ҳазар қилмоғи
лозим*», деб уқтиради. Мажозий мазмунда жаҳолат еру

осмон ўртасида ловиллаган оловдирки, у хуруж қилган пайтда ҳулу қуруқ баробар ёнади ва фақат ҳалоқат билан якун топади. Бугун ҳаёт ҳар биримиздан ўз тақдиримиз, ўз оиламиз, ўз Ватанимиз ҳақида жиддий қайғуриш, эртанги кун учун астойдил ҳаракат қилишни тақозо этмоқда. Юрагимиздаги орзу—умидлар, эзгу ниятлар хатти—ҳаракатларимиз билан уйғунлашиб, ибратли фаолиятга айлансагина кўзлаган мақсадимизга эриш—моғимиз мумкин. Президент Ислоҳ Каримовнинг маърифат ва маданиятга катта эътибор бераётганининг сабаби ҳам шунда. Ҳозирги кунда халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, ўқиш ва ўқитиш услубини жаҳоннинг илғор тажрибалари асосида янгидан ишлаб чиқиш ва шу асосда ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш маърифий соҳадаги энг долзарб вазифаларимиздан биридир. Юксак маърифатли, ҳар қандай қийинчиликни енгишга қодир авлодгина Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратади.



Лугат

жадидчилик — джедидизм
 мусибат — несчастье
 лаёқатсиз — неспособный
 лоқайдлик — безразличие
 мутелик — покорность
 ҳалоқат — катастрофа
 жоҳил — невежда

шижоат — храбрость
 ўзбошимча — своевольный
 лаганбардор — подхалим
 тобелик — зависимость
 хусумат — вражда
 нафс — душа
 фозил — учёный

Топшириқлар. 1. Матнни ифодали ўқинг ва ўз тушун—чангизни қисқача баён қилиб беринг. 2. Лугатни дафтгарингизга кў—чиринг ва ёд олинг.

Мақоллар

Илмни меҳнатсиз эгаллаб булмас.

Илмнинг аввали аччиқ,
Сунги — тотли.

Илмсиз бош қашир,
Хушомадгуй гап ташир.

Илму ҳикмат сувни ёндираар.

Билмаган айб эмас,
Билишга тиришмаган айб.

Топшириқлар. 1. Ҳар бир мақолнинг маъносини тушунтириб беринг. 2. Мақолларни ёд олинг.

ЯХШИЛИКНИНГ УМРИ БОЎИДИР

143-§. ҚУШМА ГАПЛАР

Икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг ўзаро грамматик воситалар ёки оҳанг ёрдамида бирикишидан ташкил топган гаплар қўшма гаплар деб аталади. Қўшма гап таркибидаги ҳар бир содда гапнинг ўз грамматик асоси, маркази бўлади: *Болта тушгунча, тўнка дам олар*. Бу гап икки содда гапнинг бирикувидан ташкил топган. Биринчи гапнинг эгаси — *болта*, кесими — *тушгунча*, иккинчисининг эгаси — *тўнка*, кесими — *дам олар*.

Қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг бирикувида боғловчилар, кумакчилар, юкламалар, айрим феъл шакллари, оҳанг хизмат қилади.

Қўшма гаплар таркибидаги гапларнинг ўзаро бирикиш усуллари ва маъноларига қура уч хил бўлади:

1. Боғланган қўшма гап.
2. Эргаш гапли қўшма гап.
3. Боғловчисиз боғланган қўшма гап.

164-машқ. Қуйидаги гапларни уқинг ва қўшма гапларни топиб, дафтарингизга кучиринг. Бош булакларни аниқлаб, тагига чизинг.

1. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди (ЎЗР Конституцияси, 43-модда).
2. Ватанимиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятларимиз қайта тикланди.
3. Умумэтироф этган қоидага қура, ҳар бир шахс фақат бир давлатнинг фуқароси бўла олади (И. Каримов).
4. Қудратлилик молу дунё куплигида бўлмаганидек, улуғлик ҳам ёш куплигида эмас — ақлдадур («Ҳикмат дурдоналари», Т., 1993).
5. Элни иззат

қилсанг, эл ҳам сени иззат қилади (И. Каримов). 6. Қонунга буйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирмас эканмиз, жамоатчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади (И. Каримов).

144—§. БОҒЛАНГАН ҚУШМА ГАПЛАР

Боғланган қушма гап содда гапларнинг ўзаро тенг боғловчилар ёки тенг боғловчи вазифасидаги ёрдамчи сўзлар билан бирикишидан ҳосил бўлган гаплардир. Уларнинг қисмлари шаклан мустақил бўлса—да, мазмунан ўзаро боғланган бўлади: *Баҳор келди. Гуллар очилди.* Булар икки мустақил гаплардир. Аммо улар ўзаро тенг бириккан тақдирда ҳам, шаклан мустақиллигини йўқотмайди: *(Баҳор келди ва гуллар очилди).* Бироқ улар мазмунан бир—бирига боғлиқ бўлади, холос, чунки баҳор келиши билан гуллар очилади.

Боғланган қушма гаплар таркибидаги содда гапларнинг тенг боғловчиларнинг қайси тури билан бирикишига қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

1. Бириктирув муносабатли боғланган қушма гаплар. Бириктирув боғловчили боғланган қушма гаплар ва, ҳамда, шунингдек, бириктирувчи боғловчи вазифасидаги —у, —ю, —да юкламалари ёрдамида бирикиб, бир пайтнинг ўзида ва кетма—кет юз берган воқеа—ҳодисаларни англатади: *Майин шабада эсар ва унинг силашларидан, эркалашларидан майсалар баҳра оларди. Эшик очилди—ю, ўқитувчи кириб келди. Рустам супага жой қилдириб берди—да, ўзи қаёққадир кетди.*

2. Зидлов муносабатли боғланган қушма гаплар. Боғланган қушма гапларнинг бу турида содда гаплар ўзаро зидлов боғловчилари аммо, лекин, бироқ, шунингдек, шу боғловчи вазифасини бажарувчи —у, —ю юкламалари ва бўлса, эса сўзлари орқали бирикиб, мазмунан бир—бирига қарама—қарши бўлган воқеа—ҳодисалар маъносини ифодалайди: *Севинч унутилади, бироқ қайғу эсдан*

чиқмайди. Севинч унутилади—ю, қайғу эсдан чиқмайди. Ҳамма рози, сен эса ўз билганингдан қолмайсан.

3. Айирув муносабатли боғланган қўшма гаплар. Тенг муносабатли содда гапларнинг ўзаро ё, ёки, дам, гоҳ, баъзан, хоҳ каби боғловчилар бир, ҳам сўзлари ёрдамида бирикишидан ҳосил бўлади. Уларда навбатма—навбат юз берувчи воқеа—ҳодисалар ёки бирини танлаш лозим воқеа—ҳодисалар маъноси ифодаланади: *Гоҳ найнинг маъин овози эшитилади, гоҳ ҳофизнинг дилкаш қушиги қулоққа чалинади* (кетма—кет юз берган воқеа—ҳодиса маъноси англашилмоқда). *Ё сиз келинг, ё мен борай* (воқеадан бирини танлаш маъноси англашилмоқда).

4. Инкор муносабатли боғланган қўшма гаплар.

Баъзан тенг муносабатли содда гапларни боғлашда инкор боғловчиси на ҳам қатнашади. Бу боғловчи ҳам айирувчи боғловчилар каби такрор ҳолда қўлланилиб, юз бермаган воқеа—ҳодисаларни инкор йули билан ифодалайди: *На бир киши гапирди, на бир тирик жон йуталди.*

Инкор боғловчили қўшма гапнинг иккинчи қисмида баъзан кесим қўлланмаслиги мумкин: *Ундан на хат бор, на хабар.*

165—машқ. Боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг қандай бирикканлигини тушунтириб беринг.

1. Ҳар қандай қонунга ҳам чап бериш мумкин, лекин уятга чап бериб бўлмайди. 2. Қор ёғди ҳамда ерлар музлади. 3. Гоҳ мусиқа чалинади, гоҳ қушиқ янграйди. 4. Шу онда қаттиқ қарсак чалинди—ю, ҳамма гуриллаб ўрnidан турди.

Топшириқ. Айирув, зидлов ва бириктирув муносабатли қўшма гапларга 2 тадан гап тузинг ва изоҳлаб беринг.

Боғловчисиз боғланган қушма гаплар таркибидаги содда гаплар ҳеч қандай боғловчиларсиз ёки боғловчи вазифасидаги ёрдамчи сўзларсиз, фақат мазмун оҳанги билан бирикишидан ҳосил булади: *Орзигул дарвозадан ичкари кирди, дарвоза ўз—ўзидан бекилди. Ботирлари канал қазади, шоирлари ғазал ёзади.*

Боғловчисиз қушма гаплар таркибидаги содда гаплар ҳам боғланган қушма гапдаги каби мазмунан бир—бирига боғлиқ бўлса—да, шаклан мустақил булади. Боғловчисиз қушма гаплар таркибидаги содда гаплар орасига:

а) тире қўйилади:

—агар улар англатган фикр (мазмун) бир—бирига ўхшатилса (*Сув келди—нур келди*);

—агар улар англатган мазмун бир—бирига қарама—қарши қўйилса (*Жисмимиз йўқолур — учмас номимиз*);

— агар улар шарт маъносини англатса (*Собир келди—уйинни бошлаймиз*).

б) вергул қўйилади:

—агар бир пайтнийг ўзида ёки кетма—кет юз берувчи воқеа—ҳодисалар маъносини ифодаласа (*Узоқдан най навоси эшитилди, куйнинг майин овози юракларни зир—зир титратарди. Бугун кийимларингни дазмоллаб қуй, эртага Тошкентга жунаймиз*).

в) икки нуқта қўйилади:

—кейинги содда гап биринчи содда гапдан англашилган фикрнинг сабаби ёки натижасини ифодаласа (*Газетачиликнинг битта ёмон томони бор: ишда тартиб бўлмайди. Сув келди: гиёҳ битмас чуллар обод булди*);

—кейинги содда гап аввалги содда гап кесимини тўлдириб, изоҳлаб келса (*Шунга иқрор бўлдим: миллатларни ажратиш қонли тўқнашувларга олиб келади*).

г) нуқтали вергул қўйилади:

—содда гаплар мазмунан унчалик яқин бўлмаса (*Ташқарида шамол увиллар; Собир сандалга мук тушганча китоб мутолаа қиларди*);

—содда гаплар ичида вергул ишлатилган булса (*Богда булбул, қумри ва саъвалар тулиб—тошиб сайрар; йигит ва қиз уларнинг қўшиғини берилиб тинглашарди*).

166—машқ. Қуйидаги матн таркибидаги гапларнинг тузилишига кўра турини аниқланг. Боғловчисиз боғланган қўшма гапларни топиб дафтарингизга кучиринг.

Конституция ва қонун устунлиги

Конституция ва қонун устунлиги — ҳуқуқий давлатнинг муҳим шартларидан бири. Бундан Конституция ва қонунларга ҳамманинг сузсиз амал қилиши зарурлиги, ҳеч қандай ҳужжат уларга зид бўлмаслиги тушунилади. Бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар улар асосида қабул қилинади. Конституция ва қонунларга зид келувчи ҳар қандай ҳужжат бекор қилинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш курадилар.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли лугатидан.)

Топшириқ. Юқоридаги матнни уқинг ва уни рус тилига таржима қилинг.

146—§. ЭРГАШ ГАПЛИ ҚУШМА ГАПЛАР

Содда гапларнинг бири иккинчисига мазмунан ва грамматик жиҳатдан тобе бўлиб боғланишидан ҳосил бўлган ва улардан бири иккинчисининг мазмунини аниқлаб, тулдириб келган қўшма гаплар эргаш гапли қўшма гаплар дейилади. Эргаш гапли қўшма гаплар икки қисмдан: бош ва эргаш гаплардан иборат бўлади. Бош гап мазмун ва грамматик жиҳатдан мустақил бўлади ва эргаш гапни ўзига бўйсундириб келади, эргаш гап эса бош гапга эргашиб, унинг мазмунини аниқлайди, тулди—

ради. Бош ва эргаш гапларни, одатда, уларнинг кесими орқали фарқласа ҳам бўлади, бош гап кесими мустақил, эргаш гап кесими эса тобе бўлади (мустақил бўлмайди):
Тонг отгач, йулга тушамиз.

Эргаш гап бош гапга қуйидаги грамматик воситалар ёрдамида бирикади:

а) эргаштирувчи боғловчилар ва боғловчи вазифа—сидаги ёрдамчи сўзлар: —ки, чунки, шунинг учун, негаки, сабабки, гуё, гуёки, агар, агарда, мабодо, башарти, борди—ю, токи, худди, балки, деб.

Пахта майдони оппоқ, гуё далада оқ чодир ёзилган. Ғузаларни яхшилаб парвариш қилдик, шунинг учун ҳосил мул бўлди. Агар сени алдаса ҳаёт, сен ноумид бўлма ҳеч қачон.

б) феълнинг сифатдош, равишдош, шарт майли шакллари ёрдамида: —р, —ар экан, —гандан сўнг (кейин), —масдан бурун (аввал), —б, иб, —гач (—қач, —қач), —гунча (—кунча, —қунча), —гунга қадар, —ганда эди, —са, —са ҳам, —са—да, —май туриб, —маса, —май, —мас экан, —ми (юклама).

Қуёш ботгач, атрофни қоронғилик босди. Агар тавак—калчилик бўлмаганда эди, тараққиёт ҳам бўлмас эди. Олим бўлсанг, олам сеники.

Эргаш гап бош гапдан олдин, кейин ва бош гап ора—сида келиши мумкин: *Эшик очилиб, ичкарига Навоий кириб келди* (эргаш гап+бош гап). *Биз шунга иқрор бўлдикки, курашсиз ўсиш бўлмайди* (бош гап+эргаш гап). *Мушукни осмондан ташлаб юборсанг, оёғи билан тушади* (бош гап+эргаш гап+бош гап).



147—§. ЯХШИЛИК

Бу дил равшанлиги ва юрак покизалигини намоён этувчи фазилат. Яхшилик ишонч, меҳр, оқибат каби

ахлоқ—одоб сифатлари билан чамбарчас боғланган бўлиб, қоронғиликда ҳам ёришиб туради. Яхши фикрлар, яхши туйғулар, яхши кайфиятлар, яхши ишлар киши кўнглини тоғдек кўтариб, дилига қувонч бағишлайди. Шунинг учун ҳам, яхшилик ҳаммиса одамларга яхшилик қилиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, эл—юрт мустақиллиги ва фаровонлиги учун ишлаш демақдир.

Яхшилик чинакам инсонийлик бўлиб, у халқимизнинг инсонпарварлик қарашларини, қувончларини ифодалайди. Яхши гап гапириш, яхши сўз эшитиш, ёмонликдан кўз юмиш, нафсдан қочиш — буларнинг ҳаммаси инсонийликка киради. Шунинг учун ҳам инсоннинг кечирган ҳаёти унинг қилган ҳар қандай яхшилиги, халққа бўлган нафи, меҳр—муҳаббати, раҳм—шафқати билан улчанади.

Соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур каби ўзбек халқининг буюк алломалари ўз ҳаётларида доимо кишиларга яхшилик қилиш мақсадида яшаганлар. Шу боис Амир Темур «Яхшиларга — яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстнинг қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим», — деган.



Луғат

оқибат — результат

инсонийлик — человечность

раҳм—шавқат — милосердие

иззат—икром — уважение

яхшилик — добро

яхши сўз — доброе, хорошее слово

мурувват — человечность

эҳсон — пожертвовать

Топшириқлар. 1. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

а) Яхшилик деганда нимани тушунасиз?

б) Сиз ҳам дўстларингиз ёки бошқаларга яхшилик қилган—мисиз? 2. Матнни ифодали ўқинг ва мазмунини сўзлаб беринг.

3. Магнда иштирок этган гапларнинг тузилишига кўра турини айтинг. 4. «Яхшилик тўрға элгар, ёмонлик — гўрға» мақолини шарҳланг.

148—§. ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП ТУРЛАРИ

Эргаш гапли қўшма гаплар мазмуни ҳамда грамматик шаклланишига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Эга эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гап бош гап таркибидаги олмош билан ифодаланган эганинг маъносини изоҳлайди. Эга эргаш гап бош гапга феълнинг шарт майли қўшимчаси —са, равишдош шакли —р, —ар, экан ҳамда —ки боғловчиси ёрдамида бирикади; бунда эргаш гап таркибида ким, бош гап таркибида эса у, ўша, ўзи, шу, шу нарса сузлари келади: *Ким бировга яхшилик қилса, ўзи ҳам ёмонлик кўрмайди. Шуниси (шу нарса) равишанки, меҳнатсиз бахтга эришиб бўлмайди.*

2. Кесим эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гап таркибидаги олмош билан ифодаланган кесимнинг маъносини изоҳлайди, тўлди—ради. Кесим эргаш гап бош гапга —ки боғловчиси ёрдамида бирикади. Бунда бош гап кесими сифатида, одатда, шу, шуки, шундаки, шундан иборатки, шумидики каби олмошлар келади: *Тилагим шуки, доимо саломат бўлинг, ойижон. Сиздан умидим шумидики, бутун орзу—ларимни саробга айлантирдингиз. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у бутун баҳорни атиғи чигитдек келадиган гўра ичига камаб бера олади.*

3. Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гап таркибидаги олмош билан ифодаланган тўлдирувчининг маъносини изоҳлайди, тўлдир—ради. Тўлдирувчи эргаш гап бош гапга феълнинг шарт майли қўшимчаси —са ҳамда —ки боғловчиси ёрдамида бирикади. Эргаш гап таркибида кимни, кимга, нимага, кимда, нимада, кимдан, нимадан, кимдаки олмоши, бош гапда уни, унга, унда, ундан, шунга, шуни, ўшанга,

ўшани олмошлари келиши мумкин: *Сиз кимга ишон—сангиз, мен ҳам ўшанга ишонч билдираман. Тарих шуни курсатдики, истиқдолнинг қадри ҳамиша баланд бўлган.*

Бош гапдаги олмош баъзан қўлланмаслиги мумкин: *Билармисан, севган кишига содиқ бўлмоқ—узи саодат. Азизбек яхши биладики, бахтга меҳнат орқали эришилади.*

4. Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гап таркибидаги олмош билан ифодаланган булакнинг белгисини изоҳлайди, ойдинлаштиради. Аниқловчи эргаш гап бош гапга феълнинг шарт майли қўшимчаси —са ҳамда —ки боғловчиси ёрдамида бирикади. Эргаш гап таркибида ким, кимнинг, кимки, кимдаким, қайси, қандай олмошлари, бош гап таркибида эса унинг, шунинг, шундай, бундай, ўша каби олмошлари келади. *Билим шундай хазинаки, уни сарфлаганинг билан адо бўлмайди. Кимки кўп уқиса унинг билим доираси кенг бўлади. Тунгич ботир қайси йўлдан келган бўлса, кенжаси ҳам ўша йўлдан юриб кетди.*

Айрим ҳолларда бош гапдаги шундай олмоши қўлланмаслиги ҳам мумкин: *Одамлар борки, бисотидаги бир ҳовуч сўзни айлангириб, ойлигини олаверади.*

5. Урин эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гапдаги иш—ҳаракатнинг юзага келиш ўрнини англатади. Бунда урин эргаш гап таркибида қаерга, қаерда, қаердан каби олмошлар, бош гапда эса шу ерга, шу ердан, шу ерда, ўша ерда, ўша ердан, ўша ерга, ўша ёққа олмошлари келади. Эргаш гап бош гапга —са шарт майли қўшимчаси ёрдамида бирикади. *Катта арава қаёққа юрса кичиги ҳам ўша ёққа юради. Қаерда интизом бўлмаса, у ерда ўсиш ҳам бўлмайди.*

6. Пайт эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш—ҳаракатнинг юзага чиқиш пайтини ифодалайди. Бош гапдаги иш—ҳаракатнинг юзага чиқиши турлича бўлади.

1. Эргаш ва бош гапдан англашилган иш—ҳаракат бир пайтнинг узида юз беради. Бунда эргаш гап бош гапга қуйидагича бирикади:

а) ўрин–пайт келишигини олган –ган сифатдош қўшимчаси ҳамда чоғ, вақт, пайт сўзлари ёрдамида: *Муаттархон уйга кирган вақтда, синглиси тандирдан нон узаётган эди.*

б) сифатдошнинг –р, –ар шакли ҳамда экан туликсиз феъл ёрдамида: *Уктам ҳаёл суриб борар экан, йулда унга рақс тушиб келаётган бир гала лулилар рўпара келди.*

в) –са шарт майли қўшимчаси ёрдамида: *Дутор чалиб утирсам, тори узилиб кетди.*

2. Бош гапдаги ҳаракат эргаш гапдаги ҳаракатдан аввал ёки кейин юз беради. Бу ҳолда эргаш гап бош гапга қуйидагича бирикади:

а) равишдошнинг –гунча, (–кунча, –кунча), –гунга қадар шакллари ёрдамида: *ГЭС биниси битгунча, ариқлар тозалаб бўлинди. Умар ўтинларни ёриб булгунга қадар, укаси даладан қуйларига ўт олиб келди.*

б) равишдошнинг –май, –масдан бурун (аввал), шакллари ёрдамида: *Ҳали қуёш тиккага келмасдан бурун, кун қиздиргандан қиздира бошлади.*

в) равишдошнинг –гач, (–қач, –қач) –гандан сўнг (кейин) ҳамда –ми юкламаси ёрдамида: *Тонг отгач (отдими), йўлга чиқамиз.*

3. Бош ва эргаш гапдан англашилган иш–ҳаракат кетма–кет юз беради. Бунда эргаш гап бош гапга қуйидагича бирикади:

а) равишдошнинг эгалик қўшимчасини олган –ган шакли ҳамда сайин, сари сўзлари ёрдамида: *Булут қуюқлашиб боргани сари, табиатнинг авзойи бузилиб борарди.*

б) ҳаракат номининг –ш шакли ҳамда билан кўмакчиси ва –оқ юкламаси ёрдамида: *Онам қишлоқдан қайтиши биланоқ тўйни бошлаб юборамиз.*

7. Сабаб эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гапдан англашилган воқеа–ҳодисанинг юзага чиқиш сабабини ифодалайди. Сабаб эргаш гаплар бош гапга қуйидаги воситалар ёрдамида бирикади:

а) шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли боғловчилари ёрдамида (*Ёмғир қор аралаш ёға бошлади, шунинг учун сафаримизни қолдиришимизга тўғри кел–*

ди). Бу ҳолда эргаштирувчи боғловчилар бош гап таркибида бўлади;

б) чунки эргаштирувчи боғловчи ёрдамида (*Ёшларимиз илмга интилмоқдалар, чунки улар ўз келажагига ишонадилар*). Бу ҳолда эса чунки боғловчиси эргаш гап таркибида келади;

в) эргаш гапнинг кесими —ган, сифатдош қўшимчаси ҳамда, учун, сабабли, туфайли кўмакчиларини олади (*Тупроқда туз кўпайгани учун, дарахтлар қурий бошлади*);

с) эргаш гап кесими —лик қўшимчасини олиб келади (*Ҳаво совуқ булганлигидан, кишилар қишки кийимга утишди*);

д) эргаш гап бош гапга шекилли кириш сўзи ёрдамида бирикади (*Бугун дам олиш қуни, шекилли, атрофда одам кам кўринади*).

8. Шарт эргаш гапли қўшма гаплар.

Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш—ҳаракатнинг қандай шарт билан юзага чиқишини билдиради. Шарт эргаш гаплар бош гапга қуйидаги воситалар ёрдамида бирикади:

а) феълнинг шарт майли қўшимчаси —са билан (*Кураш бўлмаса, ўсиш ҳам бўлмайди*);

б) эргаш гап ўз таркибидаги агар, агарда, мабодо, башарти каби ёрдамчилар билан бирикади (*Агар ўзимиздан ҳалол ва пок виждонли кишилар кўп чиқса, ҳаётимиз ҳам фаровон бўлади*);

в) эргаш гап бош гапга сифатдошнинг —ган шакли ва ўрин—пайт келишиги қўшимчаси ёрдамида бирикади (*Агар онажоним ҳаёт булганида эди, бошимга кутариб юрган бўлардим*);

г) эргаш гап бош гапга —ми, —чи юкламалари ёрдамида бирикади (*Токка яхши қаралсами (-чи), ҳосили ҳам мўл бўлади*).

9. Мақсад эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш—ҳаракатнинг қандай мақсадда бажарилишини билдиради. Мақсад эргаш гаплар бош гапга деб, токи сўзлари ёрдамида

бирикади (*Юртимиз янада гулласин деб, меҳнатни аямадик. Тилимизни тоза сақлашимиз керак, токи у нафис ва гўзал тилга айлансин*).

10. Тусиксиз эргаш гапли қўшма гап.

Бош гапнинг мазмунига зид бўлса—да, эргаш гапни ундаги ифода этилаётган иш—ҳаракатнинг юзага чиқишига тусиқ бўла олмайдиган маънони ифодалайди. Тусиксиз эргаш гап бош гапга феълнинг шарт майли қўшимчаси —са ҳам боғловчиси ёки —са, —да шаклида, шунингдек билан, қарамай кўмакчилари ёрдамида бирикади (*Қор гупиллаб ёғиб турган бўлса ҳам, йигит қизни кутарди. Палағда тухумга мурч сепиб берган билан уни еб бўлмайди. Қуёш қиздириб туришига қарамай, ичкари салқин эди*).

11. Натижа эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гапда англашилган иш—ҳаракатнинг натижасини билдиради. Бунда эргаш гап таркибида шундай, шу қадар, шунчалик, шу даражада, чунон сўзлари, бош гап гаркибида эса натижада, оқибатда каби сўзлар келади ва улар бир—бирига —ки боғловчиси ёрдамида бирикади (*Шундай кучли бурон турдики, оқибатда ҳамма ёқ бир зумда остин—устун бўлиб кетди*).

Натижа эргаш гапларда боғловчи вазифасидаги сўзлар қатнашмаслиги ҳам мумкин, улар гапнинг умумий мазмунидан билиниб туради: *Ҳаёт гоҳ мурувватли, гоҳ шафқатсизки, унинг қандай тухфалар беришини узинг ҳам билмай қоласан*.

12. Равиш эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш—ҳаракатнинг қай тарзда юзага чиқишини ифодалайди. Равиш эргаш гап бош гапга —б (—иб) равишдош шакли ёрдамида бирикади (*Юлдузлар битта—битта сўниб, уфқ оқара бошлади. Манзураҳон уғлини меҳмон билан ёлғиз қолдириб, қўшнисиникига чиқиб кетди*).

13. Ҳўшатиш эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш—ҳаракатни бошқа бир иш—ҳаракат белгисига ҳўшатиш, қиёслаш орқали ифодалайди. Ҳўшатиш эргаш гапи бош гапга —дек қўшимчаси ва гўё, гўёки, худди сўзлари ёрдамида

бирикади (*Она фарзандига меҳрини берганидек, ер ҳам бизни парвариш қилади, ардоқлайди. Тун қўйни жим-жит эди, гўё ҳамма нарса ширин уйқуга кетгандек*).

14. Даража—миқдор эргаш гапли қўшма гап.

Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш—ҳаракатнинг даража—миқдорини англатади. Даража—миқдор эргаш гап бош гапга шарт майлининг —са шакли ёрдамида бирикади, бунда эргаш гап таркибида қанча, қанчалик, нечоғлик сўзлари, бош гап таркибида эса шунчалик, шу қадар, шунча каби сўзлар келади (*Тоғаси қанчалик қизишса, Ойқиз узини шунча оғирликка соларди. Меҳнат қанчалик қийин бўлса, самараси ҳам шунчалик ширин бўлади*).

167—машқ. Эргаш гап бош гап шаклидаги қўшма гапни топиб дафтарингизга кучиринг ва турини аниқланг.

1. Истагим шуки, онажоним соғ бўлсинлар. 2. Абдурашид жуда яхши билади, ўқишга кириш осон эмас. 3. Инсон нимагаки эришолмаса, ўша азиз туюлади. 4. Ҳаётдан асло нолиманг, чунки унинг ўзи турли — туман қаршиликлардан иборат.

168—машқ. Гапларни кучиринг. Бош гап ва эргаш гапларни аниқланг. Гаплар орасидан бош гап эргаш гап бош гап шаклидаги қўшма гапни топиб тагига чизинг ва изоҳ беринг.

1. Ҳали унинг билмагани шу қадар кўпки, сураб охирига етказиб булармикин? 2. Шуниси равшанки, таълим — тарбия ҳаёт билан боғлиқ бўлиши лозим. 3. Қиссадан ҳисса шуки, ақлли одам эҳтиёткорликни кўлдан бой бермайди. 4. Севги шундай навбаҳорки, у тикандин гул қилур. 5. Биз, об—ҳаво ёмон бўлса ҳам, саёҳатимизни давом эттирдик.



Инсонга умр деган буюк неъмат фақат бир марта берилади. Уни қандай яшаш, қандай утказиш инсоннинг узига боғлиқ. «Вақтинг кетди — бахтинг кетди» деган ажойиб ибора бор. Ҳеч ким дунёда абадий яшаган эмас, шунинг учун бу ҳақда ўйламайдиган киши йўқ. Одамзот ҳаётлик вақтида яшаб утган умрини мазмунга бойитса, яхшилик ва эзгулик ишлар билан машғул булса, ундан яхши хотира ва ўчмас ном қолади. Келажак авлод ҳар кимни қилган хайрли ишларию бажарган яхши амаллари туфайли ёдга олади. Бундан ташқари тарбиялаб вояга етказган фарзандлари ҳам инсон ўзидан кейин қолдирган боғлар қаторига киради. Агар фарзандлар оқил, солиҳ ва олижаноб булсалар — ота-онанинг бахтидир. «Барака топсин, фалончининг болалари бамаъни чиқишди-да», деган сўзни эшитиш ота-она учун катта шараф, олий мукофот экани барчага маълум.

Эзгулик ҳеч қачон беиз йўқолмаган. Инсонни улуг-лайдиган нарса унинг ҳаммага татийдиган савобли ишлари экан, ҳамманинг ҳам яратган боғлари боқий, мевалари серҳосил булсин.



Луғат

келажак авлод — грядущее	умр — жизнь
абадий — вечно поколение	эзгулик — доброта
ҳаётлик вақтида — при жизни	татийдиган — стоящее
яхшилик — добро (добрые дела)	хотира — память

Топшириқлар. 1. Матннинг мазмунини сузлаб беринг. 2. Луғатни ёд олинг. 3. Сиз ҳам «Яхшидан боғ қолади» мавзусида мустақил иншо ёзинг.

Икки ёки ундан ортиқ эргаш гапларнинг битта бош гапга тобеланиб бирикишидан ҳосил бўлган мураккаб қушма гаплар бир неча эргаш гапли қушма гаплар ҳисобланади. Мураккаб қушма гапнинг бу турида эргаш гаплар бош гапга икки хил йул билан бирикади: би—ргалик (туғридан—туғри) ва кетма—кет эргашиш.

Биргалик эргашишда эргаш гапларнинг ҳар бири бош гапга туғридан—туғри, ўзи мустақил ҳолда бирикиб келади, бунда эргаш гапларнинг бирортаси тушиб қолса ҳам, гапнинг умумий мазмунига путур етмайди: *Баҳор келса, гуллар очилса, ариқлар тўлиб сувлар оқа бошласа, табиат яна ҳам қуркамлашади.* Кетма—кет эргашишда эса эргаш гаплар бири иккинчисига, иккинчиси учинчисига эргашиб, кейин бош гапга бирикади, эргашишнинг бу турида эргаш гаплардан бирортаси тушириб қолдирилса, бошқа гаплар мазмунига таъсир қилади: *Сув ўзгарса, жой ўзгариб, одам ҳам ўзгаради.*

169—машқ. *Тергов килмоқ, гувоҳлик бермоқ, жабрланмоқ, жазо, жиноят қилмоқ* сўзлари иштирокида бир неча эргаш гапли қушма гаплар тузинг.

170—машқ. Матн билан танишинг ва рус тилига таржима қилинг.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқароларнинг халқ ҳокимиятини амалга оширишининг, давлат ва жамият ишларида иштирок этишининг воситаларидан биридир. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқароларнинг (аҳолининг) йиғинлари ҳисобланади. Ўзини ўзи бошқариш органлари шаҳарча, қишлоқ, овулларда, уларнинг таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда ташкил

қилинади. Шу ердаги аҳоли уз йигинларида икки ярим йил муддатга Кенгаш ва Раисни (оқсоқолни) сайлайди. Улар доимий ишловчи ўзини ўзи бошқариш органларидир. Фуқаролар йигини ёки уларнинг вакиллари йигилишида шу ерда истиқомат қилувчи 18 ёшга етган барча фуқаролар иштирок этиши мумкин. Ўзини ўзи бошқариш органларини тузиш тартиби, вазифаси, ваколатлари дастлаб 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари туғри-сида”ги қонунда белгилаб қўйилган эди. Бу Қонун 1999 йил 14 апрелда янги таҳрирда қабул қилинди.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли лугатидан.)

Топшириқ. Матннинг мазмунини уз тилингизда сўзлаб бери-ринг ва маъносини ёдда сақланг.

151-§. АРАЛАШ ТУРДАГИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Биз юқорида қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг узаро бирикишига кўра уч хил: боғланган, боғловчисиз боғланган ва эргаш гапли қўшма гаплар каби турларга бўлинишини кўриб чиқдик.

Бироқ қўшма гапларнинг яна шундай тури ҳам мавжудки, уларнинг таркибидаги уч ва ундан ортиқ содда гаплар бир-бирига бир неча хил йўллар билан бирикади. Масалан, шундай бир гапни олиб курайлик: *Юрак бақувват булса, иш унумли булади ва киши чарчамайди.*

Бунда биринчи гап иккинчисига эргашиш йули билан, яъни —са шарт майли қўшимчаси ёрдамида, биринчи ва иккинчи гаплар эса учинчи гапга тенг боғловчи (ва) ёрдамида бириқяпти. Демак, биринчи ва иккинчи гаплар эргаш гапли қўшма гап, биринчи ва иккинчи гап билан учинчи гап эса боғланган қўшма гап ҳисобланади. Қўшма гапнинг бундай тури аралаш қўшма гаплар

дейилади: *Унинг лаблари қимирларди, бироқ сузлари эшитилмаганлиги сабабли, унга ҳеч ким эътибор бермас эди.*

171—машқ. Матнни диққат билан уқинг ва ҳар бир гапнинг тузилишига эътибор беринг. Топшириқларни бажаринг.

Республика

Республика — лотинча “respublika” сўзидан олинган бўлиб, “res” — *иш*, “publicus” — *жамият*, *ижтимоий* деган маъноларни англатади. Давлат бошқарувининг республика шакли қуйидаги турларга ажратилади: 1) президентлик республикаси (АҚШ, Мексика, Ўзбекистон), бунда Президент умумхалқ сайловида сайланиб, бир вақтнинг ўзида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланади; 2) парламентар республика (Италия, ГФР, Венгрия) — бунда парламент тулиқ ҳокимиятга эга бўлиб, унинг олдида ҳукумат сиёсий жавобгар ҳисобланади. Парламент Президентни сайлайди. Бунда Президент фақат давлат бошлиғи бўлиб, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланмайди; 3) аралаш типдаги республика (ярим президентлик) — бунда Президентлик республикаси билан парламентар республика хусусиятлари қўшилиб кетади. Яъни Президент умумхалқ сайловларида сайланиб, юридик ва реал кенг ваколатларга эга бўлади. Бироқ ҳукумат парламент томонидан ташкил этилади ва у нафақат Президент олдида, балки парламент олдида ҳам сиёсий жавобгар бўлади. Бунда Президент ҳукуматга умумий раҳбарлик қилади, лекин уни бош вазир бошқаради. Президент маълум ҳолатлар юз берганда парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли луғатидан.)

Топшириқлар. 1. Юқоридаги матнни уқиб «Республика» сузининг турли хил маъноларини билиб олинг. 2. Матннинг мазмунини узбек тилида сўзлаб беринг.

172—машқ. Соҳангиз буйича ёки талабалар ҳаётига яқин булган мазмундаги 4 та аралаш турдаги қўшма гап тузинг.

152—§. КУЧИРМА ВА УЗЛАШТИРМА ГАПЛАР

Бошқаларнинг ҳеч узғаришсиз, айнан берилган гапи кучирма гап дейилади. Кучирма гаплар, одатда, муаллиф гапи билан бирга қўлланади ва қўштирноқ ичига олинади. Муаллиф гапининг кесими сифатида демоқ, сўзламоқ, айтмоқ, гапирмоқ каби сўзлар келади. Кучирма гапнинг ўрни асосан қўйидагича булади:

а) кучирма гап муаллиф гапидан кейин келади: *Элликбоши паст товуш билан деди: «Ҳукизинг ҳеч қасққа кетмайди, топилади».*

Кучирма гап дарак гап бўлса, нуқта қўштирноқдан кейин қўйилади, сўроқ ёки буйруқ гап бўлса, сўроқ ва ундов белгилари қўштирноқ ичига қўйилади:

М: «К?» М: «К!»

б) кучирма гап муаллиф гапидан аввал келади: *«Беғуноҳ гудакнинг саҳарда қилган дуоси ижобат булади, уйғотинг кизчангизни!»—деди кампир.*

«К»,—м. «К?»—м. «К!»—м.

в) кучирма гап муаллиф гапининг ичида келади: *Мажлис раиси лабини бурди ва бош чайқаб: «Мен ҳеч қандай мақола ёзган эмасман»,—деди.*

М: «К»,—м. М: «К!»—м. М: «К?»—м.

г) кучирма гап муаллиф гапининг ҳар икки томонида келади: *«Низомиддинов, — деди раис ўрнидан туриб, — сиз одамларнинг вақтини олаётирсиз, ахир».*

«К.—м.—к». «К.—м,—к?» «К,—м,—к!» .

Кучирма гап иккита булиб, уртада муаллиф гапи келадиган бўлса, тиниш белгилари қўйидагича қўйилади: *«Орзуларимиз мул, — деди Уктам. — Бу чулларда шундай жаннат яратайликки».*

«К,—м.—К». «К,—м.—К?» «К,—м.—К!»

Кучирма гаплар асосан бадий ва сузлашув услубларида қўлланилади. Баъзан кучирма гапнинг шакли ўзгартирилиб, ўзлаштирилиб берилади. Бу ҳолда кучирма гапнинг мазмуни тула сақланган бўлиши шарт. Кучирма гап ўзлаштира гапга айлантирилганда, ўзлаштира гап кесими сифатида айтмоқ, сўрамоқ, буюрмоқ, таъкидламоқ феъллари келиши мумкин, аммо демоқ феъли қўлланмайди.

Насиба оёқлари совуқдан зирқираб оғриётганини деди тарзида ифодаланмайди, деди феъли ўрнига айтди шакли қўлланилади. Кучирма гап ўзлаштира гапга айлантирилганда, одатда, гапда кириш суз ва ундовлар тушириб қолдирилади: «Әҳ ёшлик қандай гузал фасл!» — деди ҳаяжонланиб Эрназар. Эрназар ҳаяжонланиб, ёшликнинг гузал фасл эканлигини таъкидлади.

173—машқ. Бешта кучирма гап тузинг ва уни ўзлаштира гапга айлантириб дафтарингизга кучиринг.

153—§. МОНОЛОГ ВА ДИАЛОГ

Икки кишининг узаро гапи (суҳбати) диалог дейилади. Диалогда кучирма гапдаги тиниш белгилари ишлатилади, бироқ қўштирноқ қўлланилмайди. Диалогда ҳар бир кишининг гапи хат бошидан тире қуйиб ёзилади:

- *Отинг нима?* — сўради чол боладан.
- *Ёдгор,* — деб жавоб берди бола.
- *Ёшинг нечада?*
- *Ун туртда.*

Диалоглар асосан сузлашув ва бадий услубларда қўлланилади.

174—машқ. Қуйидаги диалогни тулдиринг.

- Сиз қайси вилоятдан келгансиз?
- ...

- Қайси туманидан ёки шаҳридан?
- ...
- Исми—шарифингиз?
- ...
- Нима учун ҳуқуқшунослик касбини танладингиз?
- ...
- Институтни тамомлаб ким бўлиб ишламоқчисиз (прокурор, адвокат, судья)?
- ...

МАҚОЛЛАР

Ёмон аталиб тирик юргунча,
Яхши аталиб ўлган яхши.

Ёмон бахил булар,
Яхши — аҳил.

Ёмон билан йулдош булма,
Нодон билан сирдош.

Ёмон отинг чиққунча,
Тотли жонинг чиқсин.

Ёмон — уз ғамида,
Яхши — эл ғамида.

Ёмон фарзанд ота—онани ерга қаратар,
Яхши фарзанд ота—онани элга оралатар.

Ёмон кун яхши булар,
Ёмон одам яхши булмас.

Топшириқ. Ҳар бир мақолнинг маъносини шарҳланг ва ёд олинг.

ДУСТИНГ — БОЙЛИГИНГ

154-§. УСЛУБШУНОСЛИК (СТИЛИСТИКА)

Кишилар узаро фикр алмашиш жараёнида тил воситаларини турлича танлайдилар ва ишлатадилар, воқеаликка муносабатларни турлича ифодалайдилар, натижада нутқнинг хилма-хил кўринишлари пайдо булади.

Мана бу матнга эътибор беринг ва уларни бир-бирига таққосланг:

...ботаётган қуёш шуълалари қуш уркач ўртасида утириб олган она қиёфасини баралла курсатарди. У жиддий тусда юзларининг қони қочган ҳолда хушёр тортиб, хавотирланиб утирарди. Сочлари оқариб кетган, манглайини ажин босган, ғам-ғуссали кузларига эса Сариузак хуфтони— ғам-ташвиш чуққан эди.

...ҳазиллашаяпсизми, овсинжон, у-ў-ўлманг-э, о-дамни юрагини ёрвордингиз-ку. Бирам ховлиқасиз-ей, бирам ховлиқасиз-ей... Узиям бозордан қайтиб келгунумча она сутим оғзимга келди-ёв.

Бу икки матн бир-биридан сўз танлаш, ишлатиш ҳамда грамматик, фонетик, лексик хусусиятларига кура кескин фарқ қилади. Биринчи матнда фикр «қуёш шуълалари», «она қиёфаси», «манглай», «ғам-ғуссали кузлар» каби буюқдор сўзлар ёрдамида ифодаланиб, ўқувчининг руҳиятига кучли таъсир курсатиляпти. Иккинчи матн эса, аввало, сўзловчининг интонацияси (сўз оҳанги) билан ажралиб турибди (у-ў-ўлманг-э, ховлиқасиз-ей, юрагимни ёрвордингиз-ку сўзлари узига хос чўзиқ оҳанг билан айтиляпти), шевага хос сўзлар, ибора ҳамда такрор қўлланган. Нутқдаги ана шу узига хослик, яъни тил воситаларини ўз ўрнида қўллаш ва ишлатиш усуллари нутқ услублари ҳисобланади. Нутқ услублари

тилшуносликнинг услубшунослик (стилистика) булимида ўрганилади.

Нутқ услублари хилма-хилдир: сузлашув, расмий, илмий, публицистик (оммавий) ва бадиий услублар.

175—машқ. Матнни рус тилига таржима қилинг ва мазмунини эслаб қолинг. Матннинг ёзилиш услубига эътибор қилинг.

Ҳукумат

Ҳукумат — давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ фанлари нуқтаи назаридан ҳукумат давлат бошқаруви ташкил этилишининг ўзига хос шарти (давлат механизми) сифатида куриб чиқилади ва давлат ижро ҳокимиятининг коллегиял органи деб эътироф этилган. Ҳукумат ҳар давлатда ҳар хил номланиши мумкин: Министрлар кенгаши (Франция, Италия, Польша), Министрлар Кабинети (Буюк Британия), Давлат Кенгаши (Хитой) кабилар. Ўзбекистонда ҳукумат Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади. Ҳукуматни ташкил этиш партиясиз, бир партияли ёки коалицион асосда бўлиши мумкин. Ҳукуматнинг ташкил этилиши давлатнинг бошқарув шакли билан узвий боғлиқдир. Парламент давлатларида ҳукумат давлат бошлигининг топшириғига асосан, етакчи партия томонидан тузилади (коалицион ҳукумат тузишда кўпчилик уринга эга партиялардан бири томонидан), Президентлик Республикасида (агар Конституцияда белгиланган бўлса) ҳукумат Президент томонидан ташкил этилади ва ҳар бир номзод парламент тасдиғидан ўтиши керак. Министрлар (Ўзбекистон вазирлар), кўмита раислари ҳукумат аъзолари бўлиб ҳисобланадилар. ЎзР Конституциясининг ХХ бобида ҳукумат тариқасида Вазирлар Маҳкамасини тузиш талаблари белгиланган.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли лугатидан.)

Сузлашув услубида бошқа услубларга нисбатан суз танлаш ва қўллашда эркинлик анча катта бўлади, гап бўлақларининг ўрнини истаганча алмаштириш, унутилган суз ёки бирикмаларни гап охирида келтиравериш мумкин (*Қараб қуйчи, нима қиляптийкин аканг. Мана машина ютиб олдик, «Нексия»*).

Сузлашув услубида нутқнинг образли воситалари: кўп маъноли сўзлар (*бир тузлаб қўйдим—да— адабини бериб қўйдим, имтиҳондан йиқилибди—имтиҳон топширол—мабди, чузиб қуйинг соққасини — пулини туланг*), иборалар (*кузингга қараб юрсанг—чи, оғзингга қараб гапир, оёгингни қулингга олиб югур*), шевага хос сузлар, жаргонлар, пичинг, кесатиқ сўзларнинг қўлланиш доираси анча кенг бўлади.

Сузлашув услубида ундалма, содда кўчирма гаплар, тўлиқсиз ва сўз—гаплар ҳам кўп қўлланилади. Бу услубнинг асосий хусусиятларидан яна бири нутқ сузлаётган пайтда ҳар хил имо—ишораларнинг ишлатилишидир. Халқ эртаклари ва дostonлари, айниқса, ана шу услуб учун хос.

176—машқ. Уртоғингиз билан маҳалласининг узига хос урф—одатлари ва шевалари ҳақида суҳбатлашинг.

177—машқ. Матнни ўқинг ва қандай услубда ёзилганлигини айтинг.

Қасам баракани кеткизади

Саҳобалардан бири Жубайр ибн Мутрим (р.а.) бир кишидан қарз олиб, уни вақтида тўлаган эканлар. Лекин ўша қарз берган киши бир куни келиб, қарзни бермагансан, дея тониб, яна пулни талаб қилибди. Жубайр ибн Мутрим ҳар қанча уқтирмасинлар, у киши пулни олмаганлигини тан олмабди. Шунда саҳоба унга яна

сураган пулини бериб юборибдилар. Бундан хайратга тушган саҳобалар сурашибди:

— Эй Жубайр ибн Мутрим, нега аввал қарзни тўлаган бўлсанг, яна у кишига пул бериб юбординг. Қарзни тўлаганлигинг ҳақида қасам ичсанг буларди—ку?

— Қасам ичгандан кўра, яна ўша пулни берганим яхшироқ. Чунки қасам ўша пулдан кўра кўпроқ баракани кетказиши мумкин, — дея жавоб берган эканлар Жубайр ибн Мутрим.

(«Ҳалол ва ҳаром» китобидан.)

156-§. РАСМИЙ УСЛУБ

Расмий услуб давлат миқёсида ҳамда халқаро ташқи иқтисодиёт ва сиёсий алоқалардаги барча расмий ҳужжатлар: давлат конунлари, қарорлари ва фармонлари, ноталар ҳамда халқаро кенгаш, симпозиумлар ҳужжатлари, йўриқномалар, шартномалар, эълонлар, расмий иш қоғозлари: ариза, буйруқ, ишонч қоғози, тилхат, маълумотнома, далолатномалар ёзиладиган услубдир.

Расмий услубга хос асосий хусусиятлар шундан иборатки, унда гаплар, асосан, хабар—дарак мазмунида бўлади, гап бўлаклари қатъий бир ўринда қўлланилади, фикр аниқ ва равшан, маълум бир қолип (стандарт)да ифода этилиб, турғун бирикмалар, атамалардан фойдаланилади.

178—машқ. Расмий иш қоғозларидан намуналар ёзинг ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини тушунтириб беринг.

Топшириқ. Ўзбекистон Республикасининг Конституция—сидан ўзингиз билган бирор моддани келтиринг ва мазмунини шарҳланг. Қандай услубда ёзилганлигини айтинг.

Бу услуб асосан монологик (моналог—бир кишининг гапи) характерда бўлиб, табиат ва ижтимоий ҳаётда кеча—диган жараён, ҳодисалар аниқ талқин этилади, улар ҳақида аниқ илмий хулосалар чиқарилади.

Илмий услубни бошқа услублардан ажратиб турадиган асосий фарқ унинг терминология—атамалар билан боғлиқлигидир. Аниқ ва ижтимоий (гуманитар) фанларга оид барча илмий асарлар, рисоалар, мақолалар ана шу услубда ёзилади. Бунда асосан ҳар бир фаннинг узига хос атамалари қўлланилади (кўп маъноли сўзлар, тасвирий—таъсирий бўёқдор сўзлар, иборалар ишлатилмайди), гаплар дарак—хабар мазмунида бўлиб, улар мураккаб қўшма гаплар шаклида қўлланилади, турли шартли белгилар, рамзлар, курсивлар ишлатилади, гап бўлақларининг ўз қатъий ўрни бўлади.

179—машқ. Манни уқинг ва рус тилига таржима килинг. Қандай услубда ёзилганлигини айтинг.

Ҳужжат

Ҳужжат — инсон замон ва маконда узатиш учун яратган усулда мустаҳкамланган ахборотли моддий объект. Автоматлашган ахборот—излов тизимларида — тизим хотирасига киритилган ҳар қандай объект. Матн, овоз ёзуви ёки тасвир кўринишидаги ахборот ёзилган ҳамда сақлаш ва ижтимоий фойдаланиш мақсадида замон ва маконда узатишга мўлжалланган моддий объект.

Ҳужжатлар мазмунига кўра илмий—техникавий (мақолалар, китоблар, патентлар, чизмалар ва ҳ.к.), ҳуқуқий (қарорлар, фармонлар, шартномалар ва ҳ.к.), бошқарув (буйруқлар, директивалар) ва бошқаларга бўлинади. Бирламчи ва иккиламчи (реферат, аннотациялар ва ҳ.к.)

ҳужжатлар бўлади. Бирон — бир масалага, ҳодисага, шахсга, муассасага ва бошқаларга бағишланган ҳужжатлар мажмуаси ҳужжатлар тўплами дейилади. Ташкилотнинг ҳужжатлар тўплами одатда кириш, чиқиш ва ички (хизмат) ҳужжатларига бўлинади. Масалан, банк ҳужжатлари учун мижозлар банкка тақдим этадиган ҳужжатлар тўлов топшириқлари, чек ва шу кабилар кириш ҳужжатлари, банкда тузиладиган ва мижозларга бериладиган ҳужжатлар — чиқиш ҳужжатлари.

(«Конституциявий ҳуқуқ» изоҳли луғатидан.)

Топшириқ. Матннинг мазмунини эслаб қолинг.

158-§. ПУБЛИЦИСТИК УСЛУБ

Публицистик (лотинча «публикус» — ижтимоий) услуб ўзбек тили нутқ услублари орасида нисбатан кейинроқ, XX аср бошларида, Туркистонда дастлабки газеталар пайдо бўлишидан шаклланган.

Публицистик услуб ёзма ва оғзаки шаклларда намоён бўлади. Оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, радио, телевидение) учун ёзиладиган, ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига оид очерк, фельетон, памфлет, репортаж, муурожаатномалар ана шу услубда яратилади.

Публицистиканинг оғзаки шакли эса бевосита нотиклик санъатида ўз ифодасини топади. Радио, телевидениеда, турли учрашув ва кечаларда кундалик воқеалар, халқаро ҳаётга оид шарҳлар билан чиқувчи нотиклар ана шу услубда сўз юритадилар. Уларнинг воқеликка бўлган муносабатлари факт танлаш, ўз қарашларини мантиқий изчил, қисқа, аниқ, равшан таҳлил қилишда куринади.

Публицистик услубда сўзлашув услубига хос элементлар ишлатилмайди, кўпинча ижтимоий—сиёсий атамалар қўлланилади.



Дустлик — ислом динининг халқлар ўртасида тинчлик, дустлик ва узаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнаттиш ҳақидаги таълимотлари ўзининг мислсиз ҳаётийлиги билан киши қалбидан чуқур жой олган.

«Қуръон» ва ҳадиси шарифларда ҳам дустлик муносабати биринчи даражали аҳамиятга молик масала ҳисобланган. Ҳадисларда: *«Ҳеч ким ҳеч кимдан ортиқ эмас», «Ўзингга назар қил. Сен қизил ёки қора танли одамлардан афзал эмассан, балки Тангридан кўрқиб ва тақво билангина фазилатинг зиёда бўлиши мумкин», «Бўлиниб кетишдан сақланинглар», «Кимки кўпчиликдан ажралса, дўзахга йўл олган булади»* дейилади.

Ҳақиқий инсонлар бир-бирларини дўст ва йўлдош тутганлар, дустлик ва иноқлик кенг халқ оммасининг буюк фазилати бўлиб, буни Навоий ҳазратлари беш аср илгари дostonларида тараннум этганлар. Бу гоё ҳозир ҳам халқлар ўртасида миллий низолар кўпайган қийин бир шароитда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Эркин Воҳидов: *«Дуст билан обод уйинг, гар булса у вайрона ҳам»*, — деб бежиз ёзмаган. Ҳақиқий дўст кўнгил уйининг ободлигидир. Дўст сиймосида шахсининг шодликлари акс этади. Ҳақиқий дўстликни донишмандлар икки вужуддаги битта қалб, дейишган. Ўртадаги эътиқод ва маслак бирлиги одамни одамга яқинлаштиради. Дўстларнинг ва тенгдошларнинг бир-бирларига ширин муомалада, ҳар лаҳзада меҳру муҳаббатли бўлишлари дўстлик ишларини мустаҳкамлайди. Бундай кишилар ўзига ҳам раво кўрмаган ва ёқтирмаган нарсаларни дўстларига ҳам раво кўрмайдилар. Дўстлик киши бошига иш тушганда билинади. Дўст бирор нарсага муҳтож бўлса, кўмаклашмоқ, шошилмоқ, ҳолидан хабар олмоқ, кўнглига далда бермоқдир. У икки дил орасидаги муҳаббатни,

садоқатни боғлайди. Дўстлар бирор нолайиқ ишга қўл урганда уни йулдан қайтариш ҳақиқий дўстнинг ишидир.

Дунё сафоси билан, дўст вафоси билан гўзал, дейди халқимиз. Сохта дўст бамисоли соя, қуёшли кунда ундан қочиб қутулолмайсан, булутли кунда ахтариб тополмайсан.

Дўстликнинг узилмас ришталари: меҳр, имон, диёнат ва виждон уйғунлиги. Дўстлик ҳис—туйғулари, ишонч ва эътиқодлар инсонда ёшлиқдан пайдо бўлади. Лекин бу хусусиятлар ўз—ўзидан вужудга келмайди. Куп миллатли Ватанимиз халқининг ягона қардошлик оиласида тинч—тотув, ўзаро дўст ва биродар бўлиб яшаётганлигини ҳис этишлари ҳамда бу улуг ишда уларнинг фаоллигига эришиш мақсадга мувофиқдир.

(«Ахлоқ—одоб сабоқлари» китобидан.)



Лугат

дўстлик — дружба

обод — благоустроенный

муҳтож — нуждающийся

биродар — брат, друг

ҳамкор — сотрудник

раво — дозволенный

вафо — верность

иноқ — дружный

Топшириқлар. 1. Матни эътибор билан уқинг ва қандай услубда ёзилганлигини айтинг. 2. Энг яқин дўстингиз ҳақида ўзбек тилида сўзлаб беринг. 3. Матннинг мазмунини сўзлаб беринг.

160-§. БАДИИЙ УСЛУБ

Сўз воситаларидан эркин фойдаланиш, уқувчи (тингловчи)нинг руҳиятига чуқур таъсир кўрсатиш мақсадида тилнинг тасвирий, образли воситаларидан, эмоционал буёқдор сўзлардан кенг фойдаланиш бадий услубнинг асосий хусусиятидир.

Бадиий услуб, асосан, ёзма нутққа хос бўлиб, бу услубда ёзиладиган асарлар китобхонга ахборот беришдан ташқари эстетик вазифани ҳам бажаради, яъни инсон туйғусига таъсир этади. Бунда адиб бадиий—тасвирий воситалардан, кўчма маъноли сўзлар, иборалар, шевага хос сўзлар, эскирган сўзлар, ундов сўзлар, касб—ҳунарга оид сўзлар, жаргонлардан, шунингдек, риторик сўроқ гаплар, ҳис—ҳаяжон гаплардан кенг фойдаланади.

Бадиий услубни аралаш услуб ҳам дейиш мумкин, чунки унда бошқа услуб унсурлари ҳам учрайди.

180—машқ. Мақолларни ўқинг ва топшириқларни бажаринг.

Мақоллар

Дустинг булса, боғинг чамандир,
Дустинг булмагани — феълинг ёмондир.

Дустлик — барча бойликдан афзал.

Дуст оғир кунда билинар.

Дуст — олтининг,
Душман — қотилинг.

Дуст сўзини ташлама,
Ташлаб бошинг қашлама.

Топшириқлар. 1. Мақолларни ўқинг ва қандай услубда ёзилганлигини айтинг. 2. Ҳар бир мақолнинг маъносини шарҳланг ва унга амал қилинг. 3. Ҳаётингизда дуст орттиринг ва ардоқланг.

УСЛУБИЯТ ТУРЛАРИ

161-§. ЛЕКСИК УСЛУБИЯТ

1. Омонимларнинг услубий хусусиятлари. Нутқда омонимлардан фойдаланган ҳолда турли сўз ўйинлари ҳосил қилинади: *Қулингдан келганча чиқар яхши от, Яхшилиқ қил, болам, ёмонликни от, Насиҳатим ёд қилиб ол, фарзандим, Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от.* Бу уринда биринчи от “ном” маъносида, иккинчи “иргит”, учинчиси “хайвон” маъноларида келган. Бу жанр бадиий адабиётда туюқ деб номланади.

2. Синонимларнинг услубий хусусиятлари. Синонимларни қўллашда улар ҳиссий—таъсирий бўёқ мавжудлиги жиҳатидан фарқланади: *юз, афт, башара, бет, турқ, чехра, жамол, рухсор, дийдор* синонимик қаторидаги *юз* маъноси бетараф сўз бўлса, *бет, афт* сўзлари салбий бўёққа эга, *башара* сўзида эса салбий бўёқ янада кучли, *турқ* сўзида *башара* сўзига нисбатан ҳам кучлироқдир; *чехра* ижобий бўёққа эга, *жамол* сўзида бу бўёқ янада кучли. Шунингдек, синонимларнинг ишлатилиш доираси чегараланган ёки чегараланмаган бўлиши мумкин: *кекса, қари, оқсоқол, нуроний, мўсафид* синонимик қаторидаги *қари* сўзининг ишлатилиш доираси кенг, қолганлариники эса чегараланган. Синонимларни уринсиз ишлатиш оқибатида турли услубий хатолар келиб чиқади: *Бульдозер кўчамизда йиқилай деб турган деворларни бир чеккага суриб йўл очар эди* гапида *йиқилий* сўзи ноўрин қўлланган, чунки бу сўз одамларга нисбатан ишлатилади; бу гапда деворга нисбатан *қулай* сўзи ишлатилиши керак эди.

3. Антонимларнинг услубий хусусиятлари. Антонимлардан тўғри фойдалана олмаслик ҳам услубий хатоларни келтириб чиқаради: *...чойхона мудири Юсуф—*

жон Нозимов турмушнинг иссиқ-чучугини тотиган кишига ўхшайди. Бу гапдаги иссиқ-чучугини жуфтлиги ўрнида аччиқ-чучугини жуфтлиги ишлатилиши керак эди.

4. Паронимларнинг услубий хусусиятлари. Паронимларни тўғри қўлламаслик орқасида ҳам хатоликлар келиб чиқади: *Чаноклардаги лўппи очилган пахталар қуёшда ярқираб кумушдек тобланади.* Бу гапдаги *тобланади* ўрнида *товланади* сузи ишлатилиши керак эди.

5. Турли сабабларга кўра қўлланиши чегараланган сўзларнинг услубий хусусиятлари. Бундай сўзларга эскирган ва янги сўзлар, шева, касб-ҳунарга оид сўзлар, атамалар, жаргонлар киради. Нутқда бу каби сўзлар ҳам муҳим услубий вазифалар бажаради. Архаизмларда бадиий ёки оммабоп асарларда нутққа киноя, ҳажв руҳини киритиш учун фойдаланилса, тарихий сўзлардан утмиш воқелигини ифодалаш мақсадида фойдаланилади. Шева сўзлари маҳаллий руҳни ифодалашда ишлатилса, атамалар илмий ва бадиий асарларда фан-техникага оид тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади, жаргонлар эса маълум тоифага мансуб кишилар нутқини бериш учун зарурдир.

Албатта, бу гуруҳ сўзлардан фойдаланганда, чегарадан чиқмаслик лозим, акс ҳолда нутқда ғализлик пайдо бўлади: *1. Терилган пахтани ташиб туриш учун кўтаримчи ажратилди.* *2. Бунинг устига токарлик станогининг резцодаркатели ўрнига махсус мослама тайёрланиб, унга гребенларни фрез ўрнатди.* Биринчи гапда *кўтаримчи* деган ўринсиз ясалган янги сўз ишлатилган бўлса, иккинчи гапда атамалар маёврдан ортиқ даражада ишлатилган.

Нутқда ибора, тасвирий ифода ва мақоллар ҳам маълум услубий вазифа бажаради. Иборалардаги омонимлик, синонимлик, антонимлик хусусиятлари, тасвирий ифодалардаги баландпарвозлик, мақоллардаги мазмуний ихчамлик катта услубий имкониятлар яратади: *бир*

ёқадан бош чиқармоқ ибораси бадий нутққа мансуб бўлса, бир жон, бир тан бўлмоқ ибораси умумнутққа хосдир. Ёзувчи ва шоирларимиз ҳам ибора ва мақоллар ижод қилишади. Уликнинг ёғини, тирикнинг тирноғини ейди бу. (А.Қ.) Уқсиз солдат – қиличсиз қин. (О.)

162-§. ФОНЕТИК УСЛУБИЯТ

1. Нутқ товушларининг услубий хусусиятлари.

1) *туз, асир, девон* каби сўзлардаги товушларнинг тугри талаффуз қилинмаслиги оқибатида нутқда тушун–мовчилик юзага келади.

2) *–да, –ва, –қа*, ёки *–қ* каби бўгинлардан кейин яна шундай товушлар билан бошланадиган сўзларни келтириш нутқий ғализликни келтириб чиқаради: *Сўзларнинг гапда қўлланиши ва вазифалари...*

2. Урғунинг услубий хусусиятлари.

1) ўзбек тилида урғу асосан охириги бўгинга тушади: *иш, ишчи, ишчилар*.

2) рус тилидаги ва рус тили орқали кирган сўзларда урғу олган товуш аниқ талаффуз қилинади: *стол, вагон, торт, район, тонна*.

3) худди шундай сўзлардаги урғу олмаган товушлар кучсиз талаффуз қилинади: *ректор–ректир, телевизор–телевизир*.

4) *муҳим, муҳит, мумкин, мусиқа* сўзларидаги *и* товуши аниқ талаффуз қилиниши керак, акс ҳолда бу товуш ўрнида *у* товуши эштилиши мумкин.

163-§. ГРАММАТИК ВА МОРФОЛОГИК УСЛУБИЯТ

1. От туркумига хос услубий хусусиятлар.

1. Келишиқ қўшимчаларининг услубий хусусиятлари. Келишиқ қўшимчалари узаро алмашиб қўлланиши мумкин:

1) *-ни* ва *-дан* қўшимчалари узаро алмашиб қўлланиши мумкин: *Қани, ошдан (ошни) олинг меҳмон.*

2) *-ни* ва *-га* қўшимчалари алмашиб қўлланиши мумкин: *Гапингизга (гапингизни) тушунмадим.*

3) *-ни* ва *-да* қўшимчалари алмашиб қўлланади: *Далани(да) айландим.*

4) келишиқ қўшимчалари ва кўмақчилар алмашиб қўлланади:

а) *-га* қўшимчаси ўрнида *учун* кўмақчиси қўлланади: *Укамга олдим—укам учун олдим.*

б) *-да* қўшимчаси ўрнида *билан* кўмақчиси қўлланади: *Хатни қаламда ёзди — Хатни қалам билан ёзди.*

в) *-дан* қўшимчаси ўрнида *орқали* кўмақчиси қўлланади: *Хабарни радиодан эшитдик — Хабарни радио орқали эшитдик.*

2. Эғалиқ қўшимчаларининг услубий хусусиятлари.

1) отларда қўлланган эғалиқ қўшимчаси қаратқич келишиги қўшимчасининг мавжудлигини, қаратқич келишиги қўшимчаси эса эғалиқ қўшимчасининг борлигини кўрсатиб туради: *мактаб ҳовлиси, бизнинг мактаб.*

2) эғалиқ (қарашлик) маъноси *-ники* қўшимчаси ёрдамида ҳам ифодаланиши мумкин: *Бизнинг мактабимиз — Мактаб бизники.*

3) қаратқичли бирикмаларда шахслар алмашиб қўлланиши ҳам мумкин: *Менинг уйим шу ерда — Каминанинг уйи шу ерда. Сиз ваъда бергандингиз — Ўзлари ваъда бергандилар.*

3. От ясовчи қўшимчаларнинг услубий хусусиятлари. Бу қўшимчалар орасида узаро синоним бўлган қўшимчалар ҳам учрайди: *ғаллақор—ғаллачи, адабиётчи—адабиётшўнос, меҳнаткаш—меҳнатчи— меҳнатчан.*

II. Сифат туркумига хос услубий хусусиятлари.

1. Сифатлардаги қиёсий даражани ясовчи *-роқ* қўшимчаси ўрнида *-мтир*, *-иш*, *-имтил* қўшимчалари қўлланиши мумкин: *кўкроқ — кўкиш, қорароқ—қорамтир* каби.

2. Сифат ясовчи қўшимчалар орасида синонимлик ҳодисаси кўплаб учрайди: айбдор–айбли, сергайрат–гайратли, чопқир–чопагон, беғубор–ғуборсиз, бамаъни–маънили.

3. Бу қўшимчалар орасида антонимлик ҳам учрайди: сувли–сувсиз.

III. Олмош туркумига хос услубий хусусиятлари.

1. У, бу, шу олмошлари ўрнида *бир* сўз (ёки *бир хил* сўзлари) қўлланади: *Бир чаманки, атрофида булбуллар гирён. Бир хил одамлар тушунмайди.*

2. Мен олмоши ўрнида *камина* сўзи қўлланади: *Бу ишда каминанинг заррача тажрибаси йўқ.*

3. Илмий ишларда, расмий ҳужжатларда, йиғилишларда *мен* олмошининг ўрнида *биз* олмоши ишлатилади: *Бизнинг (менинг) бу илмий ишимизда кўрсатиш олмошларининг хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.*

4. Ҳурматни ифодалаш учун *сен* олмоши ўрнида *сиз* олмоши ишлатилади: *Сиз бутун келасизми?* Аксинча, ҳурматсизликни ифодалаш учун эса *сен* олмошига кўплик қўшимчаси қўшилади: *Сенлар бунини тушунмайсанлар.*

5. Кўрсатиш олмошлари таъкидлаш, ажратиш маъноларини ифодалайди: *Китоб – бу доно маслаҳатчи.*

IV. Феълларга хос услубий хусусиятлар.

1. Замон ва шахс сон қўшимчалари синонимияси:

1) феълнинг биринчи шахс бирлик қўшимчаси ўрнида иккинчи шахс кўплик қўшимчаси қўлланади: *Амаки, эртага келасизми?*

2) феълнинг биринчи шахс бирлик қўшимчаси ўрнида иккинчи шахс бирлик қўшимчаси ишлатилади: *Табиатнинг ишларига ҳайрон қоласан киши.*

3) иккинчи шахс кўплик ўрнида биринчи шахс кўплик қўшимчаси қўлланади: *Болалар, бутун диктант ёзамиз.*

4) иккинчи шахс кўплик ўрнида учинчи шахс бирлик қўшимчаси ишлатилади: *У норози оҳангда деди: – Шунақа иш билан ҳазиллашиб бўладими?*

5) ҳозирги замон урнида ҳозирги келаси замон шакли қўлланади: *Бутун қишлоқ улар ҳақида гаплашишади (гаплашишди).*

2. Майл қушимчалари синонимияси:

1) ижро майлидаги феъл буйруқ майли урнида келади: *Қани, кетдик, болалар.*

2) ижро майли шарт майли урнида келади: *Келаман дедингми, келиш керак.*

3. Нисбат қушимчалари синонимияси:

1) биргалик нисбати қушимчаси кўплик қушимчасига синонимдир: *Улар келишди – Улар келдилар.*

2) нисбат қушимчалари орасида ўзаро синонимликни ҳосил қиладиганлари ҳам бор: *-л, -ил, -н, -ин, -ш, -иш; -т, -тир, -дир, -ир, -гиз; -киз, -каз, -қиз, -қаз, -ғиз.*

3. Феъл ясовчи қушимчалар синонимияси:

1) баъзи ясама феъллар ибораларига синоним бўлади: *гуллади–гулга киради.*

2) қушимча ёрдамида ясалган феъллар қўшма феълларга синоним бўлади: *химоялади–ҳимоя қилди.*

3) феъл ясовчилар ўзаро синоним бўлади: *сизламоқ–сизсирамоқ.*

164–§. СИНТАКТИК УСЛУБИЯТ

I. Гап бўлақларининг услубий хусусиятлари.

1) эга билан кесимни мослаштиришда боғламалардан (шахс сон қушимчалари, тўлиқсиз феъллар, *булди, қилди, этди* ёрдамчи феъллари, *саналади, ҳисобланади* каби феъллар) фойдаланилади: *Мен бораман. У талаба булди. Бу тарих ҳисобланади.*

2) қаратқич аниқловчилардаги – нинг қушимчаси шеъриятда баъзан – им тарзида қўлланади: *Ўзбекистон – ватаним маним.*

3) сифатловчи аниқловчилар от билан ифодаланса, маъжозий маъно касб қилади: *Кумуш чойшаб ёпиб далалар, қорлар тагида ухлаб ётади.*

4) сифатловчи аниқловчилар турли сўз туркумларидан тизилиб, сифатлаш вазифасини бажарган ибора ва сўз бирикмалари билан ифодаланади: *Осмон упар тоғлар, бағри кенг инсон, чеки йуқ қирлар, фикри тиниқ инсонлар.*

II. Айрим гап турлари ўртасидаги синонимия.

1) айна бир фикр гапнинг ҳар хил турлари билан ифодаланади: а) содда гап билан: *Ҳар ким экканини уради.* б) қўшма гап билан: *Ким нимани экса, шуни уради.* в) йиғиқ гап билан: *Ҳамма тупланди.* г) ёйиқ гап билан: *Йигилишга Аҳмад, Салим, Уктам – ҳамма тупланди.*

III. Қўшма гапларнинг услубий хусусиятлари.

1) боғланган қўшма гаплар таркибида бириктирув ва зидлов боғловчилари урнида *–у, –ю, –да* юкламалари синоним ҳолатда қўлланиши мумкин: *Ҳаво булутлашди ва ёмғир ёға бошлади – Ҳаво булутлашди–ю, ёмғир ёға бошлади.*

2) эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, эргаш гапли қўшма гаплар, содда гапларга синоним бўлади: *Шуниси аниқки, биз бугун йўлга чиқа олмаймиз – Бизнинг бугун йўлга чиқа олмаслигимиз аниқ.*

3) сабаб, мақсад, ухшатиш эргаш гапларнинг кесимлари сифатдош, ҳаракат номи, от билан ифодаланса, содда гапларга синоним бўла олади: *Тоғ этаги жуда гузал эди, гуё чиройли гилам тушалгандай – Чиройли гилам тушалгандай тоғ этаги жуда гузал эди.*

4) пайт, сабаб, шарт, тўсиқсиз, натижа, равиш эргаш гапларни ўз доирасида синонимлари билан алмаштириш мумкин: *У келса (келган пайтда, келар экан), ҳамма кетиб бўлибди.*

5) боғловчисиз қўшма гаплар боғланган ва эргашган қўшма гапларга синоним бўлади: *Қор ёғди—дон ёғди* (*Қор ёғса, дон ёғади. Қор ёғди—ю, дон ёғди*).

165-§. ТИНИШ БЕЛГИЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ (ПУНКТУАЦИЯ)

I. Нуқта.

Нуқта қуйидаги уринларда қуйилади:

1. Тинч оҳанг билан айтилган дарак, буйруқ ва ундов (ҳис—ҳаяжон) гаплардан кейин: *Ҳаво соф ва салқин. Валижондан салом.*

2. Биринчи қисмида нуқта, кўп нуқта, ундов ёки сўроқ белгиси бўлган кучирма гап ўртасида келган муаллиф гапидан сўнг: *“Мухр қўлдан кетса...—деди у.— Мана кетмон, Эрназарнинг звеносига бор деса, нима қиламан?”*.

3. Қисқартирилган исм ва фамилияларнинг биринчи ҳарфи ёки қисмидан кейин: *А. Қ. (Абдулла Қаҳҳор).*

4. Санаш ёки айрим фикрнинг қисмларини ифодалаган ва ой, кун, йилларни бир—биридан ажратиш учун қўлланган рақам ёки ҳарфлардан кейин: *а) 1. а); б); в); б)1. 2. 3. в) 7.03.92* каби.

II. Сўроқ белгиси.

1. Сўроқ белгиси сўроқ гаплардан кейин қуйилади: *Ишга тайёрмисиз?*

2. Купинча сўроқ гаплар бирдан ортиқ бўлиб келади. Бу ҳолатда сўроқ белгисининг қуйилиши қуйидагича:

1) сўроқ гапларнинг ҳар бирига аҳамият бериш лозим топилса ёки ҳар қайси сўроқ гап мазмунига кўра мустақил бўлса, бирдан сўнг сўроқ белгиси қуйилади: *Комила сўзида давом этди: “Ҳа, Жамол акам қани? Уйдами?”*.

2) агар сўроқ гаплар мазмунан умумий бир фикрни ифодаласа, сўроқ белгиси энг сўнгги сўроқ гапдан кейин қуйилади: *— Тағин меҳмон бошлаб келдингми? Ким ке—*

ляпти: *Саврими, Раҳбарми, ё акангининг болаларини етаклаб келясанми? (Ф. Ф.).*

3. Сўз ёки ибора ноаниқ бўлса, унда гумон ифодаланса, сўроқ белгиси қўйилади: *Овқатга тажаввуз (?) қилингандан сўнг, меҳмонлар қўлларини дастурхонга (?) артдилар.*

III. Ундов белгиси.

Ундов белгиси қўйидаги ўринларда қўйилади:

1. Кучли ҳис-ҳаяжонни ифодалаган гаплардан сўнг: *“Профессор мана у қандай одам экан!”*

2. Буюриш, тилак, орзу маъноларини ифодалаган гаплардан сўнг: *Фидо бўлсин сен учун жон-танзим, онам!*

3. Гап бошида келиб, кучли ҳис-ҳаяжон ифодаланган ундалмалардан, ундов ҳамда *ҳа* ва *йўқ* сўзларидан сўнг: *Йўқ! Бу оғир ишни бўйнимга ололмайман!*

IV. Кўп нуқта.

Кўп нуқта қўйидаги ўринларда қўйилади:

1. Фикрнинг тугалланмаганлиги, сўзловчининг яна нимадир айтмоқчи эканлигини кўрсатиш учун: *На таъна, на гумон...ана шуларнинг ҳаммаси мен учун, бир мен учунми-я...(Т.).*

2. Баъзан кўп нуқта сўзловчининг ўйлаши, мулоҳаза қилишини кўрсатади: *“Очилсам...вой, мунча мазали бу сўз!” (Я.).*

Бирор сўз ёки гапнинг туширилганини кўрсатиш учун: *... Юдахин фамилияли бир рус кишиси...рус бўлишига қарамай, ҳамма уста-мардикорлар билан...ўзбек тилида сўрашиб чиқди.*

V. Кўп нуқта, ундов ва сўроқ белгиларнинг биринчи ҳолда келиши.

Мураккаб мазмун ифодаланган гапларда ундов белгиси билан сўроқ белгиси, ундов белгиси кўп нуқта ва сўроқ белгиси кўп нуқта кўпинча бириккан ҳолда келади:

1. Ундов ва сўроқ белгиси бириккан ҳолда (!?) аслида-сўроқ мазмунидаги гап бўлиб, сўроқ мазмунига қараганда ҳис-ҳаяжон кучли бўлган гаплардан сўнг кў-

йилади: *Қани бу ерда инсоф! Қани бу ерда адолат деган нарса?! (Ҳ. Ҳ.)*

2. Суроқ ва ундов белгиси бириккан ҳолда (?!) кучли ҳис—ҳаяжон, таажжуб билан айтилган суроқ гаплардан сўнг қўйилади: *Мен бури бўлдимми?!*

3. Ундов белгиси ва куп нуқта бириккан ҳолда (!...) мазмунан тугалланмаган ҳамда кучли ҳис—ҳаяжон ифо—даланган уринларда қўлланади: *Уятни биласизми—йўқ—ми?! (А. Қ.)*

4. Суроқ белгиси ва куп нуқта бириккан ҳолда (?...) мазмунан тугалланмаган суроқ гаплардан сўнг ишла—тилади: *“А?... Қамбар билан Антон ҳақида?...”*

VI. Вергул.

Вергул қуйидаги уринларда қўйилади:

1. Уюшиқ бўлақлар орасида:

1) боғловчисиз бириккан уюшиқ бўлақлар орасида: *Анджон, Наманган, Қўқон, Маргилон—Ўзбекнинг ча—мани, боғу бустони. (Ғ. Ғ.)*

2) такрорланувчи боғловчилар билан бириккан ую—шиқ бўлақлар орасига: *Саодат гоҳ мен билан, гоҳ атлас билан машғул.. (А. Қ.)*

3) зидловчи боғловчилар ёрдамида бириккан уюшиқ бўлақлар орасига: *Замиранинг баланд, аммо майин овози бор эди. (П. Қ.)*

2. Ундалмаларни ажратиш учун: *Яхшилик қил, болам, ёмонликни от. (Ж.)*

3. Кириш сўзларни ва тузилишига кура мураккаб бўлмаган кириш гапларни ажратиш учун: *“Модомики, ҳақингизда шу гап юрар экан, албатта, беҳуда бўлмаса керак деб уйлайман”. (О.). “Кўнглингизга келмасин—ку, извошга эшак қушиб бўлмайди” (А. Қ.)*

4. Ҳа ва йўқ сўзларини гап бўлақларидан ажратиш учун: *“Хафа бўлдингизми? —Йўқ, йўқ. Сиз ҳақли, — деди Олимжон”. (Ш.Р.)*

5. Гапнинг ажратилган булакларини айириб курсатиш учун: *“Биз, 22-гуруҳ қизлари, Хайиринисо ҳам биз билан ёнма-ён туриб ўқишини истаймиз”*.

6. Боғловчисиз боғланган қўшма гапларда: *Сиз отам ўрнида оталик қилдингиз, сиздан ҳеч ёмонлик кўрмадим. (М. Ибр.)*

7. Ва, ҳам, ҳамда, ёки дан бошқа боғловчилар билан боғланган қўшма гапларда: *Йўлчи шу чоқ қанча ақча бўлса ҳам, беришга тайёр эди, лекин ёнида бир тийин ҳам йўқ эди. (О.)*

8. Эргаш гапларни ажратиш учун: *Ҳамма йиғилгач, мажлис бошланди.*

9. Муаллиф гапини кучирма гапдан ажратиш мумкин: *– Остимизда олов дарё утади, – деди Чупон ота, – ут олов бўлиб ёнади. (И. Р.)*

VII. Нуқтали вергул.

Нуқтали вергул қуйидаги ўринларда қўлланади:

1. Ўз ичида вергул бўлган ёйиқ уюшиқ булаклар орасида: *Меҳнат, ижод, одам, шарафли дил ёруғи, ҳаёт қувончи—ҳаммасининг асли манбаи—сен, ватаним —тинчлик таянчи. (С. Назар.)*

2. Ўз ичида вергул бўлган, мазмунан даражада мустақилликка эга содда гаплар орасида ҳамда ҳар хил турдаги гапларни ичига олган қўшма гапларда: *Зуннунхўжа Сидиқжоннинг тарафини олган бўлиб, кампирга қараб кавуш отди; Сидиқжонга нимадир демоқчи бўлиб оғиз очган қизини бир тарсаки урди, сўнгра Сидиқжондан упкалаб майин товуш билан гап бошлади.*

VIII. Икки нуқта.

Икки нуқта қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. Уюшиқ бўлаклардан олдин келган умумлаштирувчи сўздан сўнг: *Холмуроднинг дўстлари: Эргаш, Жўра ва Омонтой ҳам бирин-кетин отпускадан қайтишди. (П. Т.)*

Эсл а т м а : Баъзан умумлаштирувчи сўз яшириниши мумкин, лекин икки нуқта қўйилаверади: *Мажлисга қат-*

нашдилар: Собир Эркинов, Шокир Отаев, Абдулла Саидов.

2. Қуйидаги маъноларни ифодалаган боғловчисиз қўшма гапларда:

1) бир гап иккинчи бир гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг сабабини курсатса: *Мен бу йил деҳқончиликдан ҳеч нарса ололмадим: кузги бугдойнинг бошоқлари қуйиб, қовжираб кетди.*

2) бир гап иккинчи бир гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг натижасини курсатса: *Хужа Гиёсиддин Хиротдаги баъзи машҳур зотларни гўзал тақлид қилди: утирганлар уринларидан қўзғолмай қолдилар.*

3) агар бирор гап бошқа бир гапнинг мазмунини тўлдирса, ёки изоҳласа: *Қосим мироб айтарди: – Агар қурқмасанг, энг одамхўр дарё ҳеч нима қилолмайди – сувнинг ўзи қирғоққа чиқариб қўяди.*

3. Кўчирма гапдан олдин, муаллиф гапидан сўнг: *Отам бирдан самоварчига буйруқ беради: – Мусавойга жой солиб бер, озодароқ ёстиқ қуй. (О.)*

IX. Тире.

Тире қуйидаги уринларда қўлланади:

1. От, сон, олмош ва ҳаракати номи билан ифодаланиб, кесим билан боғламасиз бириккан эга билан кесим орасига: *Азиз ватандошим, бу – сенинг имзоинг. Юрган – дарё, утирган – буйра.*

2. Уюшиқ бўлақлардан сўнг келган умумлаштирувчи сўздан олдин: *Сув, ер – булар ҳаёт баҳорига яқин гўзаллик ва янги напъа бағишловчи кучлар эди.*

3. Ажратилган бўлак билан изоҳланмиш бўлак орасига.

4. Кириш гап билан гап бўлақлари орасига: *Алиевлар – улар бутун бошлиқ армияни ташкил қиладилар – фандан оладилар ҳам, фанни бойитадилар ҳам.*

5. Муаллиф гапи билан кўчирма гап орасида: *“Нега бунча кеч қолдинг, Манзура?” – деди Азиз меҳрибон товуш билан.*

6. Диалог типигаги кучирма гапларда: *Келдими? — Келди.*

7. Кутилмаган воқеа—ҳодисаларни ифодалаган гаплардан олдин: *“Мен дарров идорага югурдим — йуксиз”.*

8. Зид маъноли гаплар орасида: *Жисмимиз йуқолур — учмас номимиз.*

Х. Қавс.

1. Ифодаланаётган фикрга ёки унинг булагига қушимча изоҳ берувчи сўз ёки иборалар қавсга олинади: *Виктор (Лизанинг укаси) келиб қолди.*

2. Кириш гаплар ёки ремаркалар қавс билан берилади: *Марямхоним (йиглаб). Мажбурият келтирди мани.*

3. Мисол ёки кучирманинг манбаи: *Оҳ, Ҳирот, Ҳирот! (О.)*

4. Изоҳ маъносидаги сўз ёки иборага оид тиниш белгилар қавснинг ичига олинади: *Бу ерларда у куйчи, хаёлчан юрди (болалиқдан чанқоқди илмга, куйга!). Фикрида не—не гузал режалар қурди. (О.)*

ХІ. Қуштирноқ.

Қуштирноқ қуйидаги ўринларда қўйилади:

1. Кўчирма гапларни ажратиб кўрсатиш учун: *“Уртоқ Аҳмедов, — деди у”.*

2. Айрим сўз ва сўз бирикмалари ҳам қуштирноққа олинishi мумкин: бу сўз ва бирикмалар кўчма маънода ёки маъносида бўлади: *Одамлар ноилож “хосиятли” гиёҳ томиридан воз кечдилар.*

166—§. ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ НАМУНАЛАРИ

І. Лексик (луғавий) таҳлил

1. Сўзнинг луғавий маъноси аниқланади.

2. Сўзнинг бир маъноли ёки кўп маъноли эканлиги аниқланади.

3. Маъно кўчган бўлса кўчиш усули аниқланади.

4. Сўзнинг омоним, синоним, антоним, паронимлик хусусияти аниқланади.

5. Умумхалқ ишлатадиган сўзми ёки умумхалқ ишлатмайдиган сўзми?

6. Ибора бўлса, маъноси аниқланади.

II. Фонетик таҳлил

1. Сўз таркибидаги товуш ва ҳарфлар сони аниқланади.

2. Сўз таркибидаги унли ва ундош товушлар аниқланади.

3. Ундош товушларнинг жарангли–жарангсизлиги аниқланади.

4. Сўз бугинларга ажратилиб, бугин турлари аниқланади.

5. Сўзнинг урғуси аниқланади.

6. Сўз таркибида товуш ўзгариши бўлса, ўзгариш тури аниқланади.

7. Сўзнинг қайси ёзув асосида ёзилганлиги аниқланади (фонетик, морфологик, шаклий, тарихий–анъанавий, фарқлаб ёзиш).

III. Морфологик таҳлил. Сўз таркиби бўйича таҳлил

1. Сўзнинг ўзак ва қўшимчалари аниқланади.

2. Қўшимчаларнинг вазифаларига кўра турлари аниқланади.

3. Қўшимчаларнинг тузилишига кўра турлари аниқланади.

4. Сўзнинг негизи аниқланади.

IV. От таҳлили

1. Суроғи.

2. Маъно тури (атоқли ва турдош отлар, турдош отларнинг турлари).

3. Сони (бирлик ёки кўпчилиги).

4. Келишиги.

5. Эгалик қўшимчаси бўлса, унинг шахс—сони аниқланади.

6. Кичрайтириш, эркалаш, ҳурматлаш маънолари бўлса, аниқланади.

7. Тузилиш тури.

8. Туб ёки ясамалиги.

9. Гапдаги синтактик вазифаси.

V. Сифат таҳлили

1. Суроғи.

2. Даражаси.

3. Озайтирма ёки кучайтирма сифат.

4. Тузилиш тури.

5. Туб ёки ясамалиги.

6. Гапдаги синтактик вазифа.

VI. Сон таҳлили

1. Суроғи.

2. Бутун ёки касрлиги.

3. Маъно тури.

4. Ҳисоб сузи бор—йўқлиги.

5. Отлашган ёки отлашмаганлиги.

6. Тузилиш тури.

7. Гапдаги синтактик вазифаси.

VII. Олмош таҳлили

1. Суроғи.

2. Қайси туркум ўрнида келган.

3. Маъно тури.

4. Тузилиш тури.

5. Гапдаги синтактик вазифаси.

VIII. Феъл таҳлили

1. Суроғи.
2. Булишли ёки булишсизлиги.
3. Утимли ёки утимсизлиги.
4. Нисбати.
5. Шахс—сони.
6. Замони.
7. Майли.
8. Тулиқ ёки тулиқсизлиги.
9. Етакчи, кумакчи феъллар аниқланади.
10. Вазифадош (хосланган) шакллари.
11. Тузилиш тури.
12. Туб ёки ясамалиги.
13. Гапдаги синтактик вазифаси.

IX. Равиш таҳлили

1. Суроғи.
2. Маъно тури.
3. Даражаси.
4. Отлашган ёки отлашмаганлиги.
5. Тузилиш тури.
6. Туб ёки ясамалиги.
7. Гапдаги синтактик вазифаси.

X. Кумакчи, боғловчи, юклама, модал, ундов ва тақлид сўзлар таҳлили

1. Тури аниқланади.
2. Гапдаги вазифаси.

XI. Синтактик таҳлил. Сўз бирикмаси таҳлили

1. Гапдаги сўз бирикмаси аниқланади.
2. Бош ва эргаш сўзлар аниқланади.
3. Бош ва эргаш сўзларнинг боғланиш усули аниқланади. (мослашув, бошқарув, битишув.)

4. Сўз бирикмасининг бош сўз туркуми бўйича тури аниқланади.

5. Сўз бирикмасининг тузилиш тури аниқланади.

ХII. Гап таҳлили

1. Ифода мақсадига кўра тури.

2. Ҳис—ҳаяжон ифодалашига кўра тури.

3. Тузилишига кўра турлари.

4. Гап булаклари ва уларнинг турлари.

5. Уюшиқ ва ажратилган бўлақлар бўлса, аниқланади.

6. Гап булаклари саналмайдиган бирикмалар бўлса, аниқланади.

7. Узга гап бўлса, тури аниқланади.

МУСТАҚИЛ УҚИШНИ БИЛАМИЗ

167-§. АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ

(940, 941 – 1020, 1026 йиллар ораси)

Абулқосим Фирдавсийнинг қачон туғилгани аниқ булмаганидек, унинг асл исм-шарифи ҳам маълум эмас. Фирдавсий тахаллуси билан жаҳон адабиёти тарихидан урин эгаллаган шоир Эроннинг Фирдавс (Тус) шаҳри яқинида дунёга келган. Шунинг учун у Тусий номи билан ҳам шуҳрат қозонган.

Фирдавсий Бож қишлоғидаги отасидан қолган боғда яшаган ва ёшлигидан халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт ва тарихий рисолаларга қизиққан. Айни пайтда араб ва таҳлавий „қадимги Эрон“ тилларини ўрганиб шу тилларда битилган китобларни мутолаа қилган. Нафақат Урта Осиё ва Эрон, балки Арабистон, Юнонистон ва Ҳиндистон олимларининг асарларини пухта ўрганган Фирдавсий замонасининг улкан донишмандларидан бири даражасига эришган.

Фирдавсий шеърӣ ижодининг қачон бошлангани маълум эмас. Аммо фирдавсийшунослар унинг „Шоҳнома“ни ёзишга 35 ёшида киришгани ҳақида маълумот берадилар. „Шоҳнома“ эса илк маротаба Рудакийнинг замондоши Дақиқий томонидан ёзила бошлаган бўлиб, у фақат Зардушт, Гушгтасп ва Аржасп ҳақидаги жами минг байтдан иборат дostonларинигина ёзиб улгурган. Фирдавсийнинг айтишича, дўстларидан бирининг даъвати билан „Шоҳнома“ни ёзишга жазм этган ва асар устида йигирма йил ишлаб, уни 994-йили якунлаган. Аммо бу вақтда сомонийлар сулоласи тугаб, салтанат Султон Маҳмуд қўлига ўтган эди.

Фирдавсий моддий муҳтожлик талаби билан „Шоҳнома“ни Султон Маҳмудга (мувофиқлаштириш ниятида) бағишлаган, асар устида яна ўн—ўн беш йил ишлаб, уни хийла тўлдирган ва таҳрир этган. Сўнг 30—35 йиллик ижодий меҳнатининг самараси — 60 минг байтдан иборат. „Шоҳнома“ни Султон Маҳмуд га тақдим этади. Аммо султон бу улкан асарнинг қадрига етмаган. Шундан кейин Фирдавсий Ироққа кучиб бориб, Бағдодда „Юсуф ва Зулайҳо“ дostonини ёзади. Умрининг охирида яна Божга қайтиб, она қишлоғида ҳаётдан кўз юмади.

1934—йилда Фирдавсийнинг 1000 йиллиги муносабати билан у дафн этилган жойда мақбара ўрнатилган.

168-§. АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ (973—1043)

Беруний 973 йил 4 октябрда Хоразмда туғилди. Эрта етим қолган булса ҳам, у яхши одамларнинг қулида тарбияланди. Ёшлигиданоқ илм—фанга жуда қизиқди. Айниқса, математика, астрономия, география ва тиббиёт фанларига доир кўп китоблар ўқиди. Қадимги Хоразм тилини, туркий, форс ва араб тилларини пухта ўрганиб олди. Бошқа тилларда ҳам машқ қилди.

Сўнгра ўзи ҳам математика ва астрономия, география ва тарихдан китоблар ёза бошлади. Юлдузларни кузатди, дарё оқимини ўлчади. Турли фанлар соҳасида кузатишлар олиб бориш мақсадида ўзи кўпгина тажриба асбобларини ихтиро этди.

Беруний камтар ва одобли, ҳақгуй ва олижаноб инсон эди. 22 ёшида Хоразмни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган. Анча вақт Афғонистоннинг Газна шаҳрида яшайди. Сўнг Ҳиндистонга борди. Ҳиндистонда бўлганида эски ҳинд тили — санскрит тилини ўрганди. Бу унинг ҳинд маданияти, адабиёти ва уша давр олимлари билан яқиндан танишувига имкон берди. Ҳиндистон ери, тоғлари, дарёлари, усимлик ва ҳайвонлар дунёси, халқи, дини ва

урф—одатларини таърифлаган машхур “Ҳиндистон” асарини ёзди.

Беруний ҳар бир ишга масъулият билан қарар, бошлаган ишини охирига етказишга ҳаракат қилар эди.

Беруний Ўрта Шарқ олимлари орасида биринчи бўлиб Ернинг шар шаклида эканлигини исботлади ва Ер Қуёш атрофида айланади, деган тўғри фикрга келди. У Ер шари ўлчамини аниқлади. Эни 5 метр келадиган глобус ясади, дунё харитасини чизди. Дунёнинг қаерида қандай бойликлари борлигини аниқлади. Денгиз сувининг ҳар куни икки марта қалқиб—қайтиб туришини, Ой ва Қуёш тутилишларининг сабабини соддагина қилиб изоҳлаб берди. Амударё қайси вақтда тошиб, қайси вақтда саёзланиб қолиши жадвалини тузди.

Беруний 75 йил умр кўрди. Шу давр ичида турли соҳаларга оид 160 га яқин китоб ва рисоалар яратди. Асарлари математика, астрономия, география, геология, фармакология, картография, тарих, тил, адабиёт соҳаларига, шунингдек, этнография, фалсафа ва бошқа фанларга бағишланган.

Берунийнинг жаҳон фани олдидаги буюк хизматлари жамоатчилик томонидан эътироф этилган ва юбилейлари куп мамлакатларда нишонланган. Унинг туғилган шаҳри, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти, Тошкент Политехника институти Беруний номи билан аталади. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти таъсис этилган.

169—§. АБУ НАСР ФОРОБИЙ

Абу Наср Форобий IX асрнинг 70—йилларида Сирдарё бўйидаги Фороб қишлоғида туғилди. Форобийлар оиласи туркий қабиладан эди. Форобий Бағдодда ўқиди, араб, грек, яна бир неча тилларни мукамал ўрганди. Фалсафа, мантиқ, астрономия, математика, табобат ва мусиқа билан шуғулланди. “Шарқ Арастуси” (Шарқ

Аристотели) ва Аристотелдан кейинги иккинчи устоз — “Муаллим—ас—соний” номлари билан шуҳрат қозонди. Форобий Аристотелнинг “Метафизика”, “Физика”, “Метеорология” ва бошқа асарларига шарҳлар ёзди. (Буюк аллома ибн Сино ҳам унинг шарҳларидан фойдаланганлигини ёзади.)

Форобийнинг фалсафа, мантиқ, математика, физика, кимё, табобат, табиат ҳодисалари, тилшунослик, шеърӣят, нотиклик санъати, ахлоқ, таълим—тарбия ва бошқа соҳаларга оид асарлари кейинчалик бошқа тилларга ҳам таржима қилиниб, дунёга кенг тарқатилган.

Форобий 160 дан ортиқ асар яратган. Афсуски, улардан бизга 40 га яқинигина етиб келган, холос. Форобий олим бўлиш билан бирга, моҳир мусиқачи ва шоир ҳам эди. У камтар ва камсуқум инсон бўлиб, фақирона кун кечирган, сарой олими бўлишни истамаган.

Умрининг охирида Мисрда, сунг Дамашқда яшаб, уша ерда вафот этган.

Улуғ Шарқ олимининг мероси кейинги авлодлар учун катта хазинадир. 1975 йили Абу Наср Форобийнинг 1100 йиллик туйининг бутун тараққийпарвар инсоният томонидан нишонланиши улуғ олимнинг жаҳоншумул мавқеидан далолатдир.

170—§. АЛИШЕР НАВОИЙ (1441—1501)

Навоий ижоди ўзбек мумтоз адабиётининг энг юксак босқичидир. У „Бадий ул—бидоя“ („Бадийлик ибти—доси“), „Наводир ун—ниҳоя“ („Ниҳоясиз нодирлик—лар“), „Хазойин ул—маоний“ („Маънолар хазинаси“), „Лисонуг—тайр“ („Қуш тили“), „Маҳбуб ул—қулуб“ („Кўнгилларнинг севгани“), „Хамсат ул—мутаҳаййирин“ („Беш ҳайрат“), „Мажолис ун—нафоис“ („Гузал мажлислар“), „Мезон ул—авзон“ („Вазнлар улчови“), „Муҳокамат ул—луғатайн“ („Икки тил муҳокамаси“) каби

унлаб бетимсол асарлар яратади. Ўзбек (туркий) тили ва адабиётининг довругини оламга ёйди. Шоирнинг авлодларига қолдирган энг буюк обидаларидан бири „Хамса“ эди. „Хамса“ – бешлик дегани. У беш мустақил дostonдан ташкил топган. Ҳар бир дoston муайян мавзу, воқеани маснавий йули билан ёритиб беради.

„Хамса“ ёзиш маълум тарих ва анъанага эга. Шарқ адабиётида „Хамса“ ёзишни бошлаб берган буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавий (1141–1209) бўлди. У 1173–1201–йилларда, 28 йил давомида беш дostonни ўз ичига олган „Панж ганж“ („Беш хазина“), асарини яратди. Булар қуйидагилар эди: „Махзанул–асрор“ („Сирлар хазинаси“), „Хусрав ва Ширин“, „Лайли ва Мажнун“, „Ҳафт пайкар“ („Етти гузал“), „Искандарнома“. Орадан юз йил утгач, Хиндистонда ота–боболари асли шахрисабзлик туркий қабилалардан бўлган Хусрав Деҳлавий (1253–1325) унга жавоб қилди. Низомий қул урган мавзу ва вазнда “Матла ул–анвор” (“Нурларнинг бошланмаси“), „Ширин ва Хусрав“, „Мажнун ва Лайли“, „Ҳашт беҳишт“ („Саккиз жаннат“), „Ойнайи Искандарий“ („Искандар ойнаси“) номлари билан дoston ёзиб, иккинчи „Хамса“ни дунёга келтирди.

XV асрда икки буюк хамсанавис – Навоий ва Жомий майдонга чиқдилар. Навоий ўз „Хамаса“сини 1483–1485–йилларда ёзиб, дostonларни қуйидагича номлади: „Ҳайрат ул–аброр“ („Яхшилар ҳайрати“), „Фарҳод ва Ширин“, „Лайли ва Мажнун“, „Сабъаи сайёр“ („Етти кечувчи“), „Сади Искандарий“ („Искандар девори“). Бошқалардан фарқли равишда туркийда (ўзбекча) ёзди. Оқибатда фақат ўзбек эмас, балки умумтурк адабиётининг ҳам юксак чўққиси бўлиб қолди. Жомий эса кейинроқ „Хамса“сига яна икки дoston қўшиб, уни „Ҳафт авранг“ („Етти тахт“) деб атади.

Навоий „Хамса“си халқимизнинг XV асрдаги маънавий тараққиёт кўзгуси бўлиб, унда уша давр ижтимоий

турмуши, халқ ҳаёти, урф-одати, дин-диёнат, ахлоқ-одоб ҳақидаги қарашлар уз аксини топган.

Навоий „Хамса“си яхлит асардир. Буюк шоир унда замонасининг илк энг долзарб масалаларини қаламга олди. Уларга жавоб излади. Ҳар беш дoston узаро мустаҳкам боғланган. Масалан, „Ҳайрат ул-аброр“да шоир умр ва унинг мазмуни, жамият ва инсон, табиат ва инсон каби саволларни қуйса, кейинги дostonларда муайян тақдирлар, воқеалар мисолида уларни очишга ҳаракат қилади.

171-§. ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

Ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, шоир ва олим, подшоҳ ва лашкарбоши Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилда Андижонда Фаргона вилоятининг ҳоқими Умаршайх оиласида дунёга келди. Умаршайх Мовароуннаҳр ҳоқими Абусаид Мирзонинг ўғли бўлиб, 1455 йилда Самарқандда туғилиб, 1494 йилда Аҳсида фожиали ҳалок бўлди.

Бобур Умаршайхнинг саккиз фарзанди ичида энг каттаси эди. Бобур оилада теурийзодалар анъанасига кўра ҳар томонлама тарбия олади. Отаси ўлимидан сўнг у, 1494 йили июнь ойида Андижон тахтига утиради.

1494 йилнинг охирида Бобур Самарқандни эгаллайди. Унинг Самарқандда касал бўлганлигини эшитган Узун Ҳасан Андижонда ўзини ҳоқим деб эълон қилади. Бу орада Бобур тузалиб, 200–300 кишидан иборат содиқ кишилари билан 1498 йилнинг февраль ойида Андижонга юриш қилади, аммо Андижонни ололмади. Самарқанд ҳам унинг қулидан кетади. Мадад сўраб тоғаси – Тошкент ҳоқими Султон Маҳмудхон ҳузурига боради. У тоғасидан кумак ололмагач, яна Андижонга сафар қилиб, унинг атрофларини, Ўш шаҳрини эгаллаб олади.

Бобур Андижонга кетган вақтда Султон Али Мирзонинг онаси шаҳарни Шайбонийхонга топширган эди.

Самарқанд аҳолисининг тирикчилиги оғирлашгач, Муҳаммад Мазид Тархон бошлиқ беклар Бобурни чақириб одам юборадилар. Халқ қўзғолон кўтаради, Шайбонийхон Самарқанддан қочишга мажбур бўлади. Шундай қилиб, 1500 йилда Бобур Самарқандни иккинчи марта эгаллайди.

Шайбонийхон қўшин тўплаб, яна Самарқандга юриш қилади ва шаҳарни беш ой қамалда сақлайди. Шаҳар аҳолиси ағир аҳволда қолганлигини кўрган Бобур ўз ихтиёри билан шаҳардан чиқиб кетади.

1501–1502 йилларда Бобур гоҳ Жиззах, гоҳ Уратепа, гоҳ Тошкент, гоҳ Хужанд атрофларида саргардон бўлиб юради. 1502–1503 йилларда у Ўш ва унинг атрофларини эгаллаб олади. Аммо Аҳмад Танбалдан енгиледи. Тоғаси Султон Маҳмудхон Тошкентдан келиб, Андижонни эгаллайди. Шунда тоғаси Султон Маҳмуд қошида тўрт ой яшайди. 1503–1504 йилларда Шайбонийхон Андижонни босиб олгач, Бобур Ҳиротга бориб, бир оз куч тўплаб, Кобулга юриш қилади ва уни босиб олади.

1507 йилда Шайбонийхон Ҳиротни босиб олгач, Кобулда узини подшоҳ деб эълон қилади.

Яна ўз юртига қайтиб, уни Шайбонийхон қулидан тортиб олиш учун катта куч керак эди. Мана шу мақсадда Бобур (1519–1525 йиллар орасида) Ҳиндистонга беш марта юриш қилади ва ниҳоят, Деҳлини босиб олади.

1526 йилда Бобур Шимолий Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласининг ҳукмронлигига асос солади. У ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш баробарида, Ҳиндистон халқининг иқтисодий—сиёсий ва маданий ҳаётини яхшилашга ҳам эришади.

Бобур 1530 йил 26 декабрда Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида вафот этади. У дастлаб шу ерда дафн этилади. 1533 йилда эса, ўзи васият этганидек, Кобулда қайта дафн этилади.

Бобур йирик давлат арбоби, етук лирик шоир, истеъдодли тарихнавис ҳамда баркамол олим ҳам эди. У ўз бошидан кечирган барча воқеалар, ўзи кўрган ва кезган жойлар, ўзи билган ва учратган шахслар ҳақида мукамал маълумот берувчи “Бобурнома” асарини яратди. Бу асар XVI аср ўзбек бадиий–тарихий насрининг гўзал намунаси ҳисобланади.

А

абадий – вечный
 адолат – справедливость
 ажратмоқ – быть отделённым
 айб – обвинение
 айни вақтда – сейчас
 айниқса – особенно
 айтишларича – как они говорят, по их словам
 алам – страдание, мука; боль;
 амалга оширмоқ – выполнить, осуществлять
 амалий исботламоқ – обосновать практически
 аниқ – точный, точно
 анча – много, довольно много, порядочно
 асосий – основной
 ахлоқ – нравственность, этика
 аҳамият – значение
 аҳвол – положение
 алоқа воситаси – средство связи
 адолатпеша – благодатель
 андиша – опасание, сомнение
 аянчли – жалостный

Б

батамом – совсем, полностью, целиком
 батафсил – подробно
 баҳайбат – огромный
 бевақт – безвременный, безвременно
 бедарак – без вести, безвестно, безвестный;
 бежавф – безопасный, неопасный
 бирдан – вдруг
 бутунги – сегодняшний
 бундан ташқари – кроме этого
 билиш – знание
 бурч – долг
 билимли – эрудированный

В

вазият – обстоятельство, условие
 вакил – представитель, уполномоченный
 васият – завещание

ваъда — обещание
ваҳима — паника, страх,
ваҳший — дикий, свирепый, дикарь
восита — средство, орудие
вужудга келмоқ — быть созданным
вазмин — серьёзный
ваколат муддати — срок полномочия
ваколат доираси — круг полномочий

Г

гувоҳлик — свидетельство
гуноҳ — грех
гувоҳ — свидетель
гуёки — якобы, будто, будто бы
гузал хулқ — прекрасный нрав

Д

давоми — продолжение
дадил — смело
дарак — весть, известие, слух
дарҳол — сейчас же, сразу, немедленно
даставвал — вначале, первым делом
дафъатан — вдруг, внезапно, неожиданно
даҳшатли — страшный, ужасный, грозный
демак — значит, следовательно
демоқ — говорить, сказать
диққат — внимание
доно нақл — мудрая мысль
дахлсиз — неприкасаемый
даъво — иск

Е

енгмоқ — побеждать
етарли — достаточно, достаточный
етишиб чиқмоқ — достичь
етказмоқ — довести, доводить
етук — зрелый

Ё

ёв — враг
ёзиб турмоқ — писать часто, постоянно
ёмон — плохо, плохой, злой, скверный

ёш – возраст, год, молодой
ёқимли – приятный
ёқламоқ – защищать, отстаивать
ёшлар – молодёжь

Ж

жабр–жафо – угнетение, гнёт
жазоламоқ – наказывать
жароҳат – рана
жиддий – серьёзный
жиноят – преступление, злодеяние
жоҳил – невежа, невоспитанный
жамият – общество

З

заиф – слабый
занжир – цепь, пепочка
заргар – ювелир
зарур – необходимо
зафар – победа
золим – угнетатель, изверг, тиран, деспот
замин – земля,
зеҳн – разум, сознание
зоҳирий ифода – внешнее выражение

И

ижод – творчество
изчил – последовательный
илҳом – вдохновение
имзо – подпись, роспись
истак – желание, намерение
ихтиёр – воля, желание
иштирок – участие
иқтисод – экономия
инсон – человек
илрок – разум
иктидорли – способный
инсонпарварлик – человеколюбие
инсон ҳуқуқлари – права человека
инсонпарвар – гуманист
истиклол – независимость, самостоятельность

истиқбол — будущее
ибтидоси — начало, изначально

Й

йил — год
йул — дорога
йулдош — спутник, попутчик
йуқолмоқ — пропадать, исчезать

К

кам — мало
кумуш — серебро
кўклам — весна
кўл — озеро
кўргазма — выставка
келажак — будущее
кўзланган марра — намеченный рубем
камол топтиради — усовершенствует

Л

лавозим — должность
лашкарбоши — полководец
лойиқ эрур — он достоин
лола — тюльпан
лочин — сокол

М

мадраса — медресе
мажбур — вынужден
мақсад — цель
маҳорат — мастерство
муваффақият — успех, удача, достижение
мудир — заведующий
муносабат — отношение, связь
муурожаат — обращение
мутафаккир — мыслитель
муҳим — важный
мусиқа — музыка
меъморчилик — архитектура
маърифат — просвещение
мунозара жойи — место дискуссии
маънавий савия — духовный уровень
маориф — просвещение

маънавий қиёфа — духовный образ, облик
маънавий юксак — духовно возвышенный
маданиятли — культурный
маънавий дунё — духовный мир
мутелик — покорность, послушание
маънавий қудрат — духовная сила
маданий етук — культурно зрелый

Н

набира — внук, внучка
намуна — образец
натижа — результат
нихоят — наконец
ноёб — редкий, ценный
нусха — экземпляр, образец
намунали — отличительный, образцовый

О

об-ҳаво — погода
овоз — голос
оддий — простой, обыкновенный
олга — вперёд
осмон — небо
охир — конец, окончание
оҳанг — мелодия, мотив, напев
олижаноблик — благородность
оқил — разумный
олий вакиллик — высшее представительство
одоб — поведение
одамгарчилик — человечность
олий ҳуқуқ — высшее право

П

пахта — хлопок
пиёда — пешком, пешеход
пичан — сено
пишиқ — крепкий, прочный
подшо — царь
пўлат — сталь, стальной
поклик — чистота
покиза — чистый

Р

рақам — цифра
раҳбар — руководитель
ривожланган — развитый
ризолик — согласие
роҳат — удовольствие

С

саёҳат — путешествие
сана — дата
сарой — дворец
саҳна — сцена
сийсат — политика
сифат — качество
сузмоқ — плавать
суз — слово
самимият — искренность
сўнмас — неугасимый
санъат — искусство
садоқатли — верный

Т

табиб — лекарь
тизим — система
таниш — знакомый
табиат — природа
танҳо — одиноко
тадбиркор — предприниматель
тадқиқот — исследование
талабчан — требовательный
тамға — знак, эмблема
таржима — перевод
ташаббус — инициатива
таъзим — поклон
тарбияли — воспитанный
тенглик — равенство
тақдир — судьба
тасаввур — предствление
тил одоби — культура речи
тежамкорлик — рачительность
тақдир — судьба
тилак — желание, мечта
тинчлик — мир, покой

тонг — рассвет
турмуш — жизнь
туш — полдень
түгри — правильно, прямо

У

узоқ — далёкий, далеко
улкан — громадный, большой
умид — надежда
умр — жизнь
умумий — общий
уңдов — призыв, восхищение
урф—одат — обычай
устоз — учитель
улуглик — величие
умум таълим — общеобразовательный
уялиш — стыдиться

Ф

фарзанд — дитя, ребенок
фармон — указ
фахрий — почетный
фидокор — самоотверженный
фожа — трагедия
фойда — польза
фаросатлилик — догадливость
фикрлаш — мыслить, мышление

Х

хабар — весть, сообщение
хавф — опасность, угроза
хавфсиз — безопасно
хатар — опасность
хато — ошибка
хизмат — служба
хил — вид, сорт
хонадон — семья
хотира — память
хижолат — смущение

Ч

чанг — пыль
чашма — родник, ключ

чет эл — заграница
чигит — семена хлопчатника
чол — старик
чордевор — четыре стены
чунки — потому что
чукур — яма, глубокий
чехра — лицо

Ш

шамол — ветер
шарбат — шербет, сок
шарқ — восток
шаҳзода — принц
шимол — север
шогирд — ученик
шаън — честь
шодлик — радость
шоир — поэт
шуғулланмоқ — заниматься
шарм-ҳаё — стыд, стыдливость
ширинсуханлик — сладкоречивый

Э

эга — хозяин, владелец
эзгу — добрый, благой
эзулик — доброе дело
эл — народ, люди, страж
эркин — свободный
эрталаб — утром
эс — память
эълон — объявление
эътибор — внимание
элга эътибор — внимание к народу
эътиқодилик — убеждение, убежденность
эъозлаш — ценить
эркинлик — свобода
эътиқод — убеждение, вера

Ю

юзлаб — сотнями
юксак — высокий, возвышенный
юррак — сердце
юрт — страна, край, родина

юкори — верх, верхний, высокий
юксалтириш — поднимать, развивать

Я

яёв — пешком
япроқ — лист растения
яхмалак — каток
яшамоқ — жить, существовать
яшнамоқ — цвести, расцветать
яқин — близко

У

узак — корень
уйин — игра, танец
улжа — добыча
улмас — бессмертный
урин — постель, место
урта — середина, средний
ут — огонь
уткир — острый
ушаш — похожий
уқ — стрела
утмиш мероси — наследие прошлого

Қ

қадам — шаг
қадим — прошлое
қадр — цена, ценность
қалтис — рискованный, резкий
қахрамон — герой
қизгин — горячо, горячий
қисқа — коротко
қонун — закон
қор — снег
қудратли — сильный, могущественный
қуёш — солнце
қурол — оружие
қутб — полюс
қалб — душа
қадр-қиммат — цена,
қушиқ — песнь
қонунчилик — законность

Ғ

ғазаб — ненависть, гнев, ярость
ғайрат — энергия, старание
ғам — горе, печаль
ғарб — запад
ғолиб — победитель
ғоя — идея, замысел
ғуза — хлопчатник

Ҳ

ҳавас — интерес, увлечение
ҳарорат — температура
ҳатто — даже
ҳикмат — мудрость
ҳикоя — рассказ
ҳис — чувство
ҳисса — доля
ҳозир — сейчас
ҳужжат — документ
ҳукумат — правительство, власть
ҳукм — решение
ҳуррият — свобода, воля
ҳурмат — уважение
ҳуқуқ — право
ҳис-туйғу — ощущение
ҳалоллик — честность
ҳаё — стыд
ҳаёсиз — бесстыдный
ҳаёли — застенчивый
ҳамнафас — единомышленный
ҳозиржавоб — остроумие

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1—том. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 йил.
2. Каримов И. А. Бунёдкорлик йулидан. 4—том. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 йил.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999 йил.
4. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломқда. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 йил.
5. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт—пировард мақсадимиз. 8—том. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000 йил.
6. Абдурахмонов Ғ., Рустамов Х. . Она тили. (10—11—синфлар учун дарслик.) Т., “Ўқитувчи”, 1995 йил.
7. Аҳмедова Ғ., Каримжонова В. Ўзбек тили (Олий ўқув юртлари, коллеж ва лицейларнинг рус гуруҳлари учун). Т., «Ижод дунёси», 2001 йил.
8. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умуркулов Б. Ўзбек нуқти маданияти очерклари. Т., “Фан”, 1988 йил.
9. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш миллий дастури. Т.
10. Инсон бахт учун туғилади (И. Каримовнинг ҳикматли сузларидан). (Нашрга тайёрловчилар: Д. Ғаниев, З. Ғофуров). Т., «Шарқ», 1998 йил.
11. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. Т., “Ўқитувчи”, 1992 йил.
12. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Т., 2000 йил.
13. Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида, Т., 1993 йил 2 сентябрь.
14. «Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш киритиш тўғрисида, Т., 1995 йил, 6 май.
15. К.Назаров ва бошқа, Ўзбек тили, Т., 1998.
16. Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси, Т., «ФАН», 1992.
17. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати. Т., “Ўқитувчи”, 1996 йил.
18. Рафиев А. ва б. Ўзбек тили ва адабиётдан ўқувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаш. Т., 1999 йил.
19. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., “Ўқитувчи”, 1989 йил.
20. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., “Ўқитувчи”, 1980 йил.

21. Шодмонов Э., Рафиев А., Ғоибов С. Ўзбек тили (урта махсус уқув юртлири учун қулланма). Т., «Ўзбекистон», 1994 йил.
22. Юсуфий Ҳ. ва бошқалар. Ўзбек тили ва адабиёти. Фарғона, 2001 йил.
23. Юридик энциклопедия (проф. У. Тожихонов таҳрири остида). Т., «Шарқ», 2001 йил.
24. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида» қонуни, Т., 1989 йил, 21 октябрь.
25. Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида» қонунига узгартириш киритиш ҳақида. Т., 1995 йил.
26. Ўзбек тили грамматикаси. Т., «Фан», 1975 йил. 1—қисм.
27. Ўзбек тили грамматикаси. Т., «Фан», 1976 йил. 2—қисм.
28. Ўзбек тилининг имло лугати. Т., «Уқитувчи», 1995 йил.
29. Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари. Т., «Уқитувчи», 1997 йил.
30. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги узбек адабий тили. Т., «Уқитувчи», 1987 йил.
31. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати. Т., 1978 йил.
32. Ҳожиёв А., Раҳматуллаёв Ш. Ўзбек тилининг имло лугати. Т., «Уқитувчи», 1996 йил.

ҚУШИМЧА АДАБИЁТЛАР РУЙҲАТИ

1. Абдурахмонов Ҳ., Рафисов А., Шодмонова Д. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси, Т., «Уқитувчи», 1992 йил.
2. Азизхужаёв А., Ҳусанов О., Азизов Х. Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли лугат). Т., «Академия», 2001 йил.
3. Асқарова М., Абдуллаёв Й., Омилхонова М.. Она тили (Умумтаълим мактабларнинг 8 – 9—синфлари учун). Т., «Уқитувчи», 1995 йил.
4. Асқарова М., Қосимова К. Она тили дарслиги (5 синф учун). Т., «Уқитувчи», 1995 йил.
5. Аҳмедов Ғ., Бектимиров Ҳ. Русча—узбекча юридик атамалар лугати. Т., «Адолат», 2002 йил.
6. Рафиев А. Ўзбек адабиётидан дарс турлари. Т., «Уқитувчи», 1999 йил.
7. Ўзбек халқ мақоллари. Т., «Адабиёт ва санъат», 1989 йил.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.. «Ўзбекистон», 2001 йил.
9. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ижроя кодекси. Т., «Ўзбекистон», 1997 йил.

10. Ўзбек тилининг имло лугати. Т., “Фан”, 1976 йил. Т., «Меҳнат», 1993 йил.

11. Қўнғуров Р. ва б. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Т., 1992 йил.

12. Ҳикмат дурдоналари (нашрга тайёрловчи А. Ҳакимжонов). Т., «Меҳнат», 1993 йил.

МУҚАДДИМА	3
БИРИНЧИ ФАСЛ. МУСТАҚИЛЛИК – МУНАВВАР ЙЎЛ	
1–§. ИСТИҚЛОЛ	5
2–§. ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ	9
3–§. ДАВЛАТ БАЙРОҒИ	11
4–§. ДАВЛАТ ГЕРБИ	12
5–§. ИМОН	13
6–§. БУРЧ	15
7–§. ВАТАН	17
ИККИНЧИ ФАСЛ. ТИЛ – МАЪНАВИЯТ КУЗГУСИ	
8–§. ТИЛ - ДУСТЛИК КАЛИТИ	21
9–§. ЎЗБЕК ТИЛИ – ДАВЛАТ ТИЛИ	22
10–§. ТИЛ ВА ЖАМИЯТ	23
11–§. ТИЛ ВА ЁЗУВ	24
12–§. ТИЛ ВА НУТҚ	28
13–§. ТИЛШУНОСЛИК ВА УНИНГ БУЛИМЛАРИ	30
14–§. КОМИЛ ИНСОН	32
15–§. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА УНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ	33
16–§. МАЪНАВИЯТ	37
УЧИНЧИ ФАСЛ. ИНСОН ВА ҚОНУН	
17–§. НУТҚ ТОВУШЛАРИ	41
18–§. УНДОШ ТОВУШЛАР ТАСНИФИ	43
ТУРТИНЧИ ФАСЛ. ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ПОЙДЕВОРИ	
19–§. КОНСТИТУЦИЯ – ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ	48
20–§. БУҒИН	49
21–§. ИНСОНЛИК БУРЧИ	52
22–§. УРҒУ	54
23–§. ОЙЛА–ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ	56
БЕШИНЧИ ФАСЛ. ЕТУК МУТАХАССИС БУЛАМАН	
24–§. ТОВУШ ВА ҲАРФ	61
25–§. МЕНИНГ ОРЗУЛАРИМ	63
26–§. ИМЛО ВА ТАЛАФФУЗ	64
27–§. КИТОБ - БИЛИМ МАНБАИ	66
ОЛТИНЧИ ФАСЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЯГОНА ВАТАН	
28–§. ТИЛНИНГ ЛУҒАТ ТАРКИБИ	69
29–§. ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ВА ХАЛҚ ШЕВАЛАРИ	72
30–§. ШЕВАГА ХОС СУЗЛАР	72
31–§. КАСБ–ҲУНАРГА ОИД СУЗЛАР	74
32–§. АТАМА ВА ТЕРМИНЛАР	75

33-§.	ЭСКИРГАН СУЗЛАР.....	77
34-§.	ЯНГИ СУЗ (НЕОЛОГИЗМ).....	77
35-§.	ЖАРГОНЛАР.....	78
36-§.	МЕН НЕЧУН СЕВАМАН УЗБЕКИСТОННИ?	79
37-§.	СУЗЛАРНИНГ ШАКЛ ВА МАЪНО МУНОСАБАТИГА КУРА ТУРЛАРИ.....	80
38-§.	ОМОНИМЛАР.....	81
39-§.	ПАРОНИМЛАР.....	83
40-§.	СИНОНИМЛАР.....	83
41-§.	ЗИД МАЪНОЛИ СУЗЛАР.....	87
42-§.	УЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ АСОСЛАРИ.....	88
43-§.	КУП МАЪНОЛИ СУЗЛАР.....	89
44-§.	ВАТАН ТУЙГУСИ.....	92
45-§.	ИБОРА.....	94
46-§.	ТАСВИРИЙ ИФОДА.....	96

ЕТТИНЧИ ФАСЛ. МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР – ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

47-§.	ГРАММАТИКАНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ.....	99
48-§.	СУЗНИНГ МОРФОЛОГИК ТАРКИБИ.....	101
49-§.	УЗАК, НЕГИЗ.....	103
50-§.	ҚУШИМЧАЛАР.....	105
51-§.	ТУБ ВА ЯСАМА СУЗЛАР.....	109
52-§.	СУЗЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИГА КУРА ТУРЛАРИ.....	110
53-§.	ТУҒРИЛИК.....	114

САККИЗИНЧИ ФАСЛ. МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОСИ

54-§.	СУЗ ТУРКУМЛАРИ.....	116
55-§.	МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОСИ.....	117
56-§.	ПРЕДМЕТНИНГ НОМИНИ БИЛДИРУВЧИ СУЗЛАР.....	118
57-§.	ОТЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ.....	120
58-§.	ОТЛАРНИНГ БИРЛИК ВА КУПЛИКДА ҚўЛЛанилиши	121
59-§.	ОТЛАРДА ЭҒАЛИК.....	125
60-§.	УЗБЕК УДУМЛАРИ.....	126
61-§.	ОТЛАРНИНГ ТУРЛАНИШИ.....	127
62-§.	ОТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ.....	130
63-§.	ҚУШМА ОТЛАР.....	132
64-§.	ИНТИЗОМ.....	133
65-§.	ЖУФТ ОТЛАР.....	134
66-§.	ҚИСҚАРТМА ОТЛАР.....	136
67-§.	ИККИ ДУСТ ҚИСМАТИ.....	137
68-§.	НАРСАНИНГ БЕЛГИСИНИ БИЛДИРУВЧИ СУЗЛАР.....	139
69-§.	СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ.....	140
70-§.	ОЗАЙТИРМА ВА КУЧАЙТИРМА СИФАТЛАР.....	140
71-§.	СИФАТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ.....	141
72-§.	СИФАТЛАРНИНГ ОТЛАШУВИ.....	142
73-§.	СОН.....	144
74-§.	СОННИНГ ТУРЛАРИ.....	145
75-§.	СОНЛАРНИНГ ОТЛАШУВИ.....	147

76-§. ОЛМОШ.....	148
77-§. ОЛМОШЛАРНИНГ МАЪНОСИГА КУРА ТУРЛАРИ.....	149
78-§. ФЕЪЛ.....	151
79-§. БУЛИШЛИ ВА БУЛИШСИЗ ФЕЪЛЛАР.....	152
80-§. УТИМЛИ ВА УТИМСИЗ ФЕЪЛЛАР.....	153
81-§. ФЕЪЛ НИСБАТЛАРИ.....	154
82-§. ФЕЪЛ МАЙЛЛАРИ.....	157
83-§. ФЕЪЛЛАРНИНГ ТУСЛАНИШИ.....	161
84-§. ТУЛИҚСИЗ ФЕЪЛЛАР.....	162
85-§. ФЕЪЛЛАРНИНГ ХОСЛАНГАН ШАКЛЛАРИ.....	163
86-§. ФЕЪЛЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ.....	166
87-§. ЭЪТИҚОД.....	166
88-§. ҚУШМА ФЕЪЛЛАР.....	168
89-§. ЖУФТ ФЕЪЛЛАР.....	169
90-§. РАВИШ.....	170
91-§. РАВИШЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ.....	171
92-§. РАВИШЛАРДА ДАРАЖА.....	173
93-§. РАВИШЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ.....	174
94-§. ИНСОНЛИК ШАРАФИ.....	175

ТУҚКИЗИНЧИ ФАСЛ. КУЧ – АДОЛАТДА

95-§. КУМАКЧИ.....	178
96-§. АДОЛАТГА БАХШИДА УМР.....	181
97-§. БОҒЛОВЧИ.....	183
98-§. ЮКЛАМА.....	185
99-§. ИНСОФ.....	187

УНИНЧИ ФАСЛ. ГУЗАЛ АХЛОҚ – КОМИЛЛИК КАЛИТИ

100-§. УНДОВ СУЗЛАР.....	190
101-§. ТАҚЛИДНИ БИЛДИРУВЧИ СУЗЛАР.....	192
102-§. МОДАЛ СУЗЛАР.....	194
103-§. АХЛОҚ.....	195

УН БИРИНЧИ ФАСЛ. МЕН ҲУҚУҚШУНОС БУЛАМАН

104-§. СУЗ БИРИКМАСИ ВА ГАП.....	199
105-§. СУЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ.....	203
106-§. СУЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИГА КУРА ТУРЛАРИ.....	204
107-§. ГАП ВА УНИНГ СУЗ БИРИКМАЛАРИДАН ФАРҚИ.....	205
108-§. МЕН ҲУҚУҚШУНОС БУЛАМАН.....	207

УН ИККИНЧИ ФАСЛ. УСТОЗЛАР УГИТИ – БУЮК САОДАТ

109-§. ГАП ВА УНИНГ ТУРЛАРИ.....	209
110-§. ДАРАК ГАП.....	209
111-§. СУРОҚ ГАП.....	211
112-§. ОЛТИН ОЛМА, ОЛҚИШ ОЛ.....	212
113-§. БУЙРУҚ ГАП.....	213
114-§. ҲИС-ҲАЯЖОН ГАПЛАР.....	216

115-§. ГАПНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ.....	217
116-§. СОДДА ГАПЛАРНИНГ ТУРЛАРИ.....	218
117-§. УСТОЗЛАР УТИТИ — БУЮК САОДАТ.....	219

УН УЧИНЧИ ФАСЛ. ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

118-§. ГАП БУЛАКЛАРИ. ЭГА ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.....	223
119-§. КЕСИМ ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.....	224
120-§. БОҒЛАМА.....	226
121-§. ЭГА БИЛАН КЕСИМНИНГ ШАХС ВА СОНДА МОСЛАШУВИ.....	227
122-§. ЭГА БИЛАН КЕСИМНИНГ ОРАСИДА ТИРЕНИНГ ҚУЛЛАНИЛИШИ.....	228
123-§. ГАПНИНГ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БУЛАКЛАРИ.....	230
124-§. ТУЛДИРУВЧИ.....	231
125-§. АНИҚЛОВЧИ.....	232
126-§. ИЗОҲЛОВЧИ.....	234
127-§. ҲОЛ.....	235
128-§. ГАП БУЛАКЛАРИ ТАРТИБИ.....	237
129-§. ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ.....	238

УН ТҮРТИНЧИ ФАСЛ. МАЪРИФАТ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

130-§. ГАПНИНГ УЮШИҚ БУЛАКЛАРИ.....	241
131-§. КАМТАРЛИК.....	242
132-§. УЮШИҚ БУЛАКЛАРНИНГ БОҒЛАНИШИ.....	243
133-§. УМУМЛАШТИРУВЧИ СУЗЛАР.....	245
134-§. ГАПНИНГ АЖРАТИЛГАН БУЛАКЛАРИ.....	245
135-§. УНДАЛМА.....	247
136-§. ДУОНИНГ ХОСИЯТИ.....	249
137-§. КИРИШ СУЗ ВА КИРИШ ГАПЛАР.....	251
138-§. КИРИШ ГАП.....	253
139-§. БИР БОШ БУЛАКЛИ ГАПЛАР.....	254
140-§. СУЗ—ГАПЛАР.....	256
141-§. ТУЛИҚСИЗ ГАПЛАР.....	257
142-§. МАЪРИФАТ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ.....	259

УН БЕШИНЧИ ФАСЛ. ЯХШИЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙДИР

143-§. ҚУШМА ГАПЛАР.....	264
144-§. БОҒЛАНГАН ҚУШМА ГАПЛАР.....	265
145-§. БОҒЛОВЧИСИЗ БОҒЛАНГАН ҚУШМА ГАПЛАР.....	267
146-§. ЭРГАШ ГАПЛИ ҚУШМА ГАПЛАР.....	268
147-§. ЯХШИЛИК.....	269
148-§. ЭРГАШ ГАПЛИ ҚУШМА ГАП ТУРЛАРИ.....	271
149-§. ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ.....	277
150-§. БИР НЕЧА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚУШМА ГАПЛАР.....	278
151-§. АРАЛАШ ТУРДАГИ ҚУШМА ГАПЛАР.....	279
152-§. КУЧИРМА ВА УЗЛАШТИРМА ГАПЛАР.....	281
153-§. МОНОЛОГ ВА ДИАЛОГ.....	282

УН ОЛТИНЧИ ФАСЛ. ДУСТИНГ – БОЙЛИГИНГ	
154–§. УСЛУБШУНОСЛИК (СТИЛИСТИКА)	284
155–§. СУЗЛАШУВ УСЛУБИ	286
156–§. РАСМИЙ УСЛУБ	287
157–§. ИЛМИЙ УСЛУБ	288
158–§. ПУБЛИЦИСТИК УСЛУБ	289
159–§. ДУСЛИК	290
160–§. БАДИЙ УСЛУБ	291

УН ЕТТИНЧИ ФАСЛ. УСЛУБИЯТ ТУРЛАРИ	
161–§. ЛЕКСИК УСЛУБИЯТ	293
162–§. ФОНЕТИК УСЛУБИЯТ	295
163–§. ГРАММАТИК ВА МОРФОЛОГИК УСЛУБИЯТ	295
164–§. СИНТАКТИК УСЛУБИЯТ	298
165–§. ТИНИШ БЕЛГИЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ (ПУНКТУАЦИЯ)	300
166–§. ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ НАМУНАЛАРИ	305

УН САККИЗИНЧИ ФАСЛ. МУСТАҚИЛ УҚИШНИ БИЛАМИЗ	
167–§. АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ	310
168–§. АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ	311
169–§. АБУ НАСР ФОРОБИЙ	312
170–§. АЛИШЕР НАВОИЙ	313
171–§. ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР	315
УЗБЕКЧА–РУСЧА ЛУҒАТ	318
ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ	328
ҚУШИМЧА АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ	329

Карим Назарович Назаров
Гулчеҳра Уроловна Хужанова

ЎЗБЕКТИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан Юридик институти ва университетларнинг
ҳуқуқшунослик факультети рус гуруҳлари учун дарслик
сифатида тавсия этилган

Муҳаррир И. Шоймардонов.
Техник муҳаррир. Ш. Раҳимов.
Компьютерда саҳифаловчи Ф. Нурлибаев.

Босишга рухсат этилди 13.10.03. Ҳажми 21,5.
Адади 500 нусха. Буюртма № 197.
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кучаси, 35–уй.

